

82

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ПАТЕНТШУНОСЛИК, ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

фанидан

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент 2011

Эътиборингизга ҳавола этилаётган «Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш» фани бўйича ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг магистратура мутахассисликлари учун мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг услубий-меъёрий асосини такомиллаштириш тўғрисида» ги 28 ноябрь 2006 йилдаги 272-сонли буйруғига асосан тайёрланди.

Ўқув қўлланма 2 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисм «Патентшунослик ва лицензиялаш», 2-қисм эса «Сертификатлаштириш» масалаларини ўз ичига қамраб олган ва барча магистратура мутахассисликлари учун мўлжалланган.

Ҳар бир бўлим бошланишида умумий кириш қисми берилган бўлиб, ушбу соҳанинг долзарблиги, магистрлар тайёрлашдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга магистратура талабаларига ушбу фан бўйича куйида келтирилаётган билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш вазифаси юкланади.

Фанга тегишли асосий тушунчалар; интеллектуал мулк объектлари; илмий кашфиётлар ва унинг объектлари; ихтиро турлари ва унинг ноанъанавий объектлари; саноат намуналари ва маҳсулот белгилари; патент ахбороти; халқаро патент таснифи ва жаҳон патент тизимлари; интеллектуал мулкни лицензиялаш; лицензия битимлари ва тўловлари; сертификатлаштириш ва сифатни бошқаришнинг қонуний ва меъёрий асослари; Сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш соҳасидаги атама ва таърифлар, халқаро, ҳудудий ва миллий миқёсда сертификатлаштиришнинг ривожланиши, Чет эл давлатларида сертификатлаштириш амалиёти, Россия Федерациясида сертификатлаштириш миллий тизимини яратилиши, ЎзР да сертификатлаштириш миллий тизими; Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари, Ўз СМТ илмий-усулият маркази – стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти, аккредитланган синаш лабораториялари, сертификатлаштириш схемалари, синов лабораториялари; эксперт-аудиторлар ҳақида маълумотлар қисқача баён қилинган.

Ушбу ўқув қўлланма Вазирлик буйруғи асосида илк бор тайёрланган бўлиб, магистратура талабалари билан бир қаторда ушбу фан ўқитувчилари учун ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма бўйича фикр-мулоҳазалар, таклифлар ва тавсиялар ТошДТУ «Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» кафедрасига юборилиши мақсадга мувофиқдир. Муаллифлар эса юборилаётган фикр-мулоҳазаларни чуқур миннатдорчилик билан қабул қиладилар ва инобатга оладилар.

Тузувчилар: Исматуллаев П.Р., Турғунбоев А., Ахмедов Б.М.,
Тўраев Ш.А.

Такризчилар: Азимов Р.К., т.ф.д., проф., ТошДТУ
Ортиқов А.О., т.ф.д., проф. ТКТИ

МУНДАРИЖА

1 - ҚИСМ. ПАТЕНТШУНОСЛИК ВА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ	6
КИРИШ	6
1-МАВЗУ: ПАТЕНТШУНОСЛИК ФАНИГА КИРИШ	7
1.1. “Интеллектуал мулк” тушунчаси. Интеллектуал мулк Ҳукуки ва жамиятнинг ривожланиши	7
1.2. Интеллектуал мулк объектлари (ИМО)ни таснифлаш. Асосий тушунча ва атамалар. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш тамойиллари	9
2-МАВЗУ: ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗАЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК	11
2.1. Патент ҳуқуқининг ривожланиш тарихи	11
2.2. ИМО ни муҳофазалаш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги. Алоҳида ҳуқуқлар. Муҳофаза ҳужжатларининг турлари. Муҳофаза муддатлари	13
2.3. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳасида халқаро кооперация	16
3-МАВЗУ: ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАР. ЭҲМ УЧУН ДАСТУРЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ	18
3.1. Илмий кашфиётлар ва унинг объектлари	19
3.2. ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари	20
4-МАВЗУ: ИХТИРО. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР	25
4.1. Ихтиро	25
4.2. Ихтиро турлари	26
4.3. Ихтиро бирлигининг талаби	27
4.4. Патентга лаёқатли ихтиролар эмас деб тан олинадиган объектлар	28
4.5. Ихтирога патент бериш учун талабнома	28
4.6. Талабнома таркиби	29
4.7. Ихтиро ҳужжатларининг берилиши	30
5-МАВЗУ: ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НОАНЪАНАВИЙ ОБЪЕКТЛАРИ	31
5.1. Селекция ютуқлари	31
5.2. Интеграл микрочизмалар топологияси	33
6-МАВЗУ: САНОАТ НАМУНАЛАРИ. МАҲСУЛОТ БЕЛГИЛАРИ	36
6.1. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартлари	37
6.2. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби	40
6.3. Товар белгиларининг турлари	45
6.4. Товар белгисини рўйхатга олиш, талабнома тузиш ва рўйхатга олиш	47
7-МАВЗУ: ПАТЕНТ АҲБОРОТИ. ХАЛҚАРО ПАТЕНТ ТАСНИФИ	51

7.1. Патент ахборотларининг аҳамияти. Патент ахбороти манбалари	51
7.2. Халқаро патент таснифи. Патент ҳужжатлари библиографияси	56
7.3. Патент ахборотини қидириш усуллари. Маълумотлар базалари билан ишлаш. Жаҳон мамлакатларининг патент ҳужжатлари	60
8-МАВЗУ: ПАТЕНТ ТАДҚИҚОТЛАРИ	64
8.1. Патент тадқиқотларининг турлари	64
8.2. Патент тадқиқотларини ўтказиш босқичлари	67
9-МАВЗУ: ЖАҲОН ПАТЕНТ ТИЗИМЛАРИ	72
9.1. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти	72
9.2. Европа патент идораси	75
9.3. АҚШ патент ҳуқуқининг хусусиятлари	78
9.4. Россия патент қонунчилиги	82
10-МАВЗУ: ЛИЦЕНЗИЯЛАШ АСОСЛАРИ	86
10.1. Лицензиялаш, лицензия объектлари ва тартиби	86
10.2. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашнинг қонуний асослари	89
10.2.1. Лицензиялаш бўйича умумий қоидалар	89
10.2.2. Амалга ошириш учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари	92
10.2.3. Лицензиялар	92
10.2.4. Лицензиялашни амалга ошириш	93
10.3. Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар	102
10.4. Ўлча шарт шартларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш	105
10.5. Ўлча шарт шартларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом	106
10.6. Лицензияланиши керак бўлган ўлчов шартларининг қўлланиш соҳалари	113
2 - ҚИСМ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ	114
КИРИШ	114
1-МАВЗУ: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ	116
1.1. Сертификатлаштиришнинг ривожланиш тарихи	116
1.2. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқаришнинг қонуний ва меъёрий асослари	118
2-МАВЗУ: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТУШУНЧАЛАРИ	123
2.1. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш соҳасидаги атама ва таърифлар	123
2.2. Сертификатлаштириш тизимининг мақсади, вазифалари ва фаолият турлари	127
3-МАВЗУ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТЛАРИ	129

3.1. Халқаро, ҳудудий ва миллий миқёсида сертификатлаштиришнинг ривожланиши	129
Сифат бўйича Европа ташкилоти /ЕОК/ вазифалари	133
3.2. Чет эл давлатларида сертификатлаштириш амалиёти	141
3.2.1. Америка қўшма Штатлари сертификатлаштириш фаолияти	141
3.2.2. Англия сертификатлаштириш фаолияти	142
3.2.3. Франция сертификатлаштириш фаолияти	143
3.2.4. Германияда сертификатлаштириш фаолияти	143
3.2.5. Япония сертификатлаштириш тизими фаолияти	145
3.2.6. Хитой сертификатлаштириш тизими	146
3.2.7. Россия Федерациясида сертификатлаштириш миллий тизимини яратилиши	147
4-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИ	150
4.1. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими	150
4.2. Сертификатлаштиришни ўтказиш босқичлари	151
4.3. Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби	152
4.3.1. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби умумий қоидалари	155
4.3.2. Гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария хулосаларини расмийлаштириш ва бериш тартиби	156
4.3.3. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби	159
4.3.4. Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш	161
4.3.5. Маҳсулотни штрихли кодлаштириш	162
5-МАВЗУ: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАРДА ҚАТНАШУВЧИ ТОМОНЛАР	163
5.1. Сертификатлаштириш бўйича ишларда қатнашувчи корхоналар	163
5.2. Сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари	164
5.3. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмаси	165
6-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ ИДОРАЛАРИ	169
6.1. Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими идоралари	169
6.2. Ўз СМТ илмий-усулият маркази – стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти	172
6.3. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари	175
6.3.1 Аккредитланган синаш лабораториялари	175

6.3.2. Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш идоралари	176
6.3.3. Назорат идоралари.....	177
7-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АККРЕДИТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ	178
7.1. Аккредитлаштириш	178
7.2. Аккредитлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмаси ва вазифалари	181
7.3. Аккредитациядан ўтказиш ва хабардор қилиш	183
7.4. Аккредитланган объектларнинг инспекцион назорати	189
8-МАВЗУ: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ЖИҲАТЛАРИ ВА СХЕМАЛАРИ.....	193
8.1. Сертификатлаштириш схемалари.....	194
8.2. Сертификатлаштириш омиллари.....	196
8.3. Сертификатлаштирилувчи маҳсулот	198
9-МАВЗУ: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШДА МЕЎЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТЕКШИРИШ	200
9.1. Сертификатлаштиришнинг меъёрий ҳужжатлар билан таъминланиши	200
9.2. Сертификатлаштирилувчи маҳсулот ишлаб чиқариш шароитларини текшириш	201
9.3. Синов лабораториялари ва уларни аккредитлаш	202
10-МАВЗУ: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СИНАШ	207
10.1. Сертификатлаштиришда маҳсулотни текшириш	208
10.2. Сертификатлаштириш натижаларини расмийлаштириш	210
10.3. Сертификатлаштирилган маҳсулотни давлат рўхатига олиш	211
11-МАВЗУ: СИФАТ ТИЗИМЛАРИНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ	216
11.1. Сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича минтақавий ва халқаро ташкилотлар.....	216
11.2. Сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш	217
12-МАВЗУ: ЭКСПЕРТ-АУДИТОРЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ	226
12.1. Эксперт-аудиторларнинг вазифалари	226
12.2. Эксперт-аудиторларга қўйиладиган талаблар	227
12.3. Маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторга тавсия этиладиган талаблар	228
12.4. Сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторга тавсия этиладиган талаблар	228
12.5. Синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича эксперт- аудитор учун тавсия этиладиган талаблар	229
12.6. Эксперт-аудиторларни тайёрлаш	230
ҲОҲДАЛАНДАН ҲА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР	232

1 - ҚИСМ. ПАТЕНТШУНОСЛИК ВА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ

КИРИШ

Сизга тавсия этилаётган «Патентшунослик ва лицензиялаш» курси бўйича ушбу ўқув қўлланма тасдиқланган намунавий дастур асосида ёзилган. Ўқув қўлланмада патентшунослик фанига тегишли асосий тушунчалар, интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳасидаги конунчилик, илмий кашфиётлар ва унинг объектлари, ихтиро турлари ва унинг ноанъанавий объектлари, саноат намуналари ва маҳсулот белгилари, патент ахбороти, патент изланишлари, халқаро патент таснифи ва жаҳон патент тизимлари, лицензиялаш асослари, лицензиялаш, лицензия объект-лари ва тартиблари ҳақида маълумотлар қисқача баён қилинган. Ушбу ўқув қўлланмани ёзишда муаллифлар Джумаходжаев А. томонидан ёзилган дарсликдан кенг фойдаланишган.

Курсни чуқур ва мукаммал эгаллаш учун қўшимча адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Қўлланма бакалавр, магистр, аспирантлар, ўқитувчилар ва илмий изланишлар билан шуғулланаётган ходимлар учун мўлжалланган.

1-Мавзу: ПАТЕНТШУНОСЛИК ФАНИГА КИРИШ

Режа:

1.1. “Интеллектуал мулк” тушунчаси. Интеллектуал мулк ҳукуки ва жамиятнинг ривожланиши.

1.2. Интеллектуал мулк объектлари (ИМО) ни таснифлаш. Асосий тушунча ва атамалар. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш тамойиллари.

1.1. “Интеллектуал мулк” тушунчаси. Интеллектуал мулк ҳукуки ва жамиятнинг ривожланиши

Одамзот ўз табиатига кўра жисмоний жихатдан энг мукаммал мавжудод эмас, лекин инсонда энг кучли имтиёз – унинг интеллекти мавжуд.

Интеллект – инсонни ҳайвонат дунёсидан ажратиб турадиган асосий белги бўлиб ривожланишни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради. Интеллект сўзи латинча *intellectus* сўзидан келиб чикқан бўлиб [1], инсон акли, онги, фикрлаш қобилиятини билдиради. Инсон ҳаётининг мақсади – энг яхши нарсаларга интилишдир. Ибтидоий тузумдан, яъни илк меҳнат қуроллари яратилгандан бошлаб инсон ҳар доим ўзининг турмуш тарзини яхшилаш, ўз ижодий салоҳиятини ошириш йўллари тинимсиз излаб келган. Шунинг учун ҳам қадим замонлардан инсоният жамиятида биринчи олимлар, ихтирочилар, рассомлар ва мусикачилар пайдо бўлган. Улар инсонлар ҳаёти ва турмушини енгиллаштирувчи асбоб-ускуналар ихтиро қилишган, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигини ўзлаштириб, атроф муҳитдан

энг яхши нарсаларга интилишдир. Ибтидоий тузумдан, яъни илк меҳнат қуроллари яратилгандан бошлаб инсон ҳар доим ўзининг турмуш тарзини яхшилаш, ўз ижодий салоҳиятини ошириш йўллари тинимсиз излаб келган. Шунинг учун ҳам қадим замонлардан инсоният жамиятида биринчи олимлар, ихтирочилар, рассомлар ва мусиқачилар пайдо бўлган. Улар инсонлар ҳаёти ва турмушини енгиллаштирувчи асбоб-ускуналар ихтиро қилишган, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигини ўзлаштириб, атроф муҳитдан ҳимояланиш учун уйлар қуришган, юкларни ташиш воситаларини ўйлаб топиб, денгиздан сузиш учун кемасозлик билан шуғулланишган ва бу билан техник, иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлаб келишган.

Интеллектуал фаолият инсоният жамияти ривожланишининг асосий сабабидир. Интеллектуал фаолиятнинг энг муҳим турлари фан, санъат ва техник ижодиёт, халқлар ва миллатлар, давлат ва цивилизациялар ривожининг доимий йўлдошидир.

Инсоният жамияти ўз бошидан қулдорлик, феодализм, капитализм, социализмни кечирди. XXI асрнинг бошида, асосий ривожлантирувчи кучи рақобат бўлган бозор иқтисодий тизим эканлиги тан олинди.

Ҳамма вақт ҳам рақобат курашида ким интеллектуал имкониятлар ва интеллектуал фаолият натижаларидан унумли фойдалана олса фақат ўша муваффақиятга эришиши мумкин.

Бундан шундай мантикий хулоса чиқадики, инсоннинг билим олиш, ихтиро қилишга табиий интилиши ва ижоди маҳсулидан иқтисодий самара олиниши бир-бирига мос келгандагина у ўзининг ижодий салоҳиятидан оқилона фойдалана олади, шу боис доимий изланишдан манфаатдор бўлади.

Фақат мулк эгасигина ўз мулкидан юқори даражада самарали ва оқилона фойдаланиб, уни бошқара олади. Бундай иқтисодий рағбатлантиришнинг энг мақбул усули шундан иборатки, инсон ўз интеллектуал салоҳияти натижаларига мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши, яъни интеллектуал мулкка эгалик қилиши керак. Зеро ундан бошқа ҳеч ким бу натижаларга хўжайинлик қила олмасин. Фақат унинг ўзигина интеллектуал ижоди натижаларидан ўз истагича фойдаланиш ва бошқа шахсларга сотиш борасида мутлоқ ҳуқуққа эга бўлади [2].

Шу ерда биз ҳозирги вақтда жаҳондаги энг муҳим тушунчалардан бири ҳисобланган интеллектуал мулк тушунчасига дуч келамиз. Хўш интеллектуал мулкнинг ўзи нима ва уни қандай ўлчаш мумкин?

Энг аввало интеллектуал мулк интеллектуал фаолият натижасидир. Барча интеллектуал фаолият ҳам интеллектуал мулк бўла олмаслиги аниқ. Инсон фикрлайди, унинг ҳаёлида беҳисоб ғоялар, лойиҳалар туғилади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда амалга ошмай қолиб кетади. Фақат бошқалар томонидан объектив равишда қабул қилинадиган, яъни ўзининг муайян чегараларига эга бўлган ғоя ва фикрларгина мулк бўла олиши равшандир.

Интеллектуал фаолиятнинг кейинчалик қандайдир бирор-бир объектив (моддий) шаклда ифодалана оладиган натижаларигина интеллектуал мулк бўлади деб айтиш мумкин.

Бунда иқтисодий ривожланишдан манфаатдор давлатнинг асосий

риоя қилмасдан туриб ХХІ асрда илмий - техниканинг ривожланишига кенг йўл очилмайдиган.

Лекин интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этиш билан масала охиригача ҳал бўлмайди. Жаҳонда ноҳалол ракобат кураши тобора авж олиб бораётгани кузатилмоқда.

Ҳар бир давлат ноҳалол ракобат курашнинг олдини олиш учун қандай механизмларни ишга солиши керак? Тарихдан маълумки энг ишончли механизм бу ҳуқуқ бўлиши мумкин, зотан айнан ҳуқуқий механизмлар интеллектуал мулкни муҳофазалашга ишончли ва маданий ёндашувни таъминлайди.

Лекин давлат томонидан қафолатланадиган ишончли муҳофаза бу масаланинг бир томони холос. Халқимизнинг доно ибораси бор - “ҳолва деган билан оғиз чучимайдиган”. Унинг муҳим таркибий қисми муайян кишиларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва бу ҳуқуқлардан амалиётда фойдалана олишидир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун исталган касбдаги ҳар бир ижодкор киши келажакда ўзининг интеллектуал мулкдан самарали фойдаланиш йўллари аниқ тасаввур этиши жуда муҳимдир.

1.2. Интеллектуал мулк объектлари (ИМО)ни таснифлаш. Асосий тушунча ва атамалар. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш тамойиллари

Интеллектуал фаолият одатда жуда кўп қиррали бўлиб кенг микёсда ўзгариб туриши мумкин. Фан, санъат, техник ижодиёт – буларнинг барчаси интеллектуал меҳнат турларидир.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қуйдагиларни ҳақли равишда ўзининг шиори деб эълон қилди: Инсоният даҳоси жами санъат асарлари ва ихтироларнинг манбаидир. Бу асарлар инсонга муносиб ҳаёт қафолатидир. Барча турдаги санъат асарлари ва ихтироларни ишончли ҳимоялаш ҳар бир давлатнинг бурчидир.

Интеллектуал мулк объектларини кўриб чиқар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, интеллектуал мулкда объектларнинг икки гуруҳи алоҳида ажралиб туради: санъат билан боғлиқ бадий асарлар ва санъат тармоғи – хусусан янги буюмлар, товарлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва бозорга таклиф этиш билан боғлиқ объектлар.

Айнан ана шу вазиятлар ХХ асрда жаҳонда умум қабул қилинган халқаро ҳуқуқий стандартлар шаклланишига олиб келди, шунга мувофиқ интеллектуал мулк ўз ичига икки асосий ҳуқуқлар соҳасини олади [3]:

-муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, унга мувофиқ илмий, адабий, мусиқий, бадий, фотография ва аудиовизуал асарларга ҳуқуқлар, шунингдек фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва ижрочилар, эфир ва кабель эшиттиришлари ташкилотларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади;

-саноат мулки, у ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари,

халқаро ҳуқуқий стандартлар шаклланишига олиб келди, шунга мувофиқ интеллектуал мулк ўз ичига икки асосий ҳуқуқлар соҳасини олади [3]:

-муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, унга мувофиқ илмий, адабий, мусликий, бадий, фотография ва аудиовизуаль асарларга ҳуқуқлар, шунингдек фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва ижрочилар, эфир ва кабель эшиттиришлари ташкилотларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади;

-саноат мулки, у ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойи, фирма номларига ҳуқуқларни ўз ичига олади.

Санаб ўтилган барча муайян ҳуқуқий муҳофаза объектлари, хусусан, бадий асарлар ва санъат турлари, ихтиролар, товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар ва ҳоказолар интеллектуал мулк объектлари деб аталади [4].

Муаллифлик ҳуқуқи адабиёт, фан ва санъат асарлари ўзининг аниқ ифодасини топган шаклни муҳофаза қилади. Бундай ифодалаш шакли сўз, тимсоллари, муслиқа, сурат, уч ўлчовли предметлар ёки бундай шаклларнинг комбинацияси (масалан, кинофильм ёки театр постановкаси, опера) бўлиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқлари асарларнинг исталган турини махсус рухсатсиз (муаллиф розилигисиз) нусха кўчириш, кўпайтириш ва бошқа усулда қайта тиклашдан муҳофазалайди [5].

Саноат мулки, муаллифлик ҳуқуқидан фарқли равишда бевосита ғояни, хусусан буюмнинг турли шаклларда кўп марта қайта ишлатилиши мумкин бўлган техник, бадий ва бошқа моҳиятларни муҳофаза қилади.

Патент давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида амал қиладиган муҳофаза ҳужжатидир.

Назорат саволлари.

1. Интеллектуал фаолият нима, инсониятнинг ривожланишида унинг ролини кўрсатиб беринг?

2. Интеллектуал мулк нима?

3. XX асрнинг илмий-техника тараққиётида интеллектуал мулкнинг ўрнини кўрсатиб беринг?

4. Саноат мулки нима?

5. Сиз қандай интеллектуал мулк объектларини биласиз?

6. Патент нима, у қандай ҳуқуқлар беради?

7. Патентшунослик фани нимани ўрганади?

8. Иқтисодиётни ривожлантиришда малакали кадрлар, патентшунослар аҳамиятини кўрсатиб беринг?

Адабиётлар:

1. Интеллектуальная собственность. Словарь-справочник. - М.: Инфра-М, 1995, 112 с.

2. Рыжов К.В. 100 великих изобретений. - М.: "Вече", 2000, 528 с.

3. Жумахўжаев А. Патентшунослик. Тошкент: Меҳнат. 2001, 384 б.

4. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни,-

1996.

8. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни- 1993 йил 7 май да қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.

2-Мавзу: ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУХОФАЗАЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК

Режа:

2.1. Патент ҳуқуқининг ривожланиш тарихи

2.2. ИМО ни муҳофазалаш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги. Алоҳида ҳуқуқлар. Муҳофаза ҳужжатларининг турлари. Муҳофаза муддатлари.

2.3. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳа-сида халқаро кооперация

2.1. Патент ҳуқуқининг ривожланиш тарихи

Ҳуқуқнинг ривожланиш тарихи бевосита давлат тарихи билан боғлиқ. Ҳуқуқ иқтисодий базис ва унинг асосида жамиятнинг маданий ривожланиши демакдир ва бундан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас деб таърифлаш мумкин [1].

Ҳуқуқ, хусусан ҳуқуқий тизим муайян ижтимоий муносабатлардан бошланадиган айрим меъёрлардан ташкил топади.

Ҳуқуқ меъёри айрим шахслар, ташкилотлар, давлат органлари ва хоказоларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қоидалардир. Фақат давлат бутун мамлакат миқёсида ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибини таъминлаб бериши мумкин.

Ҳуқуқ тизими ўз ичига турли ҳуқуқ соқаларини камраб олади, улар ўз навбатида кичик соҳа ва институтларга бўлинади. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича бирлаштирилган ҳуқуқий меъёрларнинг алоҳида гуруҳи ҳуқуқ соҳасидир. Ҳуқуқнинг ҳар бир соҳасига уни тартибга солиш предметининг хусусиятларидан келиб чиқадиган ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига мос услуби ҳосдир.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи ёки интеллектуал мулк фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳасидир. Патент ҳуқуқи ва фуқаро муносабатлари иштирокчиликларини индивидуаллаштириш воситаларини муҳофазалаш, шунингдек ноанъанавий объектларни муҳофазалашдан иборат бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва саноат мулки шу кичик соҳанинг институтларидир.

Патент ҳуқуқи. У дастлаб феодализмнинг сўнги давларида феодал жамият негизида ҳўжалик юритишнинг капиталистик усули вужудга келиб, ривожлана бошлаши билан юзага келди. Патент ҳуқуқи – ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули устун келиши ва ҳокимиятнинг буржуазия қўлига ўтиши натижасида шаклланди [2].

Ҳўжалик юритишнинг капиталистик усулига ўтиш билан сифат жиҳатидан янги вазият юзага келди. Унга зарур моддий-техника базасини

Патент ҳукуқи. У дастлаб феодализмнинг сўнги давларида феодал жамият негизида ҳўжалик юритишнинг капиталистик усули вужудга келиб, ривожлана бошлаши билан юзага келди. Патент ҳукуқи – ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули устун келиши ва ҳокимиятнинг буржуазия қўлига ўтиши натижасида шаклланди [2].

Ҳўжалик юритишнинг капиталистик усулига ўтиш билан сифат жиҳатидан янги вазият юзага келди. Унга зарур моддий-техника базасини яратиш саноат инқилоби тусини олди. Европа XVI асрнинг ўрталарида Буюк саноат инқилоби даврини бошдан кечирди ва у патент ҳукуқи юзага келиши учун иқтисодий шарт-шароит яратди.

Бу инқилобнинг асосий босқичларидан бири қўл мануфаактурасидан кўплаб ихтиролардан фойдаланишга асосланган машиналар ишлаб чиқаришга ўтиш бўлди.

Капитализмда иш қуроллари ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик типи бўйича ихтироларни ўзлаштиришга эҳтиёж юзага келди.

Маълумки, ихтироларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳар доим дастлабки сармоя сарфлашни талаб этади. Лекин ҳеч бир тадбиркор ўзи сарфлаган маблағдан фойда олишга улгурмай туриб рақобатчилар худди шу ихтиродан нусха олиб унинг тажрибасидан фойдалана бошламасликларига қафолат олмасдан туриб бундай сармояларни хавф-хатарга қўя олмайди. Айнан ана шу объектив омил сабабли ихтиролардан фойдаланишда ундан етарли даражада узоқ муддат фойдаланиш ва рақобат курашида ютиб чиқиш имконини берадиган монополия зарур бўлиб қолди.

Бундай монополияни яратиш учун юридик восита – патент Европада феодал жамиятидан буён маълум эди [3].

Феодализмда патентдан турли мол-мулк эгалари ва қирол ўз хазинаси фойдасига даромад манбаларини мустаҳкамлаш воситаси сифатида кенг фойдаланар эди. Феодал патент тизими капитализм ривожланиши учун тўсик эди, чунки қирол кўплаб патент бериш йўли билан исталган нарсадан фойдаланишга яккахокимлик (монопол) ҳуқуқни ўзи хоҳлаганча белгилай оларди. Буржуазия табиийки, бундай ҳолатга, хусусан феодал монополиялар ва ихтироларга монополиялар жорий этишга қарши фаол кураша бошлади. Бунда иқтисодиёт ихтироларга монополиялар феодалнинг марҳамати билан эмас, балки мунтазам, яъни қонунда белгиланган қоидалар бўйича берилиши талаб қилинарди.

Патент ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасидаги илк қадамлар Англияда қўйилди [4]. Мамлакатда феодалларга тегишли имтиёзлар тизимини патент ҳуқуқига айлантириш жараёни XVII асрда бошланди. АҚШ Англиядан кейин ихтироларни муҳофазалаш қабул қилинган мамлакат бўлди. Европанинг бошқа мамлакатларида патент қонунлари нисбатан кечроқ қабул қилинди.

Миллий патент тизимларини иккита гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни патент тизимини “континентал ҳуқуқ” тамойили белгилаб берадиган мамлакатлар ташкил этади. Иккинчи гуруҳини миллий ҳуқуқларига Англия ҳуқуқи таъсир ўтказган мамлакатлар ташкил этади.

Англия ҳуқуқининг континентал ҳуқуқдан асосий фарқи шундаки,

мумкин, улар патент ҳукукининг асосий тизимлари ҳисобланади.

Патент ҳукуқи ҳамма вақт иктисодий муносабатлар билан белгиланади, чунки у жамият иктисодий ривожланишининг зарур омили ҳисобланади.

2.2. ИМО ни муҳофазалаш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги. Алоҳида ҳуқуқлар. Муҳофаза ҳужжатларининг турлари. Муҳофаза муддатлари

Мамлакатимизнинг асосий қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституция Ўзбекистон қонунчилигини ишлаб чиқишнинг асосий қоидаларини белгилаб беради. Бизнинг интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофазалаш соҳасида амалдаги қонунчилигимиз бевосита мулкка эгалик ва илмий-техник ижодиёт эркинлиги ҳуқуқлари акс этган Конституциянинг IX бўлими 36 - ва 42 - моддаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Интеллектуал мулк объектларини яратиш, муҳофазалаш ва фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи соҳаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофазалаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишчи қуйидаги қонунлар амал қилади:

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонун;

1993 йил 7 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган “ЭХМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонун;

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун;

2001 йил 12 майда қабул қилинган “Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлатимизда интеллектуал мулк соҳасида ваколатли қуйидаги ташкилотлар фаолият кўрсатади:

Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги масалаларни тартибга солишчи Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича агентлик;

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, унинг вазифаси саноат мулки объектларини муҳофазалаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Муаллифга шунингдек муаллифлик номи ҳуқуқи ҳам берилган бўлиб, унга мувофиқ муаллиф ўз объектига ўзининг номи ёки бошқа номни бериши ҳуқуқига эга.

солувчи Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича агентлик;

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, унинг вазифаси саноат мулки объектларини муҳофазалаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Муаллифга шунингдек муаллифлик номи ҳуқуқи ҳам берилган бўлиб, унга мувофиқ муаллиф ўз объектига ўзининг номи ёки бошқа номни бериши ҳуқуқига эга.

Интеллектуал мулк объектларига мулкӣ ҳуқуқлар фуқаро ёки юридик шахснинг шу объектга алоҳида ҳуқуқларидир. Фақат алоҳида ҳуқуқлар эгаси интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига рухсат бериши ёки ман қилиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар фақат қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва фақат интеллектуал мулк объектларидан меъёрида фойдаланишга ҳамда унинг эгасининг қонуний манфаатларига зарар етказилмаган тақдирдагина чекланиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар қуйидаги ҳолларда чекланиши мумкин:

- Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари таркибидаги қурилмаларни бошқа давлат, Париж конвенцияси иштирокчисининг транспорт воситасида, бу транспорт воситаси вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлганда қўлланиш, бунда бу қурилмалар фақат шу восита эҳтиёжлари учунгина фойдаланилиши шарт;

- Таркибида патентланган объектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш;

- Табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни қўлланиш. Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида патентланган объектлардан фойдаланиш тўғрисида патент эгасининг розилигини олмасдан туриб қарор қабул қилади, лекин бундай ҳолларда объектдан фойдаланилгани учун унга тегишли тоvon тўланади;

- Таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни, агар бу воситалар қонуний йўл билан хўжалик айланмасига киритилган бўлса, қўлланиш (масалан, патент эгасининг ўзи ёки унинг лицензияси бўйича)

- Воситаларни ҳеч қандай даромад олмасдан шахсий мақсадларда қўлланиш;

- Дорихоналарда шифокор рецепи бўйича дориларни бир марта таёёрлаш.

Ихтирога патент – ихтиронинг устуворлик санасидан бошлаб йигирма йил мобайнида амал қилади, моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади;

Ихтирога дастлабки патент (2002 йил октябрь ойигача) – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қилади. Талабнома берувчининг моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосига кўра патентга айлантирилиши

бошлаб беш йил мобайнида амал қилади. Дастлабки патент эгаси илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин.

Фойдали моделга патент – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қилади ва талабнома берувчининг илтимосига кўра яна уч йилга узайтирилиши мумкин.

Товар белгисига гувоҳнома - экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қилади ва ҳар сафар 10 йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади.

Агар объект патентга лаёқатлилиқ мезонларига мос бўлса, у тегишлича ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси деб тан олинади. Қонунга мувофиқ кўрсатилган объектлар учун қуйидаги мезонлар белгиланган:

- *Ихтиролар учун – унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда қўлланилиши;*

- *Фойдали модель учун – унинг янгилиги ва саноатда қўлланилиши;*

- *Саноат намунаси учун – унинг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши.*

Патент экспертизасини ўтказиш вақтида фойдаланиладиган энг муҳим тушунча *техника даражаси* тушунчасидир. **Техника даражаси** ўз ичига ихтиронинг устуворлик санасигача жаҳонда барча учун маълум бўлган ва барча фойдаланадиган маълумотларни олади.

Дастлабки экспертизанинг моҳият аҳтидан экспертизадан фарқи энг аввало шундаки, дастлабки экспертиза вақтида талабнома берилган объектнинг (ихтиро, фойдали модель) маҳаллий янгилик талабларига мувофиқлиги текширилади, яъни *патент экспертлари* фақат Ўзбекистондаги мавжуд патент ҳужжатларини текширадилар, моҳият жиҳатидан экспертизада эса объектнинг жаҳон техника даражасига мувофиқлиги текширилади. Патент идораси маълумотлар расмий равишда чоп этилгандан сўнг уч ой ўтгач патент эгасига (ёки товар белгиси эгасига) муҳофаза ҳужжати, тегишлича патент ёки гувоҳнома беради. Патент ёки гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади. Шунинг қайд этиб ўтиш керакки, ҳамма вақт битта объектга фақат битта муҳофаза ҳужжати (патент ёки гувоҳнома) берилади. Агар патент эгаси бир нечта бўлса (масалан, икки фирма ёки икки ҳаммуаллиф) улар битта патент оладилар.

Қайд этиб ўтамикки, кейинчалиқ патент эгаси патентни кучда сақлаб туриш учун мунтазам равишда бож тўлаб туришлари шарт, бож тўламаслик муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши тўхташига олиб келиши мумкин. *Патент қуйидаги ҳолларда ҳам амал қилишдан тўхтатилиши мумкин:*

- патентнинг амал қилиш муддати тугагач;

- патент, дастлабки патент ёки товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги учинчи томоннинг даво аризаси билан суд орқали тасдиқланганда;

- патент эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида.

Агар патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилса, бу ҳақидаги маълумот Патент идорасининг “Расмий

Патент қуйидаги ҳолларда ҳам амал қилишдан тўхтатилиши мумкин:

- патентнинг амал қилиш муддати тугагач;
- патент, дастлабки патент ёки товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги учинчи томоннинг даво аризаси билан суд орқали тасдиқланганда;
- патент эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида.

Агар патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилса, бу ҳақидаги маълумот Патент идорасининг “Расмий ахборотнома” бюллетенида чоп этилади. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича хориж фуқаролари ва юридик шахслари бевосита талабнома бериш ҳуқуқига эга эмас. *Улар патент олиш ва уни кучда сақлаб туриш учун ишларини Ўзбекистоннинг патент бўйича ишончли вакиллари орқали юритишлари мумкин.*

2.3. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳасида халқаро кооперация

Бугунги кунда жаҳондаги ҳар бир мамлакат ўзи алоҳида яшай олмайди. Халқаро савдо, инвестицияларнинг бир давлатдан иккинчисига ўтиши, қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ва ҳамкорликнинг бошқа шакллари аллақачон жаҳон иқтисо-диётининг ажралмас омили бўлиб қолди [5].

Бундан ташқари йил сайин жаҳонда иқтисодий интеграция жараёнларининг кучайиб бориши кузатилмоқда.

Рақобат кураши шароитида фақат ишлаб чиқаришнинг яхшиланган усуллари қўлланиш ёки техник-иқтисодий ва истеъмол (шу жумладан ташқи кўриниши ва савдо имиджи) хусусиятлари яхшиланган товарларни яратиш йўли билан қўшимча фойда олиш мумкин.

Шу муносабат билан интеллектуал мулк объектлари, хусусан уларнинг асосий хусусияти – қўшимча фойда “келтирувчи” сифатидаги роли тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда янги интеллектуал мулк объектларини яратиш, уларни ишончли муҳофазалаш ва самарали фойдаланиш (шу жумладан бу объектларини сотиш) ҳар қандай корхона, фирма, корпорация муваффақиятининг ажралмас элементи бўлиб қолмоқда. Табиийки, турли давлатларда интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг бир-биридан фарқ қиладиган тартиблари талабнома берувчилар учун ихтироларни патентлаш, товар белгиларини рўйхатга олишни мураккаблаштирар, бу эса ҳақаро савдо-сотик иқтисодиётини ривожлантириш йўлида жиддий тўсиқ бўлар эди.

Шунинг учун интеллектуал мулк ҳуқуқлари ривожланишининг бутун тарихи давомида давлатлар интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш масалаларига ёндашувларни бир хиллаштириш йўллари фаол изламоқда. Бу муаммолар интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни зарур қилиб қўйди.

Интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг мақсади турли давлатлар ички қонунчилигининг айрим қоидаларини бир хиллаштириш, интеллектуал мулк соҳасида халқаро стандартлар ва меъёрлар

Интеллектуал мулк соҳасидаги асосий халқаро битимлар Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) доирасида бирлаштирилади. БИМТ Стокгольмда 1967 йилда имзоланган ва 1970 йилда кучга киритилган конвенция билан таъсис этилган. БИМТ БМТ нинг 16 та ихтисослашган муассасаларидан биридир. БИМТнинг маъмурий вазифаларини бажарадиган Котибияти “БИМТнинг Халқаро бюроси” деб аталади [7].

Саноат мулкни муҳофазалаш бўйича Париж Конвенцияси интеллектуал ҳуқуқлар соҳасидаги биринчи, энг умумий халқаро битим бўлади. Париж Конвенцияси 1883 йилда тузилган. Конвенция ҳозирги вақтда амал қилаётган таҳрири 1979 йилда Стокгольмда қабул қилинган бўлиб, 2000 йил 1 январдаги маълумотларга кўра 162 давлат, шу жумладан 1993 йил 18 августда Конвенцияга аъзо бўлган Ўзбекистон ҳам унинг иштирокчилари ҳисобланади.

Конвенция ихтиро, фойдали модель, товар белгилари, саноат намуналари, фирма номлари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари, номлари каби объектларни муҳофазалаш, шунингдек ноҳалол рақобатнинг олдини олишнинг умумий асослари, тамойилларини белгилаб беради. 1970 йилда Вашингтонда тузилган Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (РСТ) энг муҳим халқаро шартномалардан биридир. РСТ, биринчи навбатда, ихтироларга бир неча мамлакатда муҳофаза олишни осонлаштириш ва арзонлаштиришга йўналтирилган. Шартнома шунингдек ривожланаётган мамлакатлар патент тизимининг иш самарадорлигини ошириш ва бу мамлакатлар аҳолисининг илғор техник ечимлар, ихтиролар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланишни осонлаштириш йўли билан уларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон 1993 йилда РСТ аъзоси бўлди.

Энди халқаро классификация битимларига ўтамиз. Ихтиролар соҳасида 1971 йилда тузилган Халқаро патент классификацияси тўғрисидаги Страсбург битимининг мақсади патент ҳужжатларини муфассал иерархик индексациялаш ва қидиришнинг ягона тизимини яратишдан иборатдир. Бу битим билан Халқаро патент классификация (ХПК) таъсис этилган бўлиб, у техниканинг ҳамма соҳасини 70000 дан ортиқ кичик рукнлардан иборат саккизта асосий бўлимга ажратади. ХПК турли патент-ахборот тадқиқотлари, патент экспертизасини самарали ўтказиш имконини беради, бу эса патент ахборотини тезкор ва тижорат нуқтаи назаридан қимматли ахборотлар манбаига айлантиради. Ҳозирги вақтда ХПКдан деярли барча давлатлар ва ташкилотлар кенг фойдаланмоқда. ХПК тўғрисидаги Битим доирасида Иттифок тузилган бўлиб, у ўз Ассамблеясига эга. Ассамблея Иттифокнинг бюджети ва икки йиллик дастурини қабул қилади.

Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (БСТ) таъсис этилиши интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро кооперациянинг ривожланишига туртки бўлди. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича энг асосий жиҳатларни бир хиллаштиришга қаратилган энг сўнги йўна-лишлар Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича савдо масалалари тўғрисида Битим (ТРИПС) да мужассамлашди. Унинг лойиҳаси 1994 йилда БСТнинг Уругвай раунди

бюджети ва икки йиллик дастурини қабул қилади.

Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (БСТ) таъсис этилиши интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро кооперациянинг ривожланишига туртки бўлди. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича энг асосий жиҳатларни бир хиллаштиришга қаратилган энг сўнги йўна-лишлар Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича савдо масалалари тўғрисида Битим (ТРИПС) да мужассамлашди. Унинг лойиҳаси 1994 йилда БСТнинг Уругвай раунди давомида таклиф этилган эди. Бугунги кунда ТРИПСга қўшилиш ҳар бир давлатнинг БСТга кириши учун зарур шартдир [8,9].

Албатта, интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқаро кооперацияни кучайтириш, миллий қонунчиликни уйғунлаштириш давлатлар ва минтақаларнинг индустриал, иқтисодий ва ижтимоий ўсиши йўлида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда тобора катта аҳамият касб этади.

Назорат саволлар.

1. Ҳуқуқий тизим, ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ соҳалари, ҳуқуқ институтлари нима?
2. Қандай объектив иқтисодий шарт-шароитлар патент ҳуқуқи юзага келиши ва ривожланишига олиб келди?
3. Англия ҳуқуқининг «континентал ҳуқуқдан» фарқи нимада?
4. Замонавий патент тизими шартли равишда бўлинадиган тўрт гуруҳнинг асосий хусусиятларини кўрсатиб беринг?
5. Ўзбекистоннинг интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги қонуний базаси нимадан иборат?
6. Интеллектуал мулк объектларига шахсий номулкӣ ва мутлақ ҳуқуқлар нимадан иборат?
7. Ўзбекистонда қандай муҳофаза ҳужжатлари амал қилади, уларни уларни олиш учун амалда бўлган зарур тартибларни кўрсатинг?
8. Патент бўйича ишончли вакиллар ва патент агентлари кимлар?
9. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг мақсади ва вазифаларини кўрсатинг?

Адабиётлар:

1. Гражданское право. Часть III под редакцией Сергеева А.П., Толстого Ю.К. М.: "ПРОСПЕКТ", 1998, 590 с.
2. Лещенко В.М. Патентное дело. Правовые аспекты. - М.: "Издательство ПРИОР", 1999, 80 с.
3. Ловягин Н.Б. и др. Международное сотрудничество в области охраны промышленной собственности. - М.: ВНИИПИ, 1991, 112 с.
4. Маамиофа И.Э. Правовая охрана изобретений в капиталистических и развивающихся странах. - М.: ВНИИПИ, 1986, 112 с.
5. Мотылева В.Я. и др. Международное сотрудничество в области охраны промышленной собственности. - М.: ВНИИПИ, 1991, 112 с.
6. Патентное право. Капиталистические и развивающиеся страны. - М.:

3-Мавзу: ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАР. ЭҲМ УЧУН ДАСТУРЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ

Режа:

3.1. Илмий кашфиётлар. Кашфиёт объектлари. Кашфиётни аниқлаш тартиблари.

3.2. ЭҲМ учун дастурлар. ЭҲМ маълумотлар базалари. Муалифлик ҳуқуқининг бузилиши. Дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун талабнома.

3.1. Илмий кашфиётлар ва унинг объектлари

Кашфиёт ҳақида тушунча. Кашфиёт деб билим даражасига тубдан ўзгартириш олиб кирадиган илгари номаълум бўлган аммо объектив мавжуд бўлган моддий дунёнинг ходиса, хосса ва қонуниятларини тушунтириб берувчи таълимотга айтилади.

Кашфиётни ҳимоя қилиш мақсади:

1. Илмий мазмун ишончилигини тасдиқлаш учун;
2. Муаллиф ва давлат устунлигини ўрнатиш;
3. Кашфиёт муаллифининг хусусиятларини тан олиш ва унга тегишли имтиёзлар бериш;
4. Кашфиёт билан боғлиқ илмий-технологик масалаларни ҳал қилишда кўмаклашиш;
5. Фан ва техникада, фойдаланиш учун кашфиётларни давлат томонидан маълумот учун қабул қилиниши ва ҳисобга олиниши;

Кашфиёт қуйидаги ҳолларда эътироф этилади:

1. Илгари номаълум бўлган, агар биринчи топилган кунгача давлатимизда ёки хорижда эълон қилинмаган бўлса, учинчи шахсга етказилмаган бўлса;
2. Агар жиддий хусусиятга эга бўлиб дунёни илмий ўрганишга муҳим ҳисса қўша олса, билим даражасига тубдан ўзгартиришлар олиб кирса шу жумладан фан ва техника равнаки борасидаги янги йўналишлар ва янги техника ечимларга асос солса;
3. Илгари маълум бўлган назарий тушунчаларни умуман ўзгартириб юборса;
4. Илгари илмий жиҳатдан тушунтирилмаган илмий ҳақиқатларни изоҳлай олса.

Кашфиёт қуйидаги ҳолларда эътироф этилмайди:

Фойдали қазилмалар, ижтимоий фанлар соҳасидаги жўғрофий ва археологик кашфиётлар тан олинмайди.

Кашфиётни ҳимоя қилиш мақсади:

1. Илмий мазмун ишончилигини тасдиқлаш учун;
2. Муаллифлик ва давлат устунлигини ўрнатиш;

изоҳлай олса.

Кашфиёт куйидаги ҳолларда эътироф этилмайди:

Фойдали қазилмалар, ижтимоий фанлар соҳасидаги жўғрофий ва археологик кашфиётлар тан олинмайди.

Кашфиётни ҳимоя қилиш мақсади:

1. Илмий мазмун ишончлилигини тасдиқлаш учун;
2. Муаллифлик ва давлат устунлигини ўрнатиш;
3. Кашфиёт муаллифининг хизматларини тан олиш ва унга тегишли имтиёз бериш;
4. Кашфиёт билан боғлиқ илмий техник масалаларни ҳал қилишда кўмаклашиш

5. Фан ва техникада фойдаланиш учун кашфиётларни давлат томонидан маълумот учун қабул қилиниши ва ҳисобга олиниши.

Кашфиёт объектлари учта тушунчадан иборат бўлиб улар куйидагилардир:

1. *Ҳодиса* деб илгари номаълум бўлган билим даражасини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган объектив мавжуд бўлган моддий дунё моҳиятининг намоён бўлиш шаклига айтилади.

2. *Хосса* деб, илгари номаълум бўлган билим даражасини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган моддий дунёни борлигининг объектив мавжуд сифатли томонига айтилади.

3. *Қонунийлик* деб, илгари номаълум бўлган билим даражасини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган моддий дунё ходисалари ва хоссалари ўртасидаги объектив мавжуд бўлган барқарор муносабатига айтилади.

Кашфиёт устунлиги илмий қониданинг биринчи марта таърифлаб берилган кундан, унинг матбуотда эълон қилинган вақти учинчи шахсга етказилган кундан белгиланади.

Кашфиётни аниқлаш тартиблари.

Кашфиётларни аниқлаш деб – инсонларга жавоб берувчи муҳим илмий қоидаларни маълум қилмоқ илгари номаълум бўлган объектив мавжуд билим даражасига тубдан ўзгартириш киритадиган илмий далилларни белгилашга айтилади.

Кашфиётни аниқлаш тўрт босқичда ўтказилади:

1 - босқич – асос, кидирув тадқиқотни илмий-амалий муҳандис тадқиқотдан ажратиш лозим тадқиқотнинг объектини табиий ёки техник объект бўлиши мумкин ва уни тартибли амалга ошириш керак. Тадқиқот-нинг объекти табиий ёки техник бўлиши мумкин ва уни тартибли амалга ошириш керак.

2 - босқич – Кашфиёт предмети ходиса, хосса, қонунийликни олдиндан белгилашга айтилади.

3 - босқич – Кашфиёт шаклига мувофиқ кашфиёт предмети қатъий шаклланади.

4 - босқич – Бунда илмий қоида жамоатчилик томонидан муҳокама қилинади.

компьютерларнинг пайдо бўлиши билан ЭХМ ларнинг кенг тарқалиш даври бошланди. Ҳозир ҳеч амалий масалани ЭХМ сиз ҳал қилиб бўлмайди, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидан ташқари, деярли барча корхона ва ташкилотларнинг иш юритиши ЭХМдан кенг фойдаланишга асосланган.

Бугунги кунда компьютер инсонларнинг ўзаро муносабатлари, ахборот билан алмашишнинг бош воситасига айланди.

Компьютер ҳар қандай ишда инсоннинг энг яқин ёрдамчисидир. Лекин компьютернинг ўзи тўлақонли ёрдамчи эмас. Унинг қандайдир масалани ҳал қилишдаги фойдалилиги тўлалигича у ишлайдиган дастурга боғлиқдир. Дастурий таъминот компьютернинг *жонидир*.

Ҳар қандай ЭХМ ни икки қисмга бўлиш мумкин: аппарат-техник (*hardware*) ва дастурий таъминот (*software*).

Дастурий таъминот ёки ЭХМ учун дастур бу ЭХМ, унинг тармоклари ва бошқа компьютер воситаларининг муайян натижалар олиш мақсадида ишлаш учун мўлжалланган маълумотлар ва буйруқлар мажмуидир.

ЭХМ, янги коммуникация воситаларининг кенг тарқалиши ахборот ресурсларининг кескин кўпайишига олиб келди. Бизни ўраб турган ахборот (илмий-техник, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқалар) йил сайин геометрик прогрессия бўйича кўпайиб бормокда. Шу муносабат билан зарур маълумотларни излаш, уларга ишлов бериш ва таҳлил қилишни енгиллаштириш мақсадларида бундай ахборотларни системалаштириш вазифаси юзага келади. Бу дастурий таъминотдан яна бир интеллектуал мулк объекти – маълумотлар базалари ажралиб чиқишига олиб келди.

Маълумотлар базалари бу маълумотлар (масалан, мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи бўлиб, у шундай тартибга солинганки, электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида уларни топиш ва ишлов бериш мумкин.

ЭХМ пайдо бўлган дастлабки вақтда унинг аппарат-техник қисми дастурий таъминотидан жуда (бир неча тартибга) қиммат эди. Лекин шундан бери ЭХМ ривожига доимий равишда бир йўналиш кузатилмокда – аппарат-техник қисмлар қиймати тушиб, дастурий таъминот қиймати тобора ошиб бормокда. *Бугунги кунда дастурий таъминот ЭХМнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ЭХМни қўллаш соҳаси, у ёки бу муайян масалани ҳал қилиш қобилиятини белгилаб беради.* Шунга мувофиқ ЭХМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар ишлаб чиқариш катта интеллектуал сарф-харажатларни талаб қилади ва катта тижорат қимматига эга. Лекин ҳар қандай интеллектуал мулк объекти каби бу объектларнинг тижорат қиммати ҳам уларнинг ҳуқуқий муҳофазасига бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатида ЭХМ ва маълумотлар базалари дастурлари ва алгоритмлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган.

Олдинги бўлимда кўрсатиб ўтилганидек, ЭХМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар муаллифлик ҳуқуқи меъёрлари асосида ҳуқуқий муҳофазаланади, чунки улар қуйидаги асосий тамойилларни қаноатлантиради деб тан олинади:

- қандайдир объектив шаклда ўз ифодасини топган;

маълумотлар базалари дастурлари ва алгоритмлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган.

Олдинги бўлимда кўрсатиб ўтилганидек, ЭХМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар муаллифлик ҳуқуқи меъёрлари асосида ҳуқуқий муҳофазаланади, чунки улар қуйидаги асосий тамойилларни қаноатлантиради деб тан олинади:

- қандайдир объектив шаклда ўз ифодасини топган;
- фан, санъат соҳасига тегишли;
- ўзига хос.

Лекин ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар муаллифлик ҳуқуқининг одатдаги объектларидан бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради, яъни ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар адабиёт ва санъат асарлари каби бевосита объектив шаклда намоён бўлмайди, балки ЭХМнинг аппарат-техник қисми орқали у бажарадиган ишларда, у акс эттирадиган аудиовизуаль тасвирларда билвосита намоён бўлади.

Барча дастурлар ва маълумотлар базаси *дастлабки матн* шаклида дастурлаштиришнинг бирор-бир тилида яратилади [1].

Дастурлашнинг бирор-бир тилида яратилган ва бирор-бир компилятор билан қайта ишланмаган матн дастлабки матн ҳисобланади.

Лекин, ЭХМ дастлабки матнни бевосита қабул қилмайди, балки объектга кодини – дастлабки матнни машина кодига айлантириш натижасида олинган дастурни қабул қилади.

Биринчи марта 1972 йил Женевада ЭХМ дастурларини ҳуқуқий муҳофазалаш бўйича экспертлар гуруҳининг биринчи сессиясида Париж ва Берн конвенцияларининг қоидалари ЭХМ дастурларини муҳофазалашни кафолатлай олмаслиги таъкидланди. ЭХМ дастурларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлайдиган ва муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка асосланадиган ҳамда махфий ишлаб чиқаришлар ва ноқонуний рақобатнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунчиликни ҳисобга оладиган махсус қонуний ҳужжатларни жорий этиш тўғрисида келишиб олинди.

Кейинчалик жаҳон амалиётида ЭХМ объектларини муҳофазалаш масалаларини ҳал қилишда икки йўналиш кенг тарқалди [2]:

- *муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги мавжуд қонун-чиликка ўзгартиришлар киритиш;*

- *ЭХМ дастурлари учун муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида махсус қонун ишлаб чиқиш.*

Бу йўналишлар Ўзбекистон қонунчилигида ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ЭХМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар муаллифлик ҳуқуқи объектларига киритилган. Демак, тегишлича ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурларга муаллифлик ҳуқуқининг барча тамойиллари тарқалади.

Шуни қайд этиб ўтамизки, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлган ва объектив шаклда тақдим этилган ЭХМ ва маълумотлар базалари учун ҳар қандай дастурларга, уларнинг мақсади ва қимматидан

катъий назар, тарқалади. ЭХМ ёки маълумотлар базаси учун дастурларга муаллифлик ҳуқуқи унинг акси исботланмагунча тарқалади.

ЭХМ ёки маълумотлар базалари учун дастурларни ноқонуний кўчириб олиш ёки тарқатиш, шу жумладан ўзгаларнинг номи билан чиқариш муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг нусхаларига қонуний эгалик қилувчи шахсларга ҳуқуқ эгасидан кўшимча рухсатнома олмасдан дастурнинг мақсадига мувофиқ равишда ишлашнинг таъминлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан ЭХМга ёзиш ва хотирасида сақлаш, шунингдек унинг кўриниб турган хатоларини тузатиш ҳуқуқи берилади. Бунда агар ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, қонун билан фақат битта ЭХМ ёки тармоқдаги битта фойдаланувчининг дастурларни ёзиб олиши ва хотирада сақлашига йўл қўйилади. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун бу объектларни ҳуқуқий муҳофазалашнинг муҳимлиги ва ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонун билан ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқлари (муаллифлик ҳуқуқининг бошқа ҳар қандай объектлари каби) улар яратилгандан сўнг вужудга келади ва қандайдир рўйхатга олиш ёки бошқа расмийликларга риоя қилишни талаб қилмайди [3]. Муаллиф ўз дастурини ўз истагига кўра ва фақат ўз муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза даражасини ошириш мақсадида рўйхатдан ўтказиши мумкин. Масалан, дастурларни давлат рўйхатига олиш низоли ҳолатларда, ишни судда кўришда (асл вариант (дастлабки матн)ни аниқ белгилаш зарурияти туғилган ва ҳоказо) ўз муаллифлик ҳуқуқи ҳажмларини идентификациялашни осонлаштиради [4].

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун Давлат патент идорасида ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофазалаш агентлиги (бундан кейин -Агентлик) ташкил этилган. Ўз дастури ёки маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш учун муаллиф (ёки бошқа ҳуқуқ эгаси) Агентликка тегишли талабнома бериши зарур [5].

Бундай талабнома битта ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базаларига тааллуқли бўлади ва қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади [6]:

-ҳуқуқ эгаси, муаллифи, асар номи ва бошқа белгиланган маълумотларни кўрсатган ҳолда ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатга олишга талабнома;

-дастур ёки маълумотлар базаларини айнанлаштирувчи ва дастур ёки маълумотлар базасининг мақсади, қўлланиш соҳаси ва функционал имкониятлари кўрсатилган рефератни ўз ичига олган депонентланган материаллар, шунингдек дастур ёки маълумотлар базасининг дастлабки матни листинг(босма нусхаси)нинг дастлабки 25 ва охириги 25 бети. Листингга дастурни идентификациялаш учун зарур бошқа материаллар, масалан дисплей экранда олинадиган тасвирнинг қоғозга босиб чиқарилган нусхалари (стандарт видеокассеталардаги ёзувлар ёки фотографиялар

берилиши мумкин) илова қилиниши мумкин.

- дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун тегишли рўйхатга олиш божлари тўланади.

Агентлик рўйхатга олиш учун буюртма тушгандан сўнг расмий экспертиза ўтказди (бунда зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади) ва текшириш натижалари ижобий бўлса, Агентлик ЭХМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларини тегишлича Дастурий махсулотлар давлат реестри ёки Маълумотлар базалари давлат реестрига киритади, буюртма берувчига дастур ёки маълумотлар базаларининг расмий рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома беради ҳамда Агентликнинг расмий бюллетенида рўйхатга олинган ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

Агентлик шунингдек ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига мулкӣ ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тўғрисидаги шартномаларни ҳам рўйхатга олади. Бунда конун билан бундай шартномаларни томонларнинг розилиги билан рўйхатга олиш мумкинлиги белгилаб қўйилган, рўйхатга олинган дастурларга мулкӣ ҳуқуқларнинг тўлалигича бошқа шахсларга берилиши тўғрисидаги шартномалар белгиланган тартибда рўйхатга олинishi шарт.

Хулосада яна бир бор шуни таъкидлаб ўтамизки, ҳисоблаш техникаси объектларини (ЭХМ учун дастурлар ва алгоритмлар ва маълумотлар базалари) ҳуқуқӣ муҳофазалаш фан-техника тараққиёти ривожланиши ва демак, давлатимиз иқтисодий фаровонлигининг ошишига кўмаклашувчи омиддир.

Назорат саволлари.

1. Қандай объектлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга киради?
2. Мустақил ва мустақил бўлмаган асарлар қандай фарқланади?
3. Ким асарнинг муаллифи ҳисобланади, асарларга ҳаммуаллифликнинг турли ҳолатларини кўрсатиб беринг?
4. Асар муаллифига қандай ҳуқуқлар тегишли?
5. Муаллифлик шартномаси эркинлиги тамойили нимадан иборат?
6. Муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги қандай халқаро конвенциялар ва шартномаларни биласиз?
7. Берн конвенциясининг асосий қоидаларини айтиб беринг?
8. Муаллифлик ҳуқуқ объектӣ сифатида ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг ўзига хос томонлари нимадан иборат?
9. Дастурнинг дастлабки матни, объект коди, ЭХМ учун дастурларни декомпиляциялаш нима?
10. ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини давлат рўйхатига олиш тартибини кўрсатиб беринг?

Адабиётлар:

1. Правовая охрана программ для ЭВМ и баз данных в РУз.

5. Жумаходжаев А. Патентшунослик. Тошкент:-Мехнат. 2001, 384 б.
6. Рясенцев В.А и др.Патентоведение. М. Машиностроение, 1983.
7. "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида" ги Ҷзбекистон Республикаси қонуни- 1996 йил 30 августда қабул қилинган.

4-Мавзу: ИХТИРО. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Режа:

- 4.1. Ихтиро. Асосий тушунчалар.
- 4.2. Ихтиро турлари.
- 4.3. Ихтиро бирлигининг талаби.
- 4.4. Патентга лаёқатли ихтиролар эмас деб тан олинадиган объектлар.
- 4.5. Ихтирога патент бериш учун талабнома.
- 4.6. Талабнома таркиби.
- 4.7. Ихтиро ҳужжатларининг берилиши.

4.1. Ихтиро

Ихтиро инсон яратган дастлабки интеллектуал мулк объектидир. Ихтиролар тарихи ибтидоий одам ўзининг биринчи меҳнат қуролини ўйлаб топган вақтдан бошланган бўлса керак. Ўша вақтлардан бери айнан ихтиролар техникани, демак умуман жамиятни ривожлантиришнинг омили ҳисобланади [1].

Интеллект–инсонни ҳайвонат дунёсидан ажратиб турадиган асосий белги бўлиб ривожланишни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради. Интеллект сўзи латинча *intellectus* сўзидан келиб чиққан бўлиб, инсоннинг ақли, онги, фикрлаш қобилиятини билдиради.

Энг аввало интеллектуал мулк интеллектуал фаолият натижасидир. Барча интеллектуал фаолият ҳам интеллектуал мулк бўла олмаслиги аниқ. Инсон фикрлайди, унинг ҳаёлида беҳисоб ғоялар, лойиҳалар туғилади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда амалга ошмай, қолиб кетади. Фақат бошқалар томонидан объектив равишда қабул қилинадиган, яъни ўзининг муайян чегараларига эга бўлган ғоя ва фикрларгина мулк бўла олиши равшандир.

Интеллектуал фаолиятнинг кейинчалик қандайдир бирор-бир объектив (моддий) шаклда ифодалана оладиган натижаларигина интеллектуал мулк бўлади деб айтиш мумкин.

Ихтироларни яратишнинг асосий сабаби, энг аввало жамиятнинг тобора ошиб бораётган моддий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжларидир. Жамият ривожланиб боргани сари бу эҳтиёжлар бир томондан янада тўларок, иккинчи томонидан эса қаттиқ харажат билан қондириб борилиши зарур.

Ихтиро бу янги ғоя, техник ечим бўлиб, амалиётда техниканинг исталган соҳасидаги муайян муаммони ҳал қилиш имконини беради ва белгиланган мезонларга жавоб беради.

Шуни қайд этиб ўтамизки, техника кўп қиррали тушунча бўлганлиги

тобора ошиб бораётган моддий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжларидир. Жамият ривожланиб боргани сари бу эҳтиёжлар бир томондан янада тўлароқ, иккинчи томонидан эса камроқ харажат билан қондириб борилиши зарур.

Ихтиро бу янги ғоя, техник ечим бўлиб, амалиётда техниканинг исталган соҳасидаги муайян муаммони ҳал қилиш имконини беради ва белгиланган мезонларга жавоб беради.

Шуни қайд этиб ўтамизки, техника кўп қиррали тушунча бўлганлиги сабабли турли-туман объектлар ихтиро бўлиши ва уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиши мумкин [2].

Нихоят, биз интеллектуал мулкнинг муҳим атамаси – **патент** деган тушунчани қараб чиқамиз. Патентни ҳақли равишда интеллектуал мулкнинг асосий бош ҳужжати деб айтиш мумкин, у интеллектуал мулк ҳуқуқларининг асосий моҳиятини йиғиқ ҳолда акс эттиради ва индустриал ривожланишда етакчи роль ўйнайди. Патент сўзи латинча **patentis** сўзидан келиб чиққан бўлиб, очиқ, аниқ деган маънони билдиради. Патент ихтирочи ва жамият ўртасидаги ўзига хос алмашинув ҳисобланади. Ихтирочи ўз ижодини жамиятга очиб беради, бу билан техник тараққиёт даражасини оширади., бунинг учун эса ўзининг патентланган ихтиросига давлат томонидан кафолатланган мутлоқ (монополь) ҳуқуққа эга бўлади.

Патент давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида амал қиладиган муҳофаза ҳужжатидир.

Патент ўз моҳиятига кўра, объектларга мутлоқ эгалик ҳуқуқини берадиган ҳужжат бўлганлиги сабабли *муайян давлатда бундай мутлоқ ҳуқуқларни бериш масаласи шу давлатнинг алоҳида ваколати ҳисобланади.* Маълумки, бир давлатнинг патенти иккинчи давлатнинг ҳудудида амал қила олмайди.

Ихтиронинг таърифи, унинг турлари ҳақидаги асосий тушунчаларни қараб чиқамиз. Ихтиро, яъни ақлий мулк маҳсулоти қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги ихтирочилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади ва ихтиро деб тан олинади;

2) ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади;

3) ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтирочилик даражасига эга бўлади;

4) техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади;

5) ихтирони саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўллаш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

уларнинг функционал конструктив бирликда бўлган мажмуидан иборат буюмлар киради.

Қурилмаларга машиналар, асбоб-ускуналар, аппарат, идишлар, транспорт воситалари, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, идиш-товоқлар, мебель, пойафзал, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари, бинолар, иншоотлар, бино қисмлари ва бошқалар киради.

Усул. Усулларга моддий объект (қурилма, муҳит, электр заряди, магнит майдони ва бошқалар) устида моддий объектлар ёрдамида ўзаро боғлиқ ҳаракатларни бажариш жараёнлари киради.

Модда. Ихтиро тури сифатида моддаларга:

индивидуал кимёвий бирикмалар, буларга шартли равишда юқори молекуляр бирикмалар ва ген муҳандислиги объектлари киритилган;
композициялар (аралашмалар, қотишмалар, эритмалар ва бошқалар);
ядровий парчаланиш маҳсулотлари киради.

Микроорганизм штамми, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари. Микроорганизм штамми - бу ўзига хос хусусиятлари бўйича танлаб олиш билан сақланиб туриладиган, қўллаганда фойдали моддалар ҳосил қиладиган ёки бошқа фойдали хусусиятларга эга бўлган вирус, бактерия ва замбуруғларнинг ирсий жиҳатдан бир жинсли турларидир.

Ихтиро тури сифатидаги микроорганизм штамmlарига, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига қуйидагилар киради:

- микроорганизмларнинг индивидуал штамmlари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайралари турлари;
- микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари турларининг консорциумлари.

Аввалдан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддалар, штамmlарнинг янги мақсадда қўлланилишига уларнинг янги вазифада ишлатилиши киради. Аввалдан маълум бўлган (табiiй ва сунъий йўл билан олинган) моддаларни ижтимоий истеъмолни қаноатлантириш учун биринчи марта ишлатилиши янги мақсадда ишлатишга тенглаштирилади.

4.3. Ихтиро бирлигининг талаби

Талабнома битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини ташкил қилиб, бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тегишли бўлиши керак (ихтиро бирлиги талаби). Қуйидаги шартлар бажарилса ихтиро бирлиги талаби бажарилган деб тан олинади:

битта мустақил пунктдан иборат ихтиро формуласида битта ихтиро келтирилган;

бир неча мустақил пунктлардан иборат ихтиро формуласида ихтиролар гуруҳи келтирилган бўлиб, улардан бири бошқасини олиш (тайёрлаш) учун ишлатилади (масалан қурилма ёки модда ва қурилма ёки моддани тўлалигича, ёки уларнинг бир қисмини олиш (тайёрлаш) усули);

улардан бири бошқасини амалга ошириш учун ишлатилади (масалан

битта мустақил пунктдан иборат ихтиро формуласида битта ихтиро келтирилган;

бир неча мустақил пунктлардан иборат ихтиро формуласида ихтиролар гуруҳи келтирилган бўлиб, улардан бири бошқасини олиш (тайёрлаш) учун ишлатилади (масалан, қурилма ёки модда ва қурилма ёки моддани тўлалигича, ёки уларнинг бир қисмини олиш (тайёрлаш) усули);

улардан бири бошқасини амалга ошириш учун ишлатилади (масалан, усулни тўлалигича ёки унинг ҳаракатларидан бирини амалга ошириш учун ишлатиладиган усул ва қурилма);

улардан бири бошқасидан фойдаланиш учун ишлатилади (масалан, усулда ишлатишга мўлжалланган усул ва модда; усул ёки қурилма ва унинг бир қисми; қурилма ёки модданинг янги мақсадда қўлланилиши ва уларни шу вазифада ишлатиш усули; қурилма ёки модданинг янги мақсадда қўлланилиши ва уларнинг таркибий қисми бўлган қурилма ёки композициялар);

бир хил кўринишдаги объектларга тегишли бўлган, бир хил вазифадаги, бир хил техник натижани бир хил йўл билан олишни таъминловчи ечимлар (вариантлар).

4.4. Патентга лаёқатли ихтиролар эмас деб тан олинадиган объектлар

Қуйидагилар патентга лаёқатли ихтиролар деб тан олинмайди [3]:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- ҳўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- аклий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл схемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоа манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

4.5. Ихтирога патент бериш учун талабнома

Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патенти бериш учун талабнома тузиш Қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1063-ХII сонли қарорига мувофиқ кучга киритилган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонунининг 2 - моддаси 2 - қисмига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Патент идораси ихтирога патент бериш учун талабнома тузиш тартибини

қуйидагиларни аниқлаб олиш мумкин бўлсин [4]:

1. Ихтиронинг патентга лаёқатлилиги, яъни унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда қўлланилиши тўғрисида аниқ ва равшан тасаввур ҳосил қилиш;

2. Омма учун ихтиронинг техник моҳиятини тўлиқ очиб бериш ва бу билан техника даражасини ривожлантиришга муаян ҳисса қўшиш, патент тизими ҳам айнан ана шу мақсадларда фаолият юритади. Бунинг учун ихтиронинг тавсифи ўз ичига ихтирони амалга ошириш учун зарур ва етарли ахборотни (унда бевосита фойдаланиш, усул бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) олиши зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ихтиро тавсифи қуйидаги мантикий схема бўйича тузилади [5,6]:

1. Ихтиронинг мақсади, унинг қўлланиш соҳаси очиб берилади;

2. Ихтирогача бўлган техник даражаси баён этилади, илгари маълум ихтироларнинг камчиликлари келтирилади ва ҳ.к.;

3. Техниканинг ушбу соҳаси олдида турган ва ҳал қилиниши зарур техник, иқтисодий ва бошқа натижалар берадиган вазифалар, долзарб муаммолар кўрсатилади;

4. Ихтиронинг ўзи очиб берилади, ихтиро қандай қилиб қўйилган вазифани ҳал қилиши, зарур техник натижаларга эришилишига далиллар келтирилади, ихтирони амалга оширишнинг аниқ мисоллари келтирилади ва ҳ.к.[7].

4.6. Талабнома таркиби

Талабнома қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

- ихтиро муаллифи (муаллифлари) ва номига патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ёки турар жойи кўрсатилиб, патент бериш сўралган **ариза**;

- ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган **тавсифи**;

- ихтиро моҳиятини акс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган **ихтиро формуласи**;

- ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, **чизмалар ва бошқа материаллар**;

- **реферат**.

Талабномага илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. Талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки бож тўлашдан озод қилишни асословчи ҳужжат илова қилинади. Бож белгиланган миқдордан кам тўланган ҳолда, бож миқдори камайтирилишини асословчи ҳужжат қўшиб берилади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар талабнома билан бирга берилиши керак.

2. Патент вакили орқали берилган талабномага талабнома берувчи томонидан берилган ва патент вакилининг ваколатларини тасдиқловчи

тасдиқловчи ҳужжат ёки бож тўлашдан озод қилишни асословчи ҳужжат илова қилинади. Бож белгиланган миқдордан кам тўланган ҳолда, бож миқдори камайтирилишини асословчи ҳужжат қўшиб берилади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар талабнома билан бирга берилиши керак.

2. Патент вакили орқали берилган талабномага талабнома берувчи томонидан берилган ва патент вакилининг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки унинг нусхаси илова қилинади. Патент идорасига топшириш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилаётган ишончнома, оддий хат шаклида тузилади ва нотариус томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

4.7. Ихтиро ҳужжатларининг берилиши

Талабнома тили. Патент бериш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида берилади. Талабнома миллий талабнома берувчилар ёки МДХ талабнома берувчилари томонидан берилса, аризада кўрсатилган ихтиро номи ўзбек ва рус тилларида берилиши лозим.

Нусхалар сони. Талабноманинг юқорида кўрсатилган ўзбек ёки рус тилида тузилган ҳужжатлари уч нусхада берилади.

Шу ҳужжатлар агар бошқа тилда бўлса бир нусхада, уларнинг таржимаси уч нусхада берилади.

Қолган ҳужжатлар ва уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси бир нусхада берилади.

Назорат саволлари.

1. Қандай объектлар ихтиро сифатида тан олинади?
2. Курилмани тавсифлаш учун қандай белгилардан фойдаланилади?
3. Усулни тавсифлаш учун қандай белгилардан фойдаланилади?
4. Моддани тавсифлаш учун қандай белгилардан фойдаланилади?
5. Микроорганизмлар штаммлари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг култураларини тавсифлаш учун қандай белгилардан фойдаланилади?
6. Техника даражаси нима, у қандай маълумотларни ўз ичига олади?
7. Ихтиронинг янгилигини экспертизадан ўтказишнимадан иборат, янгилик мезонларининг қандай «тур»лари мавжудлигини кўрсатинг?
8. Ихтиронинг аналоглари, ихтиро прототиплари нима?
9. Ихтирочилик даражаси қандай экспертизадан ўтказилади?
10. Ихтиронинг саноатда қўлланиш мезонига мувофиқлиги қандай текширилади?
11. Ихтирога патент олиш учун бериладиган талабнома ўз ичига қандай ҳужжатларни олади?
12. Талабнома ҳужжатларига қандай талаблар қўйилади?
13. Ихтиро бирлиги талаблари нима?
14. Ихтиронинг устуворлиги нима, устуворликни белгилашнинг турли

3. Ўзбекистон Республикасида ихтиролар ва фойдали моделларнинг ҳуқуқий муҳофазаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси. Патент-Пресс. Ташкент. 2001.

4. Жумаходжаев А. Патентшунослик. Тошкент:-Мехнат. 2001, 384 б.

5. Руководство по методике предварительной и государственной научно-технической экспертизы изобретений. - М.: ВНИИПИ, 1985, 190 с.:

6. Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патенти, дастлабки патенти бериш учун талабнома тузиш қоидалари - Т.// Расмий ахборотнома”, №3, 1997 й.

7. Подготовка и оформление заявок на изобретения. - М.: ВНИИПИ, 1987 г., 115 с.

8. Червова Л.В. Теоретические основы экспертизы изобретений. - М.: ВНИИПИ, 1988, 48 с.

5-Мавзу: ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НОАНЪАНАВИЙ ОБЪЕКТЛАРИ

Режа:

5.1. Селекция ютуқлари. Ўсимлик навлари. Ҳайвон зотлари. Селекция ютуқларига талабнома.

5.2. Интеграл микрочизмалар топологияси. ИМС ни муҳофазалаш зарурати. ИМС топологияларининг муҳофаза қилишга яроқлилиги. ИМС ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

5.1. Селекция ютуқлари

Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари селекция ютуқларига киради. Бунда нав ва зотлар маълум нав ва зотлардан аниқ фарқлари билан ажралиб туриши, етарли даражада бир хил ва барқарор бўлиши зарур. Бундан ташқари фақат Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ботаник ва зоологик турларга кирадиган нав ва зотларгина ҳуқуқий муҳофаза олиши мумкин [1].

Селекция ютуқларини муҳофазалаш соҳасидаги ҳуқуқий базани ўрганишни давом эттиришдан олдин бу соҳада фойдаланиладиган асосий тушунчаларни кўриб чиқамиз.

Ўсимлик нави наслдан-наслга барқарор равишда ўтадиган белгилари билан ажралиб турадиган ўсимликлар гуруҳидир. Бундай белгилар ўсимлик генотипи ёки генотиплар комбинациясини тавсифлаб бериши, бунда ўсимликлар гуруҳи айнан шу ботаник таксонга мансуб бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан ажралиб туриши зарур. Янги нав сифатида битта ёки бир нечта ўсимликни тақдим этиши мумкин, фақат бундай қисм ёки қисмлардан навнинг бутун бир ўсимликларини қўпайтириши мумкин бўлсин. Навнинг муҳофаза қилинадиган объектлари клон, линия, биринчи авлод, дурагай ва популяцияларидир.

генотипи ёки генотиплар комбинациясини тавсифлаб бериши, бунда ўсимликлар гуруҳи айнан шу ботаник таксонга мансуб бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан ажралиб туриши зарур. Янги нав сифатида битта ёки бир неча ўсимликни тақдим этиш мумкин, фақат бундай қисм ёки қисмлардан навнинг бутун бир ўсимликларини кўпайтириш мумкин бўлсин. Навнинг муҳофаза қилинадиган объектлари клон, линия, биринчи авлод, дурагай ва популяцияларидир.

Ҳайвонлар зоти деб генетик жиҳатдан белгиланган биологик ва морфологик хусусиятлар ҳамда белгиларга эга бўлган ҳайвонлар (шу жумладан қушлар, ҳашоратлар, тут ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари тан олинади, бунда бу хусусият ва белгиларнинг баъзилари айнан шу гуруҳ учунгина хос бўлиши ва уни бошқа гуруҳ ҳайвонларидан ажратиб туриш зарур. Зот урғочи ва эркак жинсига мансуб ёки наслчилик материали бўлиши мумкин. Зотнинг муҳофаза қилинадиган объектлари зот гуруҳлари, зот ичидаги (зональ) типлар, завод тип, завод линияси, оилалар, партеноклонлар, линия ва дурагайлардир.

Қонунчиликка мувофиқ [2] Ўзбекистонда селекция ютуқларига ҳуқуқлар патент ёки гувоҳнома билан тасдиқланади.

Селекция ютуқларига бериладиган бу икки ҳужжатнинг бир-биридан фарқи шундан иборатки, селекция ютуғига патент тўлиқ экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади, гувоҳнома бериш учун эса селекция ютуғининг бир хиллиги ва барқарорлигини синаш kifоя. Бундан ташқари, гувоҳнома Ўзбекистонда муҳофаза қилинмайдиган ботаник ҳамда зоологик тур ва зотларга ҳам берилиши мумкин.

Демак, селекция ютуғига берилган патент селекция ютуғининг янгилиги, унинг фарқли томонлари, бир хиллиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг ушбу селекция ютуғини номлаш, унга эғалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Гувоҳнома эса гувоҳнома эгасининг фақат селекция ютуғини номлаш, унга эғалик қилиш, фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлаб беради.

Кўрсатилган мутлоқ ҳуқуқ шундан иборатки, муҳофазаланган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки зотчилик материаллари билан ишлашни истаган ҳар қандай шахс патент ёки гувоҳнома эгасидан қуйидаги ҳаракатлар учун рухсатнома олиши керак:

- нав ва зотни ишлаб чиқариш ва кўпайтириш;
- экиш қондициясигача етказиш;
- сотиш учун таклиф этиш;
- сотиш ва сотишнинг бошқа шакллари;
- Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ёки унинг ҳудудига олиб кириш;
- юқорида санаб ўтилган мақсадларда сақлаш.

Селекция ютуғига муҳофаза ҳужжати олиш учун селекциячи, иш берувчи ва бошқалар патент ёки гувоҳнома берилиши учун тегишли талабномани беришлари зарур. Талабнома Давлат патент идораси қошидаги Селекция ютуқлари бўйича агентликка топширилади.

тўғрисидаги ҳужжатлар;

- шунингдек талабнома берувчининг селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги ва сотилмаганлиги ва унинг янгилик талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги махсус декларациясини олади.

Бундан ташқари, талабнома бериш, бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш учун талабнома берувчи белгиланган миқдорда давлат божи тўлаши зарур.

Сўнгра ҳар бир талабнома бўйича селекция ютуғи экспертизаси ўтказилади. *Бундай экспертиза ўз ичига талабноманинг расмий экспертизаси, нав ёки зотнинг янгилигини экспертизадан ўтказиш ва фарқли, бир хиллиги ва барқарорлигини давлат синовларида аниқлашни ўз ичига олади.*

Селекция ютуғининг янгилигини аниқлаш учун ихтисослашган ташкилотлар томонидан экспертиза ва давлат синовлари ўтказилади, улар экспертиза ва синов натижалари бўйича Давлат патент идорасига нав ёки зот тўғрисида тегишли ҳулосани тақдим этадилар. Шунинг қайд этиб ўтаминки, патент олиш учун талабнома берилган санада селекциячи, унинг ҳуқуқий вориси ёки уларнинг розилиги билан уруғлик, кўчат ёки наслчилик материаллари ва бошқа шахсларга сотилмаган ёки қуйидаги жойларда фойдаланиш учун берилмаган бўлса янги деб ҳисобланади:

- Ўзбекистон ҳудудида – талабнома берилган санадан бир йил илгари;
- Бошқа давлатнинг ҳудудида – талабнома берилган санадан тўрт йил илгари ёки бу узум, ёғочли, манзарали, мевали экинлар ва ўрмон дарахтлари бўлса, кўрсатилган санадан олти йил илгари.

Экспертиза ва синовлар натижалари ижобий бўлганда патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинади, селекция ютуғи Ўзбекистон Республикаси Давлат селекция ютуқлари реестрида рўйхатга олинади ва бу ҳақдаги маълумотлар расмий эълон қилинади. Шундан сўнг селекция ютуғи эгаси патент ёки гувоҳнома олади.

5.2. Интеграл микрочизмалар топологияси

ЭХМ саноат асосида ишлаб чиқарила бошланган санадан (1951 йил, Remington Rand Cor.) бошлаб ҳисоблаш техникаси объектларини муҳофазалаш муаммоларини ҳал қилишда икки йўналиш: патент ва муаллифлик ҳуқуқи кенг тарқалди. Бу ЭХМни муҳофазалаш объектларининг дастлаб ихтиро сифатида патент ҳуқуқи билан ҳимояланадиган аппарат-техника объектлари ҳамда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланадиган дастурий таъминот объектларига бўлинганлиги билан боғлиқдир. *Кейинчалик бу объектларнинг ҳар бири етарли даражада мустақил тоифаларга бўлинадиган бўлди.* ЭХМ аппарат-техник қисмининг ривожланишида сифат жиҳатидан бирмунча янги босқичлар ёки бошқача айтганда ЭХМнинг янги авлоди вужудга келди. ЭХМнинг интеграл микрочизмаларга ўтиши билан аппарат-техника қисмидан мустақил объект - интеграл микрочизмалар (ИМЧ) топологияси ажралиб чиқди [3].

дастурий таъминот объектларига бўлинганлиги билан боғлиқдир. *Кейинчалик бу объектларнинг ҳар бири етарли даражада мустақил тоифаларга бўлинадиган бўлди.* ЭХМ аппарат-техник қисмининг ривожланишида сифат жиҳатидан бирмунча янги босқичлар ёки бошқача айтганда ЭХМнинг янги авлоди вужудга келди. ЭХМнинг интеграл микроцизмаларга ўтиши билан аппарат-техника қисмидан мустақил объект - интеграл микроцизмалар (ИМЧ) топологияси ажралиб чиқди [3].

ЭХМнинг аппарат-техника қисмини муҳофазалаш масалалари билан шуғулланадиган Патент ҳукуқи институти қуйидаги сабабларга кўра ИМЧ топологияларини ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларини ҳал қила олмайди:

1. ИМЧ топологияларининг муҳофаза қилишга яроқлилигини баҳолаш учун ихтиронинг патентга лаёқатлилиги мезонларининг қўлланиш имконияти йўқ, чунки:

- ИМЧ топологиясининг ИМЧ интеграция даражасига боғлиқ бўлган (ИМЧ айрим элементлари топологиясининг ижро шакли ва ўзаро жойлашиши ҳамда уларнинг ўзаро алоқасини акс эттирувчи) кўплаб белгилар шунчалик катта (юз минглаб атрофида) бўлиши мумкинки, шу каби чекланмаган миқдордаги ечимларни қиёсий таҳлил қилиш (буюртмада кўрсатилган ИМЧ топологиясининг “янгилигини” баҳолаш) жуда сермашаққат ва самарасиз ишдир;

- Топологияларнинг стандарт (кутубхона) элементлар, автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари ва уларни синтез қилишнинг бошқа маълум қоидаларини қўлланиб яратилиши буюртма берилган топологиянинг “ихтиро даражаси” мезонларига мувофиқлигини баҳолашни муаммоли масала қилиб қўяди.

2. Техниканинг ҳозирги даврдаги ривожланиш даражасида *ихтирога патент муҳофазаси олиш жараёни давом этадиган муддат ИМЧ топологиялари маънавий жиҳатдан эскириб қоладиган ўртача муддатга тенгдир.*

3. Бундан ташқари, ихтиро – техник ечим бўлиб, уни ифодалаш шакллари турличалиги билан ажралиб туради (бунда муҳим белгилари мажмуи ўзгаришсиз қолади), ИМЧ топологияси эса фақат битта ифода шаклига (фақат шу ИМЧнинг ўзини) эга бўлган ечимдир, яъни *бошқа ИМЧ ҳар доим ҳам бошқа топологияга эга бўлади.*

4. ИМЧ топологияси объекти шунингдек “саноат наъмунаси” объектига ҳам тўғри келмайди, чунки унинг ташқи кўриниши техник эстетика талаблари билан эмас, балки ИМЧнинг фақат талаб этиладиган техник хусусиятлари ва функционал мақсади билан белгиланади ва ишлатиш жараёнида уни кўз билан кўриб бўлмайди.

ИМЧ топологиясини муҳофазалаш учун муаллифлик ҳукуқи меъёрларини қўлланиш ҳам анча қийин, чунки Берн конвенциясининг 2(1)-моддасида келтирилган муаллифлик ҳукуқи билан муҳофа-заланадиган объектлар рўйхатига мувофиқ *ИМЧ топологиясини муаллифлик ҳуқуқининг ҳеч бир объекти билан идентификациялаш мумкин эмас.*

Ушбу вазиятлар муносабати билан интеграл микроцизмалар

мамлакат ушбу Битим коидаларига мувофик равишда топологияларга мутлоқ ҳуқуқларни белгиловчи ҳуқуқий меъёрларни қабул қилиш йўли билан ИМЧ топологиясининг ҳуқуқий муҳофаза қилишини таъминлаши зарурлигини кўзда тутди.

1989 йилнинг май ойида Вашингтонда микрочизмаларга нисбатан интеллектуал мулк тўғрисида шартнома тузилди.

ИМЧ топологиясини ҳуқуқий муҳофазалашнинг асосий ўзига хос хусусиятлари қуйдагилардан иборат:

- Муҳофаза ҳужжати эгаси саноат мулки объектига мутлоқ ҳуқуқлар каби ИМЧ топологиясига ҳам мутлоқ ҳуқуқларга эга бўлади. Бунда фақат топологик схеманинг ўзи муҳофаза объекти ҳисобланади. Бериладиган муҳофаза топологияда мужассамлашган ғоя, усул, тизим, технология ёки кодланган ахборотга тарқалмайди.

- ИМЧ топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш мезони унинг ўзига хослиги, яъни оригиналлиги ҳисобланади. Бунда муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган топология оригинал ҳисобланади.

- ИМЧ топологиялари Патент идоралари томонидан расмий экспертиза ўтказилгандан сўнг рўйхатга олинади ва муҳофаза ҳужжати берилади, ИМЧ топологиясининг ўзига хослиги (оригиналлиги) унинг акси исбот этилмагунча тан олинади;

- ҳуқуқ муҳофазалашнинг ўртача муддати турли мамлакатларда ўн йилга тенг бўлиб, бу саноат намунаси объектини муҳофазалаш муддатига яқин;

- кўп конунларда “ҳуқуқларнинг тугаши” тамойили мавжуд бўлиб, унга мувофик интеграл микрочизма ёки ундан фойдаланиб таёрланган буюмнинг конуний эгаси бўлган ҳар қандай шахс ундан эркин фойдаланиши, шунингдек ҳуқуқ эгасининг ҳеч қандай махсус рухсатномасини олмасдан уни учинчи шахсларга бериши мумкин.

- конуний йўл билан сотиб олинган интеграл микрочизмалар ёки таркибида шундай микрочизмалар бўлган буюмлардан фойдаланиш, агар фойдаланаётган шахс бу интеграл микрочизмалар ва буюмлар топологиялардан фойдаланиш бўйича мутлоқ ҳуқуқлар бузилган ҳолда таёрланганлиги ва тарқатилганлиги ҳақида билмаса (ёки огоҳлантирилмаган бўлса), мутлоқ ҳуқуқларнинг бузилиши деб тан олинмайди (атайин бузмаслик тамойили);

- бошқа муаллиф томонидан мустақил равишда яратилган худди шунга ўхшаш ўзига хос топологиядан фойдаланиш бўйича ҳаракатлар ҳам топологиядан фойдаланишга мутлоқ ҳуқуқларнинг бузилиши деб тан олинмайди [4].

Ўзбекистонда 2001 йилнинг май ойида “Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди, унда топологияларни муҳофазалашнинг юқорида кўрсатилган ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топди.

Бунда топологиядан фойдаланишга мутлоқ ҳуқуқлар қуйидаги

топологиядан фойдаланишга мутлак ҳуқуқларнинг бузилиши деб тан олинмайди [4].

Ўзбекистонда 2001 йилнинг май ойида "Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, унда топологияларни муҳофазалашнинг юқорида кўрсатилган ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топди.

Бунда топологиядан фойдаланишга мутлак ҳуқуқлар қуйидаги саналарнинг энг биринчисидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қилади:

- топология хўжалик оборотида киритилганлиги ҳужжатлар билан қайд қилинган энг олдинги сана бўйича белгиланадиган топологиядан биринчи марта фойдаланиш санаси;

- топология рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот расман эълон қилинган сана.

Қайд қиламизки, топологияни рўйхатга олиш (рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бериш) учун талабнома Давлат патент идорасига топологиядан биринчи марта фойдаланиш санасидан бошлаб икки йил мобайнида муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ворислари томонидан берилиши мумкин.

Хулосада шуни таъкидлаб ўтамизки, интеграл микросхемалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш тизимини ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Назорат саволлари.

1. Қандай объектлар селекция ютуқларига киради?
2. Ўзбекистон Республикасида селекция ютуқларига ҳуқуқларни қандай муҳофаза ҳужжатлари тасдиқлайди?
3. Селекция ютуғига муҳофаза ҳужжатлари олиш тартиби қандай босқичлардан иборат?
4. Нима учун селекция ютуқларини давлат синовларидан ўтказиш зарур?
5. Селекция ютуғининг патентга лаёқатлилиқ шартлари нималардан иборат?
6. Интеграл микросхемалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалашнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
7. Интеграл микросхемалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалашнинг ривожланиш тарихини кўрсатинг?
8. Интеграл микросхемалар топологиясини муҳофазалаш мезонлари нималардан иборат?

Адабиётлар:

1. "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. - 1996 йил 30 майда қабул қилинган.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро Кодекси. - 1996 йил 29 августда қабул қилинган.
3. "Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш

6-Мавзу: САНОАТ НАМУНАЛАРИ. МАҲСУЛОТ БЕЛГИЛАРИ

Режа:

6.1. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари.

6.2. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби.

6.3. Товар белгиларининг турлари.

6.4. Товар белгисини рўйхатга олиш, талабнома тузиш.

6.1. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари

Саноат намунаси инсон ижодий фаолияти йўналишининг амалга ошиши бўлиб, аниқ мақсад ва истеъмолчилар доирасига эга.

Таърифига кўра *саноат намуналарига қандайдир бир объект ташқи кўринишининг бадий-конструкторлик (дизайн) ечими киради* [1].

Саноат намуналари ҳажмий (моделлар), ясси (расмлар) ёки уларнинг аралаш кўринишида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ саноат намунасининг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши унинг патентга лаёқатлилик шартлари ҳисобланади.

Агар саноат намунасининг буюмнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим белгилари (аломатлари) мажмуи унинг устуворлик санасидан олдин жаҳондаги нуфузли ахборот манбалари орқали барчага маълум бўлмаган бўлса янги деб тан олинади.

Саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи буюм эстетик хусусиятларнинг ижодий характери билан боғлиқ бўлса у ўзига хос деб тан олинади.

Саноат намунаси кўп қарра қайта ишлаб чиқариш имкониятини берадиган бўлса саноатда қўлланиладиган деб тан олинади.

Қонун билан, шунингдек, саноат намунаси деб тан олинмайдиган объектлар рўйхати белгиланган, хусусан:

- Нашриёт-босма маҳсулотлари;
- Меъморчилик объектлари (кичик меъморчилик шаклларида ташқари), саноат, гидротехника ва бошқа кўчмас иншоотлар;
- Суюқ, газсимон, сочилувчан ёки уларга ўхшаш моддалардан иборат барқарор бўлмаган объектлар;
- Буюмларнинг фақат техник вазифасидан келиб чиқадиган ечимлар;
- Шунингдек жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид ечимлар.

Саноат намунасининг моҳияти ва унинг ҳуқуқий муҳофа-залаш ҳажми энг аввал, унинг муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланади, бу белгилар намуна фотосуратларида акс эттирилади ва буюмнинг ташқи кўриниши ва

- Буюмларнинг фақат техник вазифасидан келиб чиқадиган ечимлар;
- Шунингдек жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид ечимлар.

Саноат намунасининг моҳияти ва унинг ҳуқуқий муҳофа-залаш ҳажми энг аввал, унинг муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланади, бу белгилар намуна фотосуратларида акс эттирилади ва буюмнинг ташқи кўриниши ва ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. *Муҳим белгиларни сўзлар билан тавсифлаш тасвирий ахборотни тушунтириб беришни таъминлайди.* Одатда, саноат намуналарининг турларини тавсифлаш учун қуйидаги белгилардан фойдаланилади:

1. Мураккаб композицияли, асоси кенг ҳажмий фазовий тузилишга эга бўлган буюмлар (масалан, дастгоҳ, қишлоқ хўжалик машинаси, мотоцикл ва ҳоказо) қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- Композиция элементларининг мавжудлиги;
- Элементларнинг ўзаро жойлашиши;
- Композиция элементларининг шакли.

2. Якка блокли композицияга эга буюмлар (масалан, телевизор, радиопремник, шчит приборлари, кутичалар), шунингдек элементар геометрик ҳажмлар нисбати асосида қурилган (масалан, мебель секцияси блоклари) бадий конструкторлик ечимлари қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- композиция элементларининг таркиби ва тақсимланиши;
- буюмларнинг, одатда, фронтал юзасида бўладиган бу элементларнинг пластик, график, рангли ва фактура ечимлари;

3. Ясси композицияга эга бўлган буюмлар (масалан матолар, рўмоллар, пешонабандлар) қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- нақш элементларининг чизиқий-график нисбати;
- коллористик ечими;
- фактура характери (матоларнинг тўқилиши).

4. Кийимларни тавсифлаш учун қуйидаги белгилардан фойдаланиш мумкин:

- моделнинг ҳажмий тавсифи бўлган шакли;
- қисмлар ўтасидаги ўзаро нисбатни белгиловчи пропорциялар;
- моделнинг текисликдаги тавсифи бўлган силуэти;
- бирор-бир элементнинг такрорланишини белгиловчи ритм;
- кийим юзасининг исталган жойига қопланадиган деталлар, яъни элементлар, уларнинг шакли;

• безак, яъни буюмни қўлланиш нуқтаи назаридан функционал аҳамиятга эга бўлмаган, модель ечимида безак ролини бажарувчи, ундан фойдаланиш фақат технологик усулдан (масалан, кийим четларига ишлов бериш, бириктириш чокларини мустаҳкамлаш ва ҳоказо) иборат бўлган элементлар;

• буюм таркибига кирувчи ва унинг айрим қисмларини бирлаштириш ёки ажратиш учун, шунингдек безак элементи сифатида қўлланувчи

- бу элементларнинг шакли;
- уларнинг ўзаро жойлашиши;
- материали;
- безак деталлари;
- фурнитураси;
- ранги.

Энди патент экспертизаси патентга лаёқатлиликини баҳолашда саноат намуналарига қўядиган асосий талабларни кўриб чиқамиз.

Ихтироларни патент экспертизасидан ўтказишдаги каби, бу ерда ҳам биринчи навбатда саноат намунасининг саноатда қўлланиши текширилади. Бу шартга мувофиқ бўлиши учун саноат намунасини тавсифида саноат намунасида бажарилган буюмнинг мақсади ва вазифаси кўрсатилган бўлиши керак. Шунингдек, бу буюмни ноёб ёки саноат намунасининг устуворлик санасига маълум бўлмаган ва тавсифномада баён этилмаган восита ва усуллардан фойдаланмай таёрлаш имконияти ҳам текшириб кўрилади. Шунга эътиборни қаратамизки, фақат бир марта амалга ошириладиган бўлса ҳам саноатда қўлланилади, деб тан олинadиган ихтиролардан (масалан, чўкиб кетган нодир кемани сув тубидан кўтариб олиш) фаркли равишда, *саноат намунаси бир неча мартаба қайта ишлаб чиқариладиган ёки ҳосил қилинадиган бўлиши зарур.*

Саноатда қўлланилиши текширилгандан сўнг саноат намунасининг янгилик шартларига мувофиқлиги текширилади.

Агар саноат намунаси белгилари билан бир хил бўлган бадий-конструкторлик ечими очиб берилган ахборот манбаи аниқланса саноат намунасини ушбу шартларга мувофиқ эмас деб топилади.

Саноат намунаси янгилигини белгилашда барча маълум ва барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар (яъни чоп этилган манбалар)дан ташқари устуворлик санаси бўйича илгари берилган ва қайтариб олинмаган талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Кейин саноат намунасининг ўзига хослиги текширилади. Саноат намунасининг ўзига хослигини экспертизадан ўтказишда кўпинча ихтиронинг ихтиро даражасини баҳолашда фойдаланадиган “салбий” белгиларни аниқлаш усулига ўхшаш ёндошувлардан фойдаланилади. Масалан, куйидагиларда мужассамлашган саноат намунасининг ўзига хослик шартларига мувофиқ деб тан олинмайди:

- яқин аналогидан талабнома берувчи томонидан муҳим белгилар рўйхатига киритилган белгиси (белгилари) билан фаркланадиган, лекин бу белгининг талабнома берувчи кўрсатган буюмнинг эстетик хусусиятларига таъсири тасдиқланмаган буюмлар;

- илгаридан маълум буюмга нисбатан фақат ўлчами ўзгартирилган, элементлари сони кўпайтирилган ёки ранги ўзгартирилган (лекин янги колористик ечим эмас) буюмлар;

- алоҳида олинган оддий геометрик ҳажм (призмасимон; сферик, конуссимон) шаклдаги буюмлар ёки алоҳида олинган оддий геометрик

таъсири тасдиқланмаган буюмлар;

- илгаридан маълум буюмга нисбатан фақат ўлчами ўзгартирилган, элементлари сони кўпайтирилган ёки ранги ўзгартирилган (лекин янги колористик ечим эмас) буюмлар;

- алоҳида олинган оддий геометрик ҳажм (призмасимон, сферик, конуссимон) шаклдаги буюмлар ёки алоҳида олинган оддий геометрик шакллар;

- ҳақиқий мавжуд объектнинг (ҳам соддалаштирилган, ҳам масштабга риоя қилинган ҳолдаги) кичирайтирилган ёки катталаштирилган нусхаларидан иборат буюмлар (масалан, ўйинчоқлар, сувенирлар);

- муайян мақсадларга мўлжалланган буюмларга хос шаклни такрорловчи, лекин бошқа техник асосда бажарилган (масалан, одатда ёғочдан ишланадиган буюмга ўхшатиб полимер материалдан таёрланган) буюмлар;

- турли мақсадларга мўлжалланган ва ташқи кўриниши ўхшаш бўлган иккита объект маълумлигида ташқи кўриниши шу маълум объектлардан олинган буюмлар;

- ташқи кўриниши ўзгармаган ҳолда илгари малум бўлган алоҳида буюмлардан тузилган тўпламлар.

Хулосада шуни қайд этамизки, буюмнинг ўзига хос, эстетик жиҳатдан кўркем ва эргономик ташқи кўриниши истеъмолчиларнинг товарга эҳтиёжини белгиловчи бош омиллардан биридир. Шунинг учун саноат намунасини тўғри ва саводли ҳуқуқий муҳофазалаш бозордаги мувоффақиятнинг гарови, рақобат курашида эса устунлиkning омилидир.

6.2. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби

Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти ёки патентини бериш учун ёки дастлабки патент (2002 йил октябр ойигача) бериш учун талабнома қуйидагилардан иборат бўлиши керак [2]:

1. Патент ёки дастлабки патент бериш тўғрисида белгиланган шаклда тузилган ариза, у саноат намунаси муаллифи (муаллифлари), патент ким (кимлар)нинг номига берилиши сўрараётган бўлса, ўша шахс (шахслар) ва талабнома берувчи тўғрисидаги талаб этиладиган маълумотлардан иборат бўлади.

2. Буюм, макет ёки расмни акс эттирувчи фотосуратлар тўплами, улар буюмнинг ҳуқуқий муҳофаза ҳажмини белгилаб берувчи муҳим белгилар мажмуини аниқлаш имконини берадиган ташқи кўриниши тўғрисидаги муфассал тасаввур ҳосил қилади.

3. Буюм ташқи кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион картаси, агар улар саноат намунаси моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса.

4. Саноат намунасининг тавсифи, у фотосуратларда акс эттирилган

буюмнинг ташқи кўринишини сўзлар воситасида очиб бериши ва унинг муҳим белгилари мажмуини ўз ичига олиши керак.

Талабномага берилган миқдорда бож тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши зарур. Агар талабнома бўйича конвенция устиворлиги сўралаётган бўлса, талабнома Патент идорасига топширилган санадан бошлаб уч ой мобайнида талабнома берувчи Париж конвенцияси иштирокчидавлатларига тақдим этган биринчи талабноманинг нусхаси тақдим этилиши шарт.

Қонун талабларига мувофиқ ҳар бир талабнома битта саноат намунасига тегишли бўлиши ва бу намунанинг вариантларини ўз ичига олиши мумкин (саноат намунасининг бирлиги талаблари). Бунда битта саноат намунаси дейилганда ягона бир буюмнинг бадиий-конструкторлик ечими, вазибалари умумий бўлган буюмлар мажмуи (масалан, мебель гарнитури, сервис ва бошқалар) тушунилади.

Ягона бир буюм дейилганда бирорта бутун буюм (масалан, автомобиль) ҳам унинг бир қисмини ташкил этувчи буюм (масалан, бампер, фара ва бошқалар) тушунилади.

Саноат намунаси вариантлари дейилганда битта буюм (тўплам, комплект) нинг бир хил эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгилаб берадиган муҳим белгилари мажмуи билан фарқланадиган бадиий-конструкторлик ечими тушунилади.

Энди талабнома ҳужжатларига қўйиладиган асосий талабларни кўриб чиқамиз [3]:

1. *Буюм, макет, расм фотосуратлари тўплами.* Буюмнинг ташқи кўринишини акс эттирувчи фотосуратлар талабнома берилган саноат намунаси тўғрисидаги тасвирий ахборотни ўз ичига олган асосий ҳужжатдир.

Фотосуратларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-талабномада, одатда, буюм умумий кўринишининг олд, ён, ўнг, орт, зарурият туғилганда эса юқори ва пастдан 3/4 ракурсда олинган оқ-қора тасвирдаги рангли фотосуратлари бўлиши керак. Ясси саноат намунаси учун унинг текисликдаги кўриниши тақдим этилади. Тўқимачилик буюмларининг саноат намунаси фотосуратларда такрорланадиган раппортлар билан акс эттирилиши керак. Буюмлар тўплами эса умумий кўриниш фотосуратларида тўлиқ, яъни тўплам таркиби кирадиган барча буюмлар билан берилиши керак. Бундан ташқари, қўшимча равишда тўплам таркибига кирадиган ҳар бир буюмнинг алоҳида фотосурати топширилади. Алоҳида ҳолларда, буюмлар мажмуи (тўплами)ни тўлиқ таркибда умумий кўриниш шаклида битта фотосуратларда бериш имконияти бўлмаганда тўпламнинг айрим қисмларини алоҳида фотосуратларда беришга йўл қўйилади.

Саноат намунасининг ҳар бир варианты учун алоҳида фотосуратлар тўплами тақдим этилиши зарурлигини қайд этамиз.

Ёпиладиган, тахланадиган, шакли ўзгарадиган буюмларнинг очик (масалан, совитгичлар) ёки йиғма (масалан, ошхона комбайнлари, чанг юткичлар) ҳолдаги фотосуратлари тақдим этилади.

Рангли фотографик (бадий-колористик) ечим намунанинг муҳим белгиларидан бири бўлган ҳолларда буюм умумий кўринишининг битта рангли фотосурати, слайд ёки рангли ечим схемаси илова қилиниши зарур.

Буюмлар бир текис ёритилган шароитда, одатда, нейтрал фонда бегона предметсиз суратга олинган бўлиши керак. Бунда:

- Фотосуратлар 18x24 см ўлчамда тақдим этилади. Габаритлари кичик буюмлар ёки уларнинг макетлари, масалан, қўл соатлари, микрокалькуляторлар, чўнтак зажигалкалари учун ўлчамлари 13x18 ёки 9x12 см ли фотосуратлар тақдим этилиши мумкин. Кичик ўлчамдаги фотосуратлар қоғозга ёпиштирилган ҳолда тақдим этилади.

- Фотосуратлар куйидаги тартибда номерланади: умумий кўриниши, бошқа кўринишлари, рангли фотосурат, яқин аналогининг фотосурати (агар талабнома берувчи тақдим этган бўлса). Фотосуратларнинг бир кўриниши битта номер билан белгиланади.

- Фотосуратларнинг орқа томонида юқоридан пастга қараб фотосурат номери, саноат намунаси номи, шунингдек тушунтиришлар: “умумий кўриниши”, “олддан кўриниши”, “ёнидан кўриниши”, “юқоридан кўриниши” ва ҳоказолар кетма-кет кўрсатилади.

2. *Саноат намунасининг тавсифи.* Саноат намунасининг тавсифи куйидагича тузилиши керак:

1). Саноат намунасининг номи.

Тавсиф саноат намунасининг номи ва талабнома берилган саноат намунасига оид бўлган СРХТнинг амалдаги таҳрири рукнсри кўрсатишдан бошланади. Ном саноат намунасининг мақсади ва вазифасини тавсифлаб бериши ва бирликда (бирликка қўлланмайдиган номлар бундан истисно) баён этилиши зарур. Янги мақсадларда қўлланиладиган ёки унчалик маълум бўлмаган намунанинг номи унинг қўлланиш соҳасини ҳам ўз ичига олиши зарур. Агар саноат намунаси ижро вариантларига эга бўлса, унинг номидан кейин қавс ичида вариантлар сони кўрсатилади. Масалан: “Кресло (3 вариант)”. Ихтиро номларидаги каби саноат намунаси номи ҳам махсус ном ёки атоқли от, масалан намуна муаллифининг номини ўз ичига олиши мумкин.

2). Вазифаси ва қўлланиш соҳаси.

Бу бўлимда саноат намунасининг мақсади ва вазифаси ҳамда қўлланиш соҳаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Ундан кўпроқ қайси соҳаларда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилади.

3). Саноат намунасининг аналоглари.

Бу бўлимда саноат намунасининг аналоглари – талабнома берилган саноат намунаси каби мақсадларга мўлжалланган буюмнинг ташқи кўринишига тааллуқли маълум бадий-конструкторлик ечимлари, у билан ўхшаш муҳим белгилари келтирилади.

Аналоглардан энг яқин аналог, яъни муҳим белгиларининг жами бўйича талабнома берилган саноат намунасига энг ўхшаш аналог-прототип аниқланади.

4). Саноат намунасини тасвирловчи фотосуратлар ва бошқа тақдим

этиладиган материаллар рўйхати.

Бу бўлимда фотосуратлар, шунингдек чизмалар, эргономик схемалар, конфекцион карта, слайдлар (агар улар тақдим этилган бўлса) рўйхатга олинган номери бўйича санаб кўрсатилади ва уларнинг ҳар бирида нима тасвирланганлиги қисқача баён этилади.

5). Саноат намунасининг моҳияти.

Саноат намунаси тавсифининг бу бўлимида фотосуратларда акс эттирилган саноат намунаси муҳим белгиларининг жами фотосуратлар (шунингдек буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемалар, конфекцион картаси агар у бўлса)га таянган ҳолда баён этилади.

Агар саноат намунасининг белгиси буюм ташқи кўринишига, унинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларига таъсир этадиган бўлса муҳим белги ҳисобланади.

Намунанинг муҳим белгиларини очиб беришда уни энг яқин аналогидан фарқлайдиган белгилари алоҳида кўрсатилади.

Эстетик (ёки) эргономик хусусиятлар, масалан, қуйидагиларда акс этиши мумкин:

- барча белгиларни композиция элементларини кетма-кет тасаввур қилишга ёрдам берадиган тарзда бош белги атрофида бирлаштириши туфайли қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги таъминланган (жуда узун объектлар учун);

- механизмларни бошқариш зонасига бемалол қўл этиши таъминланган (автомобилда ўрнатилган энергоагрегатлар учун);

- машинанинг кучи ва қувватини ифодаловчи образ яратилган (экскаватор учун);

- машинанинг ташқаридан кўриниши унинг ишлаб чиқариш, яъни маиший мақсадларга мўлжалланганлигини акс эттиради (боғ-полиз учун кичик трактор);

- боланинг жисмоний камчилигини руҳий компенсациялаш мақсадида машинанинг образли тавсифида унинг махсус вазифаси яширилган (ногирон болалар учун велосомобиль);

- ёшлар учун велосоматнинг спорт характерини очиб беручи атракцион-ўйин типидagi буюм образи яратилган.

Тавсифнинг бу бўлимида буюмнинг қайд этиб ўтилган хусусиятлари билан ифодаланган афзалликларини кўрсатиш мумкин.

6). Саноат намунасини кўп марта қайта ишлаб чиқариш имконияти.

Бу ерда саноат намунасини кўп марта қайта ишлаб чиқариш мумкинлигини тасдиқлаш учун буюмни ишлаб чиқариш технологияси, шунингдек корпус деталлари ва элементларини таёрлаш учун қўлланиладиган асосий материаллар тўғрисидаги маълумотлар, манзарали безакларнинг турлари, қўлланиладиган технологик ускуна ва бошқа зарурий маълумотлар келтирилади.

7). Саноат намунасининг муҳим белгилари (аломатлари) рўйхати.

Ушбу рўйхат патент билан саноат намунасига бериладиган ҳуқуқий

муҳофаза ҳажмини аниқ белгилаш мақсадларида фотосуратларда акс эттирилган муҳим белгилар мажмуини бир хил тушуниш учун мўлжалланган.

Саноат намунасининг муҳим белгилари рўйхати унинг тавсифи таркибида алоҳида варақ (варақлар)да тақдим этилади.

Одатда, рўйхатга киритилган муҳим белгилар “саноат намунасининг моҳияти” бўлимидагига нисбатан анча қисқа ифодаланади.

Мисол: “Биринчи бал” панноси (ЎзР патенти, патент эгаси “Совпластитал”, 2000 йил).

Тавсифланади:

- вертикал йўналишда ишланган манзарали рама ва тасвирнинг мавжудлиги;

- тасвир ясси асос марказида жойлаштирилган аёл баральефи шаклида ишланганлиги;

- фоннинг тўқ қилиб ишланганлиги;

Қуйдагилар мавжудлиги билан фарқланади:

- сюжет ечими билан: қиз боланинг узун бал қўйлагиди ва сочи баланд турмакланган ҳолда балъ рақси ҳаракатини бажараётган кичкинагина фигура;

- ранг-фактура ечими билан: барельеф ва рама юзасининг мармар эффектини берадиган қилиб ишланганлиги.

Тавсифланади:

- маҳсулот юзаси бўртма қилиб безатилиб, ясси ҳажмий шаклда ишланганлиги;

- кунградор ташқи кўринишга эгалиги;

- бир текис сарғимтир-жигар ранглиги;

Фарқланади:

- маҳсулотнинг услублаштирилган тарзда судралиб юривчилар, паррандалар, ҳайвонлар: балиқ, тошбақа, каптар, бойкуш, сигир, бегемот, балиқчалар шаклида ва ҳ.к. ишланганлиги;

- бўртма безакларнинг чуқур, думалоқ, нуқта ва узайтирилган штрих шаклида бажарилганлиги;

- нуқта ва штрихларнинг образни тўлдирувчи сифатида жойлашганлиги.

Саноат намунасининг аналоглари йўқ бўлса, унинг муҳим белгилари рўйхати чекловчи ва фарқловчи қисмларга бўлмай тузилади.

3. Чизмалар, схемалар

Саноат намунаси умумий кўринишининг чизмаси намунанинг моҳиятини очиқ бериш ва унинг ўлчамлари, мутаносиблик нисбатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда тақдим этилади.

Агар талабнома берилган саноат намунаси эргономик жиҳатдан қайта ишлашни кўзда тутадиган буюмга оид бўлса, шунингдек ушбу буюмнинг эргономик схемаси ҳам тақдим этилади.

Чизма ёки схемада инсон фаолият кўрсатадиган зоналарда асосий элементларнинг жойлашиши ва буюмни ишлатиш осонлиги тўғрисида

проекцияларда (турли кўриниш кесим ва қиркимларда) тақдим этилади. Кўргазмали бўлиши учун уни аксонометрик проекцияда тақдим этишга йўл қўйилади. Ҳар бир элемент барча бошқа элементларга пропорционал қилиб ишланиши зарур.

4. Конфекцион карта

Агар саноат намунаси енгил саноат буюмларига оид бўлса, зарурият туғилган ҳолларда талабномага конфекцион карта, яъни буюмни таёрлаш учун тавсия этиладиган тўқимачилик трикотаж материаллари, тери, фурнитура, безаклар ва ҳоказо илова қилинади. Манзарали материаллар, гиламларнинг намуналари расм раппортининг ўлчамида тақдим этилади.

6.3. Товар белгиларининг турлари

Товар белгиларини ҳукукий муҳофаза қилмасдан маданий бозор муносабатларини ўрнатиш мумкин эмас. Интеллектуал мулк объекти сифатида товар белгисининг ўзига хос хусусияти унинг товар ва хизматлар бозоридаги бажарадиган роли билан тушунтирилади.

Товар белгиси (ёки хизмат кўрсатиш белгиси) фуқаролик муомаласи иштирокчилари ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни хусусий аломатларини акс эттирувчи (индивидуаллаштириш) учун хизмат қиладиган белгидир [4].

Ўзбекистонда товар белгилари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлар “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси)нинг ҳукукий муҳофазаси у рўйхатга олиниши билан юзага келади [5].

Қонунга мувофиқ қуйидаги белгилар товар белгиси сифатида рўйхатга олиниши мумкин:

- Сўзлар ёки ҳарфлар бирикмасидан иборат бўлган сўз билан ифодаланадиган белгилар;
- Тасвирий белгилар – линиялар композицияси, исталган шклдаги фигураларнинг текисликдаги сояси шаклидаги;
- Ҳажмий белгилар – уч ўлчамли фазодаги фигуралар (линиялар) ёки уларнинг композицияси шаклидаги;
- аралаш – тасвирий, сўзли, ҳажмий характердаги элементларнинг комбинациясидан иборат ва ҳоказо.

Товар белгиси исталган рангда ёки ранглар бирлигида рўйхатга олиниши мумкин.

Шу билан бирга қонун билан у ёки бу белгиларни товар белгилари сифатида рўйхатга олиш имконини бермайдиган муайян чеклашлар белгиланган. Қонун товар белгисини рўйхатга олишни рад этиш учун мутлак ва бошқа асосларни белгилаб беради.

Масалан, факат қуйидаги белгилардан иборат товар белгиси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳолр рўйхатга олишни рад этиш учун мутлак асос ҳисобланади:

Шу билан бирга қонун билан у ёки бу белгиларни товар белгилари сифатида рўйхатга олиш имконини бермайдиган муайян чеклашлар белгиланган. Қонун товар белгисини рўйхатга олишни рад этиш учун мутлақ ва бошқа асосларни белгилаб беради.

Масалан, фақат қуйидаги белгилардан иборат товар белгиси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳоллар рўйхатга олишни рад этиш учун мутлақ асос ҳисобланади:

1. Фарқ қилувчи хусусиятлари бўлмаган. Бундай белгиларга хусусан қуйидагилар кириш мумкин:

- ўзига хос график ижрога эга бўлмаган айрим ҳарф, рақамлардан иборат бўлмаган белгилар, бирор-бир мазмунни ифодаламайдиган ҳарфлар бирикмаси, композиция ҳосил қилмайдиган чизиклар ва оддий геометрик шакллар ва бошқалар;

- товарларни белгилаш учун товар белгиси сифатида рўйхатга олишга талабнома берилган товарларнинг ҳақиқий ва схематик тасвирлари

- шаклни фақат ишлатиш мақсадларидан келиб чиққан уч ўлчамли объектлар;

- одатда товарларнинг оддий умум қабул қилинган номлари, ташкилотлар, корхоналар, тармоқларининг қабул қилинган қисқартма номлари ва аббревиатуралари.

2. Давлат герби, байроғи ва рамзлари; давлатларнинг расмий номлари; халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг тўла ёки қисқартирилган номларидан иборат белгилар, мукофатлар ва бошқа тақдирлаш белгилари ёки уларга ўхшаш белгилар, шунингдек товар ишлаб чиқарувчининг яшаш жойини кўрсатувчи белги сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган қисман ёки тўлиқ географик белгилардан иборат белгилар.

Шуни қайд этиб ўтамикки, бундай белгилар, агар тегишли ваколатли орган ёки бу белгилар эгаларининг розилиги олинган бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган элемент сифатида киритилиши мумкин.

3. Муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум қабул қилинган ва қўлланиладиган белгилар. Бундай белгилар деганда, одатда муайян типдаги товарнинг узоқ муддат мобайнида ва кенг миқёсда қўлланилиши натижасида унинг турини ифодаловчи тушунчага айланиб кетган ва муайян товар учун фойдаланиладиган белгилар тушунилади;

4. Умум томонидан қабул қилинган рамз ва атамалар. Бундай рамзларга, одатда, ушбу товар тааллуқли бўлган фаолият соҳаси ёки хўжалик тармоғининг рамзи бўлган белгилар, фан ва техникада қўлланиладиган шартли белгилар киради. Умум қабул қилинган атамаларга эса фан ва техниканинг муайян соҳаси учун хос бўлган лексик бирликлар киради.

5. Товарларнинг кўриниши, сифати, сони, хусусиятлари, мақсади, қиммати, шунингдек товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш жойи ҳамда вақтини кўрсатувчи белгилар.

6. Сохта ёки истеъмолчиларда товар ёки уни ишлаб чиқарувчи тўғрисида нотўғри тасаввур ҳосил қилишга олиб келадиган, шунингдек жамоатчилик манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид

белгини рухсатсиз ҳўжалик оборотиға киритиш товар белгиси эғасининг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади [6].

Товар белгисининг эғаси ўз ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида товар белгиси ёниға огоҳлантирувчи белгини қўйиши мумкин, у товар ёки унинг жойлаш буюмида қўлланилган белги Ўзбекистонда рўйхатға олинган товар белгиси эканлигини кўрсатади. Бундай огоҳлантирувчи белги доира ичига олинган лотинча “R” ҳарфидан иборат -®.

Товар белгисидан фойдаланиш шарти. Товар белгиси қайси товар учун рўйхатға олинган бўлса, унинг шу товарларда, уларни жойлаш буюмларида, рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, кўргазма ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш қилишда қўлланиши товар белгисидан фойдаланишға киради.

Товар белгисининг эғаси исталган вақтда гувоҳномада кўрсатилган барча товарлар ёки уларнинг бир қисмиға нисбатан ўз белгисига мутлақ ҳуқуқларни бошқаларға бериши ёки тегишли лицензия шартномаси асосида бошқа шахсларға вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини бериши мумкин.

Лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатға олиниши зарур. Шуни қайд этиб ўтамизки, жамоа белгиси ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бу белгига эғалик қилувчи барча шахсларнинг розилигисиз бошқа юридик ва жисмоний шахсларға берилиши мумкин эмас.

Юридик шахслар қўшилиб кетадиган ҳолларда товар белгиси янгитдан рўйхатға олинган юридик шахсға ўтади.

Юридик шахс – товар белгиси эғаси бўлиниб кетадиган ҳолларда товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш қайси шахсға ўтса, товар белгиси ҳам шу шахсға ўтади.

Товар белгисининг рўйхатға олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома устуворлик санасидан бошлаб ўн йил мобайнида амал қилади.

Бунда товар белгисининг рўйхатға олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати белги эғасининг гувоҳнома амал қилиш муддатининг охириги йили мобайнида берган аризасига кўра ҳар сафар ўн йилға узайтирилади.

6.4. Товар белгисини рўйхатға олиш, талабнома тузиш ва рўйхатға олиш

Товар белгисини рўйхатға олишға талабнома факат бир товар белгисига оид ва қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Ариза берувчининг жойлашган ёки яшаш жойи кўрсатилган ҳолда белгини товар белгиси сифатида рўйхатға олиш тўғрисидаги ариза;
2. Рўйхатға олиш сўралаётган белги ва унинг тавсифи;
3. Товар белгиси қайси товар ва хизматлар учун сўралаётган бўлса, шу товар ва хизматларнинг МКТУ (Халқаро товар ва хизматлар классификацияси) синфлари бўйича гуруҳларға ажратилган рўйхат.

Агар талабнома жамоа белгисига берилаётган бўлса, талабномага жамоа белгисининг низоми эълон қилинади, у ўз ичига жамоа белгисини ўз

белгини товар белгиси сифатида рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

2. Рўйхатга олиш сўралаётган белги ва унинг тавсифи;

3. Товар белгиси қайси товар ва хизматлар учун сўралаётган бўлса, шу товар ва хизматларнинг МКТУ (Халқаро товар ва хизматлар классификацияси) синфлари бўйича гуруҳларга ажратилган рўйхат.

Агар талабнома жамоа белгисига берилаётган бўлса, талабномага жамоа белгисининг низоми эълон қилинади, у ўз ичига жамоа белгисини ўз номига рўйхатга олишга ваколатли бирлашма номи; бу белгини рўйхатга олиш мақсади; бу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладиган субъектлар номи; жамоа белгиси билан белгиланадиган товарларнинг рўйхати ва ягона сифат ва умумий хусусиятлари; белгидан фойдаланиш шартлари ва ундан фойдаланишни назорат қилиш тартиби; шунингдек низом қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни олган бўлиши зарур.

Талабномага шунингдек белгиланган миқдордаги бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади.

Энди талабнома ҳужжатлари мазмунига қўйиладиган асосий талабларни кўриб чиқамиз.

1. Талабнома берилган белги тасвири.

Талабнома берилган белги қалин ва мустаҳкам қоғозга туширилган ўлчами 5х5 форматдаги фотография ёки босма оттиск (белгининг кўринишига қараб фотография ёки оттискнинг ўлчами 5х10см ни ташкил этиши мумкин) шаклида тақдим этилади.

Агар товар белгиси сифатида рўйхатга олиш учун этикетка (ёрликча)га талабнома берилган бўлса, табиий ўлчамдаги этикетканинг ўзини топшириш мумкин.

Агар товар белгиси сифатида рўйхатга олиш учун ҳажмий (уч ўлчамдаги) белги тақдим этилган бўлса, объектнинг 5х5см дан 9х12 см гача бўлган форматдаги умумий кўриниши фотографияси ва барча зарур проекциялари тақдим этилади.

Талабнома берилган белгиларнинг фотографиялари ва босма оттискалари товар белгисини қандай ранг ёки ранглар уйғунлигида рўйхатга олиш сўралётган бўлса, шу рангларда тақдим этилиши керак.

Тасвир сифатли график ижрода бажарилган, ундан чекланмаган миқдорда нусха олиб кўпайтириш имконини бериши керак.

Товар белгиларини рўйхатга олиш учун талабнома тузиш ва бериш қоидаларига мувофиқ рўйхатга олинадиган белгининг тасвири 25 нусхада тақдим этилиши керак.

Илгари қайд этиб ўтилганидек, бир қатор мамлакатларда овозли ёки ёритиладиган товар белгиларини рўйхатга олиш мумкин. Агар рўйхатга олиш учун шундай белгилар тақдим этилаётган бўлса, улар аудио (видео) кассеталарда фонограмма (ёки видео ёзув) шаклида тақдим этилади.

2. Белги ва унинг ранги (ранглар гаммаси) нинг тавсифи.

Бундай тавсиф талабнома берилган объектнинг моҳиятини тушуниш ва уни идентификациялаш учун хизмат қилади.

Тавсифномада рўйхатга олиш учун тақдим этилган белгининг сўзлар

кўрсатилади;

- агар ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилдаги сўзлар билан ифодаланган белги рўйхатга олинishi сўралаётган бўлса, унинг ўзбек алифбоси ҳарфлари билан берилган транслитерацияси келтирилади;

- агар белги ёки унинг қисми тасвирий ҳарактерга эга бўлса, унинг таркибига кирувчи барча элементларнинг тавсифи келтирилади ва маънолари кўрсатилади;

- агар белги мавҳум ҳарактерга эга бўлса, унинг нимани ифодалаши ва билдириши кўрсатилади;

- агар рангларда ижро этилган белгининг рўйхатга олинishi сўралаётган бўлса, унинг ранги ёки уйғунлашган ранглари кўрсатилади. Қайд этиб ўтамизки, рангларнинг тавсифи белгини тасвирлашда фойдаланилган рангларга мос бўлиши керак;

- агар товар белгиси сифатида рўйхатга олиш учун овозли белги (Ўзбекистонда эмас) тақдим этиладиган бўлса, овознинг тури (муסיкий асар ёки унинг қисми, қандайдир шовқинлар ва хоқозо) кўрсатилади. Муסיкий асардан фойдаланилган белгилар учун унинг тавсифида белгининг нота ёзуви ҳам келтирилади;

- агар товар белгиси сифатида ёритиладиган белги (Ўзбекистонда эмас)ни рўйхатга олиш сўралаётган бўлса, ёруғлик рамзи (сигнал)ларнинг хусусиятлари, уларнинг ёритиш кетма-кетлиги, ёритиш давомийлиги ва бошқа ўзига хос хусусиятлари келтирилади.

2. Товар ва хизматлар рўйхати.

Товар ва хизматлар рўйхати қайси товарлар товар белгисини рўйхатга олиш сўралаётганини аниқлаш учун мўлжалланган бўлади.

Рўйхатда кўрсатилган товар ва хизматлар МКТУ (Халқаро товар ва хизматлар классификацияси) синфлари бўйича гуруҳларга ажратилган ва товар ҳамда хизматларни идентификациялаш имконини берадиган аниқ атамалар билан (имкон қадар МКТУ атамаларидан фойдаланиш керак) белгиланган бўлиши керак.

Энди талабнома берувчи ўз товар белгисини ишлаб чиқаришда қандай асосий тамойилларга амал қилиши зарурлигини кўриб чиқамиз. *Одатда товар белгиси қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши зарур:*

- ифодалик ва маънодорлик (ўзига хослик), яъни товар белгиси уни бошқалардан ажратиб турувчи белгига эга бўлиши, осон ўқилиши (сўз билан ифодаланган товар белгилари учун) ва ёдда қолиши керак;

- қисқа ва аниқлик, яъни товар белгиси қисқа бўлиши (сўзли белгилар учун) ва тасвир элементлари сони ҳаддан таш-қари кўпайиб кетмаслиги (тасвирий белгилар учун) керак;

- эстетиклик, яъни товар белгиси идрок этилиши бўйича замонавий ва тушунарли ҳамда кўргазмали бўлиши керак;

- барқарорлик (узоқ муддатлилик), яъни товар белгиси узоқ муддат, ҳатто маҳсулот ассортименти ўзгарган ҳолларда ҳам фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак;

учун) ва тасвир элементлари сони ҳаддан таш-қари кўпайиб кетмаслиги (тасвирий белгилар учун) керак;

- эстетиклик, яъни товар белгиси идрок этилиши бўйича замонавий ва тушунарли ҳамда кўргазмали бўлиши керак;


- барқарорлик (узоқ муддатлилиқ), яъни товар белгиси узоқ муддат, ҳатто маҳсулот ассортименти ўзгарган ҳолларда ҳам фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак;

- тасаввур уйғотадиган, яъни товар белгиси истеъмолчида товар ёки унинг бирор-бир хусусияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиши зарур.

- бундан ташқари, сўз билан ифодаланадиган товар белгиси учун янги бўлиши билан бирга, оҳангдорлиги ва талаффузи қулай бўлиши ҳам зарур сифатлардан ҳисобланади.

Мисол: “Тадқиқотлар ва иновация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш агентлиги”нинг товар белгиси (6.1 расмга қаранг).

Талабнома берилаётган белги квадрат майдончага жойлаштирилган тасвирий ва сўз орқали ифодаланган қисмлардан иборат. Тасвирий қисм қадимий ёзув белгиларини билдирувчи ва тадбиркор корхона мувоффақиятини ифодаловчи учта руна комбинациясидан; сўз билан ифодаланган қисми эса Агентлик номининг инглиз тилидаги (APRIP – Agency for promotion of Research and Innovative Projects) қисқартмасидан иборат”.



6.1-расм

Шуни қайд этиш зарурки, тасвирий товар белгиси ечун турли-туман рангларнинг уйғунлиги унинг ўзига хослигини, кишиларни ўзига жалб этишини ва фарқланувчи қобилиятини оширади. *Шу билан бирга ранг сўзлар билан ифодаланган, ҳажмий ва қўшма товар белгилари учун ҳам муҳимдир.*

Назорат саволлари.

1. Қандай объектлар саноат намуналари деб тан олинади?
2. Саноат намуналарининг турларини таърифлаш учун қандай белгилардан фойдаланилади?
3. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ мезонлари нимадан иборат?
4. Саноат намунасининг ўзига хослиги экспертизадан қандай ўтказилади?
5. Саноат намунасига патент олиш учун талабнома қандай ҳужжатлардан иборат бўлади?
6. Саноат намунасининг бирлиги талаблари нимадан иборат.
7. Буюм фотографиялари, макет ёки расм мажмуасига қандай талаблар

асослар нималардан иборат?

13. Товар белгисини рўйхатга олиш учун бериладиган талабнома қандай ҳужжатларни ўз ичига олиши керак?

14. Рўйхатга олиниши талаб қилинаётган белгининг тасвирига қандай расмий талаблар қўйилади?

15. Рўйхатга олиниши талаб қилинаётган белгининг тавсифи қандай тузилади?

16. Товар белгисини ишлаб чиқишда талабнома берувчи роя қиладиган асосий тамойилларни кўрсатиб беринг?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро Кодекси -1996 йил 29 августда қабул қилинган

2. "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун. - 1996 йил 30 майда қабул қилинган.

3. "Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни- 2001 йил 12 августда қабул қилинган.

4. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни- 1996 йил 30 августда қабул қилинган.

5. Жумаходжаев А. Патентшунослик. Тошкент:-Мехнат. 2001, 384 б.

7-Мавзу: ПАТЕНТ АХБОРОТИ. ХАЛҚАРО ПАТЕНТ ТАСНИФИ

Режа:

7.1. Патент ахбороти.

7.2. Халқаро патент таснифи.

7.3. Патент ахборотини кидириш усуллари. Маълумотлар базалари билан ишлаш, жаҳон мамлакатлари патент ҳужжатлари.

7.1. Патент ахборотларининг аҳамияти. Патент ахбороти манбалари

Бугунги кунда замонавий техник билимлар, ихтиролар саноат намуналари ва ҳокозалар тўғрисидаги ахборотнинг қанчалик муҳимлиги барчага аён. *Аниқ ва ўз вақтидаги ахборотга эга бўлиш аксарият ҳолларда муваффақият ва мағлубият ўртасидаги фарқни билдириши мумкин.* Масалан, янги ихтиролар тўғрисида ахборотга эга бўлмаган ҳар қандай тадқиқот институти қимматли аллақачон ҳал қилиб қўйган муаммо устида тадқиқот олиб бораётганини аниқлашгунча қанча вақт ва маблағни беҳуда сарфлаши мумкин.

Бундай ўзини оқламайдиган таваккалчиликларга фақат бир усул ҳар қандай лойиҳани тегишли ахборот тадқиқотлари ўтказишдан бошлаш билан йўл қўймаслик мумкин.

Патент ахборотини универсал ахборот ресурси деб аташ мумкин, чунки у ҳам катта тижорат қимматига эга, хусусан:

тадқиқот олиб бораётганини аниқлагунча қанча вақт ва маблағни беҳуда сарфлаши мумкин.

Бундай ўзини оқламайдиган таваккалчиликларга фақат бир усул ҳар қандай лойиҳани тегишли ахборот тадқиқотлари ўтказишдан бошлаш билан йўл қўймаслик мумкин.

Патент ахборотини универсал ахборот ресурси деб аташ мумкин, чунки у ҳам катта тижорат қимматига эга, хусусан:

1. Патент ахбороти доимий равишда ҳажми ошиб бораётган замонавий техника ютуқларидан тез ва тўла хабардор бўлиб бориш имконини беради. Патентлар ҳамма вақт энг сўнги ахборотни беради, чунки бозор иқтисодиёти ва рақобат кураши ихтирочилар (ёки уларнинг иш берувчилари)ни ўз ғояларини патентлашни биринчи навбатдаги вазифа деб ҳисоблашга мажбур қилади. Чунки бир хил ихтирога талабнома берувчилар ичида биринчи бўлиб талабнома берган киши патент олади ва демак бу патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқларга эга бўлади;

2. Муҳим ҳуқуқий ахборотлар, масалан, патент билан муҳофазаланган ихтиро ҳажми, мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати ва ҳоказо тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олади;

3. Нафақат муайян интеллектуал мулк объектларини иқтисодий таҳлил қилиш, балки техника, ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик фаоллигининг ривожланишини кузатиш имконини беради ва ҳоказо;

4. Бундан ташқари, патент ахбороти патент эгалари, ихтирочилар, уларнинг патент агентлари билан алоқа боғлаш учун улар тўғрисидаги (манзили, телефонлари ва ҳ.к.) фойдали ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Бу лицензия шартномалари тузиш, патентланган маҳсулотни сотиш ёки сотиб олиш, ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари ёки иновация лойиҳаларини бажариш учун зарур бўлган амалий алоқаларни тезда ўрнатиш имконини беради.

Патент ахборотини талабнома берилган ва саноат мулки объектлари (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари) сифатида тан олинган турли техник ечимлари ва ишланмалар тўғрисидаги, шунингдек патентлар ва ушбу мулкка тегишли субъектларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ахборот деб аташ мумкин.

Тузилиши жиҳатидан патент ахбороти шартли равишда қуйидаги ахборот ресурсларига бўлинади [1].

1. Патент ҳужжатлари, у ўз ичига расмий чоп этилган патент олиш учун берилган талабномалар ёки патент берилган ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг тавсифлари, шунингдек рўйхатга олинган товар белгилари тўғрисидаги маълумотларни олади. Қайд этиб ўтамизки, кўп мамлакатларда патент олишга берилган талабномалар Патент идоралари ўтказадиган ва талабнома берилган ихтирога қарши бўлган бир қатор материалларни ўз ичига оладиган патент қидирув тўғрисидаги ҳисоботлар билан бирга нашр этилади.

2. Патентга боғлиқ адабиётлар, у дастлабки патент ҳужжатлари: рефератлар, аннотациялар, формула бандларини таҳлилий синтетик қайта

Ҳар бир ихтиро тавсифида ихтиродан олдинги техника даражаси очиб берилади ва ихтиронинг ушбу техника даражасига қўшган хиссаси (унинг янгилиги) ажратиб кўрсатилади. Бу патент ҳужжатидан фойдаланувчига бошқа илмий-техник адабиётларни ўрганмасдан туриб ҳам ихтирони таҳлил қилиш имконини беради, шунингдек шу соҳанинг технологик ривожланиш тарихини очиб беради.

2. Патент ҳужжатлари фақат ғоянинг ўзини очиб берибгина қолмай, балки, одатда уни саноатда амалий қўлланиш имконияти тўғрисидаги муфассал ахборот (муайян мисоллар)ни беради. Аксарият ҳолларда патент ҳужжатлари бошқа адабиётларда чоп этилмайдиган ахборотларни беради. Масалан, Америка мутахассисларининг баҳолашича, АҚШ патентларида очиб берилган технологияларнинг камида 70 % патент адабиётларидан бошқа адабиётларида очиб берилмаган.

3. Патент ҳужжатлари тасниф рамзларига эга бўлиб, улар патент ҳужжатларини уларнинг мазмуни қайси техника соҳасига тегишли бўлса, шу соҳага мувофиқ таснифлаш имконини беради. Бу эса ахборот қидирувини осонлаштириш учун патент ахбороти массивларига ишлов бериш ва тизимлаштириш имконини беради.

4. Барча патент ҳужжатлари библиографик маълумотлар билан таъминланади, улар ҳуқуқий маълумотлар, масалан, патент берилган сана, ихтиронинг устуворлик санаси, талабнома берувчи тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар келтирилади. Патент ҳужжатларини қидириш ва ишлов беришни енгиллаштириш учун библиография умумқабул қилинган махсус кодлар бўйича тизимлаштирилади.

5. Патентлар таркибида реферат бўлиб, у ахборот қидирувини тезда, ихтиро тавсифи ва формуласига фақат зарурият туғилгандагина бевосита мурожаат қилган ҳолда, амалга ошириш имконини беради.

6. Тасниф рамзларининг мавжудлиги ва библиографик маълумотларнинг кодланиши автоматлаштирилган маълумот-ахборот тизимлари маълумотлар базаларини яратиш имконини беради, улардан ахборот тадқиқотлари ўтказишдан кенг фойдаланилади.

БИМТнинг статистик маълумотларига кўра жаҳонда бир йилда бериладиган талабномалар сони 1,5 млн. дан ошади. Ярим миллиондан ортиқ талабнома патентга айланади. Бугунги кунда дастлабки патентлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб қанча патент ҳужжатлари чоп этилганлиги тўғрисида аниқ статик маълумотлар йўқ. Лекин тахминан уларнинг сони 40 млн. дан ортиқни ташкил этади. Табиийки, патент ҳужжатларининг асосий қисми етакчи индустриал ривожланган мамлакатларга тўғри келади [3].

БИМТ стандартлари (РСТ шартномалари) билан ихтироларга патент берилиши сўрлаган талабномалар бўйича патент-ахборот қидируви ўтказишда Патент идоралари (шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси) таянадиган патент ҳужжатлари минимуми белгилананади. Ушбу минимум ўз ичига 1920 йилдан бошлаб Буюк Британия, Германия, Россия (собиқ СССР билан бирга), АҚШ, Франция, Швейцария (фақат француз ва немис тилларда) ва Японияда нашр этилган патент

БИМТ стандартлари (РСТ шартномалари) билан ихтироларга патент берилиши сўрлаган талабномалар бўйича, патент-ахборот қидируви ўтказишда Патент идоралари (шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси) таянадиган патент ҳужжатлари минимуми белгилананади. Ушбу минимум ўз ичига 1920 йилдан бошлаб Буюк Британия, Германия, Россия (собиқ СССР билан бирга), АҚШ, Франция, Швейцария (фақат француз ва немис тилларда) ва Японияда нашр этилган патент ҳужжатларини олади. Бу минимумга шунингдек Европа патент идораси наشرлари ва БИМТ нашр қиладиган РСТ ҳалқаро патент талабномалари киради.

Ахборот қидируви техниканинг у ёки бу соҳаси ривожланган бошқа мамлакатлар бўйича ҳам ўтказилиши мумкин. Ўзбекистон патентини олиш учун талабнома берувчилар албатта Ўзбекистон Патент ҳужжатлари бўйича ахборот қидируви ўтказишлари шарт. Патент ахбороти қидирувини олиб бориш аввало мамлакатни қидирувининг вазифасидан келиб чиқиб танланиши керак. Масалан, ихтирони Австралияда патентлаш мўлжалланаётган бўлса, ахборот қидируви ўз ичига Австралия патент ҳужжатларини олиши зарур.

Ахборот қидирувини олиб боришда патент ҳужжатларининг у ёки бу мамлакатнинг муайян қонунчилигига боғлиқ бўлган бир нечта турлари мавжудлигини билиш зарур.

Патент ҳужжатларининг муайян турлари ихтиро тавсифларида БИМТ нинг Ст 16 стандарти бўйича ҳарфий рақамли кодлар билан белгиланади. Ўзбекистоннинг бош патент фонди Давлат патент кутубхонаси (Тошкент ш.) ҳисобланади. Бу фондда жамланганнинг 57 дан ортиқ мамлакатидан тўпланган ихтироларнинг тавсифлари ва патент энт бюллетенлари сақланади.

XX асрнинг охирида Интернет тармоғининг тарқалиши муносабати билан патент ахборотидан фойдаланиш ва унга ишлов бериш самарадорлигини оширишда Интернетнинг босқич бошланди. Янги ахборот технологиялари ва коммуникатсияларининг жорий этилиши бир вақтнинг ўзида сони чегараланмаган истеъмолчиларнинг патент ахбороти бўйича маълумотлар базалари захира қилинган фойдаланиши учун кенг имкониятлар очиб беради. Йирик маълумотлар базаларининг ривожланиши билан патент ахборотининг элтувчилари қўлида оптик дисклар ва кичик патент фондларига эҳтиёж пасаяди. Ҳар бир фойдаланувчи ўз иш жойини тарқатмаган ҳолда ўзининг компютери орқали керакли ахборотни осон топиши мумкин.

Бугунги кунда энг тўлиқ ва фойдаланиш учун қулай маълумотлар базалари қуйидагилардан иборат [4]:

Халқаро ташкилотлар.

Бугунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WO) <http://www.wipo.int/>

Европа патент ташкилоти. (EP) <http://www.espacenet.com/>

ЕвроОсиё патент ташкилоти (EA) <http://www.eapo.org/index.htm>

Худуддий ташкилотлар.

Африка худудларо саноат мулки ташкилоти (ARIPO) <http://www.aripo.wipo.net/>

AT	Австрия	http://www.patent.bmwa.gv.at/
AU	Австралия	http://www.ipaustralia.gov.au/
BX	Бенилюкс	http://www.bmb-bbm.org/
CA	Канада	http://www.opic.gc.ca/
CH	Швейцария	http://www.ige.ch/
CN	Хитой	http://www.cpo.cn.net/
DE	Германия	http://www.deutshces-patentamt.de/
FR	Франция	http://www.inpi.fr/
GB	Англия	Patent.gov.uk/ http://www.inellectualproperty.gov.uk/
IT	Италия	http://www.european-patent-office.org/it/
JP	Япония	http://www.jpo-miti.go.jp/
KR	Корея Республикаси	http://www.kipo.go.kr/
RU	Россия	http://www.rupto.ru/ http://www.fips.ru
US	АҚШ	http://www.uspto.gov/
UZ	Ўзбекистон	http://www.patent.uz

• EPO espacenet (манзили: <http://www.epo.org/espacenet>), у оркали Европа Патент идорасининг патент хужжатлари, РСТ, Европа мамлакатлари, шунингдек АҚШ, Япония, Канада ва бошқа мамлакатларнинг талабномасини кидириш мумкин;

• БИМТ маълумотлар базалари (манзили: <http://ipdl.wipo.int>), унда РСТ талабномалари, АҚШ, Европа, Лотин Америкаси мамлакатлари патент хужжатлари мавжуд;

• АҚШ Патент идораси маълумотлар базалари (<http://www.uspto.gov/web/menu/>), у 1976 йилдан бошлаб тўпланган тўлиқ матнли ва рефератив маълумотлар базаларидан фойдаланиш имконини беради.

• Россия саноат мулки федерал институти маълумотлар базалари (<http://www.fips.ru>), у ахборотни рус тилида кидириш учун қулайдир;

• Дервент фирмасининг маълумотлар базалари (<http://www.dervent.com/>), у 1963 йилдан бошлаб тўпланган фармацевтика бўйича хужжатлар, 1995 йилдан бошлаб тўпланган қишлоқ хўжалиги ва ветеринария бўйича хужжатлар, шунингдек жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидан бошқа тармоқлар бўйича талабнома ва патентларни ўз ичига олади.

Жаҳон маълумотлар базаларига кириш учун Интернет тармоғидан фойдаланиш патент ахборотини тезкор қидириш ва шиллов бериш учун янги имкониятлар очиб беради.

7.2. Халқаро патент таснифи. Патент хужжатлари библиографияси

хужжатлар, шунингдек жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидан бошқа тармоқлар бўйича талабнома ва патентларни ўз ичига олади.

Жаҳон маълумотлар базаларига кириш учун Интернет тармоғидан фойдаланиш патент ахборотини тезкор қидириш ва ишлов бериш учун янги имкониятлар очиб беради.

7.2. Халқаро патент таснифи. Патент ҳужжатлари библиографияси

Халқаро патент таснифининг мақсади ахборотни тезда қидириб топиш ва ишлов бериш имкониятини таъминлаш учун патент ҳужжатларини тартиблаштириш (тартибга солиш) тизимини яратишдан иборат. Қабул қилинган таснифлаш тизими асосида патент фондларида патент ҳужжатлари индексцияланади ва жой-жойига қўйилади, маълумотлар базаларида ахборот қидирилади ва ҳоказо [5].

ХПТ ташкил этиш тарихи 1951 йилда, Европа патент ишлари бўйича кенгаши томонидан Патент таснифи бўйича кичик комитет ташкил этилган вақтдан бошланган. Бу комитет, бир қатор Европа давлатлари ўртасидаги келишувга мувофиқ, ўша вақтда қўлланилаётган ихтироларни таснифлашнинг турли миллий тизимларини унификациялаштириш ишларини бошлаган.

1954 йилда ХПТнинг асосий схемаси тузилди. 1966 йилда ХПТнинг кичик грухларгача бўлган аниқликдаги ишланмаси (тўлиқ чизмаси) ни ишлаб чиқиш ишлари тугалланди ва у 1968 йилнинг 1 сентябридан бошлаб кучга кирди. 1971 йилда Халқаро патент таснифи бўйича Страсбург битими тузилди. Ушбу битимнинг иштирокчилари фақат 29 давлатдан иборат бўлса ҳам, аслида жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатидagi Патент идоралари, шунингдек минтакавий патент идораси ҳам ХПТдан фойдаланади. ХПТни доимий равишда қайта кўриб чиқиш ва унинг замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун Страсбург битимига мувофиқ Экспертлар комитети таъсис этилган бўлиб, битимнинг иштирокчи давлатлар вакиллари унинг аъзоларидир. ХПТ мунтазам равишда ҳар беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб *ХПТнинг еттинчи таҳрири* амал қилмоқда.

ХПТ бўйича асосий нашр бу синфлар кўрсаткичи бўлиб, ҳар бири латин алифбосининг бош ҳарфлари билан белгиланадиган 8 та бўлимдан иборат:

- A – Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш;
- B – Турли технологик жараёнлар;
- C – Кимё ва металлургия;
- D – Тўқимачилик ва қоғоз;
- E – Курилиш;
- F – Амалий техника; ёритиш ва иситиш; двигателлар ва насослар; қурол ва ўқ дорилар;
- G – Техник физика;
- H – Электр.

сондан иборат синф белгиси ва кичик синфни билдирувчи лотин ҳарфлари киради. Мисол, “А 01 Қишлоқ хўжалиги” синфи “А 01 D Ҳосилни йиғиб-териб олиш, ўрим,...” ва ҳоказо кичик синфлардан иборат.

Кичик синфлар ўз ичига гуруҳларни олади. Гуруҳларнинг рамзий белгисига бўлим индекси, синф, кичик синф белгисидан ташқари битта, иккита ёки учта рақамдан иборат ифода киради, бу рақамли ифодадан кейин қия чизик ва иккита ноль қўйилади. Мисол, “А 01 D 46/00 Мевалар, сабзавотлар, хмель ва ҳоказоларни йиғиштириб олиш, дарахт ва буталарни силкитиш қурилмаси”.

Ҳар бир ХПТ гуруҳи биттадан бир нечтагача кичик гуруҳларга эга бўлиши мумкин. Мисол: “А 01 D 46/08 Пахта терими” ва ҳоказо.

Муайян кичик гуруҳ индекси ва унинг матн билан очиб бериладиган (масалан, индекс Н 10 Н 23/00; унинг моҳияти Тумблер қайта улагичлар) моҳияти ХПТ рукниси деб аталади.

Одатда ХПТ рукни қуйидаги тушунчалар тоифасини билдиради:

1. Муҳофаза қилинадиган объектлар, яъни қурилмалар, усуллар, моддалар турларига мувофиқ равишда маҳсулотлар жараёнлар (мисол: “А 01 D 46/10 Ўза кўсагини поядан ажратиш учун пахта териш машиналари”);

2. Фаолият соҳасининг белгиси (мисол: “А 61 Тиббиёт ёки ветеринария”).

Биринчи гуруҳ белгиларидан ХПТнинг барча даражалари учун фойдаланилади. Иккинчи гуруҳ, одатда, иерархиянинг юқори даражаларида (кичик синф ва ундан юқори) уларга қўшилади.

ХПТ иерархик тузилма бўлганлиги сабабли, кичик гуруҳлар ҳам бирига нисбатан бўйсунишида иерархик тузилишга эга. Бунда бир кичик гуруҳнинг ундан юқори гуруҳга бўйсуниш даражасини, хусусан кичик гуруҳ унга нисбатан битта кам нуқтага эга бўлган яқин юқори рукнга бўйсунадиган рукн эканлигини кўрсатади. Бунда рукнлар матни олдидаги нуқта иерархия бўйича каттарок гуруҳнинг матнини такрорламаслик учун унинг ўрнида қўлланилади. Масалан, Н 01 F 1/00 – “Таркибида каттик магнитли кукунсимон металллар ёки қотишмалар бўлган магнитлар ёки магнит жисмлар” рукнининг матни қуйидагича ташкил топади:

Н 01 F 1/00 Магнит материали бўйича фаркланадиган магнитлар ёки магнит жисмлар,

1/02. таркибида каттик магнит материаллар,

1/04.. металллар ёки қотишмалар,

1/06... заррачалар шаклида, масалан кукун.

ХПТ рукнлари матнининг ўзига хос муҳим хусусияти объектларни белгилаш учун фақат умум қабул қилинган техник атамалардан эмас, балки уларнинг вазифасини кўрсатадиган атамалардан фойдаланилиши-дир, масалан, ўзйорар транспорт воситалари (“автомобиллар” ўрнига) ёки иссиқликни изоляцияловчи қобикли идишлар (“термослар” ўрнига); Бу хусусият патент ҳужжатларининг ҳуқуқий характери, хусусан ихтиро ҳажмини белгилаш талаблари билан боғлиқдир.

ХПТнинг баъзи бир рукнлари изоҳлар ва ҳаволалар шаклидаги “ички

белгилаш учун фақат умум қабул қилинган техник атамалардан эмас, балки уларнинг вазифасини кўрсатадиган атамалардан фойдаланилиши-дир, масалан, ўзиюрар транспорт воситалари (“автомобиллар” ўрнига) ёки иссиқликни изоляцияловчи қобикли идишлар (“термослар” ўрнига). *Бу хусусият патент ҳужжатларининг ҳуқуқий характери, хусусан ихтиро ҳажмини белгилаш талаблари билан боғлиқдир.*

ХПТнинг баъзи бир рукнлари изоҳлар ва ҳаволалар шаклидаги “ички маълумот-қидирув аппарати” билан таъминланади. Бундай ҳаволалар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. *Рукн ҳажмининг чекланганлигини кўрсатади.* Мисол: бундай ҳавола у билан белгиланган мавзу шу рукннинг матни билан қамраб олинганлигига қарамай, у таснифлаш тизимининг бошқа жойига киритилишини билдиради.

2. *Бошқа рукнларнинг устунлигини кўрсатади.* “А 42 В 3/02 Баргли ёки майдаланган тамакини намлаш ёки қуритиш (3/12 устунликка эга); А 42 В 3/12 Тамакини буғлаш, ферментлаш ёки ароматлаш”. Бундай ҳавола кўрсатилган бошқа рукн устунликка эгалигини кўрсатади, яъни ихтиро бир вақтнинг ўзида шу икки рукнга тенг киритиладиган ҳолларда уни шу рукнларнинг бирида – А 42 В 3/12да таснифлаш мақсадга мувофиқлигини билдиради. Бу мисолда буғлаш; намлашнинг бир тури сифатида А 42 В 3/12 рукнида индексацияланади, тамакини намлашнинг бошқа усуллари эса А 42 В 3/02 рукнида индексацияланади.

3. ХПТнинг баъзи жойлари ва кичик бўлимларида *охирги мос рукн қоида*си жорий қилинган. Ихтиронинг техник моҳияти бўйсунтиш даражаси тенг, яъни бир хил миқдордаги нуқталарга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ рукн билан қамраб олиннадиган бўлса, бу қоидага мувофиқ ихтиронинг техник моҳияти ушбу рукнлардан фақат охирги рукнда тавсифланади. Қайд этиб ўтамизки, бу қоида тегишли изоҳлар бўлган ҳоллардагина, қўлланилади. Масалан, А61 К, С07, С08, С10 га бошқа синфларда.

ХПТдан фойдаланишни енгиллаштириш учун синфлар кўрсаткичига тўлиқ йўриқнома – ХПТга кириш илова қилинади. Шунингдек ихтиро моҳиятига оид муҳим сўзлар бўйича тегишли индексларни топиш имконини берадиган Алифбо предметли кўрсаткич (АПК) ХПТнинг таркибий қисми ҳисобланади. Фойдаланувчиларга қулайлик яратиш учун ХПТга муҳим атамалар кўрсаткичи (у гуруҳлар рукнлари номидан муҳим атамаларни ажратиб олиш йўли билан яратилган АПК нинг бир вариантыдан иборат), Тесқари ҳаволалар кўрсаткичи (масалан, А рукни учун бошқа исталган рукндан А рукнига далиллар келтирилади) ва ХПТ турли тахрирларининг бир бирига мослик кўрсаткичлари ҳам чиқарилади.

ХПТда йўриқномага мувофиқ ихтироларни индексациялашнинг қуйидаги асосий қоидалари қўлланилади:

1. Энг аввало, ихтиронинг техник моҳиятини тўғри белгилаб олиш зарур. Масалан, янги поршень ихтиро қилинган бўлса, ихтиронинг асосий предмети поршеннинг ўзи ёки уни қандайдир қурилмада жойлаштириш учун поршеннинг махсус мосламаси эканлигини аниқлаб олиш зарур;

2. Шундан сўнг ихтиро предмети тегишли қурилмалар синфи (кичик

4. Агар қўлланиш бўйича синфи бўлмаса, ихтиро предмети якуний маҳсулотни олиш воситаси сифатида қаралиши ва якуний маҳсулот (масалан, ёғоч-қириндили плиталар таёрлаш қурилмаси) синфи бўйича индексацияланиши мумкин;

5. Бундан ташқари, ихтиро баъзи маҳсулотлардан фойдаланиш (ишлов бериш) воситаси сифатида қаралиши ва шу маҳсулот синфида (масалан, контакт линзаларини дезинфекциялаш қурилмаси) индексацияланиши мумкин;

6. Агар тегишли рукнлар топилмаса, ихтиро усулни амалга ошириш ёки якуний маҳсулот олиш учун дастлабки маҳсулот сифатида (масалан, керамика буюмлари ишлаб чиқиш учун таркиб) қаралиши мумкин. Демак, ихтиро ушбу усул ёки якуний маҳсулот синфи бўйича тавсифланади;

7. Ниҳоят, ихтиронинг ўзи якуний маҳсулот бўлиши, демак уни олиш усули бўйича индексацияланиши мумкин.

Патент ҳужжатларини тизимлаштириш имконини берадиган бошқа муҳим хусусият библиография маълумотларининг унификациялашган тизими бўлиб, патент ҳужжатлари бу библиография маълумотлари билан таъминланади.

Ҳар бир патент ҳужжати ушбу ҳужжатнинг асосий маълумотларини очиб берувчи библиографик маълумотлар билан таъминланади. Бу библиографик маълумотларни идентификациялаш учун СТ-9 БИМТ Стандартига мувофиқ ИНИД-кодларидан фойдаланилади [6].

Библиографик маълумотларни идентификациялаш учун фойдаланиладиган асосий ИНИД-кодлари ва энг зарур маълумотларни келтирамыз:

- (10) Ҳужжатларни идентификациялаш,
- (11) Ҳужжат номери,
- (12) Ҳужжат турининг сўзлар билан ифодаланиши,
- (13) СТ-16 БИМТга мувофиқ ҳужжат тури коди,
- (19) Ҳужжатни эълон қилувчи мамлакатни идентификациялаш учун, СТ-3 БИМТ коди,
- (20) Миллий рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар,
- (21) Талабномани рўйхатга олиш номери,
- (22) Талабнома берилган сана,
- (24) Саноат мулки ҳукуқи амал қила бошлайдиган сана,
- (25) Талабнома дастлабки марта берилган тил,
- (26) Талабнома эълон қилинган тил,
- (30) Устуворлик маълумотлари,
- (31) Устувор талабнома номери,
- (32) Устуворлик санаси,
- (33) Устуворлик мамлакати,
- (50) Техник ахборот,
- (51) Халқаро патент таснифи,
- (54) Ихтиронинг номи,
- (57) Ихтиро реферати ёки формуласи,

- (31) Устувор талабнома номери,
- (32) Устуворлик санаси,
- (33) Устуворлик мамлакати,
- (50) Техник ахборот,
- (51) Халқаро патент таснифи,
- (54) Ихтиронинг номи,
- (57) Ихтиро реферати ёки формуласи,
- (58) Патент қидируви,
- (70) Хужжатга алоқадор шахсларни идентификациялаш,
- (71) Талабнома берувчи (лар)нинг номи (номлари),
- (73) Патент эгасининг номи,
- (74) Патент вакили ёки агентиинг номи,
- (75) Ихтирочи, ҳам талабнома берувчи ҳисобланадиган шахс номи,
- (76) Ҳам ихтирочи, ҳам талабнома берувчи ва патент эгаси бўлган шахс номи,
- (98) Талабнома берувчи билан ёзишмалар олиб бориш учун манзил.

7.3. Патент ахборотини қидириш усуллари. Маълумотлар базалари билан ишлаш. Жаҳон мамлакатларининг патент хужжатлари

Патент ахборотларини қидириш самарадорли бўлиши учун энг аввало турли давлатларнинг расмий патент бюллетенлари билан ишлай билиш ва бу мамлакатларда қандай патент хужжатлари нашр этилишини билиш зарур.

Қайд этиб ўтамизки, ҳар қандай қидирувни Ўзбекистоннинг патент хужжатлари бўйича бошлаш зарур. Масалан, ихтиро деб кутилаётган ишланманинг янгилигини ўрганишда биз худди шундай ихтирони очиб берган Ўзбекистон патенти маъжудлигини аниқлашимиз мумкин. Бу ҳолда бошқа мамлакатларнинг патент хужжатлари бўйича ихтиронинг янгилигини тадқиқ қилишни давом эттириш ҳеч қандай маъно касб этмаслиги аниқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги патент хужжатлари нашр этилади:

- берилган дастлабки патент ва патентларга ихтироларнинг тавсифи;
- патент берилган фойдали моделларнинг тавсифи;
- “Расмий ахборотнома” расмий патент бюллетени, унда *рўйхатга олинган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва селекция ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар* чоп этилади.

Қайд этиб ўтамизки, берилган муҳофаза хужжати турининг харфий белгиси (ихтирога патент – IAP, ихтирога дастлабки патент – IDP, фойдали моделга патент – FAP, саноат намунасига патент – SAP, саноат намунасига дастлабки патент – SDP ва товар белгисига гувоҳнома - MGU) ва бешта рақамдан иборат кетма-кет номерланадиган номерларга эга. Масалан, IDP 04452 номери ихтирога берилган 04452-сонли дастлабки патентни билдиради. *Муҳофаза хужжатларидан фарқли равишда талабномалар ҳар*

фойдали моделлар, саноат намуналари ва бошқа объектлар тўғрисидаги маълумотлар чоп этилади. Рўйхатга олинган товар белгиларининг рангли тасвирлари бюллетеннинг охирида алоҳида бўлимда келтирилади;

- кейин рўйхатга олинган лицензия шартномалари ва саноат мулкнинг турли объектларига ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномалар чоп этилади;

- сўнгра Патент идорасининг турли расмий хабарлари, интеллектуал мулк соҳасидаги турли меъёрий ҳужжатлар, битимлар чоп этилади;

- шундан сўнг патент эгалари номларининг ўзгариши, муҳофаза ҳужжатларининг амал қилишини муддатидан илгари бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказо чоп этилади;

- охириги бўлимда ушбу бюллетенда чоп этилган объектларнинг систематик ва номер кўрсаткичлари келтирилади.

Ҳар бир “Расмий ахборотнома” бюлетенида барча ахборотлар икки тилда: ўзбек ва рус тилларида чоп этилишини таъкидлаб ўтамиз. Энди ахборотни қидиришнинг асосий усуллари кўриб чиқамиз [7].

Одатда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланилади:

1. *Мавзувий ёки предметли қидириш. Масалан, ушбу қидириш турида техника даражасидан шу ихтиро билан ўхшаш техник ечимлар аниқланади, қидириш бирор-бир қизиқарли техник белгилари ёки ўлчамлари бўйича амалга оширилади.*

2. *Номли қидириш. Бундай қидириш муайян фирманинг техниканинг бирор-бир соҳаси (соҳалари)даги ихтиросини аниқлаш зарур бўлган ҳолларда ўтказилади. Бундан ташқари, муайян ихтирочининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш жуда муҳим ва ҳоказо. Номли қидириш нафақат техник, балки тијсират қимматиға ҳам эға бўлиши равшандир;*


3. *Ҳужжатнинг расмий белгилари, масалан ҳужжат номери, устуворлик санаси, ҳужжатнинг чоп этилиши ва тури (патент, талабнома, фойдали модель) бўйича қидириш. Масалан, ихтиронинг патентға лаёқатлилигини тадқиқ этиш, объектнинг патент софлигини баҳолашда ушбу қидириш усулидан фойдаланилади.*

Биз илгари қайд этиб ўтганимиздек, бугунги кунда патент қидирувининг энг тезкор воситаси эсаҳон патент маълумотлари базаларида Интернет орқали қидирув олиб боришидир. Шунинг учун мисол тариқасида Европа Патент идораси (ЕПИ) маълумотлар базаларида патент ахбортини қидириш усулини кўриб чиқамиз.

Ушбу маълумотлар базалари билан ишлаш қуйидагича босқичлардан иборат:

Маълумотлар базаларига уланиш. Маълумотлар базаларига <http://www.epo.org> манзилини териб ёки бевосита <http://ep.espacenet.com/> ЕПИ веб сайти орқали чиқиш мумкин. Маълумотлар базаларига улангандан сўнг компьютерда 7.2-расмда кўрсатилган “BI-es@cenet-yor_gateway_to_patents” бети пайдо бўлади. Маълумотлар базалари билан нафақат инглиз, балки немис ва француз тилларида ишлаш мумкинлигига эътиборни қаратамиз;

Маълумотлар базаларига уланиш. Маълумотлар базаларига <http://www.epo.org> минзилини териб ёки бевосита <http://ep.espacenet.com/> ЕПИ веб сайти орқали чиқиш мумкин. Маълумотлар базаларига улангандан сўнг компьютерда 7.2-расмда кўрсатилган “V1-es@cenet-yor.gateway.to.patents” бети пайдо бўлади. Маълумотлар базалари билан нафақат инглиз, балки немис ва француз тилларида ишлаш мумкинлигига эътиборни қаратамиз;




7.2-рasm

Simple Text – мавзувий ва предмети қидириши учун;

Company name search – ном бўйича қидириш учун;

3. Агар кенгайтирилган мезонлар сонидан фойдаланиб қидириш ўтказилиши зарур бўлса, қуйроқдан кўрсатилган, масала, “Wordldwide – 30 million documents” босилади. Бунда 7.3-расмда кўрсатилган қидириш саҳифаси пайдо бўлади.



Бу ерда фаол
дарчаларга биздаги
мавжуд кидириш
мезонларини
киритиш мумкин.
Масалан, агар
бизнинг

4. Энди топилган ҳар қандай талабнома ёки патентлар, масалан EP0794277 патентини кўриб чиқиш мумкин. Агар биз буни танласак, “B2-es@cenet - Document View Navigation” саҳифасини кўрамиз (7.5- расмга қаранг).



Бу ерда патентниг тўлиқ библиографик маълумотлари ва реферат келтирилади. Юкорида кўрсатилган фаол менюдан фойдаланиб ихтиро тавсифи (Desc), формула (Claims) ва мумкин.

чизмалар (Drawing) ни кўриш

5. Агар биз W09616219га боссак Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотлар базалари билан алоқа ўрнатамиз ва ушбу халқаро талабноманинг факсимал тасвирини кўришимиз мумкин.

Хулосада шуни таъкидлаймизки, барча излаб топилган патент ахбороти кейинчалик таҳлил қилиш, принтерда босиб чиқариш ва хоказо учун компьютернинг қаттиқ дискеталарида сақланиши лозим.

Назорат саволлари.

1. Патент ахбороти нима, ҳозирги замонда патент ахборотининг аҳамиятини кўрсатиб беринг?
2. Патент ахбороти шартли равишда қандай ахборот ресурсларига бўлинади?
3. Патент ҳужжатларининг асосий хусусиятларини кўрсатинг.
4. Патент ҳужжатларининг қандай турлари мавжуд?
5. Патент бюллетенларида қандай ахборот чоп этилади?
6. Патент ахборотига ишлов бериш ва сақлаш учун қандай ахборот элтувчилардан фойдаланилади?
7. Халқаро патент классификацияси (ХПК) нима учун зарур?
8. ХПК қандай бўлимлардан иборат, унинг тузилишини кўрсатинг?
9. ХПК рукнлари матни қандай тузилади?
10. ХПК да дурагай тизимлар нима?
11. ХПК бўйича индексациялаш коидаларини кўрсатинг.
12. Библиографик маълумотларнинг унификациялашган тизими, ИНИД кодлари нима учун зарур?
13. Ўзбекистон, етакчи хорижий мамлакатлар патент ҳужжатлари тўғрисида гапириб беринг.

9. ХПК рукнлари матни қандай тузилади?
10. ХПК да дурагай тизимлар нима?
11. ХПК бўйича индексациялаш қоидаларини кўрсатинг.
12. Библиографик маълумотларнинг унификациялашган тизими, ИНИД кодлари нима учун зарур?
13. Ўзбекистон, етакчи хорижий мамлакатлар патент ҳужжатлари тўғрисида гапириб беринг.
14. Патент ахбороти маълумотлар базалари билан қандай ишланади.

Адабиётлар:

1. Васильев В.Д., Хандога А.М. и др. Характеристика потока научно-технической и патентной информации. - М.: ВНИИПИ, 1987, 68 с.
2. Инструкция по проведению патентно-информационного поиска при экспертизе заявок на изобретения в Государственном патентном ведомстве Республики Узбекистан. //Расмий ахборотнома, №2, 2000 г.
3. Жумаходжаев А. Патентшунослик. Тошкент:-Мехнат. 2001 384 б.
4. Патентоведение. Под редакцией Рясенцева В.А. - М.: Машиностроение, 1984, 352 с.
5. Практикум по патентной документации.-М.:ВНИИПИ, 1989, 100 с.
6. Омарова Т.В. Информационно-поисковые языки и информационно-поисковые системы. -М.: ВНИИПИ, 1990, 84 с
7. Румянцева Н-Л. Международная и национальные классификации изобретений. - М.: ВНИИПИ, 1987, 56 с.
8. Омарова Т.В. и др. Патентная документация и ее обработка. - М.: ВНИИПИ, 1989, 104 с

8-Мавзу: ПАТЕНТ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Режа:

- 8.1. Патент тадқиқотларининг турлари
- 8.2. Патент тадқиқотларини ўтказиш босқичлари

8.1. Патент тадқиқотларининг турлари

Патент тадқиқотлари деганда техника даражаси ва техника объектларининг ривожланиш йуналишлари, уларнинг патентга лаёқатлилиги ва патент софлигини тадқиқ қилиш тушунилади. Патент тадқиқотлари патент ҳужжатлари ва патент билан боғлиқ бошқа адабиётлар асосида ўтказилади.

Патент тадқиқотларининг асосий вазифалари яратилаётган техник ечимлар ва технологияларни ўз вақтида баҳолаш, потенциал интеллектуал мулк объектларини аниқлаш, уларнинг патентга лаёқатлилиги ва тижорат аҳамияти (лицензияларни сотиш ёки ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкониятлари)ни баҳолаш, энг яқин аналог рақобатчиларини қидириш ва

янги илмий-техник ишланмалар ва технологиялар яратилаётганида, патент олиш учун талабномалар расмийлаштирилганида ва бошқа ҳолларда ўтказилади. Таклиф қилинаётган технологияни объектив баҳолаш, лицензия битимларини имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш ва бошқа ҳолларда ҳам техника даражасини тадқиқ қилиш мумкин. *Техника даражасини тадқиқ қилишда, одатда, сўнгги йиллардаги ҳужжатлар бўйича иш олиб борилади. Сўнгги йиллар дейилганда ушбу соҳадаги техник ечимларнинг ўртача янгилиниш муддати назарда тутилади.* Ўртача муддат, масалан, патентлар амал қилишининг ҳақиқий муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш йўли билан белгиланиши мумкин;

2. Яратилаётган ихтироларнинг патентга лаёқатлигини баҳолаш. Бундай тадқиқотлар ихтироларни патентлаш бўйича ҳар қандай тадбирлардан олдин ўтказилиши керак. *Тадқиқотнинг мақсади потенциал ихтиронинг патентга лаёқатлилиги мезонларига мослигини текшириш, асосан унинг янгилиги, имкон қадар ихтиро даражасини баҳолаш ҳисобланади.* Бу, масалан, Ўзбекистан ёки бошқа муайян мамлакатларда ихтиро учун муҳофаза ҳужжатларини олиш истикболини баҳолашга имкон беради. Ишончли натижалар олиш учун патент қидируви тўлиқ ўтказилиши зарур. Патент қидируви жараёнида саноати ривожланган мамлакатларнинг патент ҳужжатларини кўриб чиқиш тавсия этилаётган қидирув чегараси (ретроспективлик) 15 йилдан кам бўлмаслиги (юқори чегара йўқ, у мазкур мавзу бўйича материаллар биринчи марта нашр этилган вақддан бошлаб белгиланиши мумкин) мақсадга мувофиқдир.

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра ихтиро формуласи ёки тавсифини ўз вақтида, яъни талабнома беришгача тўғрилаш, баъзан салбий натижалар олинган, масалан, ихтиронинг янгилигини инкор этувчи нашрлар топилган ҳолларда эса кучсиз ечимлиги олдиндан маълум бўлган ишланмаларни патентлашдан воз кечиш мумкин. Масалан, бунда хорижий патентлашдан воз кечиш ортикча маблағ, вақт ва кучни беҳуда сарфлашнинг олдини олади.

Қайд этиб ўтамиз, талабнома берувчилар ўтказадиган патент тадқиқотлари миллий патент идораларининг патент экспертизаси ўрнини босмайди, шунинг учун уларнинг натижалари фақат баҳолаш учун хизмат қилади ва албатта патент берилишини кафолатламайди. *Бироқ, олинган натижаларнинг ишончилиги патент қидирувини синчковлик билан ўтказиш даражасига тўғри мутаносиб;*

3. Патент софлигини тадқиқ қилиш. Бундай тадқиқотларнинг мақсади экспорт қилинаётган маҳсулот ёки технологиянинг амал қилаётган бошқа патентлар таъсирига тушиш ёки тушмаслигини текширишдан иборат.

Патент софлиги техника объектнинг юридик хусусияти бўлиб, мамлакат ҳудудида амал қилаётган патентлар ҳуқуқларини бузмасдан ушбу мамлакатда техника объектдан эркин фойдаланиш мумкинлигини билдиради.

Ихтиронинг патентга лаёқатлилиги, яъни унга патент олиниши асло унинг патент софлигини англатмайди. Масалан, икки электродли чирок,

патентлар таъсирига тушиш ёки тушмаслигини текширишдан иборат.

Патент софлиги техника объектининг юридик хусусияти бўлиб, мамлакат ҳудудида амал қилаётган патентлар ҳуқуқларини бузмасдан ушбу мамлакатда техника объектдан эркин фойдаланиш мумкинлигини билдиради.

Ихтиронинг патентга лаёқатлилиги, яъни унга патент олинishi асло унинг патент софлигини англамайди. Масалан, икки электродли чироқ, патентланган объект ҳисобланса, бу соҳадаги кейинги ихтиро - уч электродли чироқ, патент олинishi мумкин бўлган патентга тўла лаёқатли ечим ҳисобланади. Бироқ, бу ихтиродан фойдаланиш икки электродли чироқ учун олдинги патентнинг амал қилишини бузиши муқаррар, чунки уч электродли чироқ, учун ихтиро формуласи икки электродли чироқнинг тузилишига оид барча белгиларини ўз ичига олади.

Масалан, бир мамлакатда патент софлигининг мавжуд эмаслиги ўша давлатда маҳсулот сотиш истиқболлари учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. *Шунинг учун бундай ҳолатларни аввалроқ аниқлаш бу омиларни олдиндан ҳисобга олиш ва тегишли қарши чоралар ишлаб чиқишига имкон беради.* Масалан, бундай вазиятдан чиқиш учун ушбу ҳалақит бераётган патент учун лицензияни сотиб олиш, патент эгаси билан музокаралар жараёнида бошқа ўзаро фойдали ечимларни ҳам топиш мумкин;

4. Ҳуқуқий ҳолатни аниқлаш бўйича қидирувлар. Қайд қилиб ўтганимиздек, патент софлигининг мавжуд эмаслиги экспорт йўлида жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Лекин фақат рақобатчиларнинг амал қилаётган патентлари хавф солиши мумкин (амал қилмайдиган патент ҳеч қандай кучга эга эмаслиги шубҳасиздир). Шунинг учун муайян санага патентлар ёки нашр қилинган патент талабномаларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги ахборотни доимо олиб туриш ўта муҳимдир. Эслатиб ўтамиз, патентнинг амал қилиши унинг муддати тугагани, бож тўланмаганлиги, патент эгасининг ўзи воз кечиши ёки суд ҳукми бўйича патентнинг бекор қилиниши сабабли тўхтатилиши мумкин. Шундай замонавий ахборотнинг олинishi аниқ патентнинг тижорат қимматини объектив баҳолашга имкон беради, бу эса экспорт қилиш ёки лицензия битимини имзолаш бўйича музокараларда тўғри қарор қабул қилишга кўмаклашади;

5. Ном ва фирма бўйича тадқиқотлар. Бундай тадқиқотлар жараёнида муайян бозордаги рақобат шароитлари ўрганилади, етакчи рақобатчи фирмалар ёки потенциал ҳамкорлар, лицензияларнинг сотувчи ёки харидорлари аниқланади ва ҳоказо. Ўтказилаётган патент тадқиқотлари турли техника соҳалари ва маҳсулотни сотиш бозорларидаги ички ва хорижий рақобатни мониторинг қилишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади;

6. Аналог патентларни аниқлаш. Қидирувнинг бу типи ўхшаш патентлар мавжудлиги аниқланган мамлакатлар ҳудудларидаги фирмаларнинг тижорат манфаатларини белгилаш учун ўтказилади.

Турли мамлакатларда нашр қилинган ва айнан бир ихтиронинг ўзи тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига оладиган ҳужжатлар ўхшаш

7. Технологик фаолликни тадқиқ қилиш. Техниканинг маълум соҳасидаги талабнома ва патентлар сонининг динамикасини таҳил қилиб, ушбу маҳсулот бозорининг ривожланиш йўналишини баҳолаш, ўрганилаётган мамлакатнинг иқтисодий, шу жумладан техник ва ишлаб чиқариш тараққиёти динамикасини кузатиш мумкин. Масалан, маълум мавзу бўйича талабномалар сонининг ўсиши бу соҳадаги бозорнинг ривожланганлиги, муайян товарларга талабнинг ошганлигидан далолат беради. Талабномалар сонининг камайишига бу соҳадаги бозорнинг тўлганлиги ёки тадбиркорликни ривожлантириш учун шароитларнинг ёмонлашганлиги сабаб бўлиши мумкин. Қайд этиб ўтамизки, талабнома ва патентлар динамикаси инновация секторининг ривожланиш кўрсаткичининг намунаси ҳисобланади, бу эса инвесторларга ишлаб чиқаришнинг бу тармоғига (ёки аниқ бир давлатга) ўз пулини қўйиш ёки қўймаслик туғрисидаги энг ҳаққоний ахборотни беради.

Патент тадқиқотларининг натижалари бозордаги муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш стратегияси, корхона технологик ва стратегик тараққиётининг келгуси йўналишларини тўғри танлаш, маҳсулот маркетингининг оқилона режасини ишлаб чиқишга имкон беради.

8.2. Патент тадқиқотларини ўтказиш босқичлари

Патент тадқиқотларининг мақсадлари турличалигига қарамай уни ўтказишни расман бир неча босқичга бўлиш мумкин:

1. Патент тадқиқотлари ўтказиш учун топшириқ ишлаб чиқиш;
2. Ахборотни қидириш регламентини ишлаб чиқиш;
3. Патент ахборотини қидириш ва танлаш;
4. Танлаб олинган ахборотни тартибга солиш ва таҳлил қилиш;
5. Натижаларни умумлаштириш ва патент тадқиқотлари туғрисида ҳисобот тузиш.

Юқорида кўрсатилган патент тадқиқотларининг босқичларини кўриб чиқамиз:

1. Патент тадқиқотлари ўтказиш учун топшириқ ишлаб чиқиш. Бу босқичда патент тадқиқотлари ўтказишда бажарилиши зарур ишлар мазмуни, масалан, ихтиронинг патентга лаёқатлилигини баҳолаш ёки объектнинг патент софлигини аниқлаш ва ҳоказолар, масъул ижрочилар ва ишларни бажариш муддатлари аниқланади.

2. Ахборотни қидириш регламентини ишлаб чиқиш. Қидириш регламенти патент ҳужжатлари фонди ва патентга тааллуқли бошқа адабиёт бўйича қидирувни ўтказиш соҳасини аниқловчи хатти-ҳаракатлар дастуридан иборат. Қидирув регламентининг намунавий (типовой) шаблони 8.1-расмда келтирилган. Одатда, регламентни ишлаб чиқиш қуйидаги тартибларни ўз ичига олиши керак:

Қидирув регламенти

Мавзу номи:

патент хужжатлари фонди ва патентга тааллуқли бошқа адабиёт буйича қидирувни ўтказиш соҳасини аниқловчи ҳатти-ҳаракатлар дастуридан иборат. Қидирув регламентининг намунавий (типовой) шаблони 8.1-расмда келтирилган. Одатда, регламентни ишлаб чиқиш қуйидаги тартибларни ўз ичига олиши керак:

Қидирув регламенти

Мавзу номи:

Топшириқ олинган сана ва рақам:

Ахборот қидирувининг мақсади:

Қидирувнинг бошланиши:

Қидирувнинг якунланиши

Қидирув предмети	Қидирув мамлакати	Қидирув ўтказиладиган ахборот манбалари				Қидирув- нинг ретроспе ктив- лилиги	Ахборот базасининг номи
		Патентга оид		Патентга оид			
		Номи	Тасниф рукни	Номи	Тасниф рукни		
1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	8.

8.1-расм. Қидирув регламентининг шаблони.

• *қидирув предмети*ни аниқлаш. Қидирув предмети муайян патент тадқиқотларининг вазифалари, объект категорияси (қурилма, усул, модда)дан келиб чиқан ҳолда шунингдек қайси элементлар, параметрлар, хусусиятлар ва бошқа тавсифлар тадқиқ қилиниши кўзда тутилиши билан белгиланади. Масалан, агар патент тадқиқотларининг мавзуи қурилма бўлса, умуман олганда қурилманинг ўзи (умумий тузилиши, принципал схемаси), қурилманинг ишлаш тамойили (усули), уни тайёрлашда фойдаланиладиган алоҳида бўғинлар ва деталлар, материаллар, қурилма қўлланиши мумкин бўлган соҳалар ва ҳоказо ҳил предмети бўлиши мумкин. Қидирув предмети имкон қадар аниқ ва ХПТ тегишли рукнларининг номларига яқинроқ ифодалаш муҳимдир. *Кейинги ахборот қидирувини осонлаштирадиган муҳим сўзлар ва сўз бирикмаларини аниқлаш ҳам фойдали бўлади;*

• *қидирув мамлакатларини аниқлаш.* Қидирув мамлакатини танлашда ҳам патент тадқиқотларини ўтказиш вазифаларига амал қилинади. Масалан, патент софлигини тадқиқ қилишда патент эгаларининг ҳуқуқлари бузилмаслиги керак бўлган мамлакатлар бўйича қидирув олиб борилади. Мамлакатлар доираси маҳсулот экспортининг географияси ёки лицензия битимининг шартлари ва бошқалар билан ҳам белгиланиши мумкин. Қидирув мамлакатлари сифатида техниканинг ушбу соҳасида етакчи ўринларни эгаллаб турган мамлакатларни танлаш керак. *Таъкидлаб ўтамизки, барча ҳолатларда Ўзбекистон қидирув тартиб-тарозини бўғинлар билан*

мамлакатларни танлашда ушбу мамлакат патент қонунчилигининг хусусиятларидан келиб чиқиши керак Масалан, ихтиронинг маҳаллий янгилик шартларига мос келиши талаб қилинса, бу мамлакатнинг патент ҳужжатлари бўйича қидирув билан чекланиш мумкин. Жаҳон бўйича янгилиги талаб қилинган ҳолатда эса қидирув камида қуйидаги мамлакатлар бўйича ўтказилиши керак: Буюк Британия, Германия, Россия, АҚШ, Франция, Швейцария, Япония, шунингдек Канада, Австралия, техниканинг ушбу соҳаси энг ривожланган бошқа мамлакатлар;

- *қидирув чуқурлигини аниқлаш.* Ахборотнинг қидирув чуқурлиги патент тадқиқотларининг вазифаларига боғлиқ. Олдинги бўлимда қайд этиб ўтилганидек патент қидируви, одатда, камида 15 йиллик чуқурликда, техниканинг янги соҳалари учун эса биринчи нашрлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб ўтказилади. Патент софлигини тадқиқ қилишда қидирув чуқурлиги патентнинг қидирув мамлакатада амал қилиши билан белгиланади;

- *таснифлаш индексларини аниқлаш.* Ахборот қидирувини туғри ўтказиш учун ҳар бир қидирув предмети бўйича таснифлаш рукнларини аниқлаш зарур. Қидирув соҳасининг асосий тавсифи сифатида Халқаро патент таснифи рукнининг индексларидан фойдаланилади. Бироқ, қидирув мамлакатларида патент ахборотининг асосий қисми Миллий таснифлаш тизимларига мувофиқ таснифланса (масалан, АҚШда), қидирув самарадорлигини ошириш учун қидирув предмети ХПТга кушИМСа равишда ушбу Миллий таснифларга мувофиқ ҳам таснифлаш зарур. Патент тадқиқотларининг объекти саноат намунаси сифатида муҳофаза қилиниши мумкин бўлган ҳолатда ва саноат намуналари учун ҳужжатлар фонди бўйича қидирувни ўтказиш зарур бўлганида СНХТ - Саноат намуналарининг халқаро таснифи индекслари ҳам аниқланади;

- *ахборот манбаларини танлаш.* Ахборот манбалари, шу жумладан муайян патент фондлари, маълумотлар базалари мамлакатда ахборот манбаларининг мавжудлиги; ахборот манбаининг эълон қилиниш тезлиги; манбанинг ахборотга бойлиги; манбадаги ахборотнинг тавсифи ва шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда танланади.

3. Ахборотни қидириш ва танлаш. Мазкур босқич қидирув регламентида белгиланган ишларни амалий бажаришдан иборат. Ахборотни танлаш мезонлари унинг қидирув предмети ва вазифалари релевантлиги (белгилар мажмуаси бўйича ўхшашлиги) ҳисобланади. Масалан, техника даражаси ва аниқ турдаги техниканинг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш учун ахборотни танлашда: битта функциянинг ўзини бажаришга мўлжалланган объектларнинг амал қилиш тамойилини тавсифловчи техник ечимлар; объектнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатадиган ечимлар; техник-иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборот ва бошқалар бундай мезонлар бўлиши мумкин. Техник ечимларнинг янгилигини тадқиқ қилишда уларнинг техник моҳияти (муҳим белгилари) ва фойдаланганда эришиладиган натижаларнинг ўхшашлиги мезон сифатида хизмат қилади. Патент софлигига тадқиқот ўтказилганида даставвал тегишли муҳим белгилардан иборат техник ечимлар ажратиб олинади, шундан сўнг

танлаб олинган патентларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш учун маълумотлар қидирилади, бу аввало, у ёки бу патент амал қилиши ёки қилмаслигини аниқлаш учун қилинади. Барча танлаб олинган материаллардан кейинчалик қайта ишлаш учун нусха олинади.

4. Танлаб олинган ахборотни тартибга солиш (системлаштириш) ва таҳлил қилиш. Ахборот кейинчалик таҳлил қилишни осонлаштириш учун тартибга солинади. Одатда, тартибга солиш уч босқичда амалга оширилади:

- даставвал, муҳим бўлмаган маълумотларни чиқариб ташлаш ҳисобига танлаб олинган ахборот қисқартирилади ва зичлаштирилади;

- кейин ҳар бир танлаб олинган ҳужжатга реферат тузилади, у камида библиографик маълумотларни, кўпи билан эса - ихтиронинг тўлиқ баёни, унинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги маълумотлар, рақобатчиларнинг ҳуқуқларни низолашиши, мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа шахсларга берилиши, формула ёки баёнига кейинги ўзгартиришлар киритиш, баён матнида экспертлар ва талабнома берувчининг ўзи келтирган патент учун далиллар ва бошқа далиллар ва шу кабиларни ўз ичига олиши мумкин;

- тартибга солишнинг сўнгги босқичи маълум асослар, масалан: чиқарилаётган объектлар типлари, мамлакатлар, фирмалар ва чиқариш йиллари, техник кўрсаткичлар ва бошқалар бўйича ахборотни тартибга солиш ҳисобланади.

Тартибга солинган маълумотлар статистик қайта ишланади ва таҳлил қилинади. Масалан, ўтказилаётган тадқиқотнинг вазифаларига мувофиқ объектларнинг турли техник-иқтисодий тавсифлари қиёсий таҳлил қилинади, тадқиқ қилинаётган кўрсаткичларнинг динамик қаторлари қурилади. Таҳлил натижалари жадвал, график диаграммалар кўринишида тақдим этилиши мумкин.

5. Натижаларни умумлаштириш ва патент тадқиқотлари тўғрисида ҳисобот тузиш. Ахборот таҳлил қилингандан сўнг олинган натижалар умумлаштирилади ва ҳисоботлар кўринишида расмийлаштирилади. ҳисобот, одатда, қуйидаги ахборотни ўз ичига олиши керак:

- тадқиқот предмети, муайян объект номи;
- қидирув ўтказилган мамлакатлар рўйхати;
- қидирув ўтказилган ахборот манбалари, қидирув чуқурлиги, аниқланган ҳужжатлар миқдори;

- танлаб олинган ҳужжатлар;
- тадқиқ қилинаётган объектларнинг муҳим белгилари ва техник тавсифлари, патентларнинг амал қилиш муддатлари (патент софлигини тадқиқ қилишда) ва хоказо;

- аниқ хулосалар, аниқланган тенденциялар, амалий тавсиялар ва хоказо.

РСТ бўйича халқаро қидирув тўғрисидаги ҳисобот асосида ишлаб чиқилган патент тадқиқотлари тўғрисидаги ҳисоботнинг типовой шакли қуйида мисол тариқасида келтирилган.

Назорат саволлари.

8. Мамлакатлар ва қидирув чуқурлиги қандай мазмунлар билан белгиланади?
9. Ахборотлар қандай тартибга солинади ва таҳлил қилинади?
10. Ўтказилган патент тадқиқотлари тўғрисидаги ҳисоботлар қандай тузилиши ҳақида гапириб беринг?

Адабиётлар:

1. Киселёва Т.О. Экспертиза объектов техники на патентную чистоту. - М.: ВНИИПИ, 1991, 116 с.
2. Мельникова Л.И. Определение технического уровня объектов техники и научно-техническое прогнозирование. М.: ВНИИПИ, 1986, 94 с.
3. Методические рекомендации по проведению патентных исследований. - М.: ВНИИПИ, 1984, 194 с.
4. Основы изучения отраслевой конъюнктуры капиталистической промышленности. - М.: ВНИИПИ, 1989, 97 с.
5. Жумаходжаев А. Патентшунослик. Тошкент:-Мехнат. 2001. 384 б.

9-Мавзу: ЖАҲОН ПАТЕНТ ТИЗИМЛАРИ

Режа:

- 9.1. Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти.
- 9.2. Европа патент идораси. Европа патентини олиш.
- 9.3. АҚШ патент ҳуқуқининг хусусиятлари.
- 9.4. Собик СССР патент ҳуқуқи. Бугунги Россия патент қонунчилиги.

9.1. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг тарихи 1883 ва 1886 йиллардан - Саноат мулкни муҳофаза қилиш Париж конвенцияси ва адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш Берн конвенцияси қабул қилингандан бошланган. Бу Конвенциялар "Халқаро бюролар" деб номланган ўз қотибиятларини ташкил этишни кўзда тутган эди. 1893 йилда бу икки қотибият "Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича бирлашган халқаро бюролар" ёки француз тилида қисқартирилган БИРПИ номи остида ягона қотибиятга бирлаштирилди.

Ҳозирги Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (қисқартирилган шаклда "БИМТ", инглиз тилида - "WIPO", француз ва испан тилларида — "OMPI") 1967 йил 14 июлда имзоланган "Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этиш Конвенцияси"га мувофиқ тузилган. Бу Конвенция 1970 йилда кучга кирган.

Ҳозирда БИМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизими таркибига (1974 йил декабридан) кирувчи ихтисослашган муассасадан иборат.

2001 йил 1 январига келиб ташкилот 175 давлатни бирлаштирган.

БИМТнинг фаолияти кўп қирралидир. У миллий қонунчиликларни замонавийлаштириш бўйича янги халқаро битимлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам кўрсатади, патент маълумотларини йиғади ва тарқатади, ойлик журналлар (хусусан, "Саноат мулки" ва "Муаллифлик ҳуқуқи" журналларини) чиқаради, интеллектуал мулк объектларини химоя қилиш соҳасида халқаро тартибларнинг бажарилишини таъминлайди, БИМТ аъзо давлатлари орасида бошқа кўринишдаги маъмурий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади.

БИМТ ўз фаолиятида қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутди:

1. Давлатлар ўртасида ҳамкорлик шунингдек бошқа ихтиёрий халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқа йўли билан бутун жаҳонда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга кўмаклашиш.

2. Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида Иттифоқлар ўртасида маъмурий ҳамкорликни таъминлаш. Париж Иттифоқи, Берн Иттифоқи, Мадрид Иттифоқи, РСТ Иттифоқи ва ҳоказо

Шундай қилиб, БИМТ таркибига кирувчи иттифоқларни маъмурий бошқаради ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Ҳозирги кунда саноат мулки ва муаллифлик ҳуқуқи соҳасида 20 дан ортиқ халқаро конвенция, шартнома ва битимларнинг бажарилиши БИМТ назоратида турибди.

БИМТ Конвенция доирасида таъсис этилган учта раҳбарлик органига эга: **Бош Ассамблея, Конференция ва Мувофиқлаштириш комитети.**

БИМТнинг юқори органи Бош Ассамблея ҳисобланади. Париж ва ёки Берн иттифоқлари Ассамблеяларининг аъзолари бўлган БИМТ аъзо мамлакатлари Ассамблея аъзоси бўлиши мумкин. Бош Ассамблея БИМТ фаолиятининг асосий масалаларини ҳал қилади, хусусан, Мувофиқлаштириш комиссиясининг тақдиротига кўра БИМТ Бош директорини тайинлайди, Бош директор ва Мувофиқлаштириш комиссиясининг ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ва уларга зарур йўриқномалар беради, барча Иттифоқларга умумий бўлган икки йиллик харажатлар бюджетини тасдиқлайди, котибиятнинг иш тилларини аниқлайди, шунингдек бошқа кўпгина масалаларни ҳал қилади.

БИМТ Конференцияси муҳимлиги жиҳатидан БИМТ нинг иккинчи органи ҳисобланади. *Ассамблеядан фарқли равишда, иттифоқларда иштирокидан қатъи назар барча БИМТ аъзо мамлакатлари Конференция аъзоси ҳисобланади.* Конференциянинг вазифаларига интеллектуал мулк соҳасида барча мамлакатларга умумий аҳамият касб этадиган масалаларни муҳокама қилиш ва улар бўйича мос тавсияномалар қабул қилиш киради. Конференция ривожланаётган мамлакатларга техник ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни тасдиқлайди, Конференциянинг икки йиллик бюджетини қабул қилади, шунингдек БИМТни таъсис этиш Конвенцияси матнига тузатишлар киритиш тўғрисида таклифларни кўриб чиқади.

БИМТнинг учинчи органи асосан барча Иттифоқлар учун аҳамиятли бўлган келишув тавсияномаларини ишлаб чиқиш учун тузилган Мувофиқлаштириш комитети ҳисобланади. Хусусан Мувофиқлаштириш комитети Ассамблея ва Конференциянинг кун тартибини тайёрлайди, Ассамблеяга Бош директор лавозимига номзодни тақдим этади ва ҳоказо

Бош Ассамблея ва Конференция навбатдаги сессияларга икки йилда бир марта йиғилса, Мувофиқлаштириш комитети ўз сессияларини йилда бир марта ўтказади.

БИМТнинг ижрочи раҳбари Бош Ассамблея томонидан янгидан тайинлаш ҳуқуқи билан олти йил муддатга сайланадиган Бош директор ҳисобланади. Бош директор ижрочи орган - "Халқаро бюро" деб номланувчи БИМТ котибиятига раҳбарлик қилади.

Бош директор БИМТнинг бош мансабдор шахси ҳисобланади, унинг номидан иш кўради ва Бош Ассамблея олдида ҳисобот беради. Бундан ташқари Бош директор битимларнинг асл нусхалари, ратификация ёрликлари ҳамда БИМТ Конвенциясига давлатларнинг қўшилиши тўғрисидаги далолатномаларнинг депозитарийи (расмий сақловчиси) ҳисобланади.

БИМТнинг биринчи Бош директори этиб 1970 йилда Арпад Богш

сайланган бўлиб, бу лавозимни у 1997 йилгача эгаллаган. ҳозирги вақтда БИМТ Бош директори Камил Идрис.

Халқаро бюро интеллектуал мулк соҳасидаги кўплаб Конвенциялар, шартнома ва битимлар Иттифоқларининг котибияти ҳам ҳисобланади. Шу муносабат билан Халқаро бюро нафақат Бош Ассамблея ва Конференция назорати остидадир, балки тегишли масалалар бўйича ҳар бир Иттифоқ Ассамблеяси томонидан ҳам назорат қилинади.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун Халқаро бюро доимий штатида 63 дан ортиқ турли мамлакатдан (2001 йил 1 январ ҳолатига) 474 ходимга эга. Уларнинг мақоми БМТ ташкилотлари тизимида кирувчи бошқа ихтисослашган муассасалар ходимларининг мақомига ўхшаш.

Халқаро бюронинг асосий вазифаларидан бири саноат мулки соҳасидаги рўйхатга олиш шартнома ва битимлари бўйича халқаро тартибларни амалга оширишдир. Шу тариқа Халқаро бюро тўртта халқаро рўйхатга олиш хизматлари:

- Белгиларни халқаро рўйхатга олиш Мадрид тизими;
- Патент кооперацияси тўғрисида Шартномалар (РСТ);
- Саноат намуналарини депонентлаш Гаага тизими;
- Келиб чиқиш жойларини рўйхатга олиш Лиссабон тизимининг тартибларини бевосита бажаради.

Хусусан, Халқаро бюро зарур расмий экспертизаларни ўтказди, ўз досъеларида барча халқаро талабномаларнинг асл нусхасини сақлайди, бу талабномаларни нашр қилади, талабнома берувчи ва миллий патент идоралари билан ёзишмаларни юритади ва ҳоказо

Таъкидлаб ўтамикки, талабнома берувчилар томонидан РСТ, Мадрид ва Гаага тизимлари бўйича тўланадиган халқаро божлар Халқаро бюронинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. *Бундай божлар, одатда, БИМТ даромадлари умумий йиғиндисининг 73%ни ташкил этади.* БИМТ нинг бошқа даромадлари унга аъзо давлатларнинг ҳукуматлари тўлайдиган бадаллар (ўртача 18%) ва БИМТ нашрларини сотишдан тушадиган даромадлардан ташкил топади. Даромадларнинг бир қисмини, одатда бир неча фоизини, илгари фойдаланилмаган пул маблағларидан олинадиган фоиз даромади ташкил этади.

Халқаро божларнинг миқдори РСТ Ассамблеялари, шунингдек Мадрид ва Гаага иттифоқлари томонидан белгиланади.

Бадалларнинг умумий йиғиндиси БИМТ Конференцияси ва бадаллар ҳисобидан молиялаштириладиган олти Иттифоқ - айнан Париж, Берн, Ницца, Локарн, Бенн иттифоқлари ҳамда МПК Иттифоқининг Ассамблеялари томонидан белгиланади.

Шуни қайд этиб ўтиш зарурки, бадаллар ҳисобидан молиялаштириладиган БИМТ ва/ёки исталган Иттифоқлардан бирининг ҳар бир аъзо давлати "синфлар ва бирликлар" деб аталадиган тизимга мувофиқ равишда бадаллар тўлайди. Бунда ҳар бир давлатнинг бадал миқдори, ушбу давлат фақат БИМТ аъзоси ёки фақат бир ёки бир нечта Иттифоқ аъзоси ёки БИМТ аъзоси, ҳам бир ёки бир неча Иттифоқ аъзоси бўлишидан қатъи назар,

бир хил бўлади.

Бадал миқдорини аниқлаш мақсадида ҳар бир давлат 14 синфдан бирига киритилади. 1 синф бадал миқдори энг юкори синф ҳисобланади ва бадалларнинг 25 бирлигини тўлашни, 12 синф (махсус) эса бадалларнинг 1/32 қисмини тўлашни кўзда тутати.

Ҳар бир давлат, одатда, у мансуб синфни ўзи аниқлайди. Масалан, Ўзбекистон МДХнинг бошқа давлатлари қаторида 9 синфга мансубдир, демак унинг бадали йилига 14 минг Швейцария франкини ташкил этади. *Таъкидлаб ўтамизки, БИМТнинг барча аъзо давлатлари улар танлаган синфларидан қатъи назар бир хил ҳуқуқлардан фойдаланади.*

БИМТ фаолиятининг муҳим қисми интеллектуал мулк соҳасидаги тарғибот ва таълим бўйича ишлар ҳисобланади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида БИМТ доимо интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича билимлар даражасини ошириш, Халқаро шартнома ва битимларнинг алоҳида низомларини, турли халқаро тартибларни тушунтириш ва бошқаларга қаратилган семинар ва конференциялар ўтказади. Шунингдек БИМТ турли мамлакатлар миллий патент идораларининг ходимлари ва патент экспертлари ҳамда патент бўйича ишончли вакиллари билан доимо трейнинг ўтказади.

Мутахассисларни тайёрлаш мақсадида БИМТ қошида интеллектуал мулкни ўрганиш бўйича таълим курсларини ўтказадиган махсус бўлинма - БИМТ Академияси тузилган. Хусусан, БИМТ Академияси томонидан тингловчиларнинг турли гуруҳи - муҳандислар, ҳуқуқшунослар, судьялар, сиёсатчилар, дипломатлар учун мўлжалланган ўргатувчи дастурлар ишлаб чиқилган. Ривожланаётган мамлакатларда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилишни тарғиб қилишда фойдали ҳисобланган турли мамлакатлардан раҳбар ходимларни тайёрлашга мўлжалланган махсус дастурларни таъкидлаб ўтмаслик мумкин эмас.

БИМТ шунингдек ривожланаётган мамлакатларда патент тизимининг шаклланишига техник ва молиявий ёрдам кўрсатади. Бунинг учун маблағлар БИМТ бюджетида кўзда тутилади ёки бошқа халқаро дастурлар, масалан, *БМТ Тараққиёт дастури* (БМТТД), доирасида ажратилади. "Тараққиёт мақсадида ҳамкорлик бўйича" барча фаолият *Саноат мулки соҳасида тараққиёт мақсадида ҳамкорлик бўйича БИМТ Доимий комитети* томонидан назорат қилиниб, унга аъзолик эркин ҳисобланади ва иштирок этувчи давлатларга ҳеч қандай молиявий мажбуриятларни юкламайди.

Шундай қилиб, БИМТ фаолияти бутун жаҳонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш учун мустаҳкам асосни яратади.

9.2. Европа патент идораси

Европа патентини олиш [1].

XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграциянинг кучайиши ягона Европа патент тизимининг

тузилишини объектив тарзда тақазо этди. Бир ихтирони Европанинг ҳар бир мамлакатада патентлаш зарурияти талабнома берувчи учун технология ва товарлар айрибошлаш, қўшма корхоналар фаолияти ва бир мамлакатдан бошқасига инвестициялар сарфлаш йўлида ортиқча тусиқлар яратадиган, анча қийинчилик тўғдирадиган тартиб ҳисобланиши очик ойдин намоён бўлди. Ўз навбатида, талабнома берувчи учун битта талабнома бериб ва битта патент олиб, ўз ихтиросини Европанинг барча мамлакатларида ҳимоя қилиш имконияти Европа мамлакатлари иқтисодий интеграциясини мустаҳкамлашда негиз бўларди.

Ягона Европа патент тизимини тузиш ғояси 1973 йил 5 октябрида Мюнхенда Европа патент конвенцияси деб ном олган Европа патентини бериш тўғрисидаги Конвенция тузилганда амалга ошди. Бу Конвенция РСТ билан бир вақтда 1978 йил 1 июндан кучга кирди.

2001 йил 1 январдаги ҳолатга кўра Европа конвенциясининг иштирокчилари қуйидаги давлатлар ҳисобланади: Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Кипр, Лихтенштейн, Люксембург, Монако, Нидерландия, Португалия, Туркия, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция.

Бундан ташқари, Европа конвенциясига Албания, Латвия, Литва, Македония, Руминия ва Словениянинг қўшилиши кутилмоқда.

Европа патент конвенцияси ихтиро учун Европа патентини беришнинг ягона тартибларини белгилайди. РСТдаги каби, Европа патенти учун талабномада Конвенция иштирокчи давлатларининг ҳаммаси эмас, балки баъзилари ҳам кўрсатилиши мумкин. *Берилган Европа патенти унда кўрсатилган барча давлатлар ҳудудида миллий патент кучига эга.*

Европа патент тизимининг Конвенцияга мувофиқ амал қилиши учун Европа патент идораси (ЕПИ ёки инглиз аббревиатурасида ЕРО) тузилган бўлиб, у талабномаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда Конвенция иштирокчи давлатларининг номидан Европа патентларини беради. Эслатиб ўтамиз, ЕПИ шунингдек РСТ тизими бўйича Халқаро қидирув ва Халқаро дастлабки экспертизанинг органларидан бири ҳисобланади.

Тузилишига кўра ЕПИ тўрт бўлинмадан иборат:

- ЕПИнинг Мюнхен (Германия)даги Бош офиси ёки штаб квартираси. Бу ерда Европа патентлари учун талабномаларнинг моҳиятига кўра экспертизаси ўтказилади, патентлар рўйхатга олинади ва берилади, апелляция тартиблари кўриб чиқилади;

- ЕПИнинг Гаага (Нидерландия)даги Суб-офиси ёки филиали. Бу бўлинманинг функциялари Европа талабномаларини расмий экспертиза қилиш ва патент қидирувини ўтказишдан иборат. Шунингдек, Гаагада ЕПИ учун ходимлар тайёрланади ва ўқитилади;

- Берлиндаги Суб-офис Европа талабномаларини қабул қилиш ва улар бўйича расмий экспертизаларни ўтказиш масалалари билан шуғулланади;

- Вена (Австрия)даги Суб-офис патент ахбороти масалаларига ихтисослашган. Хусусан, Венада ЕПИнинг турли нашрлари оптик дискларда нашр қилинади, патент ҳужжатларининг электрон маълумотлар базаси

таркатилади ва уларга хизмат кўрсатилади ва ҳоказо.

Европа патентини бериш тўғрисидаги Конвенциянинг асосий низомларини кўриб чиқайлик.

Конвенцияга мувофиқ Европа патенти учун талабнома фукаролиги ва турар жойидан қатъи назар ихтиёрий (жисмоний ёки ҳуқуқий) шахс томонидан берилиши мумкин.

Патент учун талабнома Париж Конвенциясига мувофиқ конвенция имтиёзини сўраган ҳолда берилиши мумкин. Европа патент конвенциясининг барча иштирокчилари РСТнинг ҳам иштирокчилари ҳисобланиши боис, талабнома берувчилар Европа патентини РСТ тартиби орқали сўраши, яъни халқаро талабнома беришда Европа патентини олишни кўрсатиши мумкин.

Европа патентини олиш тартиби уч фазани ўз ичига олади:

1. ЕПИ филиалларидан бирига ЕПИ расмий тиллари (инглиз, француз ёки немис тили)дан бирида тўғри тўлдирилган талабномани бериш. *Ихтиро формуласини баён этишининг мавжуд барча усулларидан Европа Конвенцияси чекловчи ва фарқловчи қисмлардан иборат бўлган Германия схемаси деб аталадиган усулни танлаганлигини таъкидлаб ўтамиз.* Тегишли божларнинг тўланганлиги талабномага илова қилиниши керак.

Берилган талабнома бўйича расмий экспертиза ўтказилади ва талабнома зарур талабларни қондирса, у бўйича Европа патент кидируви ўтказилади. Биринчи фаза Европа патент талабномаси (тавсифи, формуласи ва чизмалари)нинг унинг реферати ва Европа кидируви тўғрисидаги ҳисобот билан биргаликда нашр этилиши билан якунланади. Одатда, талабномани нашр қилиш талабнома берилган вақтдан 18 ой, агар имтиёз сўралган бўлса имтиёз давридан ўтгандан кейин амалга оширилади.

2. Талабнома нашр қилинган санадан кейин 6 ой давомида талабнома берувчи моҳиятига кўра экспертиза учун божларни тўлаши ва унинг ўтказилишига талабнома бериши керак. Агар ўтказилган кидирув натижасида қарама-қарши қўйишлар аниқланган бўлса, талабнома берувчи ўз талабномасига тузатишлар киритиш (албатта, бирламчи моҳиятини ўзгартирмасдан) ёки талабнома бўйича кейинги иш кўрилишидан умуман бош тортиш ҳуқуқига эга.

ЕПИга юқорида кўрсатилган илтимосноманинг келиб тушганидан сўнг талабнома, бўйича ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ мезонларига мослигини экспертизадан ўтказиш бошланади. Конвенцияга мувофиқ *янгилиқ, ихтиро даражаси ва саноатда қўллашнинг мумкинлиги* бундай мезонлар ҳисобланади. Талабноманинг эксперт томонидан кўриб чиқилиши жараёнида талабнома берувчи эксперт далилларига эътироз билдиришга, шунингдек ихтиро формуласига тузатиш киритишга ҳақлидир. Ижобий қарор қабул қилинганда ҳамда талабнома берувчи томонидан патент берилиши учун бож тўланганда ЕПИ Европа патенти берилганлиги тўғрисида хабарномани нашр қилади. Патент берилганлиги тўғрисидаги нашрни эълон қилиш билан биргаликда ЕПИ ихтиронинг тавсифи, формуласи ва (агар бор бўлса) чизғиларини ўз ичига оловчи Европа патентига ихтиронинг тавсифини ҳам чиқаради.

Европа патентига тавсифни нашр қилгандан сўнг ЕПИ талабнома берувчига ихтиро тавсифини ўз ичига олувчи Европа патент ёрлигини беради.

3. Учинчи фаза берилган патентларга учинчи шахсларнинг арз (протест)ини кўриб чиқиш тартибларидан иборат бўлиб, улар патент берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар нашр қилингандан кейин 9 ой давомида берилиши мумкин. Конвенцияга кўра бундай эътироз асосланган ва тегишли божлар тўланган бўлиши керак Бундай асос талабномада кўрсатилган ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ мезонларига мос келмаслик, патентга тавсифда ихтиронинг тўлиқ очиб берилмаганлиги, патент предметининг бирламчи берилган талабномадаги мазмун чегараларидан ташқарига чиқиши ва ҳоказо ҳисобланади.

Бундай кўриб чиқишнинг натижаси аризанинг қайтарилиши, патент бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ёки талабнома берувчи аризасини кўриб чиқиш жараёнида тегишли ўзгартиришларни киритса, патент бериш тўғрисидаги қарорни ўзгартириш бўлиши мумкин. Ариза бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида маълумот эълон қилинади ва ихтиронинг янги тавсифи нашр қилинади. *Шундан сўнг ЕПИ патент эгасига янги патент ёрлигини беради.*

Шу билан Европа патентини беришнинг ягона тартиби яқунланади. Сўнгра, Европа патенти кўрсатилган мамлакатларда миллий патентлар йиғиндиси сифатида амал қилади. *Бу Европа патенти учинчи шахс томонидан суд тартибида муайян давлат ҳудудидагина миллий патент қонунчилигига мувофиқ баҳслашиши мумкинлигини билдиради.* Масалан, Европа патентининг амал қилиши тегишли француз судининг қарори билан Францияда бекор қилиниши мумкин, лекин Европа патенти Европанинг бошқа кўрсатилган мамлакатларида амал қилишни давом этади.

Ҳозирда ўз ихтироларини Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳимоя қилишни хоҳловчи кўпчилиқ талабнома берувчилар турли мамлакатларда алоҳида патентлашга эмас, айнан европатентга талабнома беришни танлайди. Статистика шуни кўрсатадики, ҳар йили европатентга 100 минг талабнома берилади. Масалан, ЕПИнинг 1999 йилги сўнгги маълумотларига кўра 121750 та талабнома тақдим этилган ва 35358 та европатент берилган.

Европа патент тизими тараққиётининг ижобий тажрибаси бошқа давлатлар учун тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва интеграциянинг фойдали мисоли ҳисобланишини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

9.3. АҚШ патент ҳуқуқининг хусусиятлари

АҚШдаги патент ҳуқуқи чуқур тарихий анъаналарга эга. Амалда мустақилликнинг биринчи қадамларидан (1783 йилдан) АҚШда самарали патент тизими мамлакат иқтисодий ривожланишининг рағбатлантирувчи кучи ҳисобланади. 1787 йилда қабул қилинган Конституциясининг ўзида "Муаллиф ва ихтирочиларга тегишли адабий асарлар ва ихтироларга мутлақ ҳуқуқларни чекланган вақт даврига бериш билан илм-фан ва фойдали

санъат тараққиётига кўмаклашишга ... Конгресс ҳақлидир" деб ёзилган эди. Шунга мувофиқ, АҚШ Конгрессига патент қонунини чиқариш ва қайта кўриб чиқиш ваколати берилган [2].

Патент эгасининг мутлақ ҳукукини ва текширув тизимини мустаҳкамлаган АҚШнинг биринчи патент қонуни 1790 йилда қабул қилинган. Шундан сўнг 1793 йилда бу қонун патентларни бериш тартибларини соддалаштириб қайта кўриб чиқилган. Шу тарзда патент беришнинг текширув тизими ихтирочининг яратган ихтироси янги ва фойдали ҳисобланиши тўғрисида суддаги касамёди билан алмаштирилган. Лекин амалиёт бундай тизимнинг самарасизлигини кўрсатди. *Натижада 1836 йилда Америка патент-ҳуқуқ тизимининг асосий белги ва хусусиятларини белгилаган янги патент қонуни қабул қилинди.* Шундан бери патент қонуни бир неча бор такомиллаштирилди, лекин унинг характерли жиҳатлари АҚШ замонавий патент ҳуқуқида сақланиб қолди.

АҚШнинг бош патент ташкилоти Патент ва товар белгилари бўйича АҚШ Идораси ҳисобланиб, тузилиши жиҳатидан АҚШ Тижорат департаменти (савдо вазирлигига ўхшаш) таркибига киради. Бу Идора жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги патент идораларига ўхшаш функцияларни бажаради, хусусан, талабномалар экспертизасини ўтказди, патентлар беради, патент маълумотини нашр қилади ва ҳоказо. Апелляция масалаларини ҳал қилиш учун 1982 йил 1 октябрдан патент ҳуқуқи низолари билан боғлиқ барча апелляцияларни кўриб чиқиш бўйича ягона суд ҳисобланадиган Федерал апелляция суди (Court of Appeals for Federal Circuit) фаолият кўрсатади,

Шубҳасиз, АҚШ патент ҳуқуқининг муҳим хусусияти унда суд прецеденти каби ҳуқуқ манбаининг мавжудлиги ҳисобланади. Бундай прецедент кучга кирган суд қарорининг асосланган қисмидан иборат бўлиб, бу шунга ўхшаш ишларни ўша ёки пастки инстанциядаги судларда кўриб чиқишда меъёр бўлади. Бундай тизим бошқа кўпчилик мамлакатлар, масалан, Европа, собиқ СССР мамлакатлари (жумладан Ўзбекистон) ҳуқуқ тизимларидан тубдан фарқ қилади. Прецедент ҳуқуқининг мантиқи ҳаётда юзага келадиган барча ҳуқуқий вазиятлар (иш кўришлар, низолар)ни қонунан олдиндан билиш мумкин эмаслигини тан олишдан иборат. *Фақат суд жараёнларида, ҳақиқий вазиятлар асосида муаммони ҳал қилишнинг энг тугри йўллари белгилаш мумкинки, улар прецедент, яъни бошқа ўхшаш вазиятлар учун меъёрий ҳужжат бўлади.* Бундан фаркли равишда, китъа ҳуқуқий, хусусий ҳуқуқий масалаларни имкон қадар тўлалӣгича қонун билан тартибга солишни кўзда тутди. Бироқ, қонунда бир маънода талқин қилинмайдиган ҳуқуқий вазиятлар юзага келганда суд, шунга ўхшаш ишлар бўйича бошқа судлар қароридан қатъи назар, қонуннинг тегишли низомини ўз ихтиёрича талқин қилишга ҳақлидир.

АҚШ патент ҳуқуқининг бошқа муҳим жиҳати патентларни талаб қилишнинг ихтиро тизими ҳисобланади. АҚШ патент қонунига мувофиқ фақат биринчи ва ҳақиқий ихтирочи патент олишга талабнома бериши мумкин. Бошқа шахслар, масалан, ихтирочининг иш берувчиси, талабнома

бериш ҳуқуқига эга эмас. Патент олишга талабнома бериш учун ҳар бир талабнома берувчи ўзини патент сўраб олинаётган объектнинг ҳақиқий ва биринчи ихтирочиси деб ҳисоблаши тўғрисида махсус декларацияни тўлдириш керак. Бундай декларация нотариус ёки бошқа ваколатли шахс иштирокида рўйхатга олинадиган махсус қасамёд билан алмаштирилиши мумкин. *АҚШда декларация ёки қасамёдда ёлгон маълумотлар берганлик учун жавобгарлик белгиланган.* Одатда, ёлгоннинг аниқланиши патент беришда автоматик тарзда рад жавобига, қасддан ёлгон маълумот бериш ҳолатлари эса пул жарималари тўланишига ёки 5 йил муҳлатгача қамок жазосига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда АҚШда патентнинг уч тури берилади: ихтиро учун патент (utility patent) саноат намунаси учун патент (design patent) ва селекция ютуғи учун патент (plant patent) [3].

АҚШ патент ҳуқуқининг ажралиб турадиган жиҳати шундан иборат эдики, ихтиро учун патентнинг амал қилиш муддати имтиёз санасидан эмас, *патент берилган санадан ҳисобланган ва 17 йилни ташкил этган.* Бироқ, АҚШнинг БСТга кириши ва ТРИПСнинг имзоланиши сабабли 1995 йил 8 июлидан низом кучга кириб, унга кўра патентнинг *амал қилиш муддати биринчи талабнома берилган санадан бошлаб 20 йилга тенг қилиб белгиланди.* Низом 1995 йил 8 июлигача берилган талабномаларга татбиқ этилмаслигини таъкидлаб ўтамиз. Саноат намунаси учун патентнинг амал қилиш муддати 14 йилга, селекция ютуғи учун патентники эса 17 йилга тенг.

АҚШда патент бир погонали текширув экспертизаси тизими бўйича берилади ва ҳар бир талабнома бўйича расмий экспертиза ва моҳиятига кўра экспертиза ўтказилади. Ихтиро тўғрисидаги маълумотлар патент берилганлиги тўғрисида эълон қилиш билан бир вақтда маълум қилинади, яъни экспертиза тизими талабномалар тўғрисидаги маълумотларга учинчи шахслар учун танишиш имконини бермайдиган ёпиқ характерга эга.

АҚШда патент бериш тартиби бошқа мамлакатлар тизимидан анчагина фарқланади. Шу тарзда, ихтиро имтиёзи талабнома берилган биринчи санадан олдинги сана бўйича белгиланиши мумкин. Масалан, ихтиёрий талабнома берувчи Патент идорасига патент талабномасини бериш учун зарур барча қатъий талабларга жавоб бермайдиган *вақтинчалик патент талабномасини* бериши мумкин. Шундан сўнг талабнома берувчи бир йил давомида ушбу вақтинчалик талабнома асосида ҳақиқий тўғри расмийлаштирилган патент талабномасини бериши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш муҳимки, ихтиро имтиёзи вақтинчалик патент талабномаси берилган сана бўйича сақланиб қолади, лекин патентнинг амал қилиш муддати кейинги тўғри расмийлаштирилган талабнома берилган санадан бошлаб белгиланади. Албатта, талабнома берувчи вақтинчалик патент талабномаси берилган санадан бошлаб бир йил давомида тўғри расмийлаштирилган патент талабномани бермаса, вақтинчалик патент талабномаси (бинобарин имтиёз ҳам) ўз кучини йўқотади.

Хорижда патентлашда вақтинчалик патент талабномасидан АҚШлик талабнома берувчилар томонидан имтиёзли ҳужжат сифатида

фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтамиз.

АҚШ патент ҳуқуқида ихтиро имтиёзи санасига эмас, яратилиш санасига муҳим аҳамият берилади. Масалан, патентнинг амал қилишини бошқа ихтирочи ҳатто ихтирони аввал нашр қилмаган бўлса ҳам, у шунга ўхшаш ихтирони аввалроқ яратгани хусусида судга даъво қилиб арз қилиши мумкин. Бу ҳолатда даъвогар судга ўзининг ҳақлигини далиллар асосида исботлаши керак. Ишончли кунлик лаборатория журналлари, гувоҳ кўрсатмалари ва ҳоказо бундай асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек АҚШда ихтирони очиб берувчи ҳужжатларни (Invention Disclosure Document) 2 йил муддатга сақлашга қабул қиладиган тегишли хизматлар ҳам фаолият юритади. Бундай очиб беришлар ихтирочи учун тегишли ихтирони яратишда унинг биринчилигининг шубҳасиз далили бўлиши мумкин.

Ихтиролар экспертизаси масалаларини кўриб чиқишда биринчи навбатда "периферия" деб ҳам аталадиган америка патент формуласининг ўзига хос тузилишини таъкидлаб ўтиш зарур. Унинг формула тузилиши-нинг герман усулидан асосий фарқи бир турнинг турли объектларига бир неча мустақил бандлар (инглизчасига "claims" - даъволар) йўл қўйилишидан иборат, бунинг устига америка формуласи улар учун умумий бўлган "марказий" бандга эга бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, америка формуласининг банди ихтиро белгиларини чекловчи ва фарқловчи қисмларга бўлмасдан ифодалаш мумкин. Америка типигаги формулага мустақил банд мазмунини тўлдирувчи ёки аниқлаштирувчи боғлиқ бандлар ҳам киритилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтамиз. *Бироқ, америка формуласининг ҳар бир банди расман бири-бирига боғлиқ бўлган ҳолда ҳам мустақил ҳуқуқий маънога эга бўлиши мумкин.*

АҚШда қабул қилинган патентга лаёқатлилиқ мезонлари алоҳида мавзу ҳисобланади. Бу мамлакатнинг патент ҳуқуқида ихтиро жаҳонда нисбий янгилиги ноаниқлилиқ ва фойдалилик каби мезонларга жавоб берса, ихтиро патентга лойиқ деб ҳисобланиши кўзда тутилган. Бунда фойдалилик деганда талабнома берилаётган объектнинг иш қилиниши, унинг тавсифда ифодаланганга функционал мос келиши тушунилади. Шунга мувофиқ, америка патент талабномасига ихтиро тавсифини тузишда ихтиронинг батафсил деталлаштириши талаб қилинади, бу эса бошқа мамлакатлар патент тизимлари учун хос эмас.

Бу бўлимда биз америка патент қонунчилигининг энг асосий хусусиятларинигина келтирдик ҳолос. Муболағасиз айтиш мумкинки, самарали суд тизими ва ривожланган патент инфраструктурасининг мавжудлиги америка тизимининг энг муҳим афзаллигидир. АҚШнинг ҳар бир штатида кўп миқдорда патент-ҳуқуқий фирмаларини, иш юритувчи патент бўйича ишончли вакиллари ва агентларини топиш мумкин. Таъкидлаб ўтамиз, АҚШ патент идорасининг Интернетда ўз сайти (<http://www.uspto.org>) мавжуд бўлиб, жаҳоннинг ихтиёрий нуктасидан ҳар бир ихтирочи ўзини қизиқтирадиган саволларга жавоб топиши мумкин. Шунингдек патент идораси турли мамлакатлар Патент идоралари бўйича ўзининг расмий маълумот ўқув буклети - "Патентлар бўйича умумий ахборот" (General

Information Concerning Patents) ни нашр қилади ва таркатади [4].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги кунда РСТ тизими бўйича халқаро талабномаларнинг деярли ярми АҚШлик талабнома берувчилар томонидан берилади. Бу АҚШда ихтирочиликни ривожлантириш ва патент ҳуқуқларини малакали ҳимоялаш учун қулай шароитлар яратилганлигининг ишончли кўрсаткичи ҳисобланади. Бундан ташқари, АҚШнинг ўзи энг янги ихтиролар, комплекс технологиялар ва бошқаларнинг дунёдаги энг йирик бозорини ташкил қилади. *Шу сабабли Америка патент қонунчилигини ўрганиш ҳар бир патентшунос, патент бўйича ишончли вакили ёки агенти учун интеллектуал мулкни тўғри яратиш ва ҳимоялаш масалалари бўйича яхши мактаб ҳисобланади.*

9.4. Россия патент қонунчилиги

Собиқ СССР патент қонунчилигининг ўзига ҳос хусусияти тўлиғича ўша даврда амал қилган ижтимоий қурилма моҳияти билан белгиланган. Жиддий қилиб айтганда, ихтиролар, саноат намуналари ва бошқа объектларни муҳофаза қилиш соҳасидаги совет қонунчилигини патент қонунчилиги деб номлаш мумкин эмас, сабаби у СССР фуқароларига патент берилишни кўзда тутмаган эди. Бироқ, шунга қарамасдан "патент" атамаси СССРда кенг қўлланилган. Масалан, ҳар бир илмий-тадқиқот ёки ишлаб чиқариш ташкилотида патент бўлимлари амал қиларди, ўқув юртларида патентшунослик фани бўйича машғулотлар ўтказиларди, патентшунос мутахассислар тайёрланарди ва ҳоказо.

Патент тизимига 1919 йил 30 июнида Совет Иттифоқининг *"Ихтиролар тўғрисида Низом"* декрети қабул қилинганда асос солинган. Мазкур декретга мувофиқ янги муҳофаза ҳужжати – ихтиро учун муаллифлик гувоҳномаси киритилганди. Декретнинг моҳияти шундан иборат бўлганки, ҳар бир ихтиро ҳалқ мулки ҳисобланган ва нашр қилингандан кейин давлат ташкилотларида умумий фойдаланишга ўтган. Бунда муаллифга давлат томонидан белгиланадиган ихтиронинг муҳимлигига кўра муаллифлик мукофотини тўлаш кафолатланарди.

Янги иқтисодий сиёсат (ЯИС)га ўтиш билан боғлиқ равишда СССР ЦИК ва СНК нинг 1924 йил 12 сентябридаги "Ихтиролар учун патентлар тўғрисида"ги қарорини ушбу тамойиллардан бир оз четга чиқиш деб ҳисоблаш мумкин. Бу қарор ишчи ва хизматчиларнинг ўз ихтироларига ҳуқуқларининг ҳимояланишини белгилаб, уларга ихтиролари учун патентлар олиш имконини берди. Ушбу қарор моҳиятига кўра 1931 йил 9 апрелдаги "Ихтиролар ва техник такомиллаштиришлар тўғрисидаги Низом" билан бекор қилинган бўлиб, унда "ихтиро учун мутлақ ҳуқуқни бериш йўли билан ихтирочи манфаатларини муҳофаза қилган олдинги патент қонунчилиги илғор ихтирочилар - ижтимоий тузум қурувчиларининг интилишларига энди мос келмайди", деб таъкидланганди.

СССР да шундай тизим тузилгандики, унда фақат ягона патент эгаси - давлатнинг ўзи мавжуд бўлиб, у фуқаролар томонидан яратилган барча

ихтироларга мутлақ ҳуқуққа эга бўлган. Муаллиф ўз ихтиросига мутлақ ҳуқуқларни ололмасди, бинобарин уз ихтиёрича уни тасарруф қилолмасди, лицензияни бошқа шахсларга сотолмасди ва ҳоказо. СССР қонунчилиги асосан муаллифлик ҳуқуқини эмас, балки 15 йил муҳлатга амал қиладиган патентни олиш имконини кўзда тутарди. Бироқ, СССР да фақат ҳорижий фуқаролар ва фирмалар патент олиши мумкин эди.

Иттифок мафкураси давлат ихтиродан жамият манфаати йўлида энг яхши тарзда фойдаланиши сабабли капиталистик патент тизими олдида шакл-шубҳасиз устунликка эга, деб ҳар доим таъкидларди. Лекин капиталистик намуна бўйича патент тизимининг йўқлиги ихтиёрий давлат илмий-техник ва иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлишини ҳаёт яққол исботлади. Охир оқибатда, совет "патент" тизими янги товар ва технологиялар яратилиши ва саноатда қўлланилишига хизмат қила олмади, бу техник ва иқтисодий стагнацияга, кейинчалик эса СССРнинг тарқаб кетишига олиб келган омиллардан бири бўлди.

Шу билан бирга, амалда бўлган совет патент тизимининг ижобий жиҳатларини ҳам қайд этмаслик мумкин эмас. Биринчи навбатда, бу патент экспертизасини ўтказиш соҳасидаги кўп ишланган қимматли амалий тажрибага тааллуқлидир. Шунингдек ходимларни патентшуносларни тайёрлаш тажрибаси ҳамда таркибига корхоналарнинг патент бўлимлари, Бутуниттифок патент хизматлари маркази (БПХМ)нинг филиаллари, Патент кутубхоналари, Ихтирочи ва рационализаторлар жамиятлари ва бошқалар кирган СССРнинг ривожланган патент инфратузилмаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. СССРнинг бош патент ташкилоти Ихтиролар ва кашфиётлар бўйича СССР Давлат қўмитаси бўлиб, унинг қошида 1960 йилда Давлат патент экспертизасининг Бутуниттифок илмий-тадқиқот институти (ДПЭБИТИ) ташкил этилган.

Шунингдек капиталистик патент тизимининг моҳияти танқид қилинган бўлсада, уни инкор этилмаганлигини таъкидлаш лозим. Совет ўқув дастурлари ҳорижий мамлакатлар патент ҳуқуқини ўрганишни кўзда тутарди.

Совет Иттифоқининг патент билимлари соҳасидаги тажрибаси Россия ва бошқа МДХ мамлакатларида ривожланаётган замонавий патент тизимининг негизи бўлди, деб айтиш мумкин.

Россиянинг янги патент қонуни 1992 йил 23 сентябридан кучга кирди. Бу қонун умуман олганда етакчи ҳорижий мамлакатлар патент қонунчилиги низомлари билан уйғунлаштирилган. Масалан, ихтиронинг патентга лойиқлик мезонлари сифатида янгилилик, ихтиро даражаси ва саноатда қўллашнинг мумкинлиги қабул қилинган. Қиёслаш учун, СССРда талабномага берилган техник ечим янгилилик, муҳим фарқларга эга ва ижобий самара берадиган бўлса, ихтиро деб топиларди.

Янги Россия қонунчилигининг собик СССР тизимидан бошқа муҳим фарқи экспертизанинг бир поғонали текширув тизими ўрнига текширув экспертизасининг икки поғонали тизими жорий қилинганлигидир. Ихтироларни бундай тизим бўйича патентлаш асосан бошқа давлатлар

ёндашувига (масалан, ЕПИ тартибларига) ўхшаш ва қуйидаги босқичлардан иборат [5]:

1. Ихтиролар учун келиб тушаётган талабномаларни расмий экспертизадан ўтказиш;

2. Талабнома келиб тушган санадан ўн саккиз ой ўтганидан кейин талабномани нашр қилиш. Шундан сўнг талабнома берилган ихтиро бўйича нашр қилинган формула ҳажмида вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза тақдим этилади;

3. Талабнома берувчи ёки учинчи шахсларнинг тегишли илтимосномаларини олгандан сўнг моҳиятига кўра экспертизани ўтказиш;

4. Моҳиятига кўра экспертиза натижалари бўйича ихтирога патент бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

Россияда патентдан ташқари фойдали модел учун гувоҳнома деб аталадиган муҳофаза ҳужжати ҳам жорий қилинганлигини қайд этиб ўтамиз. Бундай гувоҳнома фойдали модел учун талабномани расмий экспертизадан ўтказгандан кейин берилади. Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиги учун экспертиза ўтказилмайди, бинобарин гувоҳнома талабнома берувчининг жавобгарлиги билан ҳақиқийлик кафолатисиз берилади.

Россия патент қонунчилигини ислоҳ қилиш бу соҳадаги ижро органларининг ўзгартирилишига ҳам таъсир қилди. Шу тарзда, Ихтиро ва кашфиётлар бўйича комитет босқичма-босқич Патент ва товар белгилари бўйича Россия агентлиги (Роспатент)га ўзгартирилди. 1998 йил февралдан Саноат мулки ҳуқуқлари бошқармаси, Бутун-Россия патент-техника кутубхонаси ва ЭХМ, маълумотлар базаси ва интеграл микрочизмалар топологиялари учун дастурларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича Россия агентлигининг қўшилиши натижасида ДПЭБИТИ негизида Саноат Мулки Федерал Институти (ФИПС) ташкил қилинди.

Ҳозирги вақтда Россияда интеллектуал мулк бозори барқарор суръатларда ривожланмоқда. Масалан, 1999 йилда ихтиролар учун 24659 та талабнома тақдим этилган ва 19508 та патент берилган. Бундай талабномаларнинг 20% га яқини хорижий талабнома берувчилар томонидан тақдим этилган. 1999 йил 31 декабридаги ҳолатга кўра Россияда 678 та патент бўйича ишончли вакиллари рўйхатга олинган бўлиб, бу ривожланган патент инфратузилмаси кўрсаткичи ҳисобланади.

1995 йил 27 июлида Россия ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида саноат мулкани муҳофаза қилиш соҳасида эркин ҳамкорликни кўзда тутувчи битим имзоланган. Хусусан, Ўзбекистон фуқаролари Россия патент бўйича ишончли вакиллари хизматларига мурожаат қилмасдан СМФИ га бевосита талабномалар бериш ҳуқуқига эга [6].

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик Ўзбекистон талабнома берувчилари учун Россия ҳудудида, россияликлар учун Ўзбекистонда, патент ҳуқуқларини ҳимоялашни осонлаштириш, шунингдек патент ахбороти билан алмашиш, ишлаб чиқариш кооперацияси, савдо, иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ривожлантиришда мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари.

1. Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги институционал ислохатлар тарихи тўғрисида гапириб беринг?
2. Янги муҳофаза ҳужжати – дастлабки патент қандай вазифаларни ечиш учун жорий этилган эди?
3. Ўзбекистонда патент эгалари ва лицензиатлар учун қандай солиқ имтиёзлари берилган?
4. Интеллектуал мулк соҳасида тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тан олинishi қандай бўй берди?
5. Ўзбекистонда интеллектуал мулк бозорини янада ривожлантиришнинг қандай қадамларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?
6. Республикамиз патент тизимини қандай йўллар билан ривожлантириш мумкин?

Адабиётлар

1. "How to get a European patent" / Guide for applicants. – Munich, EPO, 1996, 82 p.
2. Официальный сайт патентного ведомства США <http://www.uspto.gov>
3. Жумаходжаев А. Патентшунослик. Тошкент:-Меҳнат. 2001. 384 б.
4. WIPO. General Information - Geneva, WIPO publication, 1997
5. Как защитить интеллектуальную собственность в России. Под редакцией Корчагина А.Д. - М.: ИНФРА-М, 1995, 335 с.
6. ЎЗР сининг расмий сайти – <http://www.uz>.

Тавсия қилинадиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро Кодекси. -1996 йил 29 августда қабул қилинган.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси - 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган.
1. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.- 1994 йил 6 майда қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ва 2001 йилларда ўзгартирилган.
2. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни- 1993 йил 7 майда қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ва 2001 йилда ўзгартирилган.
3. "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни- 1996 йил 30 августда қабул қилинган.
4. "ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни- 1994 йил 6 майда қабул қилинган.
5. "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни - 1996 йил 30 майда қабул қилинган.
6. "Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни - 2001 йил 12 августда қабул қилинган.

7. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури - Т.: "Ўзбекистон", 1997 йил.

10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т., "Ўзбекистон", 1997 йил.

11. Каримов. И. А - Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқур-лаштириш йўлида. - Т., "Ўзбекистон", 1996 йил.

10-Мавзу: ЛИЦЕНЗИЯЛАШ АСОСЛАРИ

Режа:

- 10.1. Лицензиялаш, лицензия объектлари ва тартиби
- 10.2. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида қонун
 - 10.2.1. Умумий қоидалар
 - 10.2.2. Амалга ошириш учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари
 - 10.2.3. Лицензиялар
 - 10.2.4. Лицензиялашни амалга ошириш
- 10.3. Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар
- 10.4. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш
- 10.5. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом
- 10.6. Лицензияланиши керак бўлган ўлчов воситаларининг қўлланиш соҳалари

10.1. Лицензиялаш, лицензия объектлари ва тартиби

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати қуйидагилар қилиб белгиланган:

– Қурул-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, Ҳимояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини (агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса), шуниндек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

– Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш.

– Жанговар заҳарловчи моддалардан Ҳимояланиш воситаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш.

– Бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, қўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш.

– Ов ва спортга мўлжалланган ўкотар куролни ҳамда унинг ўқдориларини, шунингдек тигли куролни (пичокларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

– Ёнгинга қарши автоматика воситаларини, кўриклаш сигнализацияларини, ёнгиндан дарак берувчи ва ён-гиндан сакловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.

– Ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлинадиган соҳалардаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналар, радиациядан ҳимояланиш воситаларини ясаш ва тайёрлаш.

– Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини казиб олиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни саклаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш ҳамда зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш.

– Шифрловчи техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ундан фойдаланиш.

– Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

– Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш.

– Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни саклаш, реализация қилиш (бериш, тақсимлаш), ташиш, яратиш ва ишлаб чиқариш (тайёрлаш), йўқ қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ҳамда прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиёт ва ветеринарияда фойдаланиш.

– Таркибида гиёҳванд моддалари бўлган ўсимликларни етиштириш.

– Ветеринария фаолияти.

– Тиббий фаолият.

– Фармацевтика фаолияти.

– Кўприklar ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

– Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

– Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш.

– Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш.

– Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш.

– Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

– Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темирйўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш.

– Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш.

– Аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти.

– Авиация ишларини бажариш.

– Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш.

– Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш.

– Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

– Телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

– Телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

– Кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

– Шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

– Маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

– Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

– Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш.

– Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш.

– Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамои, нефть битуми, шунингдек техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш, заводда идишларга қадокланганлари бундан мустасно.

– Этил спирти ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқариш.

– Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш.

– Банк фаолияти.

– Банклар томонидан, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш.

– Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш.

– Қимматбаҳо қоғозлар бозорида касбий фаолият билан шуғулланиш (қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги инвестиция институтларининг фаолияти).

– Баҳолаш фаолияти.

– Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти.

– Аудиторлик фаолияти.

- Гаровхоналар фаолияти.
- Кредит уюшмалари фаолияти.
- Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш.
- Адвокатлик фаолияти.
- Нотариат фаолияти.
- Божхона омбори таъсис этиш.
- Божсиз савдо дўконини таъсис этиш.
- Божхона режимида омборхона таъсис этиш - “эркин омборхона”.
- Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш.
- Геодезия ва картография фаолияти.
- Таркибида қимматбаҳо ва рангли металллар, қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш.
- Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш.
- Ноширлик фаолияти.
- Нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти.
- Диний таълим муассасаларининг фаолияти.
- Бадиий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш.
- Киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш.
- Киновидео маҳсулотлар прокати.
- Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш.
- Тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш.
- Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш.
- Биржа фаолияти.
- Туризм фаолияти.

10.2. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашнинг қонуний асослари

“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 25.05.2000 й. 71-II-сон Қонуни

10.2.1. Лицензиялаш бўйича умумий қоидалар

Ушбу Қонуннинг мақсади. Ушбу Қонун фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Фаолиятнинг баъзи бир турларини лицензиялашнинг ўзига хос жиҳатлари қонун билан белгиланади.

Ушбу Қонун товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт ва импорт қилишни лицензиялашда, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишда, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг тўғрисидаги шартнома) бўйича юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Асосий тушунчалар. Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- **лицензия** - лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (хуқуқ);

- **фаолиятнинг лицензияланаётган тури** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури;

- **лицензиялаш** - лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси;

- **лицензия талаблари ва шартлари** - фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи;

- **лицензияловчи органлар** - қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар;

- **лицензия даъвогари** - лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс;

- **лицензиат** - фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

- **лицензия шартномаси** - фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия даъвогари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома;

- **лицензиялар реестри** - берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар,

шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар базалари мажмуи.

Лицензиялаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш. Лицензиялаш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда лицензияловчи органлар амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари жумласига қуйидагилар қиради:

- лицензияловчи органларни ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилаш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензиялар реестрини юритиш тартибини белгилаш;
- фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига лицензияловчи органларнинг риоя этишларини назорат қилиш;
- лицензиялашнинг айрим турларини амалга ошириш.

Лицензияловчи органларнинг ваколатлари

Лицензияловчи органларнинг ваколатлари жумласига қуйидагилар қиради:

- фаолиятнинг айрим турларини қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- лицензия талаблари ва шартларига лицензиятлар риоя этишини назорат қилиш;
- лицензияларни қайта расмийлаштириш;
- лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш;
- лицензияларнинг амал қилишини тугатиш;
- лицензияларни бекор қилиш;
- лицензиялар реестрини юритиш.

Лицензияловчи органлар шу органлар лицензиялайдиган фаолият турлари билан шуғулланаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар тузишга ёки улар фаолиятида муассислар (қатнашчилар) сифатида иштирок этишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10.2.2. Амалга ошириш учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари

Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини аниқлаш

Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар билан белгиланади.

Фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларини жисмоний шахслар томонидан амалга оширишни тақиқлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларини амалга оширишини тақиқлаб қўйиши мумкин, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат унитар корхоналари ва муассасалари томонидан фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари, башарти уларни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда фаолиятнинг мазкур турини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг лицензияланадиган турини тегишли лицензияни олмасдан амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур қоида кўрсатилган корхоналар ва муассасаларни лицензия талаблари ва шартларини, шунингдек фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган бошқа талабларни бажаришдан озод этмайди.

10.2.3. Лицензиялар

Лицензияларнинг турлари. Лицензиялар намунавий (оддий) ва якка тартибдаги бўлиши мумкин.

Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар киради, агар ушбу шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб берадиган бўлса.

Якка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти ёки Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган бошқа асосларга кўра микдорий чекланади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тарикасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Лицензиянинг амал қилиши. Лицензия ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури учун алоҳида берилади. Лицензия даъвогарининг аризасига мувофиқ лицензия лицензияланаётган фаолият турининг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкин.

Амалга оширилиши учун лицензия олинган фаолият тури фақат лицензияни олган юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият, агар лицензия талаблари ва шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиш муддати. Лицензиянинг амал қилиш муддати, қоида тарикасида, чекланмайди.

Лицензия - лицензия даъвогарининг аризасида кўрсатилган муддатга берилади. Қонун ҳужжатлари билан лицензиянинг чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкин, лекин бу муддат беш йилдан кам бўлмаслиги лозим. Лицензия фақат лицензия даъвогарининг аризасига кўра беш йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

Фаолиятнинг айрим турини амалга оширишга доир давлат монополиси жорий этилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензиянинг амал қилиш муддати беш йилдан камроқ этиб белгиланиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагач, у лицензиатнинг аризасига биноан узайтирилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ой олдин берилиши лозим. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензияни берувчи учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

10.2.4. Лицензиялашни амалга ошириш

Лицензия талаблари ва шартлари. Фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишда риоя этиладиган лицензия талаблари ва шартлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар билан белгиланиб, улар қуйидаги нормаларни ўз ичига олиши лозим:

– лицензиатнинг қонун ҳужжатларига риоя этиши шартлиги тўғрисидаги;

– фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишга даъвогар шахсларга қўйиладиган малака талаблари, жумладан махсус билимларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги;

– фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишнинг махсус шартларига қўйиладиган талаблар, жумладан фойдаланиладиган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда лицензияланаётган фаолият тури хусусида қўшимча лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

Лицензия олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар. Лицензия олиш учун лицензия даъвогари тегишли лицензияловчи органга қуйидагиларни тақдим этади:

– лицензия бериш тўғрисидаги ариза - унда: юридик шахс учун - юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобварағи рақами; жисмоний шахс учун - фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари; юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаган фаолиятнинг лицензияланаётган тури (унинг бир қисми) ҳамда фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилади;

– юридик шахслар учун - юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси; жисмоний шахслар учун - яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

– лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиши учун лицензия даъвогари йиғим тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

– фаолиятнинг айрим турига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларни лицензия даъвогари бажариши мумкинлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳужжатлар.

Лицензия даъвогаридан ушбу Қонунда ҳамда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлар лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси воситалари орқали, улар олингани ҳақидаги тасдиқни олган ҳолда, етказиб берилади.

Лицензия олиш учун тегишли лицензияловчи органга юборилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхатнинг нусхаси мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда аризачига юборилади (топширилади).

Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлиги учун лицензия даъвогари қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим. Лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлиги учун йиғим ундирилади.

Лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим миқдори ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бунда йиғимнинг энг кўп миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш барабаридан ошиб кетиши мумкин эмас.

Лицензия даъвогарларининг аризаларини кўриб чиққанлик учун йиғим суммалари лицензияловчи орган ҳисобварағига ўтказилади.

Лицензия даъвогари берган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилиш. Лицензия даъвогарининг аризасини барча зарур ҳужжатлар билан бирга олган кундан эътиборан ўттиз кундан ошмаган муддат ичида лицензияловчи орган намунавий (оддий) лицензия бериш ҳақида ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Намунавий (оддий) лицензия бериш ҳақида ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг энг кам муддатлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда белгилаб қўйилиши мумкин.

Лицензияловчи орган, зарур ҳолда, ўз маблағлари ҳисобидан тегишли хулосаларни тайёрлаш учун экспертларии шартнома асосида жалб этишга ҳақли.

Лицензияловчи орган лицензия даъвогарини қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур орган тегишли қарорни қабул қилганидан кейин уч кун ичида хабардор қилиши шарт.

Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда банк ҳисобварағи реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, рад этишнинг сабаблари ва лицензия даъвогари кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такрор тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Лицензия даъвогари лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, лицензия даъвогарининг аризасини барча зарур ҳужжатлар билан бирга олган кундан эътиборан ўн кундан ошмаган муддат ичида лицензияловчи орган ҳужжатларни қайта кўриб чиқади. Лицензия даъвогарларининг аризаларини қайта кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгач, берилган ариза - янгидан берилган деб ҳисобланади.

Лицензия даъвогари давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда ҳамда у лицензия шартномасини имзолаганидан кейин лицензия берилади.

Агар лицензиат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса, лицензияловчи орган мазкур лицензияни бекор қилишга ҳақли.

Лицензия беришни рад этиш. Лицензия беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- лицензия даъвогарининг ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

- лицензия даъвогари тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

- лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек танлов (тендер) шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия даъвогари лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Лицензияларни расмийлаштириш. Лицензиялар тегишли бланкларда расмийлаштирилади. Лицензияларнинг бланклари қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланади, улар ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши лозим. Лицензия бланklarининг намуналари ва уларни тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Лицензия йўқолган тақдирда, лицензиатнинг аризасига биноан унинг дубликати берилади. Дубликат беришда ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган йиғим суммасининг ярми ундирилади.

Лицензия шартномаси. Лицензия шартномаси лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжатдир.

Лицензия шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

- шартномани имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими;

- тарафларнинг реквизитлари;

- амалга оширилиши учун лицензия берилаётган фаолият турининг номи;
- лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;
- лицензиянинг амал қилиш муддати;
- лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги;
- лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини лицензиат қандай бажараётганлигининг лицензияловчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби;
- фаолиятнинг айрим турини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа маълумот.

Лицензия шартномаси икки нусхада - лицензиат ҳамда лицензияловчи орган учун биттадан нусхада тузилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш. Юридик шахс бўлмиш лицензиат қайта тузилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ҳафталик муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс бўлмиш лицензиат фамилияси, исми ва отасининг исми ёки турар жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ҳафталик муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Ҳужжатлар лицензиат томонидан лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси воситалари орқали, улар олингани ҳақидаги тасдиқни олган ҳолда, етказиб берилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартишларни киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани олган кундан эътиборан беш кун ичида амалга оширилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензия даъвогарининг лицензия бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисобварағига ўтказилади.

Лицензияланадиган фаолиятни ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги талабларни бузган ҳолда амалга ошириш фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат амалга ошириладиганда лицензияловчи органлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- лицензиатлар лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширувлар ўтказиш;

- лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан гувоҳлик берувчи фактлар мавжуд бўлган ҳолларда, лицензиат лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текширувлар ўтказиш;

- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан текширувлар ўтказиладиганда юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур маълумотларни талаб қилиш ва олиш;

- текширув натижалари асосида лицензиат йўл қўйган лицензия талаблари ва шартларининг аниқ қоидабузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

- лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

- лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш.

Лицензияловчи органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Нazorat қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишларига йўл қўйилганлигини аниқлаганлари тақдирда ўз ваколатлари доирасида лицензияни берган лицензияловчи органга аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабар қиладилар.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Лицензияловчи органлар лицензиянинг амал қилишини қуйидаги ҳолларда тўхтатиб туришлари мумкин:

- лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

- лицензияловчи органларнинг лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлари лицензиат томонидан бажарилмаганда;

- ЎЗР 13.12.2002 й. 447-II-сон Қонунига мувофиқ тўртинчи хат боши чиқариб ташланган

- ушбу Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилган лицензияни қайта расмийлаштириш муддатига.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни қабул қилган лицензияловчи орган томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан етказилади.

Лицензияловчи орган лицензиат томонидан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиш учун муддат белгилаши шарт. Кўрсатилган муддат олти ойдан ошиши мумкин эмас.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиат бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб турган лицензияловчи орган кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишни тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;
- юридик шахс тугатилганда - тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда - қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;
- якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;
- якка тартибдаги тадбиркорнинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
- лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;
- лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган белгиллаган муддатда бартараф этмаганда;
- лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга ҳилофлиги аниқланганда;
- лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Лицензиянинг амал қилиши суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни қабул қилган лицензияловчи орган томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан етказилади. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тугатишни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензияни бекор қилиш

Лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

– ушбу Қонун 16-моддасининг тўққизинчи қисмида назарда тутилган ҳолда;

– лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

– лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензия суднинг қарорига биноан ҳам бекор қилиниши мумкин.

Лицензиянинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарор мазкур қарорни қабул қилган лицензияловчи орган томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан етказилади. Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Бекор қилиш тўғрисидаги қарор лицензия берилган санадан эътиборан амал қилади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензиянинг бекор қилинишини асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензияларнинг реестрлари

Лицензияловчи органлар ўзлари лицензиялашни амалга ошираётган фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида лицензиялар реестрларини юритадилар.

Лицензиялар реестрининг ҳар бирида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

- лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;
- лицензиялар берилган сана ва лицензияларнинг тартиб рақамлари;
- лицензияларнинг амал қилиш муддатлари;
- лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асослари ҳамда саналари;
- лицензияларнинг амал қилишини тугатиш асослари ва саналари;
- лицензияларни бекор қилиш асослари ва саналари;
- фаолиятнинг айрим турларинин лицензиялаш тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа маълумотлар.

Лицензиялар реестрларида мавжуд бўлган ахборот юридик ва жисмоний шахслар танишиши учун очик бўлиб, улар ҳақ эвазига лицензияловчи органлардан лицензиялар реестрларидан муайян лицензиатлар тўғрисида кўчирмалар тариқасида ахборот олишга ҳақлидирлар. Мазкур ахборотни тақдим этганлик учун ҳақ олиш тартиби ва унинг миқдори фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда белгиланади.

Лицензияловчи органлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензияларнинг реестрларидан ахборотни бепул беришлари шарт.

Лицензия берганлик учун давлат божи

Лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи ундирилади.

Лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи миқдорлари ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турининг бир қисми учун лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи ставкаларининг камайтирилган миқдорлари белгиланиши мумкин. Давлат божи ставкаларининг камайтирилган миқдорлари лицензия қонун ҳужжатларида белгиланганидан камроқ муддатга берилганда ва лицензиянинг амал қилиш муддати узайтирилганда ҳам белгиланиши мумкин.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

10.3. Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар

Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхати ЎЗР ВМ 28.06.2002 й. 236-сон Қарорининг 1-иловасига мувофиқ қуйидаги идоралар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

✎ Курол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, химояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини (агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса), шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

✎ Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш.

✎ Жанговар заҳарловчи моддалардан химояланиш воситаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш.

✎ Бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш.

✎ Ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлинадиган соҳалардаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналар, радиациядан химояланиш воситаларини ясаш ва тайёрлаш.

✎ Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш.

✎ Шифрловчи техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ундан фойдаланиш.

✎ Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

✎ Ягона энергетика тизимида уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш.

✎ Кўприklar ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

✎ Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

✎ Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш.

✎ Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш.

✎ Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш.

✎ Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

- Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш.

- Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш.

- Аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти.

- Авиация ишларини бажариш.

- Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш.

- Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш.

- Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш.

- Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш.

- Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш, заводда идишларга қадокланганлари бундан мустасно. (Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктларида сотишдан ташқари).

- Этил спирти ҳамда бошқа алкоғолли маҳсулотни ишлаб чиқариш.

- Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш.

- Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш.

- Геодезия ва картография фаолияти.

- Таркибида қимматбаҳо ва рангли металллар, қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш.

- Ноширлик фаолияти.

- Нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти.

- Диний таълим муассасаларининг фаолияти.

- Бадиий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш.

- Киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш.

- Киновидеомаҳсулотлар прокати.

- Туризм фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

- Ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқдориларини, шунингдек тигли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

- Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, кўриклаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.

- Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

❖ Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

❖ Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, сотиш (бериш), тақсимлаш, ташиш, яратиш ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув, ишлаб чиқариш мақсадларида, шу жумладан тиббиёт ва ветеринарияда фойдаланиш.

❖ Тиббий фаолият.

❖ Фармацевтика фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

❖ Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти.

❖ Аудиторлик фаолияти.

❖ Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар таъкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

❖ Баҳолаш фаолияти.

❖ Биржа фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

❖ Божхона омбори таъсис этиш. Божсиз савдо дўконини таъсис этиш. "Эркин омборхона" божхона режимида омборхона таъсис этиш.

❖ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Банк фаолияти. Банклар томонидан, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш.

❖ Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш.

❖ Гаровхоналар фаолияти.

❖ Кредит уюшмалари фаолияти.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

❖ Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

❖ Телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

❖ Телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

❖ Кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

❖ Шахсий радиочакирув тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

❖ Маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

❖ Телекўрсатувлар ва радиозўшиттиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси:

– Қимматбаҳо қоғозлар бозорида касбий фаолият билан шуғулланиш (қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги инвестиция институтларининг фаолияти).

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси:

– Ветеринария фаолияти.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари:

– Адвокатлик фаолияти. Нотариат фаолияти.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси:

– Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш.

– Тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

– Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш.

– Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш.

10.4. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш

Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида ЎЗР ВМ 02.12.2003 й. 539-сон Қарори билан "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қуйидагилар:

– Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

– Вазирлар Маҳкамасининг ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқланган.

2. "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида кўрсатилган соҳаларда қўлланиладиган ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолияти лицензияланиши маълумот учун қабул қилинган.

3. Комиссия икки ҳафта муддатда:

– Вазирлар Маҳкамасининг ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш комиссияси ҳамда эксперт хулосалари тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиб ва у тасдиқланган;

– эксперт хулосалари тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ шахсий таркибини ишлаб чиқилиб ҳамда тасдиқланди.

4. "Ўзстандарт" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

эксперт хулосалари тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиб ва у тасдиқланган;

эксперт хулосалари тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ шахсий таркибини ишлаб чиқилиб ҳамда тасдиқланди.

4. "Ўзстандарт" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда мазкур қарор талабларига мувофиқ уларни тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш лицензияланадиган ўлчаш воситаларининг аниқлаштирилган рўйхатини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Комиссияга киритилган.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибиятига ва "Ўзстандарт" агентлигининг бош директори Р.А.Бўриев зиммасига юклатилган.

10.5. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ соҳаларда қўлланиладиган ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолияти лицензияланиши керак.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Комиссиянинг ишчи органи функциясини "Ўзстандарт" агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) бажаради.

Лицензиялар бериш ёки уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш, тайёрлаш ва Комиссия мажлисларига киритиш учун Агентликда ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

3. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия лицензия талабгорининг аризасига кўра умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига берилади.

6. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

- метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя этиш;
- лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур гувоҳномалар, сертификатлар ва бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;
- Ягона ўлчов бирлигини таъминлаш давлат тизимининг норматив-ҳуқуқий ва амал қилинадиган ҳужжатлари талабларига риоя этиш;
- ўлчаш воситалари, ўлчаш методикаси, сақлаш шарт-шароитлари бўйича норматив ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;
- юридик шахс штатида махсус метрологик тайёргарликка эга бўлган мутахассисларнинг мавжуд бўлиши (юридик шахс бўлган лицензия талабгорлари ва лицензиатлар учун);
- жисмоний шахснинг махсус метрологик тайёргарлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши (жисмоний шахс бўлган лицензия талабгорлари ва лицензиатлар учун);
- ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш учун белгиланган талабларга мувофиқ шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши.

Лицензия битимида мазкур бандда санаб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори Агентликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами - юридик шахс учун; фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари - жисмоний шахс учун; лицензияланаётган фаолиятнинг юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури (унинг бир қисми) ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси - юридик шахслар учун;
- яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси - жисмоний шахслар учун;
- лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжат;
- ўлчаш воситаларини тайёрлаш ҳуқуқи учун "Ўзстандарт" агентлигининг республика метрология хизматлари кўрсатиш маркази

• якка тартибдаги тadbиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси - жисмоний шахслар учун;

• лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжат;

• ўлчаш воситаларини тайёрлаш ҳукуқи учун "Ўзстандарт" агентлигининг республика метрология хизматлари кўрсатиш маркази томонидан, белгиланган тартибда берилган: ўлчаш воситалари типини тасдиқлаш сертификати, давлат реестри учун ўлчаш воситалари типининг тавсифи ёки метрологик аттестация сертификати;

• ўлчаш воситаларини реализация қилиш ва прокатга бериш ҳукуқи учун ўлчаш воситаларини сақлаш учун шарт-шароитлар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар тақдим этилади.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Ҳужжатлар Агентликка лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари вақтинча бўлмаган тақдирда унинг функцияларини ишчи гуруҳ раҳбари томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

9. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

10. Лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, жисмоний шахслардан - уч баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

11. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олинган кундан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди, протокол Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

12. Агентлик лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилингани тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилловчи лицензия битими Агентлик ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

- битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

- томонларнинг реквизитлари;

- амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

- лицензиянинг амал қилиш муддати;

- лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

- лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

- лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини Агентлик томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада - лицензиат ва Агентлик учун бир нусхадан тузилади.

13. Лицензия бланкалари катъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари Агентлик томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва Агентлик буюртмаси бўйича "Давлат белгиси" давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Агентлик раҳбари лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар Агентлик томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

14. Лицензия лицензия талабгори давлат божи тўлаганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда Агентлик томонидан берилади.

15. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Агентликка лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия

Лицензиялар Агентлик томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

14. Лицензия талабгори давлат божи тўлаганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда Агентлик томонидан берилади.

15. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Агентликка лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

16. Лицензия бериш "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ ёки Агентликнинг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

17. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

18. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнида эксперт хулосаси тайёрлайди ҳамда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи билан Комиссияга тасдиқлаш учун киритади.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олингандан кейин етти кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди.

Лицензия талабгорлари аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

20. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

21. Лицензияни қайта расмийлаштиришда Агентлик лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш Агентлик томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

22. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Агентликка лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

23. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроксиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

24. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат Агентлик томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда Агентлик ўз ваколатлари доирасида:

- лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

- лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

• лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

• лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

• лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

• текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

• лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

• лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш;

• ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоратадбирлар кўриш учун солиқ органларига белгиланган тартибда юбориш.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида Агентликнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси Агентликда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

27. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

28. Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Комиссия қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

- лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
- лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
- лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;
- дубликат бериш асослари ва санаси.

30. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очик ҳисобланади, улар Агентликдан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов Агентликнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

IX. Давлат божини тўлаш тартиби

31. Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга беришни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Лицензия берилганлиги учун давлат божи маблағлари республика бюджетига ўтказилади.

10.6. Лицензияланиши керак бўлган ўлчов воситаларининг қўлланиш соҳалари

Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомга 1-илоvasи мувофиқ таёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14 ва 18- моддаларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлган ўлчов воситаларининг қўлланиш соҳалари қуйидагилар қилиб белгиланган;

1. Соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.
2. Моддий бойликлар ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш.
3. Савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини амалга ошириш, телекоммуникация хизматлари кўрсатиш.
4. Токсик, тез ўт оладиган, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш.
5. Давлат мудофаасини таъминлаш.
6. Меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш.
7. Сертификатланадиган маҳсулотларнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш.
8. Геодезия ва гидрометеорология ишлари.

2. Моддий бойликлар ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш.
3. Савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини амалга ошириш, телекоммуникация хизматлари кўрсатиш.
4. Токсик, тез ўт оладиган, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш.
5. Давлат мудофаасини таъминлаш.
6. Меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш.
7. Сертификатланадиган маҳсулотларнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш.
8. Геодезия ва гидрометеорология ишлари.
9. Ўлчов воситаларининг давлат синовларини, уларни текшириш, калибрлаш, таъмирлашни амалга ошириш ва метрологик аттестациядан ўтказиш.
10. Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш.
11. Миллий ва халқаро спорт рекордларини қайд этиш.

2 - ҚИСМ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

КИРИШ

Мазкур маърузаоар матнининг сертификатлаштириш қисми маҳсулотни сертификатлаштириш, сифатга умумий раҳбарлик тизими ва ташкилотларни аккредитациядан ўтказиш масалаларига доир маърузалар ва амалиёт манбаларини ўз ичига олади.

ичига олган. Айтиш керакки, сертификатлаштириш билан сифат тизими ва аккредитлаштириш идораларининг сертификатлаштириш ва тадқиқот амалиётларини тадбик қилиш масалалари бевосита бир-бирига боғлиқдир. Шунингдек Ўзбекистонда аккредитлаш тизимини халқаро андозаларга уйғунлаштирилган тарзда яратиш натижалари устида олиб борилаётган ҳаракатлар ҳам ушбу ўқув курсида эътиборга олинган.

Мазкур ўқув курсида ИСО 9000 серияли халқаро стандартларнинг, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими (бундан кейин Ўз СМТ) меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар ҳам инобатга олинган.

Маҳсулотлар, хизматлар ва ишларни сертификатлаштириш - маҳсулотни ўрнатилган талабларга ва унинг сифати билан тўғри боғлиқлигини тасдиқлашдир. Сифатсиз маҳсулот сертификатлаштирилиши мумкин эмас.

Сертификатлаштириш қуйидаги йўналишларга: маҳсулот (хизмат) истеъмолчиларнинг танлаш лаёқатлилиги фаолияти; истеъмолчиларни нопок ва виждонсиз ишлаб чиқарувчилар (сотувчи, бажарувчи)дан ҳимоя қилиш; маҳсулот (хизмат, ишлар)ни атроф-муҳит, яшаш ва жамият соғлиғи учун хавфсизлигини назорат қилиш; маҳсулот (хизмат, ишлар) сифат кўрсаткичлари ва ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарган ишлаб чиқарувчилар (бажарувчилар)ни тасдиқлаш; ташкилот ва хусуий тадбиркорлар фаолиятини Республикамиз ягона тавар бозорини ҳамда халқаро иқтисодиётда, илмий-техник ҳамкорликда ва халқаро савдоларда қатнашиши учун имконият яратиш соҳасида иш олиб боради.

Мувофиқликни тасдиқлаш ва баҳолаш тизими маҳсулот сифати ва хавфсизлигини, ишлар ва хизматларни назорат қилиш ва бунинг учун давлат текшируви ва назорати, лицензиялаштириш, ихтиёрий сертификатлаштириш билан бошқа назорат шакллариининг асосий механизми бўлиши билан аҳамиятлидир.

Республикамизда сертификатлаштиришнинг ривожлантириш истиқболи маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш, шу билан бирга «мувофиқликни тасдиқлаш ва баҳолаш» - тизимига ўтиш, ҳамда бу фаолиятни такомиллаштириш бўйича «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан қабул қилинган концепцияда тўлиқ тарзда ёритиб берилган.

1-Мавзу: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Режа:

1.1. Сертификатлаштиришнинг ривожланиш тарихи.

1.2. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқаришнинг қонуний ва меъёрий асослари

1-Мавзу: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Режа:

- 1.1. Сертификатлаштиришнинг ривожланиш тарихи
- 1.2. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқаришнинг қонуний ва меъёрий асослари

1.1. Сертификатлаштиришнинг ривожланиш тарихи

Ҳозирги вақтда сертификат деган атамани тез-тез учратиб турамыз. Бу қандай атама деб сўрасангиз турлича талқин олишингиз мумкин: кимдир бирор малака олганлик тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжат деса, яна кимдир, маҳсулотни сифати тўғрисидаги ҳужжат, баъзи бировлар эса маҳсулотни ҳудудимизга олиб кириш ёки олиб кетиш учун божхонага кўрсатилиши лозим бўлган ҳужжат деб таъриф беради. Ўйлаймизки, дарслигимизнинг ушбу бўлимларини ўқиб ва ўрганиб чиқиб шу билан бирга маълум кўникмага эга бўлганингиздан сўнг ушбу атамага албатта аниқ ва мукамал жавоб топасиз.

Сертификат сўзининг маъносини келтиришдан олдин мавзудан бироз четга чиқамиз.

Маълумки, Шарқ, жумладан Ўзбекистонимиз чет элларда нафақат гўзал табиати ва меҳнатсевар халқи билан, балки ўзининг кўзни қамаштирадиган, ранг-баранг мева, сабзавот ва турли маҳсулотларга сероб бозорлари билан ҳам машҳурдир. Бундан ташқари, бизнинг бозорлардаги яна бир ўзгачалик ҳам бор. Агар расталар оралаб юрадиган бўлсангиз, сотувчилар, деҳқонлар мева-чевалардан узатиб, тотиб кўришни таклиф этишларини гувоҳи бўласиз (албатта, тотиб кўрганлик учун ҳақ сўралмайди). Бунинг тагида бир маъно ётадики, у ҳам бўлса, маҳсулотнинг сифатига харидорнинг ўзи баҳо бериши, яъни, таклиф қилинаётган маҳсулот сифати ва унга суралаётган нарх мутаносиб равишда белгиланаётганлигига ўзи ишонч ҳосил қилсин.

Қадимдан бизда бир тушунча бор. Харид пайтида савдо мукамал ва тўлиқ бўлиши учун учта томон иштирок этиши керак. Биринчи томон – оловчи (харидор), иккинчи томон – сотувчи (тайёрловчи) ва учинчи – холис томон. Учинчи томон сотилаётган буюм ёки маҳсулотга қўйилган нарх ушбу маҳсулот эга бўлган сифат кўрсаткичларига мутаносиб эканлиги тўғрисида қафолат берган. Бунда учинчи томон албатта маҳсулот тўғрисида ўзининг холисона фикрини ҳаққоний билдира олиши, жуда кўп вақтдан буён шу фаолият билан шуғулланаётганлиги сабабли сотилаётган маҳсулотнинг шу вақтда ва шу бозордаги нархи бир-бирига мос тушушини белгилай оладиган мутахассис бўлиши талаб этилади. Савдонинг бу тури асосан катта миқдордаги ёки қимматбаҳо харид пайтида қўлланилган бўлиб, бу ҳолатни ҳозир ҳам қорамол, қўй ёки от савдоларида учратишимиз мумкин. Ўртада турувчи холис томон (уларни даллоллар деб юритилган) савдони бир муқим

муҳим хусусияти — учинчи ҳолис томон сифатида алоҳида ишончга ва нуфузга эга бўлган, ростгўй шахсларгина иштирок этиши мумкин. Биздаги мана шу савдо тури бир неча юз йиллардан бери мавжуд бўлиб, чет давлатларда сертификатлаштириш деб аталувчи фаолиятга айнан шу асос солган бўлса ҳам ажаб эмас.

Сертификатлаштириш гувоҳлик бериш, қайд ёки шаҳодат этиш, ишонч билдириш маъноларини билдирувчи **certifus** (лотинча) сўзидан олинган бўлиб, керакли ишончлилиқ билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий ҳужжатга мувофиқлигини учинчи, ҳолис ва тан олинган томон тарафидан тасдиқлайдиган фаолиятни билдиради.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқиладиган турли хил маҳсулотлар муайян сифат кўрсаткичларига эга бўлиши керак. Сифат кўрсаткичлари эса маълум, белгиланган талабларга мувофиқ /мос/ келиши лозим. Мувофиқлик ўз навбатида маълум стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келишини талаб этади. Мувофиқликни сертификатлаштириш (яъни тасдиқлаш) мумкин.

"Сертификатлаштириш" тушунчаси биринчи марта Халқаро стандартлаштириш ташкилоти Кенгашининг сертификатлаштириш масалалари бўйича махсус қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб ва бу муҳим тушунча "Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва синов лабораторияларининг аккредитлаш соҳаларидаги асосий атамалари ва уларнинг қоидалари" қўлланмасига киритилган.

Қайта ишланган Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг қўлланмасида "сертификатлаштириш" атамасининг факатгина изоҳлари берилган:

Сертификатлаштириш умумий атама бўлиб, маҳсулот, технологик жараён ва хизматларнинг сертификатлаштиришда /мувофиқликни тасдиқлашда/ учинчи томоннинг қатнашиши ва унга ҳолисона баҳо бериши тушунилади. Сифат тизимини баҳолаш соҳасидаги тараққиёт сифат тизимини сертификатлаштириш /ташкилотнинг сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини сертификатлаштириш/ бўйича янги долзарб йўналишни келтириб чиқардики, ушбу йўналиш бугунги кунда кенг қўлланилиб, бозор иқтисодиётидаги рақобатбардошлиқ, ўзаро савдо-сотиқнинг самараси ва истиқболилик даражаларини белгилаб берадиган омиллардан асосийси сифатида саҳнага чиқмоқда.


Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг сертификатлаштириш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди ва ҳозирги кунда ҳам бу соҳанинг ривожланиши, халқаро миқёсда тан олиниши устида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан катта эътибор берилмоқда. Бинобарин, 1992 йил мустақилликнинг илк йилларидаёқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлат маркази («Ўздавстандарт») ва кейинчалик, 2002 йилда, ушбу соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида мустақил «Ўзстандарт» агентлиги ташкилотига айлантирилиши Ҳукуматимиз томонидан бу соҳага бериладиган аҳамиятнинг маҳсул

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг сертификатлаштириш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди ва ҳозирги кунда ҳам бу соҳанинг ривожланиши, халқаро миқёсда тан олиниши устида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан катта эътибор берилмоқда. Бинобарин, 1992 йил мустақилликнинг илк йилларидаёқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлат маркази («Ўздавстандарт») ва кейинчалик, 2002 йилда, ушбу соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида мустақил «Ўзстандарт» агентлиги ташкилотига айлантирилиши Ҳукуматимиз томонидан бу соҳага берилаётган аҳамиятнинг махсус сифатида қараш мумкин. Давлатимиз томонидан сертификатлаштириш ишларини ташкиллаштириш, уни тартибга тушириш ва бу соҳанинг қонуний асосини яратиш мақсадида 1993 йил «Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, бунинг натижасида ишлаб чиқарилаётган ва четдан олиб кирилаётган махсулотларнинг хавфсизлиги тўғрисида Қарорнинг қабул қилиниши, уни амалга ошириш мақсадида қатор чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳам айтиб ўтилган сўзларнинг яққол мисолидир.

1.2. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқаришнинг қонуний ва меъёрий асослари

Ҳар қандай фаолият ёки йўналиш нима мақсадни кўзлашидан қатъий назар албатта қонунлаштирилиши, тартибга туширилиши, фаолиятни олиб бориш эса маълум меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилиши талаб этилади. Худди шунингдек, сертификатлаштириш фаолияти ҳам бундан мустасно эмас.

Қуйида ушбу соҳанинг қонуний асоси ва қонуности ҳужжатлари тўғрисида тушунча бермоқчимиз. Сертификатлаштиришнинг қонуний ва меъёрий асослари ва базаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Сертификатлаштиришнинг қонуний ва меъёрий базаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сертификатлаштириш масалалари бўйича қабул қилинган қонунлар:

- Ўзбекистон Республикасининг «Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат махсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликларни карантини тўғрисида»ги қонун;
- Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонуни ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимининг асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлари:

- O'z DSt 1.10-93 Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий атамалар ва таърифлар;
- O'z DSt 5.0:1998 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Асосий қоидалар;
- O'z DSt 5.2-93 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сертификатлаштириш идорасига умумий талаблар;
- O'z DSt 5.4-98 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Текшириш ва назорат идораларига қўйиладиган талаблар;
- O'z DSt 5.5:1999 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Асосий атамалар ва таърифлар;
- O'z DSt 5.6:1999 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сифат тизимини сертификатлаштириш идораларига талаблар;
- O'z DSt 5.8:2006 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Мувофиқлик белгисини тасдиқлаш. Қўллаш қоидалари.
- O'z RH 51-014:2006 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сифат бўйича Эксперт-аудиторлар. Тайёрлаш ва баҳолаш талаблари;
- O'z RH 51-021:2004 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими.
- O'z RH 51-024-94 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сертификатлаштириш бўйича хужжатларни эксперт баҳолаш;
- O'z RH 51-025-94 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш. Асосий қоидалари;
- O'z RH 51-026-94 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби;
- O'z RH 51-027-94 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сифат тизимларини сертификатлаштириш. Ўтказиш тартиби;
- O'z RH 51-032:1999 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Ишлар ҳақини тўлаш тартиби;
- O'z RH 51-035-95 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш. Ўтказиш тартиби;
- O'z RH 51-103:2000 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлари инспекцион текширув;
- O'z RH 51-044-96 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш юзасидан Давлат назорати ва текшируви. Умумий

талаблар;

– O'z RH 51-061-97 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Хизматларни сертификатлаштириш ўтказиш тартиби;

– O'z RH 51-074-98 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Махсулотни идентификациялаш юзасидан йўриқнома;

– O'z RH 51-085-99 Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Озиқ-овқат махсулотлари ва жиҳозлари ва уларни ишлаб чиқариш юзасидан йўриқнома, Давлат қайди тартиблари;

Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими меъёрий ҳужжатлари:

– O'z DSt 16.0-98 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Умумий қоидалар.

– O'z DSt 16.1:1999 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Сертификатлаштириш идоралари ва текшириш идораларини аккредитлашини ўтказиш тартиби.

– O'z DSt 16.2:1999 (EN 45013) Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Сертификатлаштириш идораси ходимларига талаблар.

– O'z DSt 16.3:2001 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Стандарт намуналарни тайёрлаш, аттестатлаш ва ишлатиш ҳуқуқи бўлган юридик шахсларни аккредитлаш. Ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.

– O'z DSt 16.4:2001 (ИСО/МЭК 17025) Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Синаш, ўлчаш лабораторияларига қўйиладиган умумий талаблар ва уларни аккредитлаш тартиби.

– O'z DSt 16.5:2001 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Ҳужжатларни метрологик экспертизаси ва ўлчашларни бажариш усуллари аттестациялаш ҳуқуқи бўлган юридик ва жисмоний шахсларни аккредитлаш. Ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.

– O'z DSt 16.6:2003 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Ўлчашларни бажариш усулини назоратини ташкиллаштириш ҳуқуқи бўлган юридик шахсларни аккредитлаш. Ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.

– O'z DSt 16.7:2004 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Инспекцион фаолияти мавжуд фирмаларга талаблар.

– O'z DSt 16.8:2004 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Ишлаб чиқариш лабораторияларини аттестатлаш. Умумий талаблар ва ўтказиш тартиби.

– O'z RH 51-018:2002 Ўзбекистон Республикасининг

аккредитлаштириш тизими. Аккредитланган лабораторияларининг фаолиятини инспекцион текширувини утказиш тартиби.

– O'z RH 51-104:2000 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Сертификатлаштирилган махсулотларни инспекцион текширувини утказиш тартиби.

– O'z RH 51-105:2001 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Аккредитланган сертификатлаштириш идоралари фаолиятининг инспекцион текширувини утказиш тартиби

– O'z RH 51-112:2002 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Путур етказмасдан нозорат лабораторияларини аккредитлаш

– O'z RH 51-121:2002 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Путур етказмасдан назорат. Ўқув ва имтиҳон марказларини аккредитлаш.

– O'z RH 51-131:2003 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Путур етказмасдан назорат. Сертификатлаштириш идораси ходимларини аккредитлаш.

– O'z RH 51-054:2003 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Синов лабораториялари сифат бўйича қўлланмаси. Ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатма;

– O'z RH 51-056:2003 Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаштириш тизими. Сертификатлаштириш идоралари сифат бўйича қўлланмаси. Ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатма;

Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, 2007 йилнинг сентябр ойидан Ўзбекистонда синов ва калибрлаш лабораторияларини аккредитлашда янги халқаро стандарт «O'z DSt ISO/IEC 17025:2007 «Синов ва калибрлаш лабораториялари компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар»» жорий қилиниб, Миллий аккредитлаш тизимида аккредитацияга талабгор лабораториялар ушбу стандарт талаблари асосида текширилади.

Сифатни бошқариш меъёрий ҳужжатлари:

– O'z RH 51-057:1997 Сифат тизими ҳужжатлари таркиби ва турлари.
O'z T 51-087:1999 Сифат тизими ҳужжатлаштирилган процедуралари ва таркибини аниқлаш бўйича тавсиялар;

– O'z RH 51-090:1999 Сифат дастурини ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатма;

– O'z T 51-094:2000 Хизматларга сифат тизимини жорий қилиш тартиби;

– O'z DSt ISO 9001:2002 Сифат менеджменти тизими. Талаблар.;

– O'z DSt ISO 9000:2002 Сифат менеджменти тизими. Асосий қоида ва луғатлар (ISO 9000:2000);

– O'z DSt ISO 9004:2002 Сифат менеджменти тизими. Сифатни яхшилаш бўйича тавсиялар (ISO 9004:2000, IDT);

– O'z DSt ISO 10006:2005 Сифат менеджменти тизими. Сифат менеджменти лойиҳаси бўйича раҳбарий кўрсатма (ISO 10006:2003, IDT);

- O'z DSt ISO 10007:2004 Сифатни маъмурий бошқариш. Маъмурий бошқариш конфигурацияси бўйича рахбарий кўрсатма;
- O'z DSt ISO 10013:2001 Сифат бўйича қўлланмани ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатма;
- O'z DSt ISO/TP 10014:2004 Сифатни иктисодий бошқариш бўйича рахбарий кўрсатма;
- O'z DSt ISO 10015:2003 Сифатни бошқариш. Ўқитиш бўйича рахбарий кўрсатма;
- O'z DSt ISO/TR 10017:2005 Сифат менежменти тизимини хужжатлаштириш бўйича тавсия. O'z DSt ISO 9001:2002 доирасида статистик усулларни қўллаш бўйича рахбарий кўрсатма;
- O'z DSt ISO 19011:2004 Сифат менежменти тизими ва/ёки экологик менежменти тизими аудити бўйича рахбарий кўрсатма.

Назорат саволлари

1. Сертификатлаштириш нима дегани?
2. Сертификат нима?
3. Серфикалаштириш соҳасига алоқадор қандай қонунларни биласиз?
4. Сертификатлаштиришга оид қадайдир меъёрий хужжатларни биласиз?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -360 б.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

2-Мавзу: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТУШУНЧАЛАРИ

Режа:

- 2.1. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш соҳасидаги атама ва таърифлар
- 2.2. Сертификатлаштириш тизимининг мақсади, вазифалари ва фаолият турлари

2.1. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш соҳасидаги атама ва таърифлар

Мазкур курсда қўлланиладиган атама ва таърифлар ИСО/МЭК 2, O'z DSt ISO 9000:2002, O'z DSt 5.5 стандартларига мос бўлиб қуйидаги атама ва таърифлар мутаносиблик билан қўлланилади:

Сертификатлаштириш жараёни, шундай услубки, унда воситачи хисобланмиш – учинчи томон ёзма равишда гувоҳлик билдириб, маҳсулот, жараён ёки хизматни қўйилган талаблар даражасига мослигини эътироф қилади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли хил маҳсулотлар муайян кўрсаткичларга жавоб бериши керак. Бу кўрсаткичлар эса маълум белгиланган талабларга мувофиқ /мос/ келиши лозим. Мувофиқлик ўз навбатида маҳсулот ёки хизматларнинг маълум стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатлардаги шу маҳсулот ёки хизматларга белгиланган кўрсаткичларга мос келишини талаб этади. Мувофиқликни сертификатлаштириш мумкин. Хўш сертификатлаштириш тушунчаси нима?

Сертификатлаштириш деганда талаб этилган ишончлилик билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқлайдиган фаолият тушунилади.

"Сертификатлаштириш" тушунчаси биринчи марта Халқаро стандартлаштириш ташкилоти Кенгашининг сертификатлаштириш масалалари бўйича махсус қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, унинг "Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва синов лабораторияларининг аккредитлаш соҳаларидаги асосий атамалари ва уларнинг қоидалари" қўлланмасига киритилган.

Мувофиқлик - атамаси маҳсулот, жараён, хизматга белгиланган барча талабларга риоя қилишни ўз таркибига олади. Бунда мувофиқликни учта кўриниши - **мувофиқлик баёноти**, **мувофиқликни аттестатлаш**, **мувофиқликни сертификат-лаштириш** деган тушунчалар мавжуд.

Мувофиқлик баёноти деб етказиб берувчининг маҳсулот, жараён ва хизматларнинг аниқ бир стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга тўла-тўқис мувофиқлиги ҳақида бутун маъсулиятни ўз устига олганлигини баён этишига айтилади. Бу атамани сўнгги вақтларда "ўз-ўзини сертификатлаштириш" тушунчаси билан алмашилаётгани қайд қилинмоқда. Ўз-ўзини сертификатлаштириш деганда маҳсулот ишлаб чиқарувчи томон бутун маъсулиятни ўз зиммасига олган ҳолда маҳсулотнинг талаб этилган даражада сифатлилиги ҳақидаги кафолатни ўз зиммасига олади.

Мувофиқликни аттестатлаш деганда учинчи томон тарафидан "синов лабораториясининг баёноти" тушунилиб, маълум намуна маҳсулотга бўлган талабларни белгиловчи маълум стандартлар ёки бошқа ҳужжатлар билан мувофиқ эканлигини баён этишига айтилади.

Сертификатлаштириш жараёни деганда маҳсулот /буюм, мол/ ёки хизмат муайян стандарт ёки техникавий шарт талабларига мос келишини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган фаолият тушунилиб, ушбу фаолият натижасида маҳсулот /буюм, молнинг/ ўрнатилган талабларга истеъмолчини ишонтирадиган тегишли ҳужжат – сертификат берилади.

Яна бир зарур атамалардан бири "сертификатлаштириш тизими" бўлиб у қуйидагича таърифланади: **Сертификатлаштириш тизими** - мувофиқликнинг сертификатлаштириш фаолиятини ўтказиш учун иш тартиби қоидаларига ва бошқаришига эга бўлган тизимдир.

"Сертификатлаштириш тизими" атамасидан ташқари Сертификатлаштириш схемаси /схема сертификации/ киритилиб, ушбу фаолият мувофиқликни сертификатлаштиришда учинчи томон фаолиятининг олиб борадиган иш ҳажми, кетма-кетлиги, тартиби ва сертификатлаштириш субъекти билан ўзаро муносабатини белгилайди.

Сертификатлаштириш фаолиятида қўлланиладиган учта тушунча тўғрисида тўхталиб ўтамиз: сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш, сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи ва сертификатлаштириш тизими аъзоси.

Сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш — гувоҳнома талабгорига сертификатлаштириш тизимининг қоидаларига мувофиқ берилган сертификатлаштиришдан фойдаланиш имконияти тушунилади.

Сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи — деб ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган, лекин тизимни бошқариш имкониятига эга бўлмаган сертификатлаштириш қатнашувчиси тушунилади.

Сертификатлаштириш тизими аъзоси деганда ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган ва тизимни бошқаришда маълум даражада иштирок эта оладиган сертификатлаштириш қатнашувчиси тушунилади.

Сертификатлаштириш икки хил бўлади: **мажбурий** ва **ихтиёрий**. Ишлаб чиқарилган ёки истеъмол этиладиган маҳсулот учун унинг ташқи муҳитга, инсон саломатлигига таъсири асосий мезон ҳисобланади. Ташқи муҳитга, инсон саломатлиги ва унинг ҳавфсизлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар, мажбурий сертификатлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади, ундай маҳсулотлар рўйхати Давлат томонидан тасдиқланиб, бу рўйхатга киритилмаган маҳсулотлар эса сертификатлаштирилиши ихтиёрийдир.

Мажбурий сертификатлаштириш деганда сертификатлаштириш ҳуқуқида эга бўлган идора томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган маҳсулот, жараён, хизматнинг стандартлардаги талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тушунилади.

Ихтиёрий сертификатлаштириш деганда ишлаб чиқарувчи /бажарувчи/, сотувчи /таъминловчи/ ёки истеъмолчи ташаббуси билан ихтиёрий равишда ўтказиладиган маҳсулот сертификатлаштирилиши тушунилади.

Ҳозирги шароитда ташқи мамлакатлар билан савдони, мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни, фан ва техникани ривожланиши учун, ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни сифатини яхшилаш, уларнинг рақобатдошлик қобилиятини ошириш учун мунтазам равишда синовлардан ўтказиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Синовларни кўпинча учинчи томон деб аталувчи ташкилот амалга оширади. Учинчи томон тарафидан олиб бориладиган сертификатлаштириш ишлаб чиқарувчиларнинг ишончига сазовор бўлмоқда ва шу сабабли бундай йўл кенг қўлланилиб, самарали олиб борилмоқда. Турли мамлакатларда учинчи томон тарафидан бажарилаётган

сертификатлаштириш тизимини ташкил этиш амалда шуни кўрсатмоқдаки, уни турлича ташкил қилиш мумкин экан. Сертификатлаштириш тарихини кўриб чиқадиган бўлсак бу фаолият билан ишлаб чиқарувчи ассоцияциялар, йирик истеъмолчилар, стандартлаштириш миллий ташкилотлари шуғулланиб турли тизимларни яратганлар. Масалан, Франция ва Англияда 60-йиллар бошида истеъмолчилар томонидан ҳарбий мақсадлар учун ишлатиладиган электроника маҳсулотларини сертификатлаштириш тизими яратилди.

Сертификатлаштириш тушунчаси кенг маънода учинчи томон тарафидан ўтказиладиган техникавий меъёрга, иш услубига, қоидага мувофиқлигини қамраб олган ҳар қандай текширувдир. Шунинг учун сертификатлаштиришни текширув деб ҳисоблаб, босим остидаги идишларни, портлаш ҳавфидан ҳимояланган қурилмаларнинг, кемаларнинг, сузиш воситаларининг, тайёраларнинг, авиация қурилмаларининг, атом реакторларининг ва тоғ техникасининг ишлатилишдаги ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида техникавий назорат ўрнатувчи идоралар шартли текширувни амалга оширади.

Аккредитация — бу нуфузли идора томонидан, бошқа бир ташкилот ёки шахсни расмий равишда аниқ ишларни бажаришда тўла ҳуқуқли ваколат берилганлигини эътироф этишидир.

Маҳсулот — маълум фаолият ёки жараён натижасидир. Маҳсулот тушунчасига қуйидагича изоҳлар келтирилган:

1. Маҳсулотнинг тўртта тоифаси бор:

- хизматлар (юк ташиш, банк хизмати, суғурта фаолияти ва х.з.);
- дастурий воситалар (компьютер дастури, луғат, ўқув дастурлари);
- техник воситалар (моторнинг қисми);
- қайта ишланадиган материаллар.

Маҳсулотнинг турлари унинг турли умумий тоифаларига кирадиган вазифалар ёки шу вазифани бажариш учун қўлланилаётган элементларни ўз таркибида мужассам қилиниши билан белгиланади. Маҳсулотни хизматлар, дастурий воситалар, техник воситалар ёки қайта ишланадиган материаллар қаторига киритиш шу маҳсулот учун белгиланган вазифанинг устунлик қиладиган элементига боғлиқ. Масалан, етказиб бериладиган маҳсулот - "автомобиль", - техник воситалар (масалан, шиналар), қайта ишланадиган материаллар (ёнилғи, совутиш суюқлиги), дастурий воситалар (моторни дастурли бошқариш, ҳайдовчи учун қўлланма) ва хизматлар (автомобилдан фойдаланиш тўғрисидаги сотувчи томонидан бериладиган тушунтиришлар) дан иборат.

2. **Хизмат** - етказиб берувчи ва истеъмолчининг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилган камида битта ҳаракат натижасидир. Хизматлар одатда номоддий бўлади. Хизмат кўрсатиш қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- истеъмолчи етказиб берган моддий маҳсулот устида бажарилган фаолият (масалан, таъмир талаб автомобиль);
- истеъмолчи етказиб берган номоддий маҳсулот устида бажарилган фаолият (масалан, солиқ миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган даромад тўғрисида ариза);

– номоддий маҳсулотни бериш (масалан, билимларни бериш маъносидаги ахборот);

– истеъмолчилар учун қулай шароитларни яратиб бериш (масалан, меҳмонхоналарда ва ошхоналарда).

Дастурий восита ахборотга эга бўлади ва у одатда номоддий бўлади, шунингдек ёндашувлар, операциялар ёки процедуралар шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Техник восита одатда моддий бўлади ва унинг миқдори ҳисоблаб топиладиган тавсиф билан ифодаланади. Қайта ишланадиган материаллар одатда моддий бўлади ва уларнинг миқдори узлуксиз тавсиф билан ифодаланади. Техник воситалар ва қайта ишланадиган материаллар кўпинча товар (маҳсулот)лар деб аталади.

Услугият (методика) – фаолиятни расмий амалга ошириш йўлидир.

Изоҳ: Услугаблар маълумки, одатда ҳужжатлаштирилади.

Ҳужжатлаштирилган услублар ўзида қуйидагиларни ифода этади:

- фаолиятни мақсади ва доираси;
- ким томонидан ва нима бажарилиши керак;
- қачон, қаерда ва қай тарзда амалга оширилиши керак;
- қандай манбаалар, ҳужжатлар ва қандай жиҳозлар ишлатилиши керак;
- булар қай йўсинда назорат қилиниши ва қайд этилиши керак.

Услугаблар маълумки, одатда, бир неча ходимларни жавобгарлик ва ваколатини аниқлайди ҳамда сифат соҳаси дастурига ёки хусусиятларга таянади.

Ишчи йўриқномалари кўпинча услублурдан ёки технологиядан кўчирма бўлади ва бир ходимга ёки иш ўринга ёзилади, шу сабабли танянчга эҳтиёж сезилмайди.

2.2. Сертификатлаштириш тизимининг мақсади, вазифалари ва фаолият турлари

Сертификатлаштириш тизимининг мақсади мувофиқликни сертификатлаштиришни амалга ошириш учун тадбирлар, тартиблар ва бошқарув қоидаларини ишлаб чиқишдир.

Сертификатлаштириш тизимининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- сертификатлаштиришда қўлланиладиган ҳужжатларнинг ягона тизimini ташкил қилиш;
- ягона атама ва таърифларни ишлаб чиқиш;
- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг қоида ва тартибларини ишлаб чиқиш;
- сертификатлаштириш учун ўтказиладиган синовларнинг қоидаларини ишлаб чиқиш (бундан кейин сертификатлаштириш синовлари);
- сертификатлаштириш қатнашчиларининг давлат бошқарув идоралари билан ўзаро ҳамкорлик тартибларини аниқлаш.

Сертификатлаштириш миллий тизими Ўзбекистон Республикасининг қонуний ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизимида қуйидаги фаолият турлари олиб борилади:

- Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш;
- Сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш;
- Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш;
- Юқоридаги келтириб ўтилган фаолият йўналишлари бўйича эксперт-аудиторларни тайёрлаш ва аттестатлаш каби фаолит турларини юритади.

Бундан ташқари ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Аккредитлаш тизими ҳам мавжуд бўлиб у қуйидаги фаолият турларини олиб боради:

- Синаш лабораторияларини (марказларини) аккредитлаш;
- Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идораларни аккредитлаш;
- Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш идораларини аккредитлаш;
- Текшириш идораларини аккредитлаш;
- Сертификатлаштирилган маҳсулот, сертификатлаш-тирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар, аккредитланган идоралар ва синаш лабораториялари (марказлари)ни инспекцион текшириш;

Ўзбекистон Сертификатлаштириш Миллий Тизими сертификатлаштириш билан шуғулланувчи чет давлатлар тизими ва ташкилотлар, ҳамда шахслар учун сертификатлаштириш тизими қоидаларини тан олиш шарти билан очик деб ҳисобланади.

Сертификатлаштириш маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг қуйидаги талабларга мувофиқлигини ёки номувофиқлигини тасдиқлаш бўйича иш олиб боради:

– Давлатлараро стандартларга (МХД – мустақил ҳамдўстлик давлатлари);

– Маҳсулотга бўлган талабларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қабул қилинган ва расман нашр қилинган меъёрий ҳужжатларга (кейинчалик МХ);

– Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш Миллий тизимига Сертификатлаштириш Идораси сифатида аъзо бўлган сертификатлаштириш тизимлари доирасидаги халқаро ва миллий чет эл стандартларига.

Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими қуйидаги тизимлар билан ўзаро боғланишда фаолият олиб боради:

– Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими (O'z DST);

– Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими (O'z O'DT);

– Ўзбекистон Республикасининг аккредитлаш тизими (O'z AT);

– МДХ давлатларининг сертификатлаштириш миллий тизимлари, шунингдек, бу ишни бошқариш учун махсус ҳуқуқга эга бўлган давлат бошқарув идоралари бошчилигида фаолият кўрсатаётган мувофиқликни текширувчи бошқа тизимлар (Давтоғконтехназорати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қумитаси, Ўзбекистон Республикасининг Давлатархитектқурилиш қумиталари) билан ўзаро боғлиқликда фаолиятини олиб боради.

Назорат саволлари

1. Сертификатлаштиришга оид қандай атама ва таърифларни биласиз?
2. Сертификатлаштиришнинг қандай турлари мавжуд?
3. Серфикалаштириш тизими деганда нимани тушунасиз?

Адабётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни 28.12.1993 й.
2. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Аҳмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -360
3. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

3-Мавзу: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТЛАРИ

Режа:

3.1. Халқаро, ҳудудий ва миллий миқёсида сертификатлаштиришнинг ривожланиши

3.2. Чет эл давлатларида сертификатлаштириш амалиёти

3.1. Халқаро, ҳудудий ва миллий миқёсида сертификатлаштиришнинг ривожланиши

Ҳозирги кунда сертификатлаштириш масалалари бўйича қуйидаги ташкилотлар шуғулланишмоқда: Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО) ва унинг қисми бўлмиш мувофиқликни баҳолаш бўйича Қумита ИСО/КАСКО, Халқаро электротехника комиссияси (МЭК) ва бу билан алоқада ишловчи Электр қурilmалари мувофиқлигини сертификатлаштириш бўйича Халқаро комиссия (СЕЕ); Савдо ва тариф бўйича Бош келишуви (ГАТТ); Халқаро савдо ташкилоти (ВТО); БМТ нинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК. ООН); Халқаро савдо маркази (МТЦ); Ривожланиш ва савдо бўйича БМТ Конференцияси (ЮНКТАД); Синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича Халқаро конференция (ИЛАК) ва бошқалар. *Халқаро*

стандартлаштириш ташкилоти - (ИСО) ўзининг ишланмалари билан турли хил миллий қонуний ҳолатларда сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш ишлари ва ўз навбатида сертификатлаштириш усулларини уйғунлаштиришда ёрдам бериб келмоқда.



ИСО ташкилоти мамлакатларда сертификатлаштириш тизимини яратиш ва у қарорларда мавжуд бўлмаса бу бўйича режа асосида услубий ёрдам қилиб келмоқда. ИСО сертификатлаштириш соҳасида МЭЖ билан ҳамкорликда кўплаб қулланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқмоқда. Сертификатлаштириш соҳасида асос бўлувчи ИСО/МЭЖ 28 “Учинчи томон маҳсулотни сертификатлаштириш тизими намунавий умумий қоидалари” қўлланма миллий сертификатлаштириш тизимини яратиш бўйича тавсия сифатида фойдаланилмоқда.

Биринчи стандартлаштириш миллий ташкилоти - Британия Ассоциацияси /British Engineeing Standards Accociation/ 1901 йилда ташкил этилган бўлиб, биров кейинроқ, биринчи жаҳон уруши даврида Дания бюроси, Германия қўмитаси (1918 й.), Америка қўмитаси (1918 й.) ва бошқалар ташкил топди. Ташкилий тузилмаси 12-расмда келтирилган.

Стандартлаштириш соҳасидаги ишлар халқаро марказ кераклигини тақазо қилди. Шу мақсадда 1926 йили стандартлаштириш миллий ташкилотларнинг Халқаро Ассоциацияси (ИСА) пайдо бўлди. ИСА нинг таркибига 20 мамлакат вакиллари кирди.

1938 йили Берлин шаҳрида стандартлаштириш бўйича Халқаро съезд очилди. Унда техниканинг турли соҳалари бўйича 32 та қўмита ва кичик қўмиталар тузилди. 1939 йили бошланган иккинчи жаҳон уруши ИСАнинг фаолиятини тўхтатиб қўйди.

Ҳозирги Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Standards Organization) 1946-1947 йиллари ташкил топди, уни қисқача ИСО деб юритилади. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фаолият кўрсатиб, ривож топмоқда.

ИСОнинг тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсад - халқаро миқёсдаги мол алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришдир.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун:

- дунё кўламида стандартларни ва улар билан боғлиқ бўлган соҳаларда уйғунлаштиришни енгиллаштириш учун чоралар кўриш;

- халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш (агар ҳар бир стандарт учун унинг фаол ташкилий ва кичик қўмиталарининг иккидан уч қисми маъқуллаб овоз берса ва умумий овоз берувчиларнинг тўртдан уч қисми ёқлаб чиқса, стандарт маъқулланиши мумкин);

- ўз қўмита аъзоларининг ва техникавий қўмиталарнинг ишлари ҳақида ахборотлар алмашинувини ташкил қилиш;

- соҳавий масалалар бўйича манфаатдор бўлган бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилади.

ИСО раҳбар ва ишчи кўмита идораларидан ташкил топган. Раҳбар идоралари таркибига Кенгашнинг юкори идораси - Бош Ассамблея, Кенгаш, ижроия бюроси, техникавий бюро, кенгашнинг техникавий кўмиталари ва марказий секретариати киради.

ИСОда президент, вице-президент, ғазиначи ва бош секретарь лавозимлари мавжуд. Бош Ассамблея - ИСОНинг Олий Раҳбари бўлиб, ИСОНинг йиғилиши уч йилда бир марта бўлади. Унинг сессиясида президент уч йил муддат билан сайланади.

Бош Ассамблея ўтказиш вақтида саноат соҳасида етакчи мутахассислар иштирокида халқаро стандартлаштиришнинг муҳим муаммолари ва йўналишлари муҳокама қилинади.


ИСО кенгаши йилига бир марта ўтказилиб, унда ташкилотнинг фаолияти, хусусан, техникавий идораларнинг тузилиши халқаро стандартларнинг чоп этилиши, кенгаш идораларининг аъзоларини ҳамда техникавий кўмиталарнинг раисларини тайинлайди ва бошқа масалалар кўрилади.

Ніаёқ Ёòòèôîk îàp+àcàíãóíãã қааар Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг таркиби 91 мамлакатнинг вакилларида иборат эди.

Рапiоáèèèàìèçíèíã äàпòèäàèè íòпòàкèèèèè èèèèàpèäààè (1992 èèè) íòпèì âìкàäèäpãâì àèpè óòбу нуфузли халқаро ташкилотга Ўзбекистон Республикаси 92-давлат сифатида қабул қилиниòè áýèäè.

Эндиликда Ўçàäèèпòíí Рапiоáèèèäàпè ИСОНинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқариш ва таъминлаш бўйича охириги вақтда қилинган ишларни мужассамлаб, ИСО ўзининг бир қатор меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқди, бу ҳужжатларга сифат тизими соҳасида ИСО 9000, меҳнат хавфсизлиги соҳасида ИСО 18000 ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, хавфсизлиги ИСО 22000 ҳамда экология соҳасида ИСО 14000 серияли стандартларни кўрсатиш мумкин.



12-расм. ИСО ташкилотининг ташкилий тузилиши



Халқаро электротехника комиссияси - (МЭК) ИСО ташкилотидан фарқли равишда халқаро сертификатлаштириш тизими ва стандартларни ишлаб чиқишда ҳамда маҳсулот мувофиқлигини сертификатлаштириш ва синашда меъёрий базасининг хавфсизлик қисмлари бўйича услубий муаммолар билан шуғулланади.

Электротехника соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бўйича ишлар 1881 йилдан бошланган, чунки бу йили электр бўйича биринчи Халқаро конгресс бўлиб ўтган эди. Кейинроқ 1906 йили Лондонда 13 мамлакат вакиллариининг конференциясида махсус идора - халқаро электротехника комиссияси тузиш тўғрисида бир фикрга келинди. Бу идора электр машиналари соҳаси бўйича атамалар ва параметрларни стандартлаштириш масалалари билан шуғуллана бошлади.


МЭК низомига кўра, бу ташкилотнинг мақсадлари электротехника ва радиотехника ва уларга қўшни тармоқлардаги муаммолар соҳаларидаги стандартлаштириш масалаларини хал қилишдир.

ИСО ва МЭК фаолиятлари бўйича фарқланади, МЭК электротехника, электроника, радиоалоқа, асбобсозлик соҳалари бўйича шуғулланса, ИСО эса қолган бошқа ҳамма соҳалар бўйича стандартлаштириш билан шуғулланади.

Ҳозирги вақтда 41-та миллий қўмиталар МЭКнинг аъзолари ҳисобланади. Бу мамлакатларда ер қуррасининг 80% аҳолиси яшаб, 95% дунёдаги ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг истеъмолчиси ҳисобланади. Бу асосан саноати ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлардир. МЭК инглиз, француз ва рус тилларида иш олиб боради.

МЭКнинг Олий рахбар идораси МЭК кенгашидир, у ерда мамлакатларнинг ҳамма миллий қўмиталари тақдим этилган. Унда энг юқори лавозим президент бўлиб, у ҳар 3 йил муддатда сайланади. Бундан ташқари вице-президент, ғазиначи, бош секретар лавозимлари ҳам бор. МЭК ҳар йили бир марта ўз кенгашига йиғилади ва ўз фаолияти доирасидаги масалаларни ҳал қилади. Унинг ташкилий тузилмаси 13-расмда келтирилган.

1972 йилга қадар МЭК ва ИСО лар томонидан яратилаётган ҳужжатлар тавсия сифатида фаолёуб кўрсатар эди. 1972 йили эса МЭК, ИСО ларнинг тавсиялари халқаро стандартларга айлантирилиши ҳақида қарор қабул қилинди.



13-расм. МЭК халқаро ташкилотининг ташкилий тузилмаси



БМТ Европа иқтисодий комиссияси ўзаро тан олиш тўғрисида кўп томонлама келишиш ва икки томонлама фаолиятга йўналтирилган "Синов натижаларини тан олиш" тавсиясини қабул қилди. Ушбу ҳужжат синов лабораторияларини аккредитлаш амалиётини такомиллаштиришда ижобий ўрин тутди.

Сифат бўйича Европа ташкилоти /ЕОК/ вазифалари

Сифатни назорат қилиш Европа ташкилоти ЕОКК (Европейская организация по контролю качества) биринчи конференцияси чакирилган йили - 1957 йилда ташкил топди. Бироз кейинроқ уни низоми ҳам тасдикланди.

ЕОКК нинг ҳар йили конференция ўтказишдан асосий мақсади маҳсулот сифатини бошқариш бўйича тажриба алмашилиш, сифатнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш, бу соҳадаги сўнгги ютуқларни

тарғибот қилиш, сифатнинг долзарб муаммолари бўйича фикр алмашилиш, янги муаммоларни излаб топиш ва сифатга таалуқли кўпгина бошқа масалаларни кўриб чиқишдир.

1992 йили Европа иқтисодий уюшмаси (ЕЭС) доирасида умум Европа бозори ташкил қилиниши билан ЕОКК нинг раҳбарий ҳужжатлари қайтадан кўриб чиқилган.

У 1998 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўз низомини ўзгартириб, ҳозирда сифат бўйича Европа ташкилоти (ЕОКК) деб аталади.

Сифат бўйича Европа ташкилотининг ҳозирги вақтдаги асос булувчи ҳужжатлари ЕОКК — нинг низоми иш тартиби қоидалари, қўмита ва секциялари учун қоидалар ҳамда беш йилга мўлжалланган асосий масалалар бўйича йўналиш режалари мавжуддир.

ЕОК таркибида 26 - та тўлиқ ҳуқуқли аъзолари, 12 — та жамоа мухбир аъзолари ҳамда 37 — та алоҳида мухбир аъзолари ва 10 - та фахрий аъзолари бор. Қардош ташкилотларнинг 11 - таси билан битимларига эгадир.

ЕОК махсус битимлари асосида сифат бўйича Аргентина, Бразилия, Исроил, Колумбия, ХХР, янги Зеландия, АКШ, Чили, Жанубий Корея ва Японияларнинг минтакавий, миллий ва касаба уюшмалари билан ҳамдустлик алоқалари ўрганилган.

ЕОК нинг олий лавозим эгаси, унинг президенти бўлиб, у ҳар икки йилда сайланади. Асосий маъмурий идоралари - кенгаш, ижроия қўмитаси ва секретариатдир.

ЕОК нинг иш юритиш расмий тиллари инглиз ва француз тилларидир. Бу ташкилот ўзининг илмий - техникавий журнали Кволитига эга, журнал йилига 4 марта чоп этилади.

Ҳозирги вақтда ЕОК нинг 12 та техникавий қўмиталари мавжуд бўлиб, улар ишончлилик, статистик усуллар, атамалар, истеъмол масалалари бўйича стандартлаштириш, сифатни бошқариш, кадрлар тайёрлаш, функционал — баҳолашни таҳлил қилиш, сифат соҳасида сиёсат олиб бориш, сертификатлаштириш ва сифат тизимларининг назорати, ЭҲМ нинг математик таъминланишида сифат, сифат тўғараклари, маҳсулот сифатини метрологик таъминоти билан шуғулланади. Ундан ташқари 7 та турли секциялари мавжуддир. Булар қуйидагилар:

- Автомобиль
- Энергетика
- Қурилиш
- Озиқ-овқат
- Фармацевтика
- Сифат масалалари бўйича маслаҳатлар кўрсатиш.

Техникавий қўмиталар ва тармоқ секциялари ЕОК нинг тўлиқ ҳуқуқли вакилларидан ташкил топади. Улар ўз навбатида ЕОК нинг аъзо мамлакатининг миллий тажрибаларига суянади ва халқаро миқёсда маҳсулотнинг сифатини таъминлайдиган ташкилотларнинг ҳужжатларидан фойдаланади.



Синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича Халқаро конференция - (ИЛАК) 1977 йил (Копенгаген, Дания)да биринчи бўлиб ташкил этилган.

Конференцияни иш олиб боришидан мақсади савдода техник тўсиқларни синов лабораторияларини аккредитлаш йўли билан халқаро даражадаги тамойиллар ва усулларни, синов натижаларини ўзаро ишончлилигини ўрнатиш асосий йўнилишдир.

ИЛАК ўзининг фаолияти даражасида халқаро келишувни икки турини кўзда тутди:

– аккредитланмаган лаборатория синов сертификатлари, баённомаларни ўзаро тан олиш бўйича келишиш;

– миллий тизим аккредитлаган синов лабораторияларини ўзаро тан олиш бўйича келишиш (сертификатларни ва улардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги).

Ўтган асрнинг 90-йилларининг ўрталарида Европа Иттифокида (ЕС) ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулотлар сифати бўйича янги сиёсат қабул қилинди.

ИСО ва МЭК ишлаб чиққан халқаро қоидаларига асосан лабораторияларини аккредитлашдан мақсад синов лабораторияларини аниқ синовлар ёки аниқ тур синовлари (ИСО/МЭК Руководство 2.86) ўтказишга ҳуқуқ беришдан иборат.

Аккредитланган синовлар тушунчаси маҳсулотни сертификатлаштириш фаолияти билан чамбарчас боғлангандир.

ИЛАК (International Laboratory Accreditation Conference) биринчи марта 1977 йили Копенгаген (Дания) да чакирилган. ИЛАК нинг яратилишидан миллий тизимларини ўзаро тан олиш билан амалдаги ва халқаро битимлардаги маълумотларни, маҳсулотни синаш натижаларини ва бошқа маҳсулот сифати ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришга ҳаракат қилиш.

1980 йилда чакирилган ИЛАК нинг конференциясида миллий тизимларининг аккредитланган лабораторияларини ўзаро тан олиш бўйича амалдаги икки ва кўп томонлама битимлар ҳақида маъруза тайёрлашга қарор қабул қилинди.

Иш жараёнида икки хил халқаро битимлар борлиги намоён бўлди:

1. Лабораторияларни аккредитламасдан синов натижаларини ва сертификат баённомаларини ўзаро тан олиш битими;

2. Синов лабораторияларининг аккредитлаш миллий тизимларини ўзаро тан олиш битими (тан олишни сертификатга ёзиш билан).

Шу масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва уларнинг натижаларига кўра шундай битимлар зарурлиги қайд қилинди.

Лабораторияларнинг аккредитлаш масалалари ҳозирги кунда актуал бўлиб, улар билан боғлиқ бўлган материалларни системали равишда чоп этилиш зарурати тугилди. Шу масалаларда ҳар доим ИЛАК ўз материалларининг чоп этилишини «Метрология» журнали таҳририяти билан ҳамкорликда амалда оширилишига қарор қилди.

1983 йили ИЛАК ташаббуси билан синов лабораториялари учун сифат бўйича қўлланма тузишга тавсиявий лойиҳа тайёрланди, 1986 йили эса бундай тавсия қабул қилинди. ИСО ва МЭК лар томонидан қайта ишланган бу ҳужжат ИСО - МЭК 49 қўлланмаси номи билан маълумдир.

ИЛАК томонидан ишлаб чиқарилган халқаро ҳужжатлар маҳсулотни четга чиқарадиган ва четдан мол олиб келадиган мамлакатлардаги савдо – иқтисодий сиёсатига катта таъсир ўтказмоқда. Бунга мисол тариқасида ЕЭС мамлакатлари томонидан 1989 йили қабул қилинган аккредитланувчи лабораторияларга талаблар асосини белгиловчи аккредитлар ва сертификатлаштириш идоралари учун зарур Европа EN – 45000 стандартини кўрсатиш мумкин.



ЕС - Европа иттифоқида сертификатлаштириш. ЕС Кенгаши 1985 йилда асосий стандартлар ва талабларини белгилаш бўйича уларнинг техникавий уйғунлиги тўғрисида Директивалар қабул қилган.

Европадаги иқтисодий уюшма (Европейское экономическое сообщество - ЕЭС) шу ҳудуддаги мамлакатлар ҳаётининг ягона иқтисодий сиёсати асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожланиш шаклини танлаб олди. ЕЭС нинг ташкил топилганлиги ҳақидаги битим 1957 йил 25 мартда Рим шаҳрида имзоланди. Даставвал бу уюшма олти давлат (Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Италия, Франция ва ГФР) вакиллари бўлиб, уларнинг асосий мақсади Европа умумий бозорини ташкил қилиш эди. Бунинг натижасида шу уюшмага кирувчи давлат лар орасида божхоналар йўқ қилиниб, бир – бирларига ўтаётган маҳсулотнинг миқдорлари чегарали равишда белгиланиб, шу мамлакатлардаги капиталлар ҳам ишчи кучлари ҳам эркин ҳолда ўтишлиги тўғрисида келишиб олинди.

1972 йили бу уюшмада Буюк Британия, Дания, Ирландия, 1981 йилда Греция, 1986 йилда Испания ва Португалия давлатлари қўшилди. 1995 йил арафасида эса ЕЭС таркиби 3 давлат (Австралия, Финландия ва Швеция) вакиллари билан тулди. Уюшма таркибига кирувчи давлатлар сони эндиликда 15 тага етди. Европа мамлакатларининг иқтисодий ушмасининг доимий идораси - Европа кенгаши (ЕС) ҳисобланади.

ЕС нинг вазирлар кенгаши марказий ва қонун чиқарувчи идораси ҳисобланади, ҳар бир миллий ҳукуматдан бу кенгаш таркибига 1 тадан вакил юборилган.

Европа мамлакатлари уюшмасига кўмир ва пўлат бўйича Европа бирлашмаси (ЕОУС) ҳам қиради.

Европа мамлакатларининг уюшмаси ўзларининг EN 29000 рақамли стандартларига эга, бўлар эса ИСО томонидан тайёрланган ИСО 9000 рақамли стандартларига мос келади.

Стандартлаштириш бўйича Европа қўмитаси (СЕН) ва электротехника соҳасидаги стандартлаштириш Европа қўмиталари (СЕНЭЛЕК) томонидан яратилган стандартлар эътиборга сазовордир, улар яратган 7 та асос бўлувчи

45000 рақамли стандартларни кўрсатиш кифоядир (EN 45001 – EN 45003 – EN 45011 – EN 45014 кабилардир), бу стандартлар синов лабораторияларини сертификатлаштириш.

Сифатга эътиборни кучайтирадиган баъзи омилларни таъкидлайдиган бўлсак, авваламбор бу, Европа бозорининг нарх рақобати кучли бўлган сифатли маҳсулотларни кўпайиши якқол кўзга ташланади. Бу эса ўз навбатида сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига асос солади. Умумий бозорни ташкил қилиш – уларнинг рақобатлашиши кейинчалик ривожланиши учун зарур, лекин етарли бўлмаган омил, шунинг учун янги йўналишларни излаш давом этмоқда. Изланишлар шуни кўрсатаёттики баъзи Япония ва Америка давлатлари компаниялари бу йўналишларда Европаликлардан ўзиб кетган.

Ф.Кросби ассоциациясининг изланишларига асосланадиган бўлсак бир нечта, дунё миқёсида танилган фирмалар текширилганда Америка ва Европадаги сифатнинг рақобатлашишдаги роли ҳар хиллиги аниқланди. Бу талабга Ғарбий Европанинг 34%, АҚШнинг ва Тинч Океани регионларининг 53% компаниялари жавоб беради. Сифат тизимларининг TQM концепциясидан Европа фирмаларининг 30%и фойдаланади.

Америка Федерал институтининг статистик маълумотлари бўйича дунёнинг 2800 ишлаб чиқариш фирмалари ва цехларининг 70%и TQMга мослашган. Сифатни бошқариш бўйича Европа фонди (EFQM) мутахассислари тадқиқотларига қараганда маҳсулотнинг паст сифатли бўлганлиги сабабли талабгорларнинг маҳсулотдан воз кечиши маҳсулотнинг тан нархи бўйича Японияда 12%гача, Европада эса 25% гача зарар келтириши аниқланган.

Вазиятни таҳлил қилиб ЕС экспертлари шу фикрга келдиларки, шундай сифат сиёсатини шакллантириш ва ривожлантириш керакки, у ўз ичига нафақат маҳсулот ва хизматларни, балки стандартлаштиришни, сертификатлаштиришни ва фирмаларнинг рақобатдошлилик таҳлилларини ўз ичига олиши керак.

Сифат сиёсатининг ўз олдига қўйган асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Сифат бўйича умумий концепцияларни ишлаб чиқиш ва бу борада миллий ва ягона бозор шартларига келишиш;
- Ҳар доим сифатни яхшиланиб бориши учун муҳит яратиб бериш;
- Давлат сектори ва хусусий сектордаги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатига нисбатан бўлган талабларни ўзаро яқинлаштириш натижасида сифатни яхшилаш;
- Истеъмолчиларнинг талабларини тўла қондириш учун ишлаб чиқариш структураларига сифатни ошириш борасидаги замонавий тенденцияларнинг таъсирини ошириш;
- ЕС давлатлари корхоналарининг сифатни бошқариш бўйича турли хил усулларини ишлатиб Европа иқтисодиёти позициясини яхшилаб, унинг рақобатбардошлигини кучайтириш;

– Саноат потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарнинг илмий техника соҳаларида ривожлантириш.

Ўзининг сифат сиёсатини яратиб, ЕС ҳамжамияти бошқарув идораларининг, ишлаб чиқариш компанияларининг ва истеъмолчиларнинг маҳсулотлар сифатини яхшиланиши борасидаги умумий масалаларни ҳал этишдаги тутган ўрнини аниқлаб беради. Ҳар битта компания ўзининг амалий маблағини киритиб бу умумий занжирда ўз ўрнини эгаллайди. Шунинг учун ҳам истеъмолчини хабардор қилиб туриб, соҳанинг ҳар бир тармоқларида истеъмолчи билан мунтазам алоқада бўлиш керак. Бу ўз навбатида фирмаларнинг ижтимоий иш қобилиятини юксак даражада оширишга, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигининг янада юқорироқ кўрсаткичларига эришиш имкониятини беради.

Сифат бўйича Европа сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга суянган ҳолда иш юритади.:

- кооперация ва бир-бирини тўлдириш тамойили;
- асосли ёндашиш;
- ижтимоийлик тамойили;
- структуралаш тамойили;
- янги сифат концепцияларини қўллаш.

Кооперация тамойиллари ва бир-бирини тўлдириш шунга олиб борадики, агар сифат сиёсати миллий, регионал ва халқаро савиядаги талабларга жавоб бермаса, ишонч қозонган, самарали, қонуний ва техникавий бир муҳит яратилмаса ички бозорнинг давомийлиги ва интенсивлигини кафолатлай олмайди.

Асосли ёндашув шунга таянганки, сифат сиёсати ишлаб чиқариш сиёсатининг асосий стратегик элементларидан бири ҳисобланиши айрим соҳада эмас, балки кенг қўламда рақобатбардошликни таъминлайди.

Ижтимоийлик тамойили. Бу йўналишда ҳар хил миллий маданиятларнинг юмшоқ интеграцияси зарур. Шу билан бирга бошқарувчи ва ижро этувчилар звеносининг бир-бирини тушунишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш атмосферасини яхшилаш. Умумий мақсад – бирлашган Европадаги инсонлар ҳаётига алоқадор бўлган сифатни яхшилаш.

Структуралаш тамойили сифат инфраструктурасининг барча элементлари орасидаги ҳамкорлик ва Европа иқтисодиёти талабларига жавоб бериш мақсадида уларнинг компаниялар билан ҳамкорлигига қаратилган.

Янги сифат концепциясининг қўлланиши сифатга ёндашишнинг ўзгаришини таъкидлайди. Фирмаларни бошқариш стратегиясининг янги фалсафасини шакллантириш ва истеъмолчиларнинг талабларини янада тўлароқ қондириш мақсадида компаниянинг бутун фаолият тармоқларининг иш қобилиятини яхшилаш ва такомиллаштириш лозим бўлиб, бунда ҳар бир тармоқ ичидаги муносабат ва улар орасида «етказувчи – мижоз» принципига асосланган ҳолда иш юритилади.

Юқоридаги тамойиллар ва мақсадларга кўра Европа сифат дастури

тузилган (ЕҚР) бўлиб, бу дастурнинг асосий мақсади: ЕС иктисодиётининг бутун кучини бирлаштириш; маҳсулотлар ва хизматларнинг сифатини ошириш орқали рақобатдошликни оширишга йўналтириш, ишлаб чиқариш ташкилотларининг ишини мукаммаллаштириш.

Дастур беш қисмдан иборат:

1. Сифатни ошириш ва буни муҳим ва зурурлигини асослаб бериш.
2. Сифатни ошириш йўллари ва усуллари ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва намойиш этиш.
3. «Сифат инфратузилмаси» нинг ролини ошириш.
4. Таълим ва малака ошириш масалалари.
5. Структуравий мувофиқлаштириш.

Ушбу дастурнинг биринчи қисмига қўйилган масалалар қуйидагилардан иборат:

– Ички бозордаги маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминловчи информацияларни ишлаб чиқарувчи ташкилот раҳбарларига етказиш;

– Жамият доираларида ва тўғридан-тўғри истеъмолчилар орасида сифатга тўлиқ изоҳ бера оладиган руҳдаги кенг реклама компанияларини олиб бориш;

– Бу борада муайян муваффақиятларга эришган фирмаларни Европа сифат мукофоти билан тақдирлаш учун зарур чораларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

– Бошқарувчи ва буюртмачи орасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

– Европа маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигига таъсир қилувчи сифат кўрсаткичлари ва мезонларини ўрганиш;

– Истеъмолчига етказиладиган маҳсулот ҳақидаги барча маълумотларни тегишли ва белгиланган тартибда маркалаш, штрихли кодлаш ёки махсус символлар орқали ифодалаш.

Иккинчи қисмнинг вазифаси маҳсулот сифатини яхшилашда компанияларга замонавий илғор технологияларни ишлатишда ҳамкорлик қилиш.

Бу қисмда қуйидаги вазифалар қўйилган:

– ЕС ичида илғор тажрибани сифат бошқарувларига ёйиш ва ўзаро усуллар алмаштиришни таъминлаш;

– Янги технологияларни киритиш жараёнини бошқариш мақсадида минтакавий ва миллий савиядаги тажриба алмашиш амалларини ташкиллаштириш.

Учинчи йўналиш ЕС ягона бозорини бошқаришга салбий таъсир қиладиган сифат инфраструктурасига таъсир қилиш ва уни ижобий томонга ўзгартиришга қаратилган. Бу қуйидагилардан иборат:

– Ташкил этувчи сифат инфратузулмаси ва манфаатдор компаниялар орасидаги алоқани ривожлантириш, хусусан, синаш, сертификатлаштириш ва аккредитлаш тизимида Европа ташкилотларининг ролини ошириш;

– Аъзо-мамлакатлар орасидаги маълумот алмаштиришни

кенгайтириш;

– Синов лабораториялари орасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва маҳсулотни сертификатлаштириш идоралари билан ҳамжиҳатлигини таъминлаш.

Сифат сиёсати каби унинг дастури ҳам маҳсулот сифатини таъминлаш жараёнида банд бўлган ходимларнинг мутахассислик даражасига катта эътибор беради.

Тўртинчи қисмнинг асосий вазифаси сифат бошқаруви жараёнларида иштирок этувчи инсон факторлари бошдан-оёқ, юқори звенодаги бошқарувчилардан паст звено ишчиларигача ўқитиш билан меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги масалалар эътиборга лойиқ:

– йқув программасини ишлаб чиқиш, ишчи сифат масалалари билан боғлиқ бўлган фирма персонали, давлат ва бошқа ташкилот ишларини рағбатлантириш тизимини яратиш;

– Сифат бошқаруви бўйича мутахассисларни сертификатлаштириш тизимини яратиш;

– Миллий ва минтақавий савиядаги тегишли ташкилотлар орасида экспертлар тайёрлашни ривожлантириш.

Бешинчи қисмнинг асосий вазифаси «Сифат инфратузулмаси ролини ошириш ва мустаҳкамлаш учун Европа Сифат Партияси»ни тайёрлашдан иборат. Бунинг учун ЕС стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология ташкилотлари Европадаги сифат муаммолари билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар билан ҳамжиҳатликни таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият беради.

Шу билан бир қаторда синов марказларининг ишини бошқарувчи миллий идораларни қўллаб-қувватлаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бундан асосий мақсад инсон атроф муҳитга зарари тегмаслиги шарти билан сифатни ошириш учун қўлланадиган усулларини бирлаштиришдан иборатдир.

Шу тарзда ЕС сифат дастури Европа Иттифоқининг маҳсулот ва хизматлар бўйича жаҳон бозорида ўзининг мавқеини кучайтиришга, сифат бўйича рақобатдошлик устиворлигини таъминлашга қаратганлигидан далолат беради дейишимиз ҳам мумкин.

Дастурни бажаришда амалий ишлар сифат тизимини сертификатлаштириш билан боғлиқ.

Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида сертификатлаштириш фаолияти.



МХД да сертификатлаштириш фаолияти МХД давлатларида 1992 йилда имзоланган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги сиёсий келишувни юритиш тўғрисидаги Келишувга асосан сертификатлаштириш бўйича фаолият олиб борилади.

Давлатлар Келишуви низом асосида ҳамкорлик – Келишув қатнашчилари миллий сертификатлаштириш тизимини ИСО/МЭК қўлланмалари асосида шакллантиради ва Ушбу соҳадаги усуллар билан бойитиб боришади.

3.2. Чет эл давлатларида сертификатлаштириш амалиёти

Бутун дунёда маҳсулотнинг сифати, хавфсизлиги назорат текширув хизматлари томонидан олиб борилади. Хавфсизликни назорат қилиш усуллари бир қанча усулларга асосланиб кўпгина идора ва ташкилотлар орқали амалга оширилади. Давлат текширувлари асосан стандарт талаблари тўғри бажарилганлиги, санитария-гигиена қоидалари бажарилганлиги устидан назоратни ва бошқа кўрсаткичларни текширишлар эса истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан олиб борилади.

Давлат назорат идоралари умумий текширувларни бажаришмай, фақатгина номувофик маҳсулотлар бўйича ҳуқуқий чоралар кўришади. Кўпгина давлатларнинг қонунлари маҳсулотларнинг талабларга жавоб бериши тўғрисида алоҳида техник регламентлардан иборат.

Европа давлатлари маълумотларига кўра Франция стандартлаштириш ассоциациясида (AFNOR) ва Европа ассоциациясида (EACT) 5000 дан ортиқ номдаги маҳсулотлар сертификатлаштирилиб, сертификатлаштириш бўйича 300 та тизим фаолият олиб боради, бу ишда 7000 дан ортиқ сертификатлаштириш идоралари фаолият кўрсатади.

Сертификатлаштириш азалдан саноатда ва ривожланган давлатларда фойдаланилган. Бу эса ўз навбатида ушбу давлатлар бозорида номувофик ва стандарт талабларига, меъёрий техник ҳужжатларга жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг пайдо бўлишидан ҳимоя қилган.

Битта маҳсулотга ҳар хил стандарт ва техник меъёрлар белгиланиши жаҳон бозорида халқаро савдо-сотиққа сунъий тўсиқни вужудга келтиради. Шунинг учун сертификатлаштириш, тенг ҳамкорлик билан стандартнинг уйғунлигини ва сертификатлаштиришнинг қоидаларига мос келишлиги савдо-сотиқда ҳамкорлик қилишда муҳим ўрин тутди.

Сертификатлаштириш идораларидан ташқари бир қанча давлатларда божхона чегараларида алоҳида Давлат хизмат кўрсатиш идоралари жойлашган бўлиб, улар ҳудудга кириб келаётган маҳсулотларнинг (ветеринар хайвонлар, усимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тез бузиладиган маҳсулотлар) талабларга жавоб беришини таъминлаш бўйича иш олиб боришади.

Кейинги бандларда баъзи бир давлатларда мавжуд бўлган шундай хавфсизлик хизматлари ҳақида маълумотлар келтирилмоқда.

3.2.1. Америка Қўшма Штатлари сертификатлаштириш фаолияти

АҚШда истеъмолчиларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш қонуни асосида иш юритилади. Масалан, у ерда «Миллий транспорт ва автомобилларнинг хавфсизлиги», «Пестицидлар ва родентицидлар» ҳақида қонунлар мавжуддир.

АҚШнинг Федерал ҳукумати сертификатлаштириш бўйича учта асосий даражадаги дастурларни қабул қилиб тасдиқлашган.

Биринчи даражали дастур мажбурий сертификатлаштирилган маҳсулот учун тайёрланган бўлиб, буларнинг истеъмолчи учун соғлиққа зиён келтирилиши мумкин бўлган ҳолларда ишлатилиши мумкин. Бу сертификатлаштириш дастури авиатехникада, кемасозликда, автомобилсозликда, контейнерларда ва трубопроводлардаги фаолиятлар киради.

Иккинчи даражали дастур бу Давлат мудофаа департаментлари, транспорт, савдо-сотиқ, электрофикация орқали маҳсулотни сертификатлаштириш кўзда тутилади.

Учинчи даражали дастур маҳсулот сифати, нархи ва унинг келиб чиқиш жараёнлари кўзда тутилади.

Бу сертификатлаштириш дастурлари ихтиёрий равишда ишлатилади.

АҚШда алоҳида Қонун асосида белгиланган сертификатлаштириш миллий бошқармаси мавжуд эмас. Америка миллий стандарт технологиялар институти (НИСТ) қошида сертификатлаштириш комитети иш олиб боради ва сертификатлаштириш қоидаларини ишлаб чиқади, унинг реестрини олиб боради ва мувофиқликни тасдиқлаш фаолияти билан шуғулланади, ҳамда шу билан бирга сертификатлаштириш идораларининг фаолиятини назорат қилиш фаолияти билан шуғулланади.

Сертификатлаштиришнинг меъёрий базаси бўлмиш стандартларни қуйидаги ташкилотлар ишлаб чиқишади:



Америка материалларни синаш бўйича жамияти (ASTM)
– кенг қўламдаги истеъмол товарлари учун;



Электр қурилмаларини тайёрлаш миллий ассоциацияси (NEMA) – электр қурилмалари ва электр техникалари учун;



Қўп эҳтиёждаги товарларнинг хавфсизлиги бўйича Кенгаш (CPSC) – қўп эҳтиёждаги товарлар учун;



Атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича Федерал агентлиги (EPA) – ички ёнув двигателлари, ер ости, сув ва ҳаво транспортлари ва ҳоказо турли хил ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш учун;



Технология ва стандартлар миллий институти (NIST) – мажбурий стандартларни ишлаб чиқувчи стандартлаштириш бўйича ҳукумат идораси.

3.2.2. Англия сертификатлаштириш фаолияти



Англияда сертификатлаштириш буюмларни Британия стандартлари институтида келтирилган мувофиқлик белгиси ва Британия стандартлари талабларига мувофиқлигини тасдиклаш билан амалга оширилади.

Маълумки, Ушбу институт томонидан қатор стандартлар ишла чиқилган ва жорий қилинган. Бу стандартлар билан кейинчалик, ўқув қўлланманинг сифат тизими бўлимларида танишамиз.

3.2.3. Франция сертификатлаштириш фаолияти

Францияда илк бора 1938 йил сертификатлаштириш ҳақидаги қонун қабул қилинган. Бу қонун миллий стандарт белгиси NF, ҳозиргача ўзгартириш киритилган ҳолда ишлатилмоқда. AFNOR зиммасига 1941 йилда қабул қилинган декрет асосида NF белгиси мақомига эгаллиги ва мамлакатда сертификатлаштириш фаолияти тизими юклатилган.

Францияда NF белгиси миллий стандартларга мос энг биринчи сертификатлаштириш мувофиқлик белгисидир. Ушбу белги шаҳарда ва чет давлатларда кенг тарқалган ва қўлланилаб келинмоқда.

Масъулиятсиз босилган ҳар бир қадам жазога тортилиши мумкин, бу чоралар оддий огоҳлантиришдан бошланиб юқоридаги белгини қўлланишига берилган лицензиясидан маҳрум қилинишгача бориб етади. AFNOR ташкилоти ҳар бир нотўғри берилган реклама, товламачилик, белгини нотўғри ишлатилганида ҳам ишлаб чиқарувчиларни ёки сотувчиларни қонуний жазога тортиши мумкин. AFNOR ташкилотининг сертификатлаштириш тизими учинчи томон сифатида фаолият кўрсатади, ҳамда корхона сифат тизимини ва маҳсулот намунасини синаш фаолиятини олиб боради.

AFNOR *Стандартлаштириш бўйича Француз ассоциацияси (AFNOR)* – сертификатлаштириш бўйича ишларини ва фаолиятни амалга оширади.

Сертификатлаштиришнинг ташкилий тузулиши ва тармоқ стандартлаштириш тизими билан миллий стандартлар талабларига мувофиқ режа асосида доимий ўзаро фаолият олиб бориб янги стандарт ва меъёрларни ишлаб чиқади.

AFNOR, сертификатлаштириш фаолиятини давлат идораси сифатида ва қуйидаги тармоқлар микёсида бошқаради: *Француз ташқи савдо маркази (CNCE), Техник регламентлар ва меъёрлар тўғрисидаги маълумотлар маркази (CINR), Электротехника Кенгаши (UTE).*

3.2.4. Германияда сертификатлаштириш фаолияти

Германияда сертификатлаштиришнинг асоси бўлиб Федерал ҳокимият миқёсида қабул қилинган қонунлар хизмат кўрсатади. Булар ўз ичига соғлиқни ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлигини,

иқтисодиёт ресурсларини, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга йўналтирилган қонунларни қамраб олади. Бу қонунларга асосан 1968 йилда қабул қилинган «Жиҳозларнинг хавфсизлигини таъминлаш» қонуни киритилиб, бу қонуннинг асоси бўлиб табиатни муҳофаза қилиш қонунлари хизмат қилган.

Ишлаб чиқарувчи ёки четдан маҳсулот олиб кирувчининг маҳсулоти техник назоратдан ва федерал ҳокимият тарафидан текширилган бўлса, у текширилганлик «хавфсизлик белгиси»ни қўйиши мумкин бўлган. Сертификатлаштириш бўйича Германияда фаолият олиб борадиган асосий етти тизим мавжуд бўлиб, уларнинг доирасида 400 дан ортиқ бошқармалар иш юритадилар. Маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича энг фаол иш олиб боровчи ташкилот сифатида DIN стандартларига мувофиқлигини текшириш бўйича иш олиб борадиган Германия институти (DIN) бўлиб ҳисобланади. Маҳсулотлар ушбу институт тизимидаги сертификатлаштириш ташкилотидан ўтгандан сўнг унга DIN белгиси қўйилишига рухсат берилади, бу белги газ, сув аппаратларидан ташқари барча маҳсулотларга ишлатилади.

Электр тармоқларини сертификатлаштириш Германия электротехниклар кенгаши (VDE) орқали бажарилади. Илмий текшириш институтларида ва синов лабораторияларида маҳсулотни назорат қилиш ишлари олиб борилади.

Германияда умуммиллий сертификатлаштириш тизимига қуйидаги тизимлар киради:

А – регламентларга мувофиқ сертификатлаштириш тизими;



A1 - DIN стандартларига мувофиқ сертификатлаштириш тизими барча турдаги маҳсулотларни/буюмларни/ қамрам олиб, DIN стандартида ўрнатилган талабларига мувофиқлигига солиштирилади. Уга Германия стандартлаштириш институти раҳбарлик қилади. DIN стандарти талабларига мувофиқ буюмлар DIN GEPRUFT белгиси билан тамғаланиди;



A2 - VDE сертификатлаштириш тизими. Бу тизим (VDE) электротехниклар Кенгаши бўлиб, Синов ва сертификатлаштириш институтини (PZI) қўллаб қўвватлайди ва буюмлар VDE белгиси билан қўйилади;



A3 - DVGW сертификатлаштириш тизими. Бу сертификатлаштириш тизими газ ва сув таъминоти бўйича фирма Ассоциацияларидир. Германиянинг бозорларига етказилиб берилаётган барча газ қурилмалари DVGW мувофиқлик белгиси бўлиши лозим;



В – Германия сифат кафолати ва RAL тамғалаш институти сертификатлаштириш тизими. Бу тизимнинг қўлланиш соҳаси қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материаллари учун ишлатилади ва RAL сертификатлаштирилган маҳсулотларга мувофиқлик белгиси қўйилади;



С - GS белгиси билан сертификатлаштириш тизими, Асбоб-ускуналар хавфсизлиги тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ буюмлар сертификатланади;

D – қурилиш консрукцияларини федерал меъёрларига мувофиқлигини назорати учун тизим;

E – эталон ва ўлчаш воситаларини сертификатлаштириш тизими. Метрология соҳасида Федерал идора бўлиб Федерал физика-техника институти ҳисобланади;

F – Германия саноат қонунчилигининг 24 бўлимига мувофиқ сертификатлаштириш тизими. Бу тизим буг козонлар, юқори босимли идишлар, ёнувчи суюқликларни ташиш, портлашдан ҳимояланган электр қурилмалари ва кўтариш қурилмаларини сертификатлаштириш билан шуғулланади.



Сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича жамият (DQS). Германияда сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича Амалий ишларни олиб боради.

Сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича DQS жамияти фаолият олиб бориб, у фирма ва компанияларнинг мажбурий бўлмаган ҳолда яъни ихтиёрий равишда мурожаатларини қабул қилади. Бундан ташқари RW TUV ва бир неча халқаро миқёсда танилган Германия компаниялари ҳам сертификатлаштириш ишлари билан шуғулланишади.

3.2.5. Япония сертификатлаштириш тизими фаолияти

Японияда асосан ихтиёрий сертификатлаштириш ишлари мавжуд бўлиб, ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, рақобат туфайли мажбурий сертификатлаштиришга айланган. Маҳсулотларни ихтиёрий сертификатлаштириш билан бирга уларнинг турли текширувлари ҳам олиб борилади. Маҳсулот ёки хизматларни сертификатлаштириш бўйича 25 дан ортиқ қонунлар мавжуд бўлиб, буларнинг баъзилари фақатгина маҳсулотларни текширувларини олиб бориш фаолиятига қаратилган.

Стандартларга мувофиқлигини кафолатловчи, ҳамда сертификатлаштириш масалалари бўйича энг таниқли ташкилотлардан бири Япония саноат стандартлари комитети (JISC) бўлиб, у томонидан ишлаб чиқилган стандартлар қатор вазирликлар томонидан (кишлоқ хўжалик, ташқи савдо ва саноат, ўрмончилик, балиқчилик, қурилиш, алоқа хизмати ва маорифларда) қабул қилинган. Озиқ-овқат, кишлоқ хўжалик ва ўрмончилик маҳсулотлари учун JAS стандартлари талаблари асосида сертификатлаштиришда ишлари олиб борилади. Японияда кишлоқ хўжалик ассоциацияси томонидан ҳам стандартлар ишлаб чиқилиб, у кишлоқ хўжалик ва ўрмончилик маҳсулотларини стандартлаштириш ва таъғалашга мўлжалланган.

Балиқчилик ва ўрмончилик хўжаликларида назоратни ушбу вазирлик томонидан рўйхатга олинган мустақил ташкилот олиб боради.

Маҳсулотларга қўйилган VCCI белгиси маҳсулотнинг электромагнит

мослашувчанлигини билдиради. Ушбу белгини олиш ва уни маҳсулотлар ёрлиғига қўллаш ихтиёрий саналади.

SG – белгиси 50 дан ортиқ турдаги маҳсулот ва товарлар учун қўлланилиши мумкин бўлиб, бу белги уларнинг хавфсизлиги ҳақидаги кафолат белгиси ҳисобланади, T – белгиси мамлакат ички бозор савдоси ва саноат вазирлиги томонидан белгиланган бўлиб, импорт маҳсулотлар яъни электротехника маҳсулотларининг хавфсизлиги белгисини билдиради.



Японияда учта шаклдаги сертификатлаштириш амал қилинади: мажбурий сертификатлаштириш, қонуний талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш, миллий стандартларга мувофиқ ихтиёрий сертификатлаштириш. Мажбурий сертификатлаштиришни ҳукумат тасарруфидаги идоралар ва ихтиёрий сертификатлаштиришни хусусий идоралар шуғулланишади.

Япония қонунларида турли хил маҳсулотлар ва турли тоифадаги тавсифлари ҳамда хавфсизликларини белгиланади.

3.2.6. Хитой сертификатлаштириш тизими

Хитой Халқ Республикаси (ХХР)да стандартлаштириш фаолияти давлат қонунлари ва қарорлари орқали бошқарилади ва такомиллаштирилади, бу қонун ва қарорлар Хитой халқ вакиллар йиғилишида (ХХВЙ) ёки Хитой юқори ташкилотлар идоралари ҳуқуқ доирасида қабул қилинадиган фармойиш ва буйруқлар асосида бажарилади. Метрология, стандартлаштириш, маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш, экспорт ва импорт маҳсулотлари бўйича қабул қилинган қонунларда ўз аксини топган. 1991 йил май ойида Хитой Халқ Республикасида (ХХР) сертификатлаштириш, маҳсулотларни сифатини аниқлаш бўйича қоидалар ишлаб чиқилган. Маҳсулотнинг сифатини аниқловчи энг асосий ташкилотлардан бири Давлат техник назорат бюроси (ДТНБ) ва Давлат импорт-экспорт товарларининг бошқармаси (ДИЭТБ) экспортга чиқариладиган ва импорт бўйича олиб кириладиган маҳсулотларни сертификатлаштиришни назорат қилади.

Хитойда миллий стандартларга амал қилиш, соғлиқни сақлашдаги талаблар, экология ва инсонларни муҳофаза этиш талаблари мажбурийдир.

Қолган стандартлар фақатгина қўлланишга тавсия этилиб, аммо сертификатлаштириш тизими талабларига кўра импорт бўйича мамлакатга маҳсулотларни олиб келувчи шахсларда сифат сертификати бўлиши шартлиги белгиланган. Бу ҳолларда маҳсулот текширувдан ўтгандан сўнг талабларга жавоб берганлиги тасдиқланса унга сертификат берилади.

Хитойда импорт ва экспорт маҳсулотлар учун қуйидаги белгилар мавжуд:

- Соғлиқ учун хавфли эмас белгиси – CCIB унинг ранги ҳаво рангда бўлиб, H индекси билан белгиланган бўлса «соғлиқ» белгиси сифатида қабул қилинади.

- Хавфсизлик белгиси - ССІВ ҳарфлари сарик ранг бўлиб, S индекси билан белгиланган бўлса «хавфсиз» деб қабул қилинади.

- Сифат белгиси - ССІВ ҳарфлари қизил рангли бўлиб, Q индекси билан белгиланган бўлса «сифат» ли деб қабул қилинади.

Юқорида айтиб ўтган белгиларимизни ишлатишга рухсат, маҳсулот ўрнатилган тартибда текширувдан ўтгандан сўнг берилади.

3.2.7. Россия Федерациясида сертификатлаштириш миллий тизимини яратилиши

Россия давлат стандартининг сертификатлаштириш ва аккредитлаш тизимларини ташкил этиш бўйича Бутунроссия стандартлаштириш илмий тадқиқот институти (Всероссийский научно-исследовательский институт стандартизации - ВНИИС) бош ташкилот бўлиб ҳисобланади.

ВНИИС дунёдаги сертификатлаштириш соҳасидаги илғор тажрибаларни мужассамлаштириб, Россияни дунё бозорида маҳсулот савдо сотиғи бўйича тенг ҳуқуқ билан қатнашишига асос солмоқда.

Институт Россия давлат стандарти (Росдавстандарт) ташкилотининг аккредитлаш соҳаси бўйича ваколатли ташкилоти ҳисобланиб, шунга асосланган ҳолда у аккредитланган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг устидан назоратни ҳам амалга оширади.

Бу ташкилот томонидан корхоналарни сертификатлаштириш соҳасига тааллуқли етарли ахборот ва услубий материаллар билан таъминлаш, малака ошириш мақсадида саноат ходимлари учун махсус ўқув курслари ташкил қилиниб, шу билан бирга уларга бу соҳалар бўйича турли маслаҳат хизматлари кўрсатилмоқда.

Россияда сертификатлаштириш тизими "ГОСТ" сертификатлаштириш тизими" деб юритилади. Бу очик тизим бўлиб, ҳар бир ташкилот ёки корхона, агар унинг қоидалари билан рози бўлса ва уларга амал қилса, унга қира олиши мумкин.

"ГОСТ" тизимига асос қилиб, ИСО ва МЭКларнинг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек EN 45000 серияли Европа норма (стандарт)лари олинган. Тизимнинг асосий қонун-қоидалари, тузилиши ва тартиблари 1991 йилда давлат стандартлари томонидан белгиланган.

Россияда сертификатлаштиришни махсус аккредитланган Идоралар, синов лабораториялари амалга оширади.

Сертификатлаштиришни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар мурожаат қилган томон ҳисобидан бўлади.

Ҳаражатларни тўлаш йўли ҳар хил бўлиши мумкин: сертификатлаштириш хизмати учун бир йўла тўлаш орқали, ҳамда сертификатлаштирилувчи маҳсулот (сифат тизимлари)ни назорати учун вақти-вақти билан ёки мувофиклик белгисидан фойдаланганлиги учун тўлаш орқали.

Етакчи мамлакатларнинг амалий тажрибаларини қўллаган ҳолда, қуйидаги хизматлар учун бир йўла ҳақ тўлаш қабул қилинган:

- талабномалар ва бошқа сертификатлаштириш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни экспертизалари учун;
- маҳсулот синовларини ўтказиш учун;
- сифат тизимларини баҳолаш ва (ёки) сертификатлаштирилувчи маҳсулот чиқарадиган корхонани аттестатлаш учун;
- мувофиқлик сертификатини бериш ҳақидаги қарор қабул қилинганлиги, уни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш учун.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини (МДХ) ташкил қилиниши муносабати билан собиқ Иттифокдаги стандартларнинг ишлатишни чегаралаш муддатлари 1992 йилдан бекор қилинишига келишилган. Шу мақсадда илгариги баъзи стандартлар ҳозирда ҳам ўз кучларини йўқотгани йўқ.

Россия давлат стандарти қумитаси ва ВНИИС кўпгина, дунёда обрўли, сертификатлаштириш бўйича тан олинган мамлакатлар тизимлари билан алоқаларни яхшилаш йўлида иш олиб бормоқдалар. Улар бу соҳадаги ишларини ривожлантириш билан бир қаторда, мамлакатдаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сертификатлаштирилишини бошқа мамлакатларда тан олишлигига ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда ВНИИС сифат тизимларини сертификатлаштириш бўйича жуда кўп чет эл давлат ташкилотлари ва халқаро даражада тан олинган ташкилотлар билан ўзаро алоқада ишлаш бўйича битимлари мавжуд.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида бир-бирининг иш натижаларини тан олиш мақсадида Буюк Британия, Франция, Швецария, Канада ва бошқа мамлакатлар билан ҳам икки томонлама келишув имзоланган бўлиб, бунга кўра қуйидагилар кўзда тутилган:

- сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторлар тайёрловчи ягона мактаб яратиш;
- сертификатлаштириш мақсадида ўтказиладиган баҳолаш аудитларида биргаликда текширув ўтказиш;
- сифат тизимларини сертификатлаштириш идорасининг "сифат тизимларини сертификатлаштиришда жавобгар бўлган сертификатлаштириш идоралари учун умумий мезонлар" ИСОМЭК 65 рақамли меъёрий ҳужжатга мувофиқ алоҳида ташкилотни тузиш бўйича иш бошлаш.

Бундан ташқари метрология, стандартлаштириш, аккредитлаш масалалари ва бу соҳа учун мутахассислар тайёрлаш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар ҳам шу келишувларда кўзда тутилган.

Юқоридаги қайд қилинган учта масалалардан бугунги кунда иккитаси тўлиқ амалга жорий қилинган.

Бу келишувлар доирасида мунтазам равишда эксперт-аудиторларни тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда, ҳамкорликда тайёрланган сертификатлаштириш бўйича мутахассисларнинг ҳаммаси ўқиш якунига қараб Росдавстандарт қарори билан эксперт-аудитор сифатида рўйхатга олинди.

Россияда сертификатлаштириш миллий тизимининг вужудга келишини турли тизимлар мажмуи холида ёки аниқ маҳсулот бўйича сертификатлаштиришда ёхуд мажбурий ва ихтиёрий тус олган синовларнинг турлари бўйича ифодалаш мумкин.

Ҳозирги вақтда "Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимояси ҳақида" Қонунига биноан ҳавфсизлик ва экологик параметрлар бўйича маҳсулотнинг сертификатлаштириш тизимлари янада такомиллаштирилмоқда.

Россия Федерациясида сертификатлаштириш тизимлари тўртта даражадаги идоралардан иборат.

Биринчи даражадаги идорага Россия Федерациясининг сертификатлаштириш миллий идораси киради. У Росдавстандарт бўлиб, сертификатлаштириш бўйича республикада ташкилий ишларни бошқаради ва халқаро ҳамкорликни таъминлайди. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- маҳсулот (хизмат)нинг сертификатлаштирилишини Россия ҳудудида ўтказишнинг умумий қонун-қоидаларини белгилаш;

- халқаро ва минтақавий сертификатлаштириш тизимларига қўшилиш ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- лозим топилган ҳолларда Россия Федерациясининг ташки мамлакатлар билан ўзаро муносабатларида ва халқаро ташкилотларда ваколатхонасига эга бўлиш.

Иккинчи даражадаги идоралар - булар қонунда кўрсатилган бўлади ёки ҳукумат Қарорлари билан давлат ташкилотларига юклатилади ва бунини марказий сертификатлаштириш тизимларининг идоралари деб аталади.

Учинчи даражадаги идораларга аниқ маҳсулотни сертификатлаштириш идоралари киради. Булар аккредитланиш доирасига қараб сертификатлаштирилиши ўтказувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардир.

Тўртинчи даражадаги идораларга аккредитланган синов лабораториялари киради. Аккредитланиши доирасига қараб, аниқ синовлар ёки уларнинг аниқ хилларини қонуний равишда амалга оширади.

Маҳсулотнинг сертификатлаштирилиши натижасида сўровчига сертификат, ҳамда лицензия келишувига асосан аниқ намуна учун мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқи берилади.

Сертификатлаштириш соҳасидаги ҳамма ишлар келишилган ҳолда манфаатдор бўлган томонларга етказилиши шарт. Фақат тижорат сирларини ташкил этувчи хабарлар бундан мустасно ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Халқаро, ҳудудий ва миллий сертификатлаштириш фаолиятлари қандай фарқланади?

2. Сертификатлаштириш бўйича қандай халқаро ташкилотларни биласиз?

3. Қандай хорижий сертификатлаштириш тизимларини биласиз?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: У'збекистон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

3. Сергеев А.Г., Латышев М.В. Сертификация. Москва, ЛОГОС-2000 г. 246 с.

4-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИ

Режа:

4.1. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими

4.2. Сертификатлаштиришни ўтказиш босқичлари

4.3. Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби

4.1. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими

Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш тизимининг қуйидаги сертификатлаштириш турлари амалга оширилади:

- Мажбурий сертификатлаштириш;
- Ихтиёрий сертификатлаштириш;

Мажбурий сертификатлаштиришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган махсус рўйхатга киритилган, ишлаб чиқариладиган, олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган, сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар киради.

Юқоридаги рўйхатга, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкнинг хавфсизлигини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ўзароалмашинувчанлик ва мослашувчанликни таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатларда талаблари белгиланган, маҳсулотлар ёки хизматлар киритилади. Бу рўйхатдан ташқари Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган Қонунларга асосан, Президент фармонларига асосан маълум хизматлар ва маҳсулотлар учун ҳам худди шундай талаблар қўйилиши мумкин.

Ихтиёрий сертификатлаштиришга Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, ҳамда ҳукумат қарорларига асосан рўйхатга киритилмаган хизматлар ёки маҳсулотлар кириши мумкин, бу вақтда ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи ёки истеъмолчилар (кейинчалик -

сўровчи) ташаббуси билан ихтиёрий тартибда сертификатлаштириш ўтказилади.

4.2. Сертификатлаштиришни ўтказиш босқичлари

Миллий сертификатлаш тизими доирасида сертификатлаштириш ишлари сўровчи томонидан танланган сертификатлаштириш схемаси бўйича аниқланган тизим доирасида олиб борилади. Сертификатлаштириш тартиби ва унинг ўрнатилган қоидалари мавжуд бўлиб, сертификатлаштиришнинг асосий босқичлари сертификатлаштириш объекти ва турларига боғлиқ бўлмаган ўзгармас жараён деб ҳисоблаш мумкин. Одатда қабул қилинган ва сертификатлаштириш жараёнининг умумий схемаси 2-расмда келтирилган. Буни қуйидаги бешта асосий босқичга бўлишимиз мумкин:

1. Сертификатлаштиришга ариза.
2. Сертификатлаштириш бўйича қарор қабул қилиш.
3. Сертификатлаштириш объектини мувафиқлигини ўрнатилган талаблар билан баҳолаш
4. Мувофиқликни баҳолаш натижаларини таҳлили ва уни расмийлаштириш.
5. Сертификатлаштириш объекти устидан инспекция назорат.


олишнинг чекланган нормаларини белгилаш;


– аккредитация қилинган идоралар ва лабораториялар ўртасида синовларнинг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида синовлар турларини белгилаш;

– ўзларига қарашли аккредитация қилинган лабораторияларда маҳсулотларни синовдан ўтказиш хизматларига тарифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида (унинг ҳудудий бўлинмаларида) олдиндан декларация қилиш.

Мувофиқлик сертификатлари мавжудлигини текшириш фақат мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотларга нисбатан конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

"Ўзстандарт" агентлигида "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг ҳамда Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг ҳар бир турини уларда сертификатлаштиришнинг тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланган хавфсизлик кўрсаткичлари кўрсатилган Қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказди ва мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотларнинг номенклатура рўйхати, уларнинг сифатини ва хавфсизлигини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни кўрсатган ҳолда, нашр этилишини ҳамда божхона, солиқ ва аккредитация қилинган идораларга жўнатади. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботи схемаси 3-расмда келтирилган.





3-расм. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботи схемаси

Расмдаги изоҳлар:

1. Ариза берувчи зарур ҳолларда гигиеник хулоса олиш учун ҳудудий санитария назорати органига зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза беради.

Ҳудудий давлат санитария назорати органи белгиланган тартибда жойига борган ҳолда лаборатория синовлари ўтказиш учун маҳсулотлардан намуна олади ва объектни текширади.

1а. Чорва маҳсулотлари учун ҳудудий санитария назорати органи ариза берувчидан ҳужжатлар олинган кундан кейинги кечикмасдан туман (шаҳар) ветеринария хизмати органига буюртманома жўнатади.

1б. Ветеринария хизмати органи уч кун муддатда ҳудудий санитария назорати органига ветеринария хулосасини ёки хулоса беришни рад этишга сабаб бўлган аниқ қонун ҳужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма жавоб юборади.

Ветеринария хизмати органи 20 кунгача изоляциялаш-чеклаш (карантин) чораларини белгилаш ҳуқуқига эга. Бунда ветеринария хулосасини бериш тартиботи карантин муддати тугагунга қадар тўхтатиб турилади.

1в. Ўсимлик маҳсулотлари учун ҳудудий санитария органи ариза берувчидан ҳужжатлар олинган вақтнинг кейинги кунидан кечикмасдан туман (шаҳар) ўсимликлар карантини давлат хизмати органига буюртманома жўнатади.

1г. Ўсимликлар карантини давлат хизмати органи икки кун муддатда фитосанитария хулосаси ёки салбий хулоса беради.

2. Лаборатория синовлари, шунингдек ветеринария ҳамда фитосанитария хулосаларидан ижобий натижа олинганда, ҳудудий санитария назорати органи ариза берувчига гигиеник хулоса беради.

3,4. Ариза берувчи ўз хоҳишига кўра, ташкилот ва ишлаб чиқарадиган маҳсулоти штрихли кодда фойдаланиладиган товар кодини олиш учун "GS1 Uzbekistan" ("EAN Uzbekistan") га мурожаат қилиши мумкин.

5. Ариза берувчи мувофиқлик сертификати олиш учун сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган идорага зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади. (Ариза гигиеник хулоса олиш учун бериладиган ариза билан бир вақтда берилиши мумкин).

6. Сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган идора 15 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда мувофиқлик сертификати ёки аниқ қонун ҳужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма рад жавобини беради.

4.3.1. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби умумий қоидалари

Юқоридаги Қарорда маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг умумий тартиби белгиланган. Ушбу Қарор асосида ишлаб чиқилган сертификатлаштириш тартиби, муддатлари ва кетма-кетлиги белгиланган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари» ишлаб чиқилиб, 2005 йил 18 мартда Адлия Вазирлигида N 1458-сонли ҳужжат сифатида кучга киритилган.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида сертификатлаштиришнинг тегишли қоидалари сифатида рўйхатдан ўтказилган.

«Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари»да кўрсатилганидек сертификатлаштирилган маҳсулотларга қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритилиши давомида илгари текширилган хавфсизлик бўйича маҳсулот тавсифига салбий таъсир этмайдиган бўлса, янги чиқарилаётган маҳсулотга қўшимча сертификатлаштириш ўтказилиши талаб этилмайди. Маҳсулот сертификатлаштирилиши учун талаб этиладиган хавфсизлик мажбурий тавсифлари стандартлаштириш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланади.

Ушбу қоидадаги талаблар маҳсулот ёки хизматларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш давомида тадбиқ этилиши мумкин.

Юқорида келтирилган қарор ва қоидага асосан мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатидан маълум қисми уларнинг тегишли талабларга мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқланиши мумкин бўлади.

Сертификатлаштиришни амалга ошириш қоидадасига асосан иловага мувофиқ схема бўйича, икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич - бир вақтнинг ўзида, заруриятга кўра, ветеринария ва фитосанитария хулосалари тегишли равишда давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида расмийлаштирилган ҳолда "Ўзстандарт" агентлиги томонидан аккредитация қилинган давлат санитария назорати органларида гигиеник сертификат

расмийлаштирилишини ўз ичига олади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъекти:

– гигиеник сертификатни расмийлаштириш учун ариза билан биргаликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш идораларига (кейинги ўринларда сертификатлаштириш идоралари деб аталади) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш юзасидан ариза беришга;

– зарурат бўлганда тегишли хулосалар олиш учун ветеринария ва фитосанитария назорати органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

Иккинчи босқич - сертификатлаштириш идоралари томонидан мувофиқлик сертификати беришдаги фаолият.

Бунда аккредитациядан ўтган Идоралар сертификатлаштириш фаолиятига қўшимча равишда, тадбиркорлик субъектларининг ёзма аризасига мувофиқ давлат санитария назорати органларида, давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш давлат органларида сертификатлаштиришни ўтказиш ва барча зарур хулосаларни олиш юзасидан агентлик хизматлари кўрсатишга ҳақлидир.

Бунда намуналар танлаб олиниши, шунингдек улар тўғри танланганлиги ва улар тегишли давлат органларига тақдим этилиши учун сертификатлаш Идоралари жавобгарликни ўз зиммаларига олишга мажбур.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати ишларнинг мураккаблиги даражасига, кўп меҳнат талаб қилиши ва ўзига хослигига қараб, барча зарур ҳужжатлар тақдим қилинган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан 1 ойгача доирада белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлда №318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароригача олдинги хатбошида келтириб ўтилган талаб йўқ эди, бунинг оқибатида сертификатлаштириш ишлари асоссиз равишда чўзилиб, тадбиркорларнинг норозилигига сабаб бўлар эди. Шу билан бирга ушбу Қарор асосида тадбиркорларга сертификатлаштириш жараёнларининг холислигини таъминлаш мақсадида ҳам қатор қулайликлар яратилди.

4.3.2. Гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария хулосаларини расмийлаштириш ва бериш тартиби

Гигиеник, ветеринария, фитосанитария ва экология сертификатлари (хулосалар) маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш босқичларидан бошланғичи бўлиб, маҳсулотларга меъёрий ҳужжатларда тегишли равишда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик меъёр ва талаблар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Гигиеник сертификатни олиш учун ариза берувчи давлат санитария назоратининг ҳудудий органига ариза билан мурожаат қилади.

Юкорида келтирилган Қарор талаблари асосан сертификатлаштиришга ариза берилганда ишлаб чиқариладиган, сертификатлашга тақдим қилинаётган маҳсулотга меъёрий ҳужжатнинг нусхаси илова қилиниши керак (Давлатлараро стандарт - ДС, Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти - OzDSt, Техник шартлар - TSh; ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари учун - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган технологик йўриқнома ва рецепттура).

Четдан олиб келинаётган сертификатлаштирилиши мажбурий булган маҳсулотларга гигиеник сертификат олиш учун қўшимча равишда:

- божхона ҳудудига келганлик тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда товарга илова қилинадиган ҳужжатларнинг (товар-транспорт юк хати, инвойс, счё-т-фактура) нусхалари;

- маҳсулотни ишлаб чиқарган давлатга тегишлилик тўғрисидаги сертификати (товарнинг келиб чиқиши тўғрисида ишончли ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда) нусхалари тақдим этилади.

Илгари сертификатланмаган (синалмаган) махсус қўлланиладиган биологик актив моддалар ёки озиқ-овқат хом-ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларининг озиқ-овқат қўшимчалари қўллаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёки маҳсулотларни четдан келтиришда давлат санитария назоратининг ҳудудий органи тегишли рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсатнома бериш 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Лаборатория синовларини ўтказиш харажатларини қоплаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилиши белгиланган.

Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин давлат санитария назоратининг ҳудудий органи томонидан белгиланган тартибда жойнинг ўзига бориб лаборатория синовлари ўтказиш ва ишлаб чиқариш объектини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари танлаб олинади. Маҳсулотларни гигиеник кўрсаткичларни аниқлаш учун синаш Миллий аккредитация тизимида аккредитациядан ўтган давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари лабораториялари томонидан амалга оширилади.

Агар маҳсулот келиб чиқишига кўра ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсига тегишли бўлган тақдирда, давлат санитария назоратининг ҳудудий органи ариза берувчидан ҳужжатлар олинган санадан кейинги кундан кечикмай ветеринария ёки фитосанитария хулосаси бериш бўйича ваколатли органларга мурожаат қилади.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси давлат ветеринария назоратининг туман (шаҳар) органлари ёки ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари томонидан берилади.

Давлат ветеринария назорати органи 20 кунгача бўлган муддат билан белгиланган тартибда ажратиб қўйиш-чеклаш тадбирлари (карантин) белгилаши мумкин. Бунда ветеринария хулосаси бериш тартиботи карантин муддати тамом бўлгунга қадар тўхтатиб турилади.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси тайёрлаш ва бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси берилганлиги учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақиға тенг суммада тўлов ундирилади.

Ветеринария ва фитосанитария хулосалари олиниши ҳисобга олинган ҳолда гигиеник сертификатни расмийлаштириш ва бериш муддати 14 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Маҳсулотларни синашнинг аниқ муддати синовларнинг тегишли усуллари учун меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади.

Гигиеник сертификат бериш ишларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари томонидан белгиланадиган ва Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

Ветеринария ва фитосанитария хулосалари бериш бўйича ваколатли органларнинг хизматларига ариза берувчи томонидан ҳақ тўлаш давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари орқали ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга гигиеник сертификат 3 йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши шарт, четдан келтириладиган маҳсулот учун эса маҳсулотнинг яроқлилиқ даврига берилади.

Гигиеник сертификат ариза берувчига давлат санитария назоратининг ҳудудий органи раҳбарининг имзоси билан берилади ва муҳри билан тасдиқланади, ҳужжатга утказилган синовлар баённомаси нусхалари илова қилинади.

Агар гигиеник сертификатлаштириш билан бир вақтда маҳсулотнинг фитосанитария ёки ветеринария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги синовдан ўтказилган тақдирда, ариза берувчига тегишли хулосалар ҳам берилади.

Лаборатория синовларининг салбий натижалари ҳамда ҳужжатлар тўлиқ туркумда тақдим этилмаслиги гигиеник сертификат бериш рад этилиши учун асос бўлиб ҳисобланади, бу ҳақда давлат санитария назоратининг ҳудудий органи қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига ёзма равишда маълум қилади.

Қарор кучга кирган кундан бошлаб маҳсулотлар синови олиб борилганда аккредитация қилинган лабораториялар томонидан бир-бирини такрорловчи синовлар ўтказилиши таъқиқланади.

Ариза берувчи гигиеник сертификат ёхуд фитосанитария ва

ветеринария хулосалари беришнинг рад этилиши юзасидан белгиланган тартибда уларнинг юқори ташкилотларига шикоят қилиши мумкин.

4.3.3. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш сертификатлаш идоралари томонидан амалга оширилади.

Сертификатлаштириш идорасини танлаш аризачи томонидан мустақил амалга оширилади.

Ариза берувчи исталган вақтда, сертификатлаштириш идоралари эса аризачининг биринчи талаби асосида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) мажбурий тарзда сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот турларининг рўйхати ёки рўйхатдан кўчирма;

б) Идора сертификатлаштириш доирасига тааллуқли бўлган маҳсулотни сертификатлаш қоидалари;

в) сертификатлаштириш бўйича хизматлар нархлари (тарифлари) прејскуранти;

г) давлат ваколатли органида аккредитация қилинганликни тасдиқловчи ҳужжат.

Сертификатлаштириш идораси, кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар нусхаларини тақдим этганда уларнинг нусхаларини тайёрлаш учун кетган харажатларнигина сўровчидан ундиришга ҳақли.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш идорасига ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга меъёрий ҳужжат нусхаси;
- маҳсулотни ёрликлаш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- гигиеник сертификат нусхаси.

Ариза берувчи томонидан айна бир вақтда гигиеник сертификат ва мувофиқлик сертификати олишга ариза берилган тақдирда гигиеник сертификат нусхаси талаб этилмайди.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш учун қуйидагилар тақдим этилади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга меъёрий ҳужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- маҳсулотни ёрликлаш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисида белги қўйилган илова ҳужжат (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура)лар нусхаси.

Ариза назарда тутилган тақдирда, сертификатлаштириш идораси сертификатлаштириш ишларини гигиеник сертификат (ветеринария ва фитосанитария хулосалари) нусхаларини олиш муддатини ҳисобга олган ҳолда кечиктириб бошлаши мумкин.

Бу ҳолда сертификатлаштириш идораси мувофиқлик сертификатини фақат ариза берувчи томонидан ижобий натижаларга эга бўлган ҳужжатларнинг барча зарур нусхалари тақдим этилгандан кейин беришга ҳақлидир.

Сертификатлаштириш идораси ариза берилган кундан бошлаб икки кун муддатда жойига бориб сертификатлаш синовларини ўтказиш учун маҳсулот намуналарини танлаб олади ва идентификация қилади.

Намуналар сони, танлаб олиш тартиби, идентификация қилиш ва сақлаш қоидалари маҳсулотга берилган меъёрий ҳужжатларда белгиланади.

Ариза берувчи ўз маҳсулотининг танлаб олинishiда ва синовларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Намуналарнинг сақланиши, сифати ва синовларининг ишончлилиги учун синов ўтказишга тақдим қилинган лаборатория (марказ) жавобгар ҳисобланади. Синовлар бўйича баённомаларини масъул мутахассислар имзолайди ва лаборатория раҳбари тасдиқлайди.

Ариза берувчи сертификатлаштириш идорасига аккредитация қилинган лабораториялардаги маҳсулот синовлари бўйича қўшимча ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Агар маҳсулотни алоҳида кўрсаткичлари бўйича синовлар турли синов лабораторияларида ўтказилган бўлса, у ҳолда синовларнинг ижобий натижалари билан бирга барча зарур баённомаларнинг мавжудлиги маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигининг ижобий баҳоси ҳисобланади.

Республикага четдан келтириладиган, мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган маҳсулотга меъёрий ҳужжат мавжуд бўлмаганда, сифат ва хавфсизлик бўйича сертификатлаштириш синовлари маҳсулотнинг ана шундай турлари талабларига мувофиқлиги юзасидан амалга оширилади.

Аризачи томонидан четдан олиб келинаётган маҳсулотга зарур меъёрий ҳужжат ёки техник таснифномалар тақдим этилмаган тақдирда, мазкур маҳсулотни сертификатлаш маҳсулотнинг ана шундай турларига ҳужжатлар бўйича ёки гигиеник сертификат асосида, уни идентификация қилган ҳолда амалга оширилади (озик-овқат маҳсулотига ва озиқ-овқатга қўшиладиган қўшимча маҳсулот учун).

Лаборатория синовларининг салбий натижалари, шунингдек ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган комплектини тақдим этиш мувофиқлик сертификати беришни рад этиш учун асос ҳисобланади, бу тўғрида сертификатлаштириш идораси ариза берувчига аниқ қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади.

Хулоса беришни рад этганлик юзасидан ариза берувчи белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Сертификатлаштириш идораси тақдим этилган ҳужжатлар ва синовларнинг ижобий натижалари асосида икки иш куни мобайнида мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради.

Мувофиқлик сертификати четдан олиб келинаётган маҳсулотларга маҳсулот яроқчилигининг кафолатли муддатига, кўплаб ишлаб

чиқариладиган маҳсулот учун эса - 3 йилга берилади.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати бериш учун сертификатлаштириш идораси ариза берувчидан маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш учун шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариладиган объектларни белгиланган тартибда текширади. Текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилади, ундан мувофиқлик сертификати бериш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдаланилади.

Ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар мувофиқлик сертификатида келтирилади.

Текширишни ўтказиш муддати, ишлаб чиқаришнинг шакли ва тоифаларига кўра, синовлар учун намуналар танлаб олинган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан ошмаслиги керак. Текшириш ўтказилганлиги учун тўлов амалда сарфланган вақт бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар калькуляциясига биноан ундирилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаштириш идораси томонидан синовлар натижалари олинган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун мувофиқлик сертификати берган сертификатлаштириш идораси ҳар йили камида бир марта, маҳсулотнинг сертификатлаштиришда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида, сертификатлаштирилган маҳсулотни инспекция назорати текширувини ўтказди.

Инспекция назорати натижалари бўйича мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тасдиқланиши ёки тўхтатиб турилиши ёхуд белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

Лаборатория синовларини ўтказганлик, сертификатни расмийлаштирганлик ва берганлик учун тўлов тартиби, лицензия ажратмалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда "Ўзстандарт" агентлигининг йўриқнома ҳужжатлари асосида белгиланади.

4.3.4. Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш

Сертификатлаштириш идораси эътироф этиш тўғрисида битим тузилган МДХ мамлакатларидан ва узоқ хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган маҳсулотга сертификатларни эътироф этиш ҳуқуқига эга.

Эътироф этиш тартиботи сертификатлаштириш идорасининг бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш тартибда, "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бўлиши керак.

Халқаро тизимлар ва битимлар доирасида амалга ошириладиган сертификатларни эътироф этиш ушбу тизимлар ва битимларда белгиланган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қоидаларга мувофиқ ўтказилади.

Сертификат талабларга мувофиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасида

белгиланган ана шундай талаблардан қолишмайдиган маҳсулот учун эътироф этилади.

Меъёрий ҳужжатларда сертификатлаштириш учун шарт бўлган ёки контрактда белгиланган қўшимча талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот ушбу талабларга мувофиқлик юзасидан синаб қўрилиши керак.

Олинган ҳужжатлар ва материалларни таҳлил қилиш, шунингдек маҳсулотни идентификациялаш асосида сертификатлаштириш идораси чет эл мувофиқлик сертификатини эътироф этиш (этмаслик) тўғрисида қарор қабул қилади.

Экспорт қилувчи мамлакатнинг Миллий сертификатлаштириш тизимига берилган мувофиқлик сертификатини эътироф этиш уни импорт қилувчи мамлакатнинг мувофиқлик сертификатига қайта расмийлаштириш ва Ягона давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

4.3.5. Маҳсулотни штрихли кодлаштириш

Ариза берувчи ўз хоҳишига кўра таснифлаш Европа товар рақамланиши уюшмаси (EAN) ҳозирги вақтда GS1 томонидан кодлаштириш борасида корхонанинг рўйхатдан ўтказиш рақамини ҳамда ишлаб чиқариладиган товарнинг бир кун мобайнида бериладиган рақамли кодини олиш учун "EAN Uzbekistan"га мурожаат қилади.

"Ўзстандарт" агентлиги томонидан, белгиланган тартибга мувофиқ штрихли коднинг оригинал - макети тайёрланади ва берилади.

Код бериш бўйича хизматлар қиймати, шунингдек аъзолик бадаллари миқдори "EAN Uzbekistan" қатнашчилари томонидан белгиланади. Штрихли коднинг оригинал - макетларини тайёрлаш ва бериш қиймати Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларация қилинган тарифлар бўйича белгиланади.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими деганда нимани тушунаси?
2. Сертификатлаштиришни амалга оширишнинг қандай босқичлари мавжуд?
3. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибини биласизми?
4. Мувофиқлик сертификати қандай расмийлаштирилади?
5. Хорижий давлатлар сертификатлари қандай тан олинади?
6. Маҳсулотларни штрихли кодлаш қандай амага оширилади?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №318 –сонли қарори;

4. 2000 йил 26 февралда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №901 –сонли Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ва четга чиқарилаётган товарлар, уларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

5. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари. №59 –сонли 2005 йил 25 февралда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 18 мартда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1458;

6. «Маҳсулот мувофиқлиги талаблари ва унинг хавфсизлиги декларация қилиш тўғрисида»ги низом. №83 –сонли 2005 йил 4 мартда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1465;

7. Сертификатлаштирилган маҳсулот ва хизматлар устидан инспекцион назоратини ўтказиш қоидалари. №24-П сонли «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1464;

5-Мавзу: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАРДА ҚАТНАШУВЧИ ТОМОНЛАР

Режа:

5.1. Сертификатлаштириш бўйича ишларда қатнашувчи корхоналар

5.2. Сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари

5.3. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмаси

5.1. Сертификатлаштириш бўйича ишларда қатнашувчи корхоналар

Ўзбекистон Республикаси Сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз СМТ)да сертификатлаштириш бўйича ишларни қуйидаги ташкилотлар амалга оширади:

– Маҳсулотларни сертификатлаштиришни бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар;

– Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштиришни сифат тизими ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар;

– Ўзбекистон Республикасида аниқ маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган сертификатлаштириш идораси бўлмаган тақдирларда уни сертификатлаштириш масаласини сертификатлаштириш бўйича миллий идора «Ўзстандарт» агентлиги ҳал қилади;

– Сертификатлаштириш синовларини аккредитланган синаш лабораториялари (марказлар) амалга оширилади;

– Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идораларни аккредитлашни сертификатлаштириш миллий идораси (кейинчалик - СМИ) раҳбари тасдиқлаган комиссия О'з DSt 5.2:2001 Ўз СМТ. Сертификатлаштириш идорасига қўйиладиган умумий талаблар стандартига мувофиқ ўтказилади;

– Синаш лабораториялари (марказлари)ни аккредитлашни аккредитлаш бўйича идора О'з DSt 5.3 Ўз СМТ. Синаш лабораториялари (марказлари)ни аккредитлаш. Асосий қоидалари стандарти талабларига мувофиқ ўтказилади.

– Эксперт-аудиторларни аттестатлаш О'з RH 51-014 Ўз СМТ Эксперт-аудиторларга қўйилган талаблар раҳбарий ҳужжатига мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида сертификатлаштиришнинг қуйидаги объектлари мавжуд:

- Маҳсулотлар;
- Жараёнлар;
- Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар;
- Хизматлар;
- Ходимлар.

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида сертификатлаштиришда қуйидаги субъектлари мавжуд:

- Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралари;
- Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш идоралари;
- Синов лабораториялари;
- Эксперт-аудиторлар.

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари О'з DSt 5.0-98 Ўз СМТ. Асосий қоидалар стандартига мувофиқ рўйхатга олинади. Ушбу стандартга асосан Ўз СМТ да қуйидаги Реестрларни юритиш амалга оширилади:

- Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар;

- Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитлаган идоралари;
- Аккредитланган синав лабораториялари (марказлари);
- Аттестатланган эксперт-аудиторлар;
- Сертификатлаштирилган маҳсулотлар;
- Сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар;
- Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг рўйхатга олинган тизимлари.

Ўз СМТ Давлат реестрини юритиш қоидалари О'з РН 51-021 Ўз СМТ. Давлат реестрини олиб бориш тартиби раҳбарий ҳужжатида белгиланган. Сертификатлаштириш бўйича миллий идора давлат реестрининг меъёрларини, шунингдек, сертификатлаштириш бўйича идоралар ва тизимнинг бошқа иштирокчиларидан олинган ахборотларни нашр қилиб борилади.

Сертификатлаштириш, аккредитлаш ва текшириш ўтказиш бўйича ҳаражатларни О'з РН 51-032 Ўз СМТ. Ишлар ҳақини тўлаш тартиби раҳбарий ҳужжатида ўрнатилган тартиб бўйича шартнома орқали сўровчилар тўлашади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмаси

Бугунги кунда ўз истиқлоли йўлида, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қурилиши сари шахдам қадам ташлаб бораётган, мустақил Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида муҳим ва салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга биноан мувофиқлик сертификатлаштиришининг асосий мақсадлари:

- маҳсулот, жараён ва хизматларда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини таъминлаш, ташқи-муҳитни асраш, буюм (товарлар)ни бир хиллиги ва ўзаро алмашинувчанлиги масалалари, ҳамда истеъмолчини ҳимоя қилиш;

- халқаро савдода техникавий тўсиқларни бартараф қилиш, товарлар (буюмлар, жараён ва хизматлар)ни рақобатдошлик қобилиятини оширишдан иборат.

Сертификатлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилиши;

- Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш бўйича миллий идораси;

- бир хил маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича идора;

- бир хил маҳсулотни, сифат тизимини ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралари;

- аккредитланган синов лабораториялари.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан сертификатлаштириш миллий идораси қилиб, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон Давлат маркази – «Ўзстандарт» агентлиги белгиланган.

«Ўзстандарт» агентлигига қарашли турли соҳа ва тармоқларни ўз ичига олган бир хил номдаги бўлимлар ҳам бор. Буларга стандартлар ва маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича давлат назорати ва ўлчаш воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш ва аттестатлаш соҳавий бўлимлари киради.

Стандартлар ва маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича давлат назорати соҳавий бўлимлар: оғир саноат, машинасозлик, енгил саноат, озиқ-овқат, маҳаллий саноат ҳамда агросаноат комплекси доирасида ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўлчаш воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш ва аттестатлаш тармоқ бўлимлари эса массалар, радиотехника, ионли нурланиш, геометрик, механик, электрик, магнитли, босим, сарфланиш, ҳароратли ҳамда физик-кимёвий катталикларни қиёсловдан ўтказади. Ўзстандарт агентлиги таркибидаги асосий бўлимлар 5 расмда келтирилган.

Ўзстандарт агентлигининг илмий-услубий маркази этиб Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти - СМСИТИ тайинланган. Унинг ташкилий тузилиши – 6-расмда келтирилган.

Сертификатлаштириш миллий идораси қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ўз фаолиятини амалга оширмоқда:

- Республикада сертификатлаштиришни қўллаш ва такомиллаштиришнинг умумий сиёсатини ишлаб чиқиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тегишли давлат идоралари билан алоқаларни ўрнатиш;

- сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа мамлакат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан, ўзаро келишилган асосда алоқаларни ўрнатиш, керак бўлса, бу ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қатнашишини таъминлаш;

- сертификатлаштиришда ягона қоида ва иш тартибларини белгилаш, буларга риоя қилишнинг назорати, сертификатлаштириш натижалари бўйича ҳужжатларни ахборотли маълумот билан таъминлаш.

Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажариш йўлида Ўзстандарт агентлиги ўзининг вилоят марказларини (СМСХМ) тузиб, уларнинг ишларига ҳар тарафлама кўмак кўрсатмоқда. 1993 йилнинг 28 декабридан бошлаб "Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида" қонун кучга кириб, бу қонун асосида сертификатлаштириш ва сифатни таъминлаш борасидаги барча ишлар мутлақо янгича рукнда йўлга қўйила бошланди.

Республикадаги синов лабораторияларини аккредитлаш ишлари ҳам жадал қадамлар билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда 256 та лаборатория миллий сертификатлаштириш тизимида аккредитланган бўлиб, бу маҳсулот ишлаб-чиқаришнинг ҳамма соҳаси бўйича етарли даражада синовларни олиб бориш имкониятини беради.

«Ўзстандарт» агентлиги таркибидаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини текширувчи синов лабораторияси аккредитланган лабораториялардан ҳисобланиб, шу кунгача муайян турдаги маҳсулотларга мувофиқлик сертификати бериш учун керакли бўлган синовларни бажармоқда.

Республика ҳудудига келтириладиган ёки ундан четга чиқариладиган товарлар (маҳсулотлар)нинг ҳавфсизлигини тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган амаллар тегишли давлат идоралари билан келишилган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тайёрланган алоҳида ҳужжат бўйича бажарилади.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Туркия ва Хитой давлатлари билан стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳаларида ҳамкорлик қилиш ниятида битим тузилди. Бу йўлдаги ишлар ўз меvasини бермоқда. Туркия мутахассислари Тошкентда бўлиб, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан уюштирилган Республика семинарларида сертификатлаштириш соҳасида маърузалар билан қатнашмоқдалар.


Ўзбекистон Республикаси Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қаторига кирувчи мамлакатлар билан стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳаларида битимлар тузган бўлиб, ўзаро иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни узлуксиз равишда ривожлантириш борасида кенг доирада фаолият юритиб келинмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, савдо-сотиқ ишларида маҳсулотнинг сифати асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулот халқаро ва миллий стандартлаштириш, сертификатлаштиришнинг талабларига мос келиши лозим. Ҳар бир маҳсулот ўз сифатини тасдиқлаш учун сертификатга эга бўлиши керак, демак, маҳсулот сертификатлаштиришни ўтмоқлиги лозим. Қанчалик кўп маҳсулотлар сертификатга эга бўлса, шунчалик корхона, муассаса, ташкилотларнинг иқтисодий ҳолати яхшиланади. Бу эса бир томондан рақобатга бардош берувчи маҳсулотлар сонини кўпайиши бўлса, иккинчи тарафдан халқ фаровонлигини ўсишига олиб келади, демак, мамлакатимизнинг халқаро миқёсда мавқеини оширади. Келажакда Ўзбекистон Республикаси Буюк давлат бўлиши учун етарли даражада иқтисодий имкониятлар яратишда маҳсулот сифати, унинг ҳолисона баҳоланганлиги ва чет элда тан олинishi жуда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмасини қуйидагилар ташкил қилади:

- Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш бўйича миллий идораси («Ўзстандарт» агентлиги);
- Илмий-усулият маркази ва бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича усулият марказлари;
- Бир турдаги маҳсулотларни ва хизматларни, сифат тизимлари ҳамда ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар;
- Аккредитланган синаш лабораториялари (марказлари);

Маҳсулотни сертификатлаштириш тизимининг ташкилий тузилмаси 4-да келтирилган.

4 - PGM. ~~CONFIDENTIAL~~ CONFIDENTIAL INFORMATION CONTAINED HEREIN IS UNCLASSIFIED EXCEPT WHERE SHOWN OTHERWISE.

1. Сертификатлаштиришда қандай корхона ва ташкилотлар иштирок қилган?

3. Сертификатлаштириш субъектлари деганда нималар кўзда тутилади?

4. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими
миллий тузилмасини тушунтириб беринг.

1. Исмагуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Мов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: Иқтисон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р.,

Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

3. 2000 йил 26 февралда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №901 - сонли Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ва четга чиқарилаётган товарлар, уларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

4. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари. №59 –сонли 2005 йил 25 февралда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 18 мартда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1458;

5. «Маҳсулот мувофиқлиги талаблари ва унинг хавфсизлиги декларация қилиш тўғрисида»ги низом. №83 –сонли 2005 йил 4 мартда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1465;

6. Сертификатлаштирилган маҳсулот ва хизматлар устидан инспекцион назоратини ўтказиш қоидалари. №24-П сонли «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1464;

6-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ ИДОРАЛАРИ

Режа:

- 6.1. Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими идоралари
- 6.2. Ўз СМТ илмий-усулият маркази – стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти
- 6.3. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари

6.1. Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими идоралари

6.1.1. Сертификатлаштириш бўйича миллий идора

Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил №93 сонли ва 2004 йил 5 августда № 373-сонли қарори қабул қилинди ва бу қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек халқаро стандартлардан фойдаланиш

асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида ушбу қарорни қабул қилди. Қарорга биноан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги)нинг ташкилий тузилмаси ва марказий бошқарув аппарати белгиланган ва "Ўзстандарт" агентлигининг тузилмаси 5-расмнинг а) ва б) расмларда келтирилган.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги сертификатлаштириш бўйича миллий идора бўлиб ҳисобланади.

Сертификатлаштириш миллий идораси – «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Ўз СМТ нинг ягона қоида ва тадбирларини, уларга риоя этилиши устидан назоратни, сертификатлаштириш натижалари бўйича ҳужжатларни рўйхатга олишни, республика ва хорижий истеъмолчиларни маълумот билан таъминлашни белгилайди;

- Мувофиқлик белгисини ва уни қўллаш қоидаларини белгилайди;

- Ўз СМТ ни мукаммаллаштириш бўйича дастур лойиҳаларини тузади ва уларни Ҳукумат муҳокамасига тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшилиш ҳақида қарор қабул қилади, шунингдек, сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақида битимлар тузади;

- Ўзбекистон Республикасини бошқа давлатлар ва ҳақаро ташкилотлар билан сертификатлаштириш масалалари бўйича ўзаро муносабатларда вакили бўлади;

- Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар ва хизматлар рўйхатини тузади ва олиб боради;

- Республикада сертификатлаштириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради ҳамда уларни ўтказилишининг тўғрилиги устидан инспекцион назоратни амалга оширади;

- Бир турдаги маҳсулотларни, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни, сертификатлаштириш бўйича идораларни ва синаш лабораторияларини (марказларини) аккредитлайди;

- Эксперт-аудиторларни аттестатлайди ва уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

- Ўз СМТ Давлат реестрини олиб боради;

- Маҳсулотларни сертификатлаштириш, сертификатлаш-тириш бўйича идораларни ва синаш лабораторияларини (марказларини) аккредитлаш бўйича ишларга ҳақ тўлаш шакли ва тартибини белгилайди;

- Ўз СМТ қоидаларини бузганлиги учун мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларининг амалини бекор қилади ва тўхтатади, сертификатлаштириш бўйича идораларни ва синаш лабораториялари (марказлари)ни аккредитлангани ҳақида гувоҳномани бекор қилади;

- Сертификатлаштириш ва аккредитлаш натижалари бўйича

апелляцияларни кўриб чиқади;

– Ўз СМТ давлат реестри асосида сертификатлаштириш бўйича маълумотларни чоп этади ва манфаатдор томонларнинг ундан бемалол фойдаланишларини таъминлайди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун СМИ вазифаларини текшириш, илмий-техникавий, жамоат ташкилотларини, истеъмолчилар жамиятларини жалб этиб, юқоридаги вазифаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида СМИ вазифаларини, бу ваколатларни «Ўзстандарт» агентлиги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ҳудудий марказларга (СМСХМ) берганда улар бажариши мумкин.

6.1.2. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари – СМСХМ

Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажариш йўлида ўзстандарт агентлиги ўзининг вилоят марказларини (СМСХМ) тузиб, уларнинг ишларига ҳар тарафлама кўмак кўрсатмоқда. 1993 йилнинг 28 декабридан бошлаб "Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида" қонун кучга кириб, бу қонун асосида сертификатлаштириш ва сифатни таъминлаш борасидаги барча ишлар мутлақо янгича руқнда йўлга қўйила бошланди.

Республикадаги синов лабораторияларини аккредитлаш ишлари ҳам жадал қадамлар билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда 256 та лаборатория миллий сертификатлаштириш тизимида аккредитланган бўлиб, бу маҳсулот ишлаб-чиқаришнинг ҳамма соҳаси бўйича етарли даражада синовларни олиб бориш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш соҳасида Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ва ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (СМБ) фаолият олиб боришади. Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ўз таркибига 17 та ҳудудий марказларни ташкил қилади. Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг намунавий тузилмаси 6-расмда келтирилган.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари – СМСХМ сертификатлаштириш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

– Маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилари (бажарувчилари)га ва етказиб берувчиларга сертификатлаштириш қоидалари ҳақида маълумот берадилар;


– Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш (БМС) доирасида сертификатлаштириш тадбирлари бўйича марказий сертификатлаштириш идоралари (МСИ), бош усулият марказлари (БУМ) билан ўзаро муносабатда бўлади;

– Сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан давлат текширувини (назоратини), ҳамда улар томонидан сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекцион назоратни амалга оширадилар;

– Худудда сертификатлаштирилган маҳсулот реестрини олиб борадилар;

– Сертификатлаштириш бўйича ҳудудий идоралар ва синаш лабораториялари (марказлари)ни аккредитлаш бўйича «Ўзстандарт» агентлигининг топшириғига биноан комиссия тузиш ва уларда иштирок этиш ва уларнинг фаолияти устидан инспекцион назорат қилишни амалга оширишидилар.

Сертификатлаштириш ва текшириш бўйича вазифаларни амалга ошириш учун СМСХМлар умумий асосларда O'z DSt 5.2, O'z DSt 5.3 ва O'z DSt 5.4 стандартларига мувофиқ аккредитланиши керак. СМСХМ аккредитлангандан сўнг синов турлари ва сертификатлаштирилган маҳсулот турлари бўйича аккредитлашнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини олади.



8-ржа. Давлат илмий маркази стандартлаштириш ва метрология (СМСХМ)нинг ташкилий тартиби.

6.2. Ўз СМТ илмий-услубий маркази – стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш институти - СМСИТИ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида асосий илмий-услубий база ҳисобланади. У илгариги собиқ Иттифоқ Госстандарти таркибидаги бош илмий тадқиқот институтига тегишли бўлган функцияларни бажариш билан бир қаторда,

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳалар бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб боради. Шу соҳалардаги белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун у:

- стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифати соҳаларида ҳозирги халқаро талабларга жавоб берадиган миллий илмий база яратади;

- стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифати миллий тизимларини яратишда уларнинг илмий ва услубий асосларини ишлаб чиқади;

- маҳсулотнинг рақобатбардошлик қобилиятини таъминлайдиган, атроф-муҳитни ишончли даражада ҳимоя қилишга, инсон соғлиғини сақлашга, меҳнат ҳавфсизлигини таъминлашга, мудофаа қобилиятини оширишга қаратилган халқаро, меъёрий ва ташкилий-услубий ҳужжатлар билан уйғунлашадиган, асос бўлувчи ҳужжатлар ишлаб чиқади ва жорий этади;

- стандартлаштириш ва метрология соҳаларидаги мавжуд ёки учрайдиган муаммоларни тадқиқот қилиш, давлат тилида меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, луғатлар яратади;

- юқори малакали илмий кадрлар тайёрлайди;

- стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатининг илмий масалалари бўйича халқаро миллий ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;


- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида ишлаётган мутахассисларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

- сертификатлаштириш соҳасида ишлайдиган эксперт-аудиторларни тайёрлайди ва бошқалар.

Институт ташкил қилинганига кўп вақт ўтмаганлигига қарамай шу кунга қадар СМСИТИ Республика ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор ҳужжатларни яратди ва яратмоқда.

Булардан ташқари институтда атамашунослик ва таржималар бўлими ташкил қилинган бўлиб, унда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида ўзбек тилида янги стандартлар яратиш, мавжуд меъёрий ҳужжатларни давлат тилига таржима қилиш йўлида дастлабки фойдали ишларни бошлаб юборилган. Яқинда шу соҳалардаги атама ва таърифлар тўпламининг дастлабкисини тайёрлаб нашрга топширилди. Бу ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, шу соҳалардаги ишларга қўйилган биринчи пойдеворлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизимининг илмий-услубият маркази бўлиб, «Ўзстандарт» агентлиги қошидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти (СМСИТИ) ҳисобланади. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 7-расмда келтирилган.



1-рисунок. Структура Государственного центра стандартизации, метрологии и сертификации Республики Узбекистан.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти – СМСИТИ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Маҳсулотларни сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва юритиш;
- Аккредитлаш бўйича комиссия, маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар, синов ва социологик лабораториялар (марказлар) фаолиятларида инспекцион назоратида иштирок этиш;
- Сертификатлаштириш бўйича мутахассислар ва эксперт-аудиторларни аттестатлаш бўйича комиссияларда иштирок этиш;
- Сертификатлаштириш бўйича мутахассисларни ва эксперт-аудиторларни сертификатлаштириш идораларида, синаш ва социологик лабораториялар (марказлар)да ишлаш учун ўқитиш ва тайёрлаш;
- Ташкилотларга бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини ва сифатини таъминлаш тизимларини ишлаб чиқишда усулиятли ёрдам кўрсатиш;
- Усулиятли тавсифдаги маълумотларни ишлаб чиқиш ва нашр қилиш;
- Юқорида кўрсатилган масалалар бўйича маслаҳатлар бериш каби вазифаларни бажаради.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида илмий тадқиқот ишлари ҳам ўз йўналишига эгадир.

Институт ҳар тарафлама ташкилий, услубий ва моддий-техника таъминоти бўйича мустаҳкамланмоқда, ҳамда бу соҳаларда ишлайдиган тажрибали, билимдон мутахассислар билан тўлдирилиб, келажакда мустақил Республика олдида турган муҳим муаммоларни ечишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади деган умиддамиз.

6.3. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича аккредитлаган идоралар қуйидаги вазифаларни амалга оширишадилар:

- Муайян турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибини ишлаб чиқади;
- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш (БМС) тизимида сертификатлаштирилиши керак бўлган муайян турдаги маҳсулотларни аниқлашда иштирок этиш;
- Муайян турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш ўтказиладиган меъёрий ҳужжатлар фондиди аниқлаш ва юритиш;
- Сертификатлаштиришни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, бериш ва тан олиш;
- Сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг реестрини юритиш;
- Берилган маҳсулотни сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот бериш;
- О'з DSt 51-032 стандартида ўрнатилган тартиб асосида сертификатлаштириш ишларининг меҳнат сарфи ва қийматининг ҳисоб-китоб меъёрларини аниқлаш;
- Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорат ўтказиш.


Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўз СМТ қоидаларини бажараётган ва О'з DSt 5.2 стандарти талабларига жавоб берувчи ташкилотлар сертификатлаштириш бўйича идоралар сифатида аккредитланиши ҳам мумкин.

6.3.1 Аккредитланган синаш лабораториялари

Аккредитланган синаш лабораториялари (марказлари) Ўз СМТда қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишади:

- Маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича синовларни ўтказиш ва синов далолатномаларини бериш;
- Сертификатлаштирилган маҳсулот намуналарини, агар бу сертификатлаштириш тартибида назарда тутилган бўлса, инспекцион (текшириш) синовларини ўтказиш;
- Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштиришда (синовларни ўтказишнинг тўғрилиги борасида) иштирок этиш;
- Синаш лабораториялари (марказлари) сифатида «Ўзстандарт»

агентлиги ва уни ҳудудий идораларининг лабораториялари, илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотларининг синов марказлари, бошқа лабораториялар ва мулкчилик ихтиёрий шаклидаги марказлар аккредитланиши мумкин. Синов лабораториянинг ташкилий тузулмаси 8-расмда «Mahsulot sifati markazi» МЧЖ (мисолида) келитирилган.



6.3.2. Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш идоралари

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишади:

- Сифат тизимларини дастлабки баҳолашини ўтказди ва сертификатлаштиришни ўтказиш учун контрактлар тузадилар;
- ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш усулларини ва сифат тизимларини текшириш дастурларини ишлаб чиқадиладар;
- сифат тизими ёки ишлаб чиқаришнинг аудитини ўтказди;
- сифат тизими ёки ишлаб чиқариш сертификатларини расмийлаштиради, сертификатни беради ва тан оладилар;
- сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекцион назоратни амалга оширадилар;
- сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот берадилар.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича идоралар сифатида «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий идоралари, СМСИТИ, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва бошқа ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобе бўлмаган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа ташкилотлар аккредитланиши мумкин.

6.3.3. Назорат идоралари

Ўз СМТда Назорат идоралари куйидаги асосий вазифаларни амалга оширадилар:

- Сертификатлаштирилган маҳсулот ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат ўтказиш;
- Сертификатлаштириш бўйича идоралари ва синаш лабораториялари (марказлари) устидан назорат ўтказиш;
- Буюртмачиларнинг буюртмаларига мувофиқ объектларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда тўғриловчи тадбирларини назорат қилиш;
- Назорат натижалари бўйича апелляцияларни кўриб чиқиш.

Бундай идоралар сифатида «Ўзстандарт» агентлигининг махсус ваколатига эга бўлган ташкилотлари, бошқаришнинг бошқа давлат идоралари, шунингдек, сертификатлаштириш бўйича идораларнинг бўлимлари ва O'z DSt 5.4 стандартида ўрнатилган талабларга жавоб берувчи бошқа ташкилотлар аккредитланиши мумкин.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида қандай идоралар фаолиятларини биласиз?
2. Сертификатлаштириш фаолиятида илмий-усулият маркази қандай вазифаларни бажаради?
3. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришда иштирок этувчи қандай идораларни биласиз?
4. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий идорасининг вазифаларини биласизми?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -360 б.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №318 –сонли қарори;
4. 2000 йил 26 февралда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №901 - сонли Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ва четга чиқарилаётган товарлар, уларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

5. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари. №59 –сонли 2005 йил 25 февралда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 18 мартда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1458;

6. «Маҳсулот мувофиқлиги талаблари ва унинг хавфсизлиги декларация қилиш тўғрисида»ги низом. №83 –сонли 2005 йил 4 мартда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1465;

7. Сертификатлаштирилган маҳсулот ва хизматлар устидан инспекцион назоратини ўтказиш қоидалари. №24-П сонли «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1464;

7-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АККРЕДИТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Режа:

7.1. Аккредитлаштириш

7.2. Аккредитлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмаси ва вазифалари

7.3. Аккредитациядан ўтказиш ва хабардор қилиш

7.4. Аккредитланган объектларнинг инспекцион назорати

7.1. Аккредитлаштириш

Ўзбекистон Республикасида аккредитлаштириш тизимини ишлаб чиқишдан мақсад маҳаллий маҳсулолар, хизматлар ёки жараёнларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатлар ва бошқа ҳужжатларни халқаро тан олиниши учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Бу шарт-шароитлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро аккредитлаштириш тизими (ILAC, IAF)га қўшилиши ва тан олиш бўйича келишув тузишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тан олиш хорижий аккредитлаштириш тизимлари, бу тизимнинг хилма хил қийматлилигини ҳисобга олган ҳолда аккредитлаштириш миллий тизимига ишонишга асосланган. Бунда синов натижалари мувофиқлиги ва сертификатланган маҳсулот сифати кўрсаткичининг барқарорлиги мувофиқликни тасдиқлаш бўйича регламентланган халқаро стандартларга мувофиқ аккредитланган сертификатлаштириш ва назорат идоралари, синаш, калибрлаш (қиёслаш) лабораториялари фаолиятларининг лаёқатлилиги билан кафолатланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда мустақил аккредитлаштириш миллий тизими 1998 йилда яратилди. Тизимни яратиш аккредитлаш йўли билан ташкилотлар мувофиқлигини баҳолаш соҳасида давлатнинг ўрнини кучайтиришни йўлга қўяди. Аккредитлаш мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида ўзининг

лаёқатлилигини баҳосини олишни ихтиёрий истовчи субъектлар муносабатида амалга оширилади.

Аккредитлаш тизими — аккредитлашни амалга ошириш учун процедура ва бошқарувнинг ўз қоидаларига эга бўлган тизим.

Тизимнинг меъёрий асоси (базаси) 10-расмда кўрсатилган халқаро стандартлар бўлиб ҳисобланади. Тизимнинг қонуний ҳужжатларига 17.07.2006 йил Адлия Вазирлигида №1596 сонли рўйхатга олинган «Сертификатлаштириш соҳасидаги назорат идоралари, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралари, синов (ўлчаш) лабораториялар (марказлар)ни аккредитлаш қоидалари» таалуклидир.

Тизимда «аккредитация» атамаси «ўрнатилган талабларга маҳсулотлар, хизматлар, ходимлар ва сифат тизимининг мувофиқликни баҳолаш ва тасдиқлаш бўйича муайян ишларни бажариш учун ҳуқуқига эгаллигини расман тан олиш» деб таърифланган.

Аккредитлаштирувчи идора бу «ўрнатилган талабларга маҳсулотлар, хизматлар, ходимлар ва сифат тизимининг мувофиқликни баҳолаш ва тасдиқлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун расмий ваколат берувчи, давлат бошқарув идора». Ўзбекистон Республикасида аккредитлаштириш идораси сифатида Ўзстандарт Агентлиги ваколатланган.

Аккредитлаштириш бўйича Кенгаш бу «ўтказилган аккредитлаш натижалари бўйича қарор қабул қилувчи миллий аккредитлаш тизимининг раҳбарий идораси».

Аккредитлаш соҳаси, бу «мувофиқликни тасдиқлаш бўйича аниқланган фаолият соҳасида муайян ишларни, яъни аккредитлашга тақдим қилинган ва берилган аризани бажариш».

Тизим қуйидаги тамойилларга асосланади:

- миллий даражада тизимни тан олиш;
- ўзининг қоида ва процедураларининг мавжудлиги;
- аккредитлаштириш объектларининг ишчи ҳолати масалалари ва хорижий ва халқаро аккредитлаш тизимлари билан миносabatларни ривожлантириш бўйича тизимини такомиллаштириш;
- тизимда барча юридик ва жисмоний шасхларни қатнашишига имкониятлар мавжудлиги;
- тизим аъзоларининг лаёқатлилигини ходимлар етарли малакаси, уларни ваколатлари ва техникавий воситалар билан таъминлаш;
- аккредитлаш натижалари ва процедуралари холислиги, адолатсиз қарорлар ва камситишлар (ҳақ-ҳуқуқларини чегаралаш) мавжуд эмаслиги;
- тизимда ўрнатилган қатнашчилар ёки барча қизиқувчиларга муносабати бўйича тайёрлиги:
- аккредитлаш натижаларини юридик ёки жисмоний шасхлар таъсирларидан мустақиллиги;
- қарорларни қабул қилиш ва ушбу тамойилларга риоя қилиш учун тизимда раҳбарларнинг жавобгарлиги;

– тизим тузилмасининг маъқуллиги ва аккредитлаш процедуралари харажатларини камайтириш;

– аккредитлаш объектлари ҳақидаги, тижорат қизиқишига таалуқли маълумотларнинг махфийлиги;

– аккредитлаштиришнинг барча қатнашчилари учун текшириш ва баҳолаш усуллари очиклиги ва мақбуллиги.

Тизим халқаро аккредитлаштириш тизимлари билан келишув асосида ўзаро фаолият олиб боради.

Аккредитлаштиришнинг мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– маҳаллий маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;

– халқаро келишувларда техникавий тўсиқларни бартараф этиш;

– синов лабораториялари, қиёслаш ва калибрлаш бўйича лабораториялар, назорат ва сертификатлаштириш бўйича идоралар, метрологик хизматлар ва стандартлаштириш бўйича хизматлар фаолиятлари натижаларини халқаро тан олинисини таъминлаш ва техникавий лаёқатлилигини ошириш.

Аккредитлаштириш вазифалари бўлиб меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ жисмоний шахслар ва ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий расман тасдиқлаш ҳисобланади.

Тизимда аккредитлаштириш объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– синов лабораториялари;

– қиёслаш ва калибрлаш лабораториялари;

– маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш бўйича идоралар;

– менежмент тизимларини сертификатлаштириш бўйича идоралар;

– текширув (назорат) идоралари;

– юклаш олди инспекцияси бўйича маслаҳат фирмалар;

– сифат бўйича эксперт-аудиторлар.

Мажбурий аккредитлаштириш объектларига, қонунчилик фаолиятида амалга оширилувчи бошқариладиган соҳалар киради.

Сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология, синаш, назорат, калибровка (қиёслаш) соҳаларида ўзининг фаолияти натижаларини халқаро тизим даражасида ва Тизим қоидалари бўйича ихтиёрий тартибда аккредитланган келишувлар бўйича тан олинисига эришувчи объектлар бўлиши мумкин.

Бирга қўшилувчи фаолиятлар, икки ва ундан ортиқ аккредитация соҳалари, ушбу соҳалар бўйича объектларнинг барчаси аккредитланиши лозим. Бунда аккредитлаш бир вақтни ўзида барча талаб қилинган соҳалар ёки аккредитлаш тартибига қўшимча соҳалар, босқичма-босқич ўтказилиши мумкин.

7.2. Аккредитлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмаси ва вазифалари

Аккредитлаштириш миллий тизими тузилмасига қуйдагилар киради:

- аккредитлаштириш бўйича кенгаш;
- аккредитлаштириш бўйича идора (Ўзстандарт Агентлиги);
- илмий-услубий марказ (СМСИТИ);
- аккредитлаштириш объектлари;
- аккредитация бўйича эксперт-аудиторлар (баҳоловчилар).

Тизимнинг тузилма схемаси 11 - расмда келтирилган.

Аккредитлаштириш бўйича кенгаш миллий даражада ва давлат бошқарув идоралари вакиллари, аккредитлаштириш объектлари, ҳамда ишлаб чиқарувчилар, маҳсулот истеъмолчилари, текшириш ва назорат объектлари ва ўлчаш воситаларидан фойдаланувчилар шунингдек, бошқа қизиқувчи ташкилотлардан таркиб топган.

Аккредитлаштириш бўйича кенгашнинг вазифалари:

- аккредитлаштириш соҳасидаги ягона сиёсатни олиб боради ва ривожлантиради;
- сертификатлаштириш ва синов натижаларини халқаро тан олинishiга имконият яратиш;
- аккредитлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорликка имконият яратиш;
- баҳолашда олинган натижалар ва аккредитация комиссиясини шакллантириш бўйича аккредитлаштириш идоралариги маслаҳат бериш;
- сертификатлаштириш идоралари ва аккредитлаштириш лабораториялари фаолиятларини мувофиқлаштиради, ҳамда аккредитлаштириш идорасида апелляция комиссияси кўриб чиқишини назорат қилади.

Кенгаш ўзининг даврий йиғилишини йиғади ва умумий ташкилот бўлиб ҳисобланади. Ташкилотнинг йиғилишни тайёрлаш, қабул қилинган қарорларни бажарилиш масалалри бўйича доимий ишлар учун кенгашнинг котибати яратилган.

Кенгаш қарорни қабул қилиш ва бажариш учун келишмовчиликлар бўйича ишчи гуруҳ ва апелляция бўйича комиссия тузади.

Зарурият бўлганда тизимда бир нечта аккредитлаштириш бўйича идоралар тузилади.

Аккредитлаштириш бўйича идора қуйдаги йўналишлар бўйича фаолиятни амалга оширади:

- аккредитлаштиришни ўтказиш учун бошқарув ва процедура қоидаларини ўрнатади;
- аккредитлаштириш билан навбатдаги инспекцион назоратини ўтказди;

– аккредитланган объектлар, яъни номи, объект раҳбари ва манзили, аккредитация соҳаси ва аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлардан таркиб топган реестрини юритади;

– хорижий аккредитланган синов лабораториялари, сертификатлаштириш ва назорат идоралари, келишув доирасидаги Ўзбекистон Республикасида тан олинган мувофиқлик сертификати ва синов баённомалари рўйхатини юритади;

– аккредитлаштириш масалалари бўйича миллий тизимлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида аккредитлаштириш натижалари ҳақида қизиқувчи ташкилотлар ва халқаро аккредитлаштириш тизимларни хабордор қилади ва тизим ҳужжатларини актуаллигини (долзарблигини) таъминлайди.

Илмий-услубий марказ тизимда қуйидаги вазифаларни бажаради:

– тизимнинг меъёрий базасини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

– уларни аккредитлаштириш мақсади учун ташкилот ҳужжатларини экспертизадан ўтказиши;

– аккредитлаштириш бўйича идора топшириғи бўйича аккредитланган объектларни фаолиятини инспекцион назорати ва қайта аккредитлаштиришда, аккредитация бўйича комиссия ишларида қатнашади;

– аккредитлаштириш бўйича эксперт-аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

– қизиқувчи ташкилотлар ва шахсларга аккредитлаштириш тартиби, мезонлари ва қоидалари бўйича маслаҳат беради.

Аккредитлаштириш тизимида аккредитлаштиришга ҳоҳиш истагини балдирган ташкилот ва шахслар (аккредитлаштириш объектилари):

– талаб этилган аккредитлаштириш соҳасига мувофиқ аниқланган иш турларини бажаришга тайёргарлигини таъминлайди;

– аккредитлаштириш идоралари ва аккредитлаштириш жараёнида тизимнинг бошқа қатнашчилари билан ўзаро фаолиятда аккредитлаштиришга ариза беради;

– ўрнатилган тартибга мувофиқ аккредитлаштириш бўйича ишларга (унинг натижаларидан мустақил) тўловларни бажаради.



11 - расм. Аккредитлаштириш миллий тизимининг ташкилиш схемаси.

Аккредитланган ташкилот ва шахслар:

- ўрнатилган қоидалар бўйича аккредитация соҳасига мувофиқ қатъий риоя қилган ҳолда ишларни бажаради;
- аккредитация шартларини бузган ҳолатларда мувофиқликни тасдиқлаш бўйича фаолияти тўхтатилади ёки тугатилади ёки аккредитация аттестати тўхтатилади ёки бекор қилинади;
- ўрнатилган талабларга (шунингдек сифат тизими) мувофиқ ташкилот қўллаб-қувватлайди;
- аккредитлаштириш соҳасидаги ўзига хос ишларни бажаришда ташкилий тузилмаси, техникавий қурилмалари ва бошқа шартларнинг ўзгариши ҳақида фаолияти тўғрисида маълумотларни аккредитловчи идорага тақдим этади;
- аккредитлаштирувчи идоранинг инспекцион назорати фаолияти ва мувофиқ тўғриловчи амалларни қабул қилишда зарурий шараитларни яратади.

7.3. Аккредитациядан ўтказиш ва хабардор қилиш

Аккредитлаштириш тизими талабига жавоб берувчи ҳар қандай ташкилот (объект) аккредитланиши мумкин. Бунинг учун аккредитлаштириш объекти қуйидагиларга мажбур:

- аккредитлаштириш тизими меъёрий ҳужжатларида баён этилган мезонларга мувофиқ бўлиши;
- унинг фаолиятини баҳолашни ўтказиш учун барча жойларга ва ходимларга рухсат этилган, ўзига хос ҳужжатларни тақдим этиш, шунингдек, апелляцияни кўриб чиқиш ва аккредитланган идоралар фаолияти учун назоратида шараитларни таъминлаши;
- унинг аккредитация соҳасидаги ўрнатилган фақат шу фаолиятни амалга ошириши;

- аккредитация соҳасида ўрнатилган фаолиятга кирмаган фаолият ҳақида реклама мақсадида оммавий ахборот воситаларига хабар бермаслик;
- сертификатлаштириш ва назорат қоидаларига аниқ риоя қилиш;
- бекор қилинган аккредитация ёки тўхтатилгандан сўнг аккредитлаштириш идораси талаби бўйича аккредитланган ҳужжатларни қайтариши ва аккредитацияга ҳавола қилинган ўзининг фаолиятидан таркиб топган рекламасини тугатиши.

Шунингдек аккредитация объекти аккредитлаштириш объектига исботлаши лозим, негаки у:

- унинг ишлари натижаларига акс этган ҳар қандай унга савдо, молиявий таъсир этилишидан озодлигини;

- бажариладиган ишлар тавсифига жавоб берувчи сифат тизими мавжудлигини;

- етарли тажрибали ва ўқиган ходимлардан фойдаланишини;

- ишларни ўтказиш учун яроқли бўлган иншоат (бино), техникавий қурилмалар ва уларга доимий хизматларни амалга оширишнинг мавжудлигини;

- аккредитация соҳасида аниқланган ишлар учун меъёрий ҳужжатлар фондининг мавжудлиги ва бу ҳужжатларни актуаллаштиришни ўтказиши ҳамда йўриқнома ва процедураларга ҳужжатлар ишлаб чиқади;

- мувофиқлик сертификатини бериш холисоналигини тасдиқловчи ҳисоб-китоб ва қатъий равишда бланкалар, ҳисоботлар ва бошқа материалларни сақлаш тизими мавжудлиги;

- ишлар жараёнида олинган, маълумотлар махфийлигини кафолатлайди.

Энди аккредитлаштириш бўйича ишлар босқичини кўриб чиқамиз. У қуйидаги тартибда ўтказилади:

- аккредитлаштиришга ариза бериш, ариза бўйича дастлабки кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш, экспертизани ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш, ўтказилган экспертизалар учун аризачи тўловларни амалга оширади;

- экспертиза ҳужжатлар тўплами экспертизалар далолатномалари билан расмийлаштирилиб, баҳолашни ўтказиш ва тайёрлаш тўғрисида шартнома тузилади, аккредитлаштириш ҳақида қарор лойиҳаси тайёрланади, баҳолашни ўтказиш учун аризачи тўловларни амалга оширади;

- аккредитлаштириш объектини баҳолашга тайёрлаш (комиссияни белгилаш, буйруқ чиқариш, жойида баҳолаш дастурларини ишлаб чиқиш);

- далолатномани расмийлаштириш жойида аризачини баҳолаш;

- материаллар таҳлили ҳужжатлар экспертизаси, жойида баҳолаш натижалари, аризачи бажарган тўғриловчи амаллар самарадорлиги, қарор лойиҳасини тайёрлаш;

- Кенгашда баҳолаш ва экспертиза материлларини кўриб чиқиш, ҳамда аккредитация ҳақида қарор қабул қилинади ёки аккредитацияни бекор қилинади;

– аккредитация ҳақида гувоҳномани бериш, расмийлаштириш, рўйхатга олиш ва аризачи тўловларни амалга оширади.

Аккредитлаштиришнинг ҳар бир навбатдаги босқичи олдинги босқич ижобий натижаларда бўлганида бажарилади. Аризачи аккредитлаштириш бўйича ишларга тўловларни ҳар бир босқич бўйича алоҳида амалга оширади. Аризачи тузилган шартномага мувофиқ, аккредитлаштириш бўйича ўтказилган ишларга алоқадор харажатларни унинг натижаларидан мустақил ҳолатда тўлашга мажбур.

Аккредитлаштиришни ўтказиш муддати аккредитлаштириш объектининг тайёрлигига боғлиқ, аммо аккредитацияга ариза рўйхатга олинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги лозим.

Аккредитлаштиришни ўтказиш

Аккредитлаштириш миллий тизими доирасида мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида ўзининг лаёқатлигини тан олинишини истагини билдирувчи аккредитация аризачиси, тизим қоидаларида ўрнатилган шакл бўйича аккредитлаштиришга ариза ва зарурий ҳужжатларни аккредитлаштириш идорасига жўнатади. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси ва назорат идорасини аккредитлаштириш аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- таъсис этувчи ҳужжатлар нусхаси;
- аккредитация соҳаси лойиҳаси;
- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идора ёки назорат идораси тўғрисидаги Низом лойиҳаси;
- мувофиқликни тасдиқлаш бўйича ишларни ўтказишни тавсифловчи сифат бўйича қўлланмаси;
- сифат менежменти тизими процедуралари.

Лабораторияларни аккредитлаштириш аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- таъсис этувчи ҳужжатлар нусхаси (агар у юридик шахс бўлиб ҳисобланган ҳолатларда);
- синов (ўлчаш) лабораторияси (марказ) тўғрисидаги Низом лойиҳаси;
- аккредитация соҳаси лойиҳаси;
- лаборатория паспорти лойиҳаси;
- сифат менежменти тизими процедураларидан таркиб топган сифат бўйича қўлланма.

Аккредитлаштиришга тақдим этилаётган ҳужжатлар ва аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича аккредитлаштириш бўйича ишларни ўтказилиши тўғрисида расмий қарор қабул қилинади. Қарорни қабл қилиш муддати ариза рўйхатга олинган кундан бошлаб 3 кун.

Ариза бўйича ижобий қарор қабул қилгандан сўнг, аккредитлаштирувчи идора ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини таъминлайди. Экспертизани экспертиза бўйича хизматларга тўловдан сўнг аккредитлаштирувчи идора, ёки унинг тошириғи бўйича Стандартлаштириш,

метрология, сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти сифат бўйича эксперт-аудиторлари ёки бошқа сифат бўйича эксперт-аудиторлар амалага оширади. Экспертиза, ариза бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддатда ўтказилади. Сифат бўйича эксперт-аудиторлар берган хулосалар бўйича экспертиза натижалари расмийлаштирилади.

Экспертиза натижалари салбий бўлса, аккредитлаштирувчи идора уни аккредитлаштириш мезонларига номувофиклиги сабаби бўйича аккредитлаштиришни бера олмаслиги ҳақида аризачини хабардор қилади ва аниқланган тузатишларни бартараф этиш учун (30 кундан кўп бўлмаган) муддат беради. Аккредитлаштиришни бекор қилиш ҳақидаги хабардор қилиш аризачига расмий шаклда, бекор қилиш сабаби ва аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиш муддати ва қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим қилиши билдирилади.

Аризачи аккредитлаштиришни бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи камчиликларни бартараф қилган ҳолатларида, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш аризачидан ариза ва барча зарурий ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кундан ошмаган муддатда амалга оширилади. Аризани қайта кўриб чиқиш учун тўловлар ундирилмайди. Аккредитлаштиришда бекор қилиш ҳақидаги маълум қилинаётган аризада кўрсатилган муддати тугаши бўйича янгидан берилган деб ҳисоблаш мумкин.

Экспертиза натижалари ижобий бўлганда аккредитлаш объектини жойида баҳолаш учун комиссия тузилади. Аккредитлаштирувчи идора раҳбари буйруғи билан Комиссия тайинланади. Буйруқда комиссия таркиби, мақсади, куни ва жойида баҳолаш ўтказиш муддатидан таркиб топади. Комиссия раиси сифат бўйича эксперт-аудитор ловазимида аккредитланган бўлиши шарт. Комиссияни тузишда ҳолисона баҳолашни ўтказиш учун зарурий билим, кўникма ва лаёқатлилиги ҳисобга олинади. Комиссияда зарурият бўлган ҳолатларда яъни комиссияга эксперт-аудитор раҳбарлиги остида ишловчи техникавий экспертларни жалб қилиш мумкин.

Комиссия раҳбари объектлар ва баҳолаш мезонлари таркиб топган Баҳолаш режасини ишлаб чиқади ва аккредитлаштирувчи идора раҳбари ёки бунга ваколатли шахс томонидан тасдиқланади. Буйруқ ва баҳолаш режаси баҳолашни ўтказишгача танишиш учун аризачига тақдим этилади.

Жойида аккредитлаш объектини баҳолашда аризага тақдим этилган объектнинг ҳақиқий ҳолатини ҳужжатларга мувофиклиги ва талабгорнинг вазифаларни бажариш лаёқатлари текширилади. Комиссия аккредитлаш объектнинг мувофиклигини ўрнатилган аккредитлаштириш мезонларига билан баҳолаш режасига мувофиқ ўтказади. Баҳолашнинг давомийлиги бир ойдан ошмаслиги лозим. Аккредитлаш объектини жойида баҳолаш натижалари аккредитлаштириш қоидаларида ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатномага комиссиянинг барча аъзолари имзо чекадилар. Комиссия хулосаси билан комиссия аъзоларидан қандайдир келишмовчиликлар бўлган ҳолатларда, ёзма равишда эътирозлар яъни баҳолаш далолатномасига илова қилиниб берилиши мумкин.

Аккредитлаштирувчи идора аризачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар экспертизасининг натижаларини таҳлил қилиб, баҳолаш далолатномаси, далолатнома бўйича фикр ва хулосалар, аризачи тақдим қилган фикрлар барчаси текширилганидан сўнг аккредитлаш Кенгашига кўриб чиқиш учун қарор лойиҳасини тайёрлайди. Кенгаш 15 кундан кўп бўлмаган муддатда қарор лойиҳасини, ҳамда аризачи ва комиссия тақдим қилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва аккредитлаш ҳақида, ёки аккредитлашни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Кенгаш аккредитлашни бекор қилган ҳолатда аккредитлаш объектига аккредитлаштириш талаблари номувофиклиги ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни бартараф этиши учун бир ой муддат беради. Агарда қайта баҳолашда аккредитлаштириш талаблари номувофиклиги ва билдирилган фикр-мулоҳазалари яна такрорланса, Кенгаш аккредитлаштиришни бекор қилиш ҳақида якуний қорорни қабул қилади.

Аккредитлаш ҳақида гувоҳнома (шаҳодатнома)

Аккредитлаш ҳақида ижобий қорор бўлганда аккредитлаштирувчи идора аккредитлаштириш Қоидаларида келтирилган шакл бўйича аккредитлаш ҳақидаги шаҳодатномани аризачига беради. Аккредитлаш ҳақидаги шаҳадатнома Ўзбекистон Республикаси аккредитлаштириш миллий тизими Давлат реестрида рўйхатга олинади. Аккредитлаш ҳақидаги шаҳодатномага аккредитлаштириш идораси раҳбари тасдиқлаган, аккредитланган объектнинг Низоми, ҳамда аккредитлаш соҳаси илова бўлиб ҳисобланади.

Аккредитлаш соҳасининг ҳар бир варағи ўз-стандарт Агентлиги аккредитлаштириш бўлими бошлиғи ва аккредитланган идора раҳбари имзолари ва муҳр билан тасдиқланади. Аккредитлаштириш ҳақидаги шаҳодатнома муддатсиз берилади.

Аккредитлаштириш натижалари ҳақида хабардор қилиш

Аккредитлаштириш идораси гувоҳнома берганидан сўнг аккредитлаштириш бўйича барча зарурий ҳужжатларни аризачига жамлаб ва аккредитлаштириш процедураси бўйича махсус делода ва уни махфийлик шароитларида сақлайди. Ҳар бир аккредитланган объектлар 4 - жадвалда келтирилган мисолдаги маълумот карточкаларини юритиб боришади. Келгусида аккредитланган объектлар ҳақидаги умумий маълумотлар Ўз-стандарт Агентлиги расмий сайтида, давлат реестрида рўйхат рақами кўрсатилиб очиқ чоп этилади ва нашр этилади.

Аккредитланган сертификатлаштириш бўйича идоралар ва лабораториялар мувофикликни тасдиқлаш ҳужжатларида (мувофиклик сертификати ва синов баённомаси) ўзининг аккредитация соҳаси билан аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳномасида келтирилган рўйхат рақамини кўрсатади. Агарда аккредитланган идора мувофикликни баҳолаш бўйича ўзининг аккредитация соҳасидан ташқари қандайдир ишни бажарса, унда чиқувчи ҳужжатларида, у аккредитланганлигига илова қилиши шарт эмас.

Аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳномани тўхтатиш ва бекор қилиш

Аккредитланган идоранинг аризаси бўйича ҳамда №1472 да ўрнатилган Қоидалар ҳолатларида аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳномани тўхтатилади ва (ёки) бекор қилинади. Аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳнома бекор қилинганда аккредитланган идоралар реестрига мувофиқ ёзувлар киритилади. Уч иш кунни давомида реестрга ўзгартириш билан мувофиқ ёзувлар киритилиб, аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳнома эгасига гувоҳнома бекор қилинганлиги ҳақида маълумот хати жўнатилади. Гувоҳнома бекор қилинганидан сўнг аккредитлаштиришга қайта ариза аккредитлаштириш талаблари номувофиқликлари бартараф этилганидан кейин берилиши мумкин. Бунда аризачи номувофиқликларни бартараф қилиш бўйича қабул қилган чораларни тасдиқловчи ҳолисона ҳужжатларни тақдим этади.

Аккредитланган субъектлар ҳақидаги маълумотлар Ўзстандарт Агентлигининг расмий журналида чоп этилади ва сайтида жойлаштирилади.

Аккредитлаш соҳаларини кенгайтириш

Ўзининг аккредитлаш соҳасига талабгор аккредитланган идоралар қўшимча аккредитлаш соҳаси учун аризани аккредитлаштириш идорасига йўллаши мумкин. Аризада қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва назорат идоралари учун: аккредитлаш соҳаси ва сертификатлаштириш бўйича ишларини ўтказиш қоидаларига қўшимчалар илова қилинади;

– лабораториялар учун: аккредитлаш соҳаси ва паспортига қўшимчалар қилинади.

Аккредитлаш соҳасини кенгайтириш аризани таҳлил қилиш ва ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш билан бошланиб, ўрнатилган аккредитлаштириш қоидалари тартибида ўтказилади.

Аккредитлаш шартларини ўзгартириш

Ташкилотлар қайта ўзгартирилган ҳолатларда, масалан, номи, жойлашиш жойи, юридик шахсларнинг почта манзили ўзгарганда, аккредитлаш объекти бир ҳафта муддатда аккредитлаштирувчи идорада ариза қайта рўйхатга олинганидан сўнг, илова қилинган мувофиқ ҳужжатларга асосан аккредитлаштирувчи идора аккредитлаш ҳақида гувоҳномани қайта расмийлаштиради. Бу ҳужжатлар (нотариал-тасдиқланган Низом нусхаси, олдин берилган аккредитлаш ҳақидаги оригинал гувоҳнома ва Низомга ўзгаришлар киритилганли тўғрисида рўйхатга олинган тасдиқловчи ҳужжатлар) ташкилот ўзгаришини тасдиқлаши лозим. Ариза билан ҳужжатлар пакетини аризачи бевосита ёки почта алоқаси воситалари орқали етказишади. Гувоҳномани қайта расмийлаштирилгунича аккредитация объекти олдинги берилган гувоҳнома асосида фаолиятини амалга оширади.

Ариза келиб тушганида аккредитлаштирувчи идора тақдим қилинган ҳужжатларни қонунчиликга мувофиқ текширади ва янги гувоҳномани расмийлаштириш ҳақидаги қарорни қабул қилади ва аккредитлаштирувчи идора аризачига ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кун давомида янги гувоҳномани беради.

Агарда аризачи олдинги аккредитланган юридик шахс меросхўри бўлиб ҳисобланганда, кейинги ҳужжатларни кўриб чиқиш дастлабки сифатида ўтказилади.

Апелляция

Агар аккредитлаш объекти аккредитлаштиришдан рад этилса, ёки, у тўхтатилса, ё бекор қилинса, ёки асосланган эътирозларни келтириб чиқарувчи шароитлардаги ҳолатларда, ўзстандарт Агентлигининг Апелляция кенгашига ёки ўрнатилган қонунчилик тартибида бевосита судга апелляцияга бериш ҳуқуқига эга. Апелляция кенгаши қароридан қонунчиликда ўрнатилган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

Аккредитлаш бўйича идора қуйидаги маълумотларни чоп этади ёки сўровлар бўйича тақдим қилади:

- тизимнинг асосий қоидалари ва мажбурий аккредитлаштириш объектлари кўрсатилган аккредитлаштириш тизимини яратишда, миллий идора бажарувчи ҳуқуқлари ҳақидаги маълумотларни;

- аккредитлаштириш мезонларини;

- аккредитлаштиришни ўтказиш тартиби;

- аккредитланган ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- аккредитлаш соҳаси кўрсатилган аккредитланган ташкилотларнинг рўйхати;

- бекор қилинган аккредитация аттестатлари ҳақидаги маълумотлар;

- аккредитлаштириш тизимида рўйхатга олинган сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг рўйхати.

Аккредитлаш бўйича идоралар ўзининг тизимидаги бошқа аккредитлаштируви идоралар ва бошқа давлатларнинг аккредитлаш идорлари билан тажриба алмашишда қатнашади.

7.4. Аккредитланган объектларнинг инспекцион назорати

Аккредитлаштирувчи идора (Ўзстандарт Агенлигининг инспекцион назорат бўлими) йилида бир марта аккредитланган объектлар фаолиятининг инспекцион назоратини ўтказди. Инспекцион назоратни ўтказишга талаблар Адлия вазирлигида 20.04.2005 йил №1472 сонли рўйхатга олинган «Аккредитланган сертификатлаштириш бўйича идоралар ва синов лабораториялари (марказлар) фаолиятларининг инспекцион назоратини ўтказиш қоидалари»да белгиланган.

Меъёрий ҳужжатлар, сифат тизимининг ҳужжатлаштирилган процедуралари, аккредитация соҳаси ҳамда сертификатлаштириш ва синаш бўйича ҳужжатлар инспекцион назорат объектлари бўлиб ҳисобланади.

Инспекцион назорат аккредитлаштирувчи идора билан тузилган келишувга мувофиқ режалаштирилган тартибда амалга оширилади. Ушбу келишувга биноан аккредитлаштирувчи идора раҳбари ҳар йили тасдиқловчи, объект фаолияти инспекцион назоратининг йиллик режа-графикини тузилади.

Сертификатлаштириш бўйича идора фаолиятининг режадан ташқари инспекцион назорати, сертификатлаштириш процедураси бўйича аризачига ноқонуний муносабатдаги фаолияти ва мувофиқлик сертификатини ноқонуний бериши ва асосланмаган далиллар тўғрисида расмий тасдиқлаши муайян аниқ далилларда келтирилган, шунингдек, аризачининг тижорат сирларини ошкора қилувчи маълумотлар келган ҳолатларда ўтказилади.

Инспекцион назоратини ўтказиш учун аккредитловчи идоранинг яъни инспекцион назоратни амалга оширувчи комиссия таркиби ва уни ўтказишнинг аниқ муддатини кўрсатувчи буйруғи асос бўлиб ҳисобланади. Инспекцион назоратни ўтказиш муддати ўттиз календар кундан ошмаслиги лозим.

Инспекцион назоратни сифат бўйича эксперт-аудиторлар амалга оширишади. Объект аккредитация соҳасига боғлиқлигидан комиссия таркибига инспекцион назорати вақтида кўриладиган масалалар бўйича малакали мутахассисларни (синов турлари бўйича экспертлар, тайёрловчининг вакиллари, истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, илмий-тадқиқот ташкилотлари) киритиш мумкин. Комиссия аъзолари махфийликни таъминлаш бўйича талабларга риоя қилишлари шарт.

Инспекцион назорат, аккредитловчи идора раҳбари тасдиқлаган дастур бўйича ўтказилади. Инспекцион назорат дастурида текшириш объекти ва мақсади, инспекцион назоратни ўтказиш бўйича ишлар тартиби ва ҳажми таркиб топган бўлиши шарт.

Инспекцион назорат бошланишидан олдин Комиссия раҳбари текширилаётган ташкилот раҳбарини инспекцион назорат мақсади ва шартлари, комиссия аъзолари билан таништириши, ҳамда буйруқ ва дастурни бир нусхасини бериши ва улар олганлигини тўғрисида тилхат олиши шарт.

Сертификатлаштириш бўйича идора фаолиятининг режали инспекцион назоратида қуйидагилар текширилади:

- баҳолашнинг мустақиллиги;
- лабораториялар билан ўзаро фаолияти;
- танлаш далолатномаси ва идентификацияси мавжудлиги ҳамда мувофиқлиги, синов баённомалари, сертификатлаштириш бўйича ишлаб чиқариш кўриги далолатномалари, сертификатлаштирилган маҳсулотларни инспекцион назоратининг режа-графики;
- мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қабул қилинган қарорларни асосланганлиги, мувофиқлик сертификатини тўғри расмийлаштирилганлиги, сертификатлаштириш бўйича қарор қабул қилиш учун фойдаланилган МҲ лардаги маълумотлар ва мувофиқлик сертификатидаги маълумотларнинг мувофиқлиги;
- берилаётган мувофиқлик сертификатларини рўйхатга олиниши;
- мувофиқлик сертификатларининг бланklarини қатъий ҳисоби;
- аризачиларининг даъво, шикоятлари таҳлил ва ҳисоби;
- аккредитлаштириш ҳақида гувоҳнома;

- маҳсулот ва хизматларга МХ таъминланганлиги, уларни амал қилиш муддати, уларга ўзгаришларни ўз вақтида киритилиши;

- мувофиқлик сертификати ва белгисидан нотўғри қўлланилганлиги учун сертификатланган маҳсулот тайёрловчисига қўлланиланилган чоралар;

- ходимларнинг малакаси ва лаёқатлигини мувофиқлиги, бажаридиган вазифалари, ходимларни аттестациялаш ва малакасини оширишга таалукли қабул қилинган фаолияти, лавозим ва ишчи йўриқномаларнинг мавжудлиги;

- сертификатлаштириш бўйича идора фаолияти ва шунингдек лаборатория хизматлари билан алоқадор маълумотларнинг махфийлигини таъминланиши;

- аккредитлаштириш идораси, ҳамда унинг қарорларини бажаришда ўзаро фаолияти.

Лаборатория фаолиятининг режали инспекцион назоратида қуйидагилар текширилади:

- синов (ўлчаш)ларни ўтказишда мустақиллик ва ҳолисоналик;

- аккредитлаштириш идораси, сертификатлаштириш бўйича идоралар ва бошқа аккредитланган синов лабораториялари билан ўзаро фаолияти ва шунингдек, аккредитлаштирувчи идоранинг, лаборатория фаолияти билан алоқадор қарорларини бажариш;

- лаборатория аккредитатлаштириш соҳасига мувофиқ, синов баённомаларини мавжудлиги ва мувофиқ расмийлаштирилиши, тўлиқ ва тўғри тақдим этилиши, уларни юритиш ва сақлаш тизими;

- аризачиларнинг даъво, шикоятлари таҳлили ва ҳисоботи;

- аккредитлаштириш тўғрисидаги гувоҳнома;

- маҳсулотларга МХларни таъминланганлиги, уларни амал қилиш муддати, уларга ўзгаришларни ўз вақтида киритилиши;

- ходимларнинг малакаси ва лаёқатлигини мувофиқлиги, бажаридиган вазифалари, ходимларни аттестациялаш ва малакасини оширишга таалукли қабул қилинган фаолияти, лавозим ва ишчи йўриқномаларнинг мавжудлиги;

- иншоатнинг ҳолати, иншоатнинг микроклиматик параметрларини қурилиш ва санитария меъёрлари ҳамда қоидалри талабларига мувофиқлиги;

- синовларнинг ўтказиш шароитларини мувофиқлиги, лаборатория аккредитлаштириш соҳаси ва синов усулларида МХларида ўрнатилган хавфсизлик талаблари ва меъёрларига таъсир қилувчи зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли параметрлар;

- қиёсланган ўлчов воситалари ва аттестатланган синов қурилмалари, бошқа техникавий воситалар шунингдек, давлат стандарт намуналари, бошқа тоифадаги стандарт намуналар, аттестатланган аралашмалари, уларни метрологик таъминлаш мақсадида ва сифат менежменти тизими процедуралари ва синов (ўлчаш) усуллари талабларига мувофиқлиги ҳолатлари;

– синаладиган (ўлчанадиган) намуналар ва ёзувларни юритиш (талабномани қабул қилиш, танланма далолатномаси, рўйхатга олиш, намуналарни сақлаш шароитлари ва утиллаштириш) билан мурожаат қилишга талабларга риоя қилиш;

– лаборатория фаолияти билан ҳамда у хизматларидан фойдаланаётган сертификатлаштириш бўйича идора ва назорат идоралари билан алоқадор маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

– лабораториялараро солиштириш натижалари. Зарурият бўлганда, агарда лабораториялараро солиштириш ўтказилмаса, лаборатория лаёқатлилигини тасдиқлаш мақсадида назорат синови (ўлчаш) ўтказилади. Назорат синови (ўлчаш)га йўналтирилган маҳсулотлар тури, маҳсулотларнинг текшириладиган тавсифлари, намуна (проба) танлаш ва тайёрлаш, назорат синови (ўлчаш) дастурида ўрнатилган тавсифлар қийматининг анонимлигини таъминлаш.

Инспекцион назорати вақтида номувофикликлар топилганда номувофиклик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилади. Комиссия инспекцион назорати натижалари бўйича аккредитация мезонларига объектнинг мувофиқлиги умумий баҳоланишидан таркиб топган, икки нусха далолатнома тузади, улардан бири текширилаётган сертификатлаштириш бўйича идора ёки лаборатория раҳбарига топширилади ва иккинчиси аккредитлаштириш идорасига тақдим этиш учун комиссия раҳбарига қолади. Инспекцион назорати далолатномасини комиссиянинг барча аъзолари ва текширилган объект раҳбари имзолаб яъни инспекцион назорат натижалари билан келишмовчиликлар ҳолатларида ўзининг фикрларини баён этиши мумкин.

Инспекцион назорат натижалари бўйича 5 кун давомида инспекцион назорат далолатномаси тузилган кун билан аккредитлаштирувчи идора аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани амал қилишини тасдиқлаш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Инспекцион назорат натижалари ижобий бўлганда аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Инспекцион назорати вақтида номувофикликлар бартараф этилмаганлиги мавжуд бўлса, лекин тўғриловчи амаллар йўли билан икки ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф қилиниши мумкин бўлса, аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳномани амал қилинишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинади.

Аккредитлаштирувчи идора, объект номувофиқлиги бўйича тўғриловчи амаллар бажарганидан сўнг, аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳномани амал қилиш муддатини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилади.

Аккредитация соҳасида интизомга риоя қилмаслиги шунингдек, аккредитлаштирувчи идоранинг қарорида ўрнатилган муддатларда аниқланган номувофикликлар бўйича тўғриловчи амалларни бажармаганлиги ҳолатларида аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳномани амал қилинишини бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинади.

Инспекцион назорати натижалари бўйича аккредитлаштириш ҳақидаги гувоҳномаси бекор қилинган сертификатлаштириш бўйича идора ёки лаборатория Давлат реестридан чиқарилади ва аккредитлаштирувчи идора бу тўғрисида қизиқувчи шахслар ва ташкилотларни хабардор қилади.

Инспекцион назорат натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар текширилган объектга қарор уч кун давомида жўнатилади.

Инспекцион назорат натижалари билан келишмовчиликлар бўлган ҳолатларда қизиқувчи томон Ўзстандарт Агентлигига ёки бевосита судга мурожаат қилиши мумкин. Ўзстандарт Агентлиги қароридан ўрнатилган қонунчилик тартибида судга шикоят қилиниши мумкин.

Назорат саволлари

1. Аккредитлаштириш ва аккредитлаш деганда нимани тушунилади?
2. Аккредитлаштириш миллий тизими қандай вазифаларни бажаради?
3. Аккредитлаштириш тамойилларини тушунтиринг.
4. Аккредитлаштиришнинг ўтказиш тартибини биласизми?
5. Аккредитлаштириш объектлари нималар бўлиши мумкин?
6. Инспекцион назорат қандай амалга оширилади?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №318 –сонли қарори;

4. Сертификатлаштирилган маҳсулот ва хизматлар устидан инспекцион назоратини ўтказиш қоидалари. №24-П сонли «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1464;

8-Мавзу: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ЖИҲАТЛАРИ ВА СХЕМАЛАРИ

Режа:

- 8.1. Сертификатлаштириш схемалари
- 8.2. Сертификатлаштириш омиллари
- 8.3. Сертификатлаштирилувчи маҳсулот

8.1. Сертификатлаштириш схемалари

Сертификатлаштириш бўйича ИСО таркибидаги қўмита томонидан тайёрланган ҳужжатда учинчи томон тарафидан амалга ошириладиган сертификатлаштиришнинг саккизта схемаси берилган бўлиб, республикамизда ҳам айнан шу 9 та схема тадбиқ этилган:

– **Биринчи схема.** Бу схема билан фақат маҳсулот намуналари турларини стандартлар талабларига мувофиқлигини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилади. Бу хилдаги сертификатлаштиришда синовга тақдим этилган намунани белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланади, халос. Бу йўл ўзининг соддалиги ва унга кўп харажат талаб қилмаслиги туфайли миллий ва халқаро савдо муносабатларида муайян даражада тарқалган.

– **Иккинчи схема.** Бу схемада маҳсулотнинг намуна турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилиб, сўнгра унинг сифатини савдо шаҳобчаларидан вақти-вақти билан олинадиган намуналар асосида назорат қилиб борилади. Бу усул тақдим этилган намуналар сифатини баҳолаш билан серияли чиқаётган маҳсулотнинг сифатини ҳам баҳолаш имконини беради. Усулнинг афзаллиги унинг соддалигидадир. Унинг камчилигига эса назорат синовлар натижасига қараб, агар маҳсулот стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланилса, барибир уни савдо шаҳобчаларидан чиқариб ташлаш мумкин бўлмайди ёки уни чиқариб ташлаш учун бирмунча қийинчиликлар туғилади.

– **Учинчи схема.** Маҳсулот намуналарининг турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказиш, сўнгра сотувчи ёки истеъмолчига юбормасдан туриб вақти-вақти билан намуналарнинг текширувини назорат қилишга асосланади. Иккинчи схемадан фарқланувчи томони шуки маҳсулот савдо шаҳобчаларига тушмасдан туриб, синов назорати ўтказилади ва стандартга номувофиқлиги аниқланса, маҳсулотнинг истеъмолчига жўнатилиши тўхтатилади.

– **Тўртинчи схема.** Маҳсулот намуналарининг турларини худди 1-3-схемалардек синовдан ўтказишга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасидаги ҳамда ишлаб чиқаришдан олинган намуналарнинг текшириш назорати вақти-вақти билан ўтказиш орқали маҳсулотнинг сифати ҳисобга олинади. Бу ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг чиқарилишига маълум харажатлар бўлгандан кейин стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланади.

– **Бешинчи схема.** Бу схема маҳсулот намуна турларини тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифатини баҳолашга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасида ва ишлаб чиқаришда намуналар сифатини вақти-вақти билан текширилиб назорат қилиб борилади. Бу сертификатлаштириш усули фақат маҳсулотнинг сифатини назорат қилибгина қолмай, балки корхонада чиқазиладиган маҳсулотнинг сифатини керакли даражада бўлишини ҳам

назорат қилади. Табиийки, корхонадаги маҳсулот сифатини таъминлашда, тизимни баҳоланишида унинг мезонини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу усул саноати ривожланган мамлакатларда ҳамда халқаро сертификатлаштириш тизимларида энг кўп тарқалган схемадир. Биринчи-тўртинчи схемаларга қараганда бу схема энг мураккаб ва нисбатан қимматроқ турадиган схема бўлиб, унинг афзаллиги итеъмолича маҳсулот сифат даражасини юқори эканлигига ишонч ҳосил қилади, бу эса асосий мезон ҳисобланади.

– **Олтинчи схема** фақат корхонадаги маҳсулотнинг сифатини таъминлаш билан тизимни баҳоланишини ўтказишга мўлжалланган. Бу усул айрим вақтда корхона-тайёрловчини аттестатлаш деб ҳам юритилади. Бу хил сертификатлаштиришда фақат корхонанинг белгиланган сифат даражадаги маҳсулотни чиқариш қобилияти баҳоланади.

– **Еттинчи схема.** Маҳсулотнинг ҳар бир тайёрланган тўдасидан синовларга танлаб олишга асосланган. Танлаб олиш синовларининг натижаларига қараб тўдани ортиш учун қарор қабул қилиниши аниқланади. Бу хилдаги сертификатлаштириш учун танланманинг ҳажми аниқланиши лозим, бу эса тайёрланган тўданинг катта-кичиклигига мақбул бўладиган сифат даражасига боғлиқ. Қабул қилинган қоидага асосан танланмани тўплаш ваколатланган синов ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бу хил сертификатлаштириш қўлланилиши статистик усулни қўллаш билан боғлиқдир.

– **Саккизинчи схема.** Ҳар бир тайёрланган, айрим буюмнинг стандартлар талабига мувофиқлиги синовлар ўтказиб аниқлашга асосланган. Бу сертификатлаштириш усулида юқорида-7 схемаларига қараганда таъминловчининг маъсулияти анча юқори. Табиийки мувоффақиятли синовлардан ўтган буюмларгина сертификат ёки мувофиқлик белгисини олади. 8-схема маҳсулотга нисбатан юқори ва қатъийроқ талаблар қўйилганда ишлатилишга асосланган ёки маҳсулотнинг ишлатилиши натижасида стандарт талабларга мос келмаслиги итеъмолича катта иқтисодий зарар етказганида қўлланилади. Бу хил сертификатлаштириш қимматбаҳо металллардан ва қотишмалардан тайёрланадиган буюмларда кўпроқ қўлланилади. Бундан асосий мақсад қимматбаҳо металлларнинг белгиланган миқдорини, таркибини ва буюмнинг тозаллигини текширишдир.

– **Тўққизинчи схема.** Маҳсулотларни декларация мувофиқлиги сертификати бўлиб, маҳсулот ҳақидаги декларация ҳужжатлари билан биргаликда сертификатлаштириш тушунилади.

Буюк Британия институти томонидан сертификатлаштиришнинг янги хили яратилиб, бу усул билан фақат ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларини тасдиқланиши /аттестатланиши/га асосланган.

Ҳозирги пайтда адабиётлар ва информацион маълумотномаларда ҳар бир сертификатлаштириш схемасининг афзаллиги ва камчиликлари таҳлил этилган. Буларнинг ичида энг мукамал ва мураккаби бешинчи схемадир. Бу схема тўлиқ бўлганлиги учун уни асос қилиб олиб, ҳозирги замон халқаро сертификатлаштириш тизимини яратилмоқда.

Сертификатлаштириш тизимларини бошқарувчи идора муайян турдаги маҳсулот сифатининг назоратини ташкил этиш, стандартларга риоя қилишни мажбурий талаб этишини, истеъмолчи ва савдо талабларини эътиборга олиб, мамлакатдаги амалда бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида ўз ишини ташкил этади.

Сертификатлаштириш идораси синовларни ўтказиш, корхонадаги ва савдо шаҳобчасидаги маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш ҳамда назоратни ташкил қилиш ва шунга ўхшашларни бажариб учинчи томон вазифасини бажаради.

8.2. Сертификатлаштириш омиллари

Сертификатлаштириш соҳасидаги ишларни амалга оширишда куйидаги асосий омиллар ҳал қилувчи ўрин тутати:

- ташқи ва ички бозордаги истеъмолчининг манфаатларига мос келадиган маҳсулот учун мезонни тўғри танлаш;
- сертификатлаштириш ишларини ўтказишда холислик /ҳаққоният/ бўлиши.

Таъминловчининг буюми /маҳсулоти/ ҳар доим ҳам белгиланган стандарт талабларига мос келади деган кўрсатмаси ҳамма вақт ҳам қабул қилинавермайди. Чунки у маҳсулот сифатини текширишда ўзининг шахсий текшириш тизимини тузади, бу деярли бозорда ҳам, саноатда ҳам кенг ёйилган йўллардан биридир.

Лекин ҳозирги замон фан, техника ва технологик жараёнларнинг энг кулай ва самарадор тизими шундай бўлиши лозимки, бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқарувчига нисбатан ҳеч қандай таъсир этилмаслиги лозим. Ташқи савдо ва халқаро иқтисодий алоқалар нуқтаи-назаридан сертификатлаштириш фаолияти мустақил бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Шундай сертификатлаштиришни бошқарувчи идора стандартлаштириш идоралари ҳамда тижорат ташкилотлари ёки давлат муассасалари бўлиши мумкин. Улар ўзларининг синов ўтказувчи лабораторияларига эга бўлиб, маҳсулотни текширадиган ходимни ишга лаёқатлилигини текширади ҳамда корхоналардаги сифат тизимини бошқаришдаги ишларни амалга оширади, услубий таъминлаш ва бошқа куйидаги ишларни бажаради:

- технологик жараёнларнинг турғунлигини таъминлаш;
- учинчи томон тарафидан бажариладиган сертификатлаштириш тизими ўз таркибига маҳсулот синовларини олади, бу эса ўз навбатида маҳсулотни стандарт талабларига мувофиқлигини /мослигини/ аниқлашда керакли восита ҳисобланади;
- якка олинадиган маҳсулот учун амалий ва иқтисодий талабларга жавоб берувчи сертификатлаштириш тизимини аниқлаш;
- сертификатлаштириш тартиб, усуллари ва ишлашини бошқа сертификатлаштириш тизимлари билан таққослаш;

– буюм /товар/ ёки маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси томонидан ҳақиқийлиги кўриб чиқилганлиги ёки маъқулланганлигини, тегишли марказларда ёки аккредитланган лабораторияларда текширилганлигини исботловчи белги /тамға/ бўлиши, махсус белги, этикеткалар, илова қилиб юбориладиган ҳужжат-сертификатлар ёки сертификатлаштирилган буюмлар /товарлар/ рўйхатига киритилиши лозим ёки сертификатлаш ҳуқуқига эга бўлган корхонада маҳсулотни чиқариш учун тасдиқномаси бўлиши керак.

Сертификлаштириш турли шаклларда бўлиб, уни тайёрлаш ва ўтказиш учун айрим вазифаларни бажарилиш тартиби ўз навбатида маҳсулот турига, қонунлар мажмуининг миллий хусусиятларига ва бошқа қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Сертификатлаштиришни тайёрлаш ва уни ўтказишда асосий ишлар қаторига:

- сертификатлаштирилувчи маҳсулотни танлаш;
- маҳсулотга сертификатлаштиришда белгиланадиган талабларни, тавсифларни танлаш;
- сертификатлаштирилувчи маҳсулотни ишлаб чиқариш шaroитларини текшириш;
- синов лабораторияларини аккредитлаш;
- сертификатлаштириш синовларини ўтказиш;
- мувофиқлик сертификатини бериш ва мувофиқлик белгиси билан маҳсулотни белгилаш /тамғалаш/лар киради.

Табиийки, "Сертификатлаштириш учун нималар керак?" деган ўринли савол туғилиши мумкин. Сертификатлаштириш миллий тизимининг меъёрий ҳужжатларида сертификатлаштиришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиблари аниқланган бўлиб, улар қуйидаги босқичлардан иборат:

- сертификатлаштириш ўтказишга талабнома бериш;
 - декларация - талабнома бўйича қарор қабул қилиш;
 - намуналарни белгилаш, ажратиб олиш ва синовларни ўтказиш;
 - корхона ёки сифат тизимини сертификатлаштириш (агар қабул қилинган сертификатлаштириш тартибида кўрсатилган бўлса ёки сўровчининг хоҳишига кўра);
 - олинган натижаларни таҳлил қилиш ва мувофиқлик сертификатини бериш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилиш;
 - мувофиқлик сертификатини бериш ва сертификатлаштирилган маҳсулотни Тизимлар Давлат Рўйхатига киритиш;
 - чет эл ёки халқаро идоралар томонидан берилган мувофиқлик сертификатини тан олиш;
 - сертификатлаштирилган маҳсулотнинг тавсифларини турғунлиги учун текширув назоратини амалга ошириш;
 - сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот;
 - шикоятларни кўриш (агар даъволашув масалалари чиқадиган бўлса).
- Хўш сертификатлаштириш нима беради?

Сертификат сифатли маҳсулот учун асосий гаровдир. Сифатли маҳсулот кадри канчалик юқори туришини ишбилармонлар яхши билишади. Битта мисол келтириб сифатли, сертификатлаштирилган маҳсулотнинг ҳосияти туғрисида тўхталиб ўтсак.

Соат ишлаб чиқарувчи корхона бир неча йил мобайнида Ғарбий Европа фирмаларидан бирига қўл соат сотар эди, унинг эвазига ҳар бир соат учун бир-икки доллар олар эди, халос. Фирма олинаётган соатларнинг сифатини ўз бўйнига олиб, уларни ҳар бирини 40 долларгача бўлган нархда сотар эди. Корхонанинг ишлаб чиқариш маданияти юқори бўлганлиги сабабли нуқсонли соатлар кам чиқарилар эди. Халқаро миқёсдаги стандартларнинг довуғи секин аста тарқалиб корхонагача етиб келди. Корхона 9000 серияли ИСО стандартлари асосида сифат тизимини ишлаб чиқа бошлади. Бунни эшитган америкалик фирма корхонага узоқ муддатли битим тузишни таклиф этди. Бошқа фирма билан тузилган битимга биноан ўша юқорида айтилган соатнинг ҳар бирига 100 ва ундан ортиқ доллар тўланди. Натижада, корхонага валютадан тушаётган фойда ҳисобига унинг иқтисодий шароити бутунлай ўзгариб кетди. Мана сифатли маҳсулот шарофати, мана ўтказилган сетрификатлаштиришнинг фойдаси, бунни ҳар бир корхона бошлиғи, мутахассислари билмоғи лозим.

Албатта, Республикамизда амал қилаётган Миллий Сертификатлаштириш Тизими энг аввало аҳолининг манфаатларини, ҳавфсизлигини кўзлаган ҳолда тузилгандир. Сертификатлаштиришда кўзда тутилган мақсад маҳсулот нарҳини баланд қилиб қўйиш эмас, балки сифатли маҳсулот хусусида истеъмолчилар ва харидорларнинг диққатини ўзига жалб қилиш ва савдо қўламини ошириш ҳисобланади.

Айрим ишаб чиқарувчилар, мутахассислар бугунги кунни ўйлаб, маҳсулотларимиз шундоқ ҳам кетмоқда, сертификатлаштиришнинг нима ҳожати бор дейиши мумкин. Ишбилармонлар фақат бугунги кун билан яшаса, халқаро савдо сотиқ ишларини йўлга қўйишда улар катта хатога йўл қўйган бўлишади. Бу албатта кечирарли ҳолат эмас. Чунки, ҳозирги жамиятимиз аъзолари бир пайтлардаги фақат арзониға учадиган одамлар эмас, балки ҳуқуқий онги кун сайин шаклланиб бораётган, бозордаги рақобатдан унумли фойдаланадиган, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" ва "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлиги" туғрисидаги Қонунлар билан ҳимояланган кишилардир.

8.3. Сертификатлаштирилувчи маҳсулот

Сертификатлаштиришнинг асосий мақсади белгиланган талабларга тўғри келмайдиган маҳсулот таъминидан истеъмолчини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Даставвал, ҳавфсизликни таъминлаш, соғлиқни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраш фаолиятлари билан боғлиқ бўлган ҳоллардаги масалалар кўрилиб, биринчи навбатда шу соҳаларга тегишли талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни сертификатлаштириш учун танланади.

Булар ҳар хил рўзгор электр машиналари, аппаратлари ва асбоблари, транспорт воситалари, сиқилган газлар ва суюқликлар ишлатиладиган идиш ва аппаратлар, портловчи ва ўта ҳавфли воситалар ва бошқалар. Худди мана шу хилдаги маҳсулотлар биринчи навбатда миллий ва халқаро миқёсдаги сертификатлаш учун объект ҳисобланади.

Миллий миқёсдаги сертификатлаштирилувчи маҳсулот номлари бир мамлакат доирасида бир неча йўллар орқали мужассамланади:

- мувофиқликни текширмасдан туриб, айрим хил маҳсулотларга мажбурий сертификатлаштириш стандартини қабул қилиш, бошқача қилиб айтганда сертификатлаштирилмаган маҳсулотни савдога ва ишлатишга қўйилмаслиги лозим;

- айрим хил буюмларга мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш учун уларга талаблар ўрнатувчи имзоланадиган махсус давлат ҳужжати қабул қилиниши орқали;

- халқаро тизимларга ва сертификатлаштириш битимларига қатнашувчи мамлакат ёки уларнинг ҳукуматидан ташқари идораларини қабул қилиш билан;

- маҳсулотнинг рақобатдошлик қобилиятини ошириш учун ихтиёрий сертификалаштириш, шу жумладан ўз ўзини сертификатлаштириш йўли билан.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги мамлакатларнинг айримларида мажбурий сертификатлаштириш учун маҳсулот турларининг рўйхати тузилмоқда ва бу тўғрида қонунлар чиқазилиб расмийлаштирилмоқда. Республикамизда эса Вазирликлар, Маҳкамалар томонидан «Ўзстандарт» агентлиги билан келишилган ҳолда тақдим этилган, мажбурий сертификатлаштириш учун маҳсулот турларининг рўйхати тузилади ва у давлат томонидан расмийлаштирилади. Қабул қилинган қарорга кўра, 1995 йили 1 январдан бошлаб асосий истемол маҳсулотлари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Бу рўйхатга қуйидагилар киритилган:

- мамлакат ичида ва ташқаридан келтирувчи маҳсулот мамлакат ичидаги меъёрий ҳужжатларга ва халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш учун (агар ўша давлат халқаро сертификатлаштириш тизимига кирган бўлса) ички бозорга тушишдан олдин сертификатлаштирилиши лозим;

- четга чиқарилувчи маҳсулот, юборишдан олдин халқаро тизим талабларига мувофиқлиги сертификатлаштирилади ёки чет элдан мол олувчининг миллий тизими ёки келишувда (битимда) қайд этилган талаблар асосида сертификатлаштирилади.

Назорат саволлари

1. Қандай сертификатлаштириш схемаларини биласиз?
2. Сертификатлаштиришда нималар инобатга олинади?
3. Сертификатлаштиришнинг қандай афзалликлари бор?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: У'збекистон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №318 –сонли қарори;

4. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари. №59 –сонли 2005 йил 25 февралда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 18 мартда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1458;

5. «Маҳсулот мувофиқлиги талаблари ва унинг хавфсизлиги декларация қилиш тўғрисида»ги низом. №83 –сонли 2005 йил 4 мартда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1465;

9-Мавзу: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШДА МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТЕКШИРИШ

Режа:

9.1. Сертификатлаштиришнинг меъёрий хужжатлар билан таъминланиши

9.2. Сертификатлаштирилувчи маҳсулот ишлаб чиқариш шароитларини текшириш

9.3. Синов лабораториялари ва уларни аккредитлаш

9.1. Сертификатлаштиришнинг меъёрий хужжатлар билан таъминланиши

Сертификатлаштиришда назорат қилинувчи маҳсулотга талаблар ҳамда синовлар (ўлчашлар) назоратини ўтказиш стандартларда ёки бошқа техникавий хужжатларда белгиланади. Сертификатлаштиришда қўлланиладиган стандартларга алоҳида талаблар қўйилади. Сертификатлаштиришда назорат остига олинувчи буюмлар тавсифи учун уларнинг миқдорий қийматлари ва ўлчаш усуллари (аниқланиши) ҳамда маркировка ва сақлашга талаблари бўлиши керак.

Агар буюмнинг энг кўп сақланиш муддати қайд этилган бўлса, бу муддат тугаши билан у яна синовдан ўтказилади (шундай тартиб, масалан, электрон техникаси буюмини сертификатлаштириш тизимида қабул

килинган).

Одатда сертификатлаштиришнинг миллий тизими миллий стандартларга асосланган бўлади, айрим ҳолларда мамлакатлар тўғридан-тўғри халқаро стандартларни ишлатиши ҳам мумкин, бунга яққол мисол тариқасида электр-рўзгор асбоблари ҳавфсизлиги бўйича МЭК стандартларини кўрсатиш мумкин.

Шубҳасиз, халқаро тизимларда ва битимларда сертификатлаштириш халқаро стандартлар ёки бошқа техникавий иш тартиби асосида ўтказилади. Шунини қайд этиш керакки, бундай стандартларни (иш тартибини) ишлаб чиқишда асос қилиб, бирор мамлакатнинг миллий стандарти олинади, бу эса ўз навбатида, ўша мамлакатга нисбатан маълум қулайликлар яратади.

Сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишда ўзининг маълум хусусиятлари бор. Масалан, электрон техникаси буюмларни сертификатлаштириш тизимида керакли стандартлар бўлмаганда ҳам, агар улар МЭК томонидан ишлаб чиқилган умумий талабларга жавоб берса ва тайёрловчи билан истеъмолчи ўртасида келишилган бўлса, бошқа меъёрий ҳужжатдан фойдаланишга рухсат этилади.

Халқаро тизимлар ва келишувлар доирасида одатда стандартларни ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқадиган мамлакатлар вакилларида иборат махсус гуруҳ мутахассислари ишламоқда.

9.2. Сертификатлаштирилувчи маҳсулот ишлаб чиқариш шароитларини текшириш

Учинчи томон тарафидан сертификатлаштирилиши мўлжалланган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш шароитларини текширишни ёки тайёрловчига берилган ҳуқуқ доирасида сертификатлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилишини амалда, деярли ҳамма сертификатлаштириш тизимларида кўзда тутилади. Бу, ўз навбатида сертификатлаштиришдаги текширилаётган маҳсулотнинг сифатини турғунланишига, уларга бўлган талабларни доимо риоя қилинишига олиб келади.

Ҳар бир буюртмачи (харидор, истеъмолчи) маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан танишиш ҳуқуқига эга (кўпинча бундан фойдаланади ҳам). Даставвал уларни талаб қилинадиган сифатнинг таъминланиши қандай амалга оширилиши қизиқтиради. Сертификатлаштириш доирасида бундай танишиш мустақил идора томонидан бажарилади ва буни махсус текшириш деб юритилади. Бундан кўзда тутилган мақсад - маҳсулотнинг сифати керакли даражада бўлган ҳолда ушбу корхонада бир меъёрда ишлаб чиқарилишига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Бундай текширишнинг иккита имконий йўналиши мавжуд:

1. Корхонани текшириш ва назорат қилиш маҳсулотнинг мажбурий синовлари билан бирга қўшилиб олиб борилади ва сертификат бериш ёки мувофиқлик белгиси қўйиш билан якунланади;

2. Агар фақат корхонани сертификатлаштириш (аттестатлаш) керак

бўлса, бунда сертификатлаштирилувчи маҳсулотни аниқ меъёрий техник-хужжатлар мувофиқлигига синовлари учинчи томон тарафидан бажарилмайди, демак маҳсулот учун сертификат берилмайди. Лекин, бу синовларни сертификатлаштириш доирасида бўлмаган ҳолда, истеъмолчи томонидан бажарилиши (ёки бажарилмаслиги) мумкин.

Биринчи йўналиш ИСО томонидан тавсия этилувчи сертификатлаштиришнинг 5-тизимига, иккинчиси эса 6-тизимга мос келади.

Иккала йўналиш ҳам корхонанинг сертификатлаштирилган маҳсулот шароитини текширишдан, даставвал назоратнинг мавжудлиги ва ушбу маҳсулотнинг сифатини таъминловчи тизимнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

У ёки бу тизимни қўлланилиши маҳсулот хусусиятларига, истеъмолчининг ҳоҳишига ва қатор бошқа омилларга боғлиқ.

9.3. Синов лабораториялари ва уларни аккредитлаш

Ҳар бир сертификатлаштириш фаолиятида - маҳсулот синовини ўтказишда, сертификат беришда ва сертификатлаштирилган маҳсулот сифатининг назоратини таъминлашда муҳим таркибий қисм сифатида аккредитланган синов лабораториялари ҳисобланади.

Ишланмада ва маҳсулот ишлаб чиқаришда унинг синовларини, яратилаётган намуналар даражасининг баҳолаштини ва истеъмолчининг талабларига мос келувчанлигини текширилишини ишлаб чиқарувчи ва тайёрловчилар амалга оширади.

Қатор мамлакатларнинг қонунларида маҳсулотни хавфсизлиги ва атроф-муҳитни асраш бўйича талабларнинг пайдо бўлиши билан синовларни давлат идораларининг вакиллари иштирокида ўтказилмоқда.

Бундай тажриба синовларнинг миллий тизимини аккредитланувчи синов лабораториялари билан бирга яратилишига олиб келади.

Лабораторияларни аккредитлаш деганда синов лабораториясининг маълум синовлар ёки синовларнинг муайян хилларини амалга ошириш ҳуқуқларини расмий жиҳатдан тан олиш тушунилади.

Бунда синов лабораториясининг техникавий лаёқатлилиги ва ҳолислиги ёки фақат лаёқатлилигини тан олишнинг ифодаланиши кўрилиши мумкин.

Лабораторияни аттестатлаш деганда лабораторияни аккредитлаш учун белгиланган мезонларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида синов лабораториясини текширилиши тушунилади.

Сертификатлаштириш синовларини ўтказиш ва аккредитлаш учун даъвогар бўлувчи лабораторияларга муайян талаблар қўйилади ва уларнинг бажарилиши сертификатлаштириш идоралари томонидан назорат қилинади.

Шундай талаблар қаторига қуйидагилар киради:

- ходимларнинг назарий тайёргарлиги ва амалий ишдаги техникавий лаёқатлилиги;
- синов ўтказиш асбоб-ускуналарининг мавжудлиги, ўлчаш ва бошқа

воситаларни аккредитлаш ҳукукини олиш учун керакли текширув синовларини тўғри ўтказишда моддий-техникавий таъминотининг етарли эканлиги;

— сертификатлаштириш тавсифлари бўйича ҳар бир аниқлаш учун текшириладиган синов услубларини тўла тадбиқ қилиш ва бунинг натижасида синов яқунлари қайтарувчанлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашлиги;

— лабораторияни аниқ ва ташкилий ҳақ-ҳуқуқий ўрни бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчидан мустақил ҳамда тижорат ёки бошқа мажбуриятларда бўлмаган синовларнинг ҳаққонийлигига таъсир ўтказолмайдиган бўлишлиги;

— синовларни ўтказишда тизим сифатини таъминланилишини мавжудлиги.

Сертификатлаштириш идораси томонидан ўтказиладиган аккредитлаш бўйича синов лабораторияларининг бу талабларга қандай жавоб беришлиги текширилади ва лабораториянинг ҳолати тўла-тўқис ўрганилади.

Шу билан бирга синов лабораторияларини аккредитлаш (одатда "аккредитлаш миллий тизими" атамаси билан ҳам ифодаланади) тартиби ва бажариладиган ишлари турли мамлакатларда, улардаги тизимларни юритиш хусусиятлари билан фарқланади.

Ҳозирда синов лабораторияларнинг аккредитлаш миллий тизими кўпгина мамлакатларда тузилган бўлиб, муайян даражада йўлга қўйилган.

АҚШда 1972 йилда ўтказилган рўйхат маълумотларига қараганда давлат идоралари ва хусусий ташкилотлар ихтиёрида бўлган 1800 та тижорат синов лабораториялари ва кўп миқдорда синов лабораторияларини баҳолаш тизимининг борлиги аниқланган.

Масалан, савдо, энергетика, муҳофаа вазирликлари томонидан синов лабораторияларини тан олиш тизимлари ташкил этилган. Савдо вазирлиги бўйича амалда бўлган, 1929 йилдан бери АҚШда бетон, цемент, асфальт, қоғоз, картонлар билан синов ўтказувчи лабораториялардан фақат бир неча юз лабораториялар тан олинган ҳолос.

Синовларни ташкил қилиш даражасини баҳолашни ва уларнинг фаолиятини ишлаб чиқилган мезонлар асосида савдо вазирлигининг техника бўлими - стандартларнинг миллий бюроси амалга оширади.

1900 йили Францияда санъат ва ҳунармандлик мактаби қошида синовлар ўтказиш миллий лабораторияси пайдо бўлди. 1978 йилдан бошлаб бу синов лабораторияси саноат вазирлиги қошидаги давлат муассасасига айлантирилди, бу Францияда миллий синовлар тармоғи (RNE)нинг яратилишига пойдевор бўлди.

RNE - синов лабораторияларининг ягона мувофиқлаштирувчи бирлашмаси бўлиб, ягона қоидалар ва иш тартиби асосида синовлар ўтказишни таъминлайди. RNE нинг асосий вазифаларидан бири синов лабораторияларини аккредитлаш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширади.

1981 йили Буюк Британияда Ҳукумат қарори билан миллий физика

лабораторияси қошида синов лабораторияларини аккредитлаш миллий тизими (NATLAS) тузилди. Унга синовларни ўтказиш лабораториянинг тайёргарлигини баҳолаш ва аккредитлаш, бу синовларни сертификат бериш билан ўтказиш, шунингдек аккредитланган лабораториялар рўйхатини нашр эттирилиши топширилган.

Синов лабораторияларининг режаларини амалга ошириш ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Мамлакат ичидаги синов ўтказувчи ҳар қандай лаборатория, агар у учинчи томон сифатида бўлса, миллий аттестат олиш имкониятига эга бўлади.

Буюк Британияда аккредитлаш режасини Британия стандартлаштириш билимгоҳи тайёрлайди. Лабораторияни аккредитлаш учун буюртманома шу билимгоҳ номига топширилади. Буюртманома билан бирга тўлдирилган саволнома (вопросник), синовлар сифатини таъминлаш бўйича қўлланманинг нусхаси, синовлар ўтказишга даъвогар лабораториянинг ўтказиладиган синов турлари тўғрисидаги маълумот кўшиб топширилади. Бу ҳужжатларни олгандан сўнг билимгоҳ аккредитлашни ўтказувчи эксперт гуруҳини тузади. Унинг таркиби синов турларининг миқдориغا, ҳамда лабораториянинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Аккредитлашни бир кун ичида ўтказиш кўзда тутилади. Унинг натижаларига қараб эксперт гуруҳи қуйидаги 3 вариантли хулосага келади:

Лабораториянинг камчиликлари йўқ, у аккредитланиши мумкин;

Лабораториянинг жиддий бўлмаган камчиликлари бўлиб, уларни бир ой ичида йўқотиш шарти билан аккредитлаш мумкин;

Лаборатория жиддий камчиликларга эга ва уни аккредитланиши тавсия этилмайди.


Аккредитлаш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг лабораторияга аттестат берилади, унда аккредитланувчи маҳсулотнинг номи ва синовлар тури кўрсатилади. Аттестат камида 10 йил муддатга мўлжалланиб, уни билимгоҳ қошидаги сифатини таъминлаш бўйича кенгаш беради. Шунга айтиш керакки, бу аккредитланган лаборатория ҳар йили кенгаш номига аккредитланиши ҳамда муайян вақт оралиғида кенгаш томонидан ўтказиладиган баҳолашни ва назорати билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни унинг ҳисобига ўтказиб туради.

Лабораторияни аккредитлаш учун қуйидагилар лозим:

– аккредитлаш учун даъвогар бўлган синов лабораториясининг талабномасини тақдим этиш ва кўриб чиқиш:

- тақдим этилган аккредитланиш ҳужжатларининг экспертизаси;
- аккредитланувчи лабораторияни текшириш бўйича комиссия тайинлаш ва уни ўтказиш муддатини аниқлаш;
- аккредитланувчи лабораторияни жойида аттестатлаш (текшириш);
- лабораторияни аккредитланганлиги ҳақида қарор қабул қилиш;
- лабораторияни аккредитланганлиги ҳақидаги аттестатни расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва уни топшириш.

Аккредитланган лабораториянинг ишчи ва аккредитлаш учун зарурий ҳужжатларнинг тоифалари ва схемаси 9-расмда келитирилган.



9-расм. Синов лабораториясининг ишчи ва аккредитлаш учун ҳужжатлари

Аккредитланган лабораторияларда сақланадиган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Ҳуқуқий ҳужжатлар:

- аккредитланган синов лабораторияси ҳақидаги низом;
 - синов лабораториясининг паспорти, аккредитланганлиги ҳақидаги аттестат.

2. Ташкилий-услубий ҳужжатлар:

O'z DSt 5.3-92 "Сертификатлаштириш миллий тизими. Синов лабораторияларини (марказларни) аккредитлаш. Асосий қоидалар.

ИСО, ИСО/МЭК Ҳужжатлари, EN-45000 рақамли, N-серияли аккредитлашнинг ташкилий ва услубий масалаларини режалаштирувчи стандартлар.

3.1. Текширилувчи маҳсулотга оид меъёрий ҳужжатлар.

4. Тизимнинг сифатини таъминловчи ҳужжатлар:

Сифат бўйича қўлланма ва процедура ҳужжатлари.

5. Синаш ва ўлчаш асбоб-ускунага доир ҳужжатлар:

- асбоб-ускуналарни қайд этилган (қайд дафтари, карталар, варақлар, паспортлар ва бошқалар) ҳамда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжатлар:

а) асбоб-ускуна номи ва унинг тури;

б) корхона-тайёрловчи (фирма), тури (маркази), корхона ва инвентар рақами;

в) асбоб-ускуна ишлаб чиқилган, олинган ва ишга тушган вақти;

г) сотиб олингандаги ҳолати (янги, ишлатилган, таъмирдан кейин ва бошқалар);

д) бузилганлиги, таъмири, техника кўриги ҳақидаги маълумотлар;

е) аттестатлаш ва текшириш ҳақидаги маълумотлар;

- текширилувчи асбоб-ускуна ва ўлчаш воситаларининг ишлашидаги ва техникавий хизмат кўрсатиш ҳақидаги ҳужжатлар:

а) Ҳар бир алоҳида синалувчи асбоб-ускуна ва ўлчаш воситалари учун паспорт;

б) ўлчаш воситаларида текширув ўтказиш услублари, ҳамда текширилувчи асбоб-ускунани аттестатлаш режаси ва услублари;

в) аттестатлаш тартиби ва ностандарт синаш ва ўлчаш услубларини тасдиқлаш;

- ўлчаш воситаларини текширишни ҳисобга оладиган ва синалаётган асбоб-ускунанинг аттестатлаш ҳақидаги ҳужжатлар: синалувчи асбоб-ускунанинг ва ўлчаш воситаларини текшириш графиги;

- О'з DSt 5.0-92да қўлланиш соҳаси, меъёрий ҳужжатларга илова, сертификатлаштиришда ишлатиладиган асосий атамалар, умумий қоидалар, сертификатлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилиши ва вазифалари, синов ва сертификатлаштириш соҳалари бўйича халқаро ҳамкорлик каби масалалар ёритилган ҳужжатлар.

6. Лаборатория ходимлари ҳақидаги ҳужжатлар:

- лабораторияда ишлайдиганларнинг шахсий варақалари;

- мансабий йўриқномалари;

- лаборатория ходимларининг аттестатлаш ҳақидаги материаллар.

7. Синалувчи буюм (мол) намунасининг ҳужжатлари:

- синалувчи буюмларни паспорти, ишлатиш бўйича қўлланма ва техникавий тавсифи;

Буларнинг ичида йўриқномалар:

а) буюмларнинг намуналарини белгилаш тартиби;

б) намуналарни қабул қилишда уларнинг тўлалигини (бутлигини) ва ишга лаёқатлилигини текшириш тартиби;

в) буюм намуналари учун ҳужжатларнинг тўлалигига талаблар;

г) намуналарнинг сақланишини таъминлайдиган тартиби;

д) буюртмачига буюм намуналарини қайтариш тартиби.

8. Синовлар ўтказиш маълумотларини рўйхатлаш тартиби учун ҳужжатлар:

- синовларни ўтказиш: режаси ва услуги;
- маълумотларни ҳисоблаш тартибини ўз ичига олувчи ҳужжатлар, ишчи журналлар, синовлар ва ўлчашларнинг натижаларини ўз ичига олувчи, ишчи қайд дафтарлар;

- синовлар баённомаси, ўтказилган синовлар ҳақидаги ҳисобот.

9. Хоналардаги шароитни сақлаш бўйича ҳужжатлар:

- ишлаб чиқариш хоналаридаги тегишли тартибни таъминлаш бўйича йўриқномалар;

- хоналардаги ҳолатни назорат қилувчи дафтар; қайд дафтари;
- асбоб-ускунанинг ишлашидаги ҳужжатлар;
- хоналар ичидаги муҳитнинг керакли шароитини назорат қилувчи ва таъминловчи асбоб-ускунанинг ишлашидаги ҳужжатлар.

3.1. Архив бўйича ҳужжатлар:

- архив тармоғидаги ушбу ўлчашлар ва синовлар маълумоти, ишчи қайд дафтарларини, маълумотларнинг ҳисоб-китоби, ҳисоботлар, намуналар ҳақидаги ҳужжатлар ва бошқаларни юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномалари.

Назорат саволлари

1. Сертификатлаштиришда меъёрий ҳужжатлар қандай аҳамиятга эга?

2. Сертификатлаштиришда нима учун ишлаб чиқариш кўрикдан ўтказилади?

3. Аккредитланган синов лабораторияларининг қандай ишларни бажаради ва меъёрий ҳужжатларини биласизми??

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н. Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Сабиров М.З. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2005.

3. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

10-Мавзу: СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СИНАШ

Режа:

10.1. Сертификатлаштиришда маҳсулотни текшириш


10.2. Сертификатлаштириш натижаларини расмийлаштириш

10.3. Сертификатлаштирилган маҳсулотларни давлат рўйхатига олиш

10.1. Сертификатлаштиришда маҳсулотни текшириш

Амалдаги ҳамма сертификатлаштириш тартибида маҳсулотнинг назоратли синовларини ўтказишга асосланган, унинг белгиланган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги аниқланади. Тизим қоидаларига биноан синовларнинг корхонани ўзида маҳсулотни тайёрлаш жараёнида ҳамда истеъмолчига юборишдан олдин ўтказилади. Бундан ташқари одатда сертификатлаштириш доирасида сертификатлаштирилган маҳсулотнинг сифатини барқарорлиги учун назоратли текширувни вақти-вақти билан ўтказилади.

Сертификатлаштириш учун ўтказиладиган синовлар тартиби (10-расм), баъзан уни сертификатлаштириш синовлари ҳам деб аталиб, амалий ҳар қандай синовларга хос бўлган, маҳсулотнинг саноатда, ишлаб чиқаришда кўп йиллар ичида шаклланган умумий қоидаларига бўйсунди. Лекин сертификатлаштириш синовларини ташкил қилиш ва ўтказиш услубияти ўзига хос хусусиятларига эга.



10-расм. Лабораторияда сертификатлаштириш синов
жараёнларининг тизимини

Ҳар бир синов ва унинг натижалари учинчи томон тарафидан сертификатлаштириш учун ишлатилиши кўзда тутилиб, фақат сертификатлаштириш идораси томонидан маҳсулотнинг синовларини ўтказиш учун ҳуқуқли аккредитланган синов лабораторияларида ёки унинг ташкилотларида ўтказилади.

Синовларни ўтказиш ва уни тартиби халқаро ёки миллий сертификатлаштириш тизимларининг қоидаларида тўлиқ ва аниқ қилиб белгиланган.

Сертификатлаштириш тартибига қараб, ушбу маҳсулотнинг бир турдаги нусхаси, тўдадан танланмаси ёки маҳсулотнинг нусхаси синовлардан ўтиши мумкин. Маҳсулотнинг тавсифлари ва параметрлари, уларга бўлган талаблар меъёрий ҳужжатларда берилган бўлади. Шунинг учун уларни аниқ ва ишончлилик билан синовлар ва ўлчашлар натижасида аниқлаш имконини беради.

10.2. Сертификатлаштириш натижаларини расмийлаштириш

Маҳсулот ёки буюм маълум текширувдан ўтганлигини, текширувнинг ҳаққонийлигини ёки сертификатлаштириш идораси томонидан текширилганлигини исботлайдиган далил - тамға, этикетка, сертификат, илова қилиб юбориладиган рўйхат, сертификатлаштирилган маҳсулотлар рўйхати ёки корхона тайёрловчиларнинг рўйхати ҳисобланади.

Мувофиқлик сертификатини сертификатлаштириш идораси ёки унинг номидан аккредитланган идора томонидан берилиши мумкин. ИСО таърифига биноан:

Мувофиқлик сертификати - "Тегишлича белгиланган маҳсулот, жараён ёки хизматларнинг маълум стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга мос келишига ишонтирадиган ва сертификатлаштириш тизими қоидалари асосида ташкил этилган ҳужжат"дир.

Мувофиқлик белгиси деганда ушбу маҳсулот, жараён ёки хизмат маълум стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга мос келишини кафолатловчи сертификатлаштириш тизими қоидалари асосида берилган ёки ишлатиладиган ва маълум тартибда ҳимоя қилинадиган белги тушунилади.

Мувофиқлик белгисини фақат маҳсулотнинг ҳамма тавсифларини белгиланган стандарт бўйича қамраб олган бўлган ҳоллардагина ишлатиш тавсия этилади.

Сертификатни, ҳам маҳсулот стандартларининг тўлиқ техникавий талабларига, ҳам алоҳида талабларни белгиловчи стандартлар асосида берилиши мумкин.

Сертификат бериш тартиби ва (ёки) мувофиқлик белгисини қўйиш, ҳамда уни амалда тўхтатиш ёки бекор қилиш, стандарт шакли ва мувофиқлик белгисининг рамзи, сертификатлаштирилувчи ҳужжатларда белгиланади ва маҳсулотнинг ушбу турини сертификатлаштириш қоидаида кўрсатилади.

Сертификатда қайд этиладиган маълумотлар қуйидагилардан иборат:

- сертификатлаштириш идорасининг номи ва манзили;
- тайёрловчининг номи ва манзили;
- маҳсулотни ва унинг тўдасини белгиланиши, серия рақами, сертификатлаштиришга тегишли бўлган модел ёки маҳсулот тури;
- тегишли стандартга ҳавола;
- вакил-шахснинг имзоси ва вазифаси.

Қуйидаги келтирилган ҳолларда сертификат бекор қилиниши мумкин:

- агар маҳсулот (буюм, мол)нинг таркибига ёки уни ишлаб чиқариш технологиясига ўзгартиришлар киритилса, бу эса ўз навбатида сертификатлаштириш бўйича қилинаётган текширувда унинг тавсифларига ўзгаришлар олиб келса, ҳамда шу маҳсулот намуналарининг синовлари қўшимча баённомадаги стандарт талабларига мослиги тасдиқланмаса;
- ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши ва корхона-тайёрловчи маҳсулотининг сифати пасайса ёки материал билан таъминловчи томонидан комплектлаш деталлари, йиғиш қисми тегишли стандартлар талабларини

бузилишига олиб келса.

Сертификатлаштириш натижаларини, Тизим идораси томонидан сертификатлаштириш ишлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар доим чоп этилиши лозим. Бу маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сертификатлаштирилган маҳсулот рўйхати;
- аккредитланган синов ташкилотларининг рўйхати;
- аттестатланган корхоналардаги сертификатлаштирилган маҳсулот рўйхати;
- сертификатлаштириш ҳужжатларининг рўйхати.

Бу рўйхатларни сертификатлаштириш миллий идораси бўйича қилинадиган ишларда қатнашувчи вазирликларга юборилади.

10.3. Сертификатлаштирилган маҳсулотни давлат рўйхатига олиш

Истеъмолчиларни муайян маҳсулот, сертификатлаштирилганли тўғрисида, уни ишлатилишида сертификат ёки унинг нусхаси ҳамда мувофиқлик белгиси билан хабардор қилишни амалга оширилади.

Мувофиқлик сертификати – бу керакли ишонччилик билан маҳсулот ёки хизмат, идентификацияланган шаклда муайян стандарт ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини билдиришини, таъминловчи сертификатлаштириш миллий тизими қоидалари бўйича берилган ҳужжат. Сертификат стандартнинг барча талабларига, ҳамда алоҳида бўлими ёки ҳужжатнинг ўзида аниқ баён қилинган маҳсулотнинг муайян тавсифига, алоқадор бўлиши мумкин. Сертификатда тақдим қиланаётган маълумот, синов, ишлаб чиқаришни баҳолаш ва бошқа текширув натижалари билан уни солиштириш имкониятини таъминлаб, у нима асосида берилганлигини муълум қилади.

XX. XXX. XX. XXX. XXXXX

Рўйхатга олинган объектни тартиб рақами

Аккредитлаштириш идораси ёки
сертификатлаштириш идораси коди

Рўйхатга олинган объект коди

Мувофиқликни баҳолаш тизимини ҳарфли белгиланиши

Ўзбекистон Республикасининг белгиси

9 - расм. Давлат реестрида рўйхатга олиш рақамининг умумий тузилиши.

Хар бир сертификат давлат реестрида расмий рўйхатга олинishi шарт. Сертификатлаштириш бўйича идора дастлабки рўйхатга олинishини индивидуал индентификацион рақами бўлмиш ва қатъий ҳисобот хужжатлари бўлиб ҳисобланган, сертификат бланкасини тўлдириш вақтида ўтказади. Сертификатларни якуний рўйхатга олишни, сертификатлаштириш бўйича идора кундалик тақдим қилаётган хужжатлар асосида сертификатлаштириш миллий идораси ўтказади. Сертификатда давлат реестри бўйича таркиб топган рўйхат рақами сертификатлаштириш бўйича идора ва аризачи ҳақидаги қўшимча маълумотларни беради. Объектларни баҳолаш ва мувофиқликни тасдиқлашни рўйхатга олиш умумий тартиби О'з РН 51-021:2004 да белгиланган. Давлат реестри бўйича баҳоланган объектларни рўйхат рақами тузилмаси 9 - расмда келтирилган.

Шунингдек, объектларни рўйхатга олиш кодлари рўйхати О'з РН 51-021:2004 белгиланган ва у 3 - жадвалда келтирилган.

Мувофиқлик сертификатларининг рўйхат рақамидан сертификатлаштириш бўйича идора коди сифатида, сертификатлаштиришни ўтказган, сертификатлаштириш бўйича идоранинг аккредитлаш ҳақидаги шаҳодатнома тартиб рақами қўлланилади.

Миллий аккредитлаштириш бўйича идора кодида МАИ давлат тилида аккредитлаштириш миллий идора бош ҳарфлари бўйича белгиси мавжуд.

Шунга ўхшаш сертификатлаштириш бўйича миллий идора SMI, миллий сертификатлаштириш тизими SMT, аккредитлаштириш миллий тизими AMT белгиланади.

3 - жадвал

Объектларни рўйхатга олиш кодлари рўйхати.

№ т/р	Рўйхатга олинадиган объектни номланиши	Код
1	Маҳсулотларга сертификат	01
2	Хизматларга сертификат	02
3	Хорижий сертификатлар	03
4	Менежмент тизимига сертификат	04
5	Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларининг аккредитланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома	05
6	Маҳсулотларни сертификатлаштириш идораларининг аккредитланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома	06
7	Лабораторияларни (марказ) аккредитланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома	07
8	Сифат бўйича эксперта-аудиторларни аттестатлаш	08
9	Транспорт воситаларининг турини мақуллаш	09

10	Хорижий давлатларди аттестанланган сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг аттестати	10
11	Назорат (инспекция) идораларини аккредитланганлиги тўғрисида гувоҳнома	11
12	Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимини рўйхатга олиш гувоҳномаси	12
13	Ходимларнинг лаёқатлилиги сертификати	13
14	Мувофиқлик тўғрисидаги декларация	14
15	Эксперта-метрологлар аттестати	15
16	Путур етказмасдан назорат соҳасидаги ходимларнинг лаёқатлилиги сертификати	16

Қуйида сертификатлаштирилган маҳсулотлар, сифат тизими ва хизматларга сертификатларни рўйхатга олинган рақамлари ҳамда аккредитация гувоҳномалар рўйхат рақамларига мисоллар келтирилган.

UZ. SMT. 01. 129. 00022 (сертификатлаштириш идораси маҳсулотга берган мувофиқлик сертификати рўйхат рақами)

UZ. SMT. 04. 001. 00011 (сертификатлаштириш идораси менежмент тизимига берган мувофиқлик сертификати рўйхат рақами)

UZ. SMT. 02. SMI. 00011 (Сертификатлаштириш миллий идораси хизматга берган мувофиқлик сертификати рўйхат рақами)

UZ. AMT. 07. MAI. 043 (Аккредитлаштириш миллий идораси лабораторияни, аккредитлаштириш ҳақидаги берган гувоҳномани рўйхат рақами).

Сертификатлаштириш идоралари берилган, бекор қилинган сертификатлар ҳисоби тўғрисида ва сертификатлаштириш фаолияти ҳақидаги, маълумотларни Сертификатлаштириш миллий идорасига тақдим қилади. Улар ўзининг фаолияти ва берилган сертификатлар ҳақида қизиқувчи ташкилотларни хабардор қилиши мумкин.

Ҳар бир объектни рўйхатга олиш вақтида 4 - жадвалда келтирилган маълумот картасини тўлдириш тавсия этилади.

4 - жадвал

Рўйхатга олинган объектлар тўғрисида маълумотларни қайд қилиш карточкасида ёзиш мисоли мисоли

№	Ёзувларнинг номланиши	Мисол
1	Давлат реестри бўйича рўйхатга олиш рақами	UZ.AMT.06.MAI.055
2	Бланкани қайд қилиш рақами	—
3	Рўйхатга олинган санаси	21.11.2007
4	Амал қилиш муддати	3 йил
5	Ташкилотнинг номланиши (тўлиқ)	«Uzbek – turk test markazi» Сертификатлаштириш идораси Ўзбекистон-туркия қўшма

		корхонаси
6	Ташкilotнинг номланиши (қисқача)	«Ўзбек – Турк тест маркази» СИ
7	Маҳкамага қарашлилиги (мавжуд бўлганда)	–
8	Манзил	Тошкент, Чопонота кўчаси, 9В
9	Телефон	50-01-01
10	Электрон манзил	uzttm@yandex.ru
11	Раҳбар Ф.И.Ш. (аризачи)	Шукурлаев Ш.М
12	Объектнинг номланиши (СИ, СЛ, менежмент тизими, ходим, маҳсулот, ...)	Сертификатлаштириш бўйича идора
13	Қўлланиш соҳаси/аккредитация	тўқимачилик, пойафзал ва мебель маҳсулотлари
14	Сертификатлаш/аккредитлаш ўтказишда, меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги тўғрисида маълумот	O'z DSt 5.2
15	ИН ўтказишнинг даврийлиги	12 ойда 1 марта
16	Аккредитлаштириш (сертификатлаштириш) идорасининг қарори санаси	17.07.2000 йилдаги аккредитлаш тўғрисида қарор.
17	Аккредитлаш, сертификат тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш, фаолиятни тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳақида маълумотлар	Аккредитация Кенгаши назорат далолатномасига асосан 20.07.2006 йилдаги № 35 қарори билан тасдиқлаган
18	Давлат реестридан чиқариш	

Ўзстандарт Агентлиги сертификатлаштирилган маҳсулотларни реестрини бошқа объектларни рўйхатга олиш, бекор қилинган сертификатлар тўғрисида маълумотлар бўйича умумий рўйхатга олишни ишларини олиб боради. Масалан, аккредитланган сертификатлаштириш идоралар ва лабораториялар сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестатланганлиги Ўзстандарт Агентлигининг расмий сайтида чоп этилади.

Аризачи маҳсулотини реклама қилишда, мавжуд мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисини, ҳамда сертификатлаштирилган сифат менежменти тизимини ёки ишлаб чиқаришни реклама қилиш ҳуқуқига эга.

Мажбурий сертификатлаштиришда турган маҳсулотни, лекин, у мувофиқлик сертификатига эга бўлмаса, реклама қилиш қатъиян тақиқланади.

Назорат саволлари

1. Сертификатлаштириш жараёнида маҳсулотларни синаш ва текшириш қандай амалга оширилади?
2. Сертификатлаштиришда синов натижалари қандай расмийлаштирилади?
3. Сертификатланган маҳсулотлар қандай қилиб давлат рўйхаига олинади?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: У'збекистон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Авакян П.Г., Алимов М.Н. Гольцов В.Ф., Мирагзамов М.М., Сабилов М.З., Садыков А.Б. Основы стандартизации, сертификации, метрологии и управления качеством продукции. Учебное пособие. – Ташкент: Издательство ТГТУ, 2002.

3. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н. Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Сабилов М.З. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2005.

4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

11-Мавзу: СИФАТ ТИЗИМЛАРИНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

Режа:

11.1. Сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича минтақавий ва халқаро ташкилотлар.

11.2. Сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш

11.1. Сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича минтақавий ва халқаро ташкилотлар

Сифат тизимини сертификатлаштириш ва баҳолаш Тармоғи –EQNET-сифат таъминлаш тизими сертификатлаштириш билан шуғулланувчи 17та Европа миллий ташкилотларини бирлаштиради. Шу билан бир қаторда Испания, Италия, Бельгия, Дания, Нидерландия, Ирландия, Австрия, Португалия, Норвегия, Финляндия, Швейцария, Словения. EQNET шунақа ташкилотки – унга хоҳлаган давлатнинг сифат тизими сертификация ташкилоти бирлашиши мумкин.

EQNETнинг фаолияти миллий идоралар томонидан бериладиган ИСО-9000 халқаро стандартлари бўйича сифат тизимлари мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олиш ва кенг равишда тадбиқ этишга қаратилгандир.

EQNET – шерик-ташкилотлар тан оладиган ягона сертификат формасига эга бўлиб, бу сертификатнинг эгаси талабгордаги сифат тизимининг синовисиз, умумий Тармоққа кирадиган хоҳлаган бир миллий идорадан сертификат олиш ҳуқуқига эга. Тармоқ баъзи бир қўшимча хизматларни ҳам тавсия қилади:

- дунёнинг қарийб ҳамма мамлакатларидаги сертификатларни тан олишда транснационал корпорацияларга ёрдам бериш;

- Маҳсулотни ЕС директивасига мувофиқлиги тўғрисида қўшимча сертификатлаштириш.

- ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказиш.

EQNET аудиторлари иш олиб боришлари учун асосий ҳужжат бўлиб ИСО 10011 «Сифат тизими текшириш бўйича асосий кўрсатмалар, сифат тизимини текшириш бўйича аудиторлар учун малака мезонлари» ва «Сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича идораларнинг баҳолаш мезонлари» стандартига ва "Сифат тизимларини сертификатлаштириш идораларининг баҳолаш мезонлари" EN-45012 стандартлари хизмат қилади..

Сифат тизимини сертификатлаштириш билан бевосита тарзда сертификатлаштириш идораларини аккредитлаш ишлари ҳам олиб борилади. Бу борада сифат тизимларини сертификатлаштириш билан шуғулланувчи идораларни аккредитлаш ташкилотларининг ассоциацияси ЕАС алоҳида ўрин тутди. ЕАСнинг асосий мақсади бўлиб: ўзаро ишончни орттириш учун аъзо-давлатлар орасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ошириш ҳисобланади.

Халқаро мустақил сертификатлаштириш ташкилоти (ИОС) ҳам мавжуд бўлиб, бу ташкилот маҳсулотлар ва сифат тизимларини сертификатлаштириши бўйича 7 та катта катта халқаро фирмаларни Дет Норске Веритас, Регистр Ллойда, Тюф-СЕРТ ва бошқаларни ўз таркибига олган. Ташкилотнинг асосий вазифаси ИСО 9000 сериясидаги халқаро стандарти бўйича сифат тизимларини тадбиқ этиш ва сертификатлаштиришдан, энг муҳими, қайта сертификатлаштиришлар ўтказилишини олдини олиш ва сертификатлаштирига катта нуфуз беришдан иборат.

Халқаро Аккредитлаш бўйича форум (IAF) 19 та аккредитлаш бўйича миллий идораларни бирлаштирган бўлиб, унинг таркибига Австрия, Канада, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Хитой варивожланган давлатларнинг аккредитлаш бўйича миллий идоралари киритилган.

1994 йилда ИСО Сифат тизимларини сертификатлаштириш учун ихтисослаштирилган бўлим (QSAR) ташкил этиш ташаббусини кўтариб чиққан эди. Бундан кўзланган асосий мақсад – кўпроқ ягона тартиблар асосида ўтказиладиган аудиторлик текширувлари бўйича ягона шаклдаги сертификат беришни кенг равишда тадбиқ этиш. МЭК ҳам ўз сертификатлаштириш тизимига эга бўлиб, бунда ИСО 9000 сериясидаги стандартлардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам QSARнинг сертификатлаштириш тизими МЭК тизими билан ўзаро уйғун ҳисобланади. QSAR сифат тизимини сертификатлаштиришдан ўтган фирмалар QSAR белгисини ишлатишлари мумкин.

11.2. Сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш

9000 серияли ИСО стандартига мос келувчи сифатни таъминлаш тизимларини сертификатлаштириш чет мамлакатларида кенг ривожланган ҳисоблансада, айти пайтда Россияда охириги 2 йил мобайнида бу муаммога жиддий эътибор берилмоқда. Балки, бундай ортда қолишнинг сабабларидан бири маҳаллий ишлаб чиқариш суръати тушиб кетганлиги ва ишлаб турган корхоналарнинг ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришга бўш йўналганлигидир. Ҳозирги кунда Россиянинг жуда оз миқдордаги чиқариш корхоналари сифат тизимларини сертификатлаштириш аҳамияти ва зарурлигини англадилар холос. Фақат бир неча ўн Россия корхоналари сифат тизимлари бўйича сертификатга эгалар. Чет элда эса бир неча ўн минглаб фирмалар ва корхоналар шундай сертификатларга эга.

Чет эл мутахасислари сифатни таъминлаш тизимига мос келувчи сертификат фирмага жуда катта ютуқ ва устунлик беради деб ҳисоблайдилар. У бизнес бўйича шерикнинг ишончлилигини, шунингдек сифат тизими сертификатлаштирилган фирмаларга бажонидил кредит берувчи банклар билан алоқада ишончлилигини таъминлайди. Сифат тизимига сертификат – маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузишда асосий омиллардан бири бўлиб, ғарб экспертларининг фикрича, яқин келажакда Европа бозорларида 95 % гача шартномалар маҳсулот етказиб берувчи фирмада сифат тизими

Дааепод ооҗеёёеё кёеёаае-а: ДО Давпоаіаадоё, Дааеподіеіа Оаііеё
Іадеаҗе, еөёаа -екадөё аа пөао оеҗеіаадени пәдөөдөёаоёаөдөдөё аүеё-а
Іаҗеён, апаёяөёуёаа аүеё-а еііеңсёу, Дааеподіеіа илмий-услуги күйөапө,
пөао аа еөёаа -екадөё оеҗеіаадени пәдөөдөёаоёаөдөдөё аүеё-а пәдөөдөёаоёаа
іеааі оаөёеёіөаа.

Росдавпоаіаадо оііеёөёуёаа кёеёааелардан иборат:

- Дааепод ооҗеёеёеіе күйеаа;
- оііеіа деаіҗеаіеөё оакөаа ідеіөөіеаё кадідеадіе кааоё кёеё;
- дааепод фаолиятининг апиңеё кіеааеадеіе аа ідеіөөіеадеіе еүдөа
-екөё;
- Дааепод оаіеёуөё опөөаа іаҗідао үдіаөө;
- апаёуөёуёаа аүеё-а еііеңсёуаа еөдөдіе уөө (җадоо аүеааіаа).

Дааеподіеіа Таііеё Мадеаҗе аааіпөоа еөёаа -екадөё аа пөао оеҗеіаадени
пәдөөдөёаоёаөдөдөёіе оаөёеё уоаае, уөаҗаае аа іаҗідао кёеаае, еііаёөөі
іаҗідаоаа еөдөдіе уоаае; пәдөөдөёаоёаөдөдөёааі пөао аа еөёаа -екадөё
оеҗеіаадө Дааеподіеіе іеаа аідаае; уепіадоёадни аеёдааеолашаа еөдөдіе уоаае;
пәдөөдөёаоёаа оаҗпөдөіе оүдөаоаае ,её бекор қилади; адаідіо оаҗіеіеіа-е аеааі
ооҗөёеаіаае; оаіеёуөё үдөаө ідіөөаа уаа аүеааі -ао үе іеёеёе аа оаекаді
оаөёеёіөаа аеааі аеікаеадіе үдіаоаае, аіҗка пәдаөөа аа опөоаеё ааҗөдөаадіе
ааҗадаае.

Еөёаа -екадөё аа пөао оеҗеіаадени пәдөөдөёаоёаөдөдөё аүеё-а Маҗеён,
Дааепод еөёаа оааеөеё аүеааі кадідеадіе кааоё кёеё о-оі оаеёөдөаа еөёаа
-екөа-е, іапөаҗао аадоа-е идора мавкөеаа уаа. О еөёаа -екадоа-еөаа,
епөауііе-еөаа, Дааепод Оаііеё Іадеаҗеіе аа аіҗка іаіҗеө уооа-е көҗөкөа-е
оаөёеёіөаа іооаоапөпөадеааі оаөёеё опааі.

Апаёуөёуёаа аүеё-а еііеңсёу Оаііеё Іадеаҗе оіііеааі іопөакөё
уепіедөөадан таркиб топган бўлиб, ўхдө,ө ооҗөҗаіаа еөёаеае. Оііеіа
оадөёеааа дааеподіеіа ташкилө аүеөіаеаде вакиллари еөдөөө іоіеі.

Дааеподіеіа илмий – опөоаеё күйөапө меҗерий аа опөоаеё хөҗаөөадіе
еөёаа -екаае; еөёаа -екадөё аа пөао оеҗеіаадени пәдөөдөёаоёаөдөдөё аүеё-а
Іаҗеён еөёаа еөдөдіе уоаае. Іаҗөоліөаа аа меҗерий хөҗаөөаа ааіеіе ооҗаае;
уепіедөөадиё үкөдөё о-оі аапөодөадиё еөёаа -екаае аа хоказо.

Еөёаа -екадөё аа пөао оеҗеіаадени пәдөөдөёаоёаөдөдөё аүеё-а
идораеаа пәдөөдөёаоёаөдөдөёіе уөаҗааеөаа, оііеіа іаөөаеадеіе
оапөіеёаөдөдөаеөаа аа еііаёөөі іаҗідаоіе аіаеаа іөдөааеөаа; оөөоаеё еөөадіе
іеаа аідааеөаа, Дааеподіеіа ааа-а таркибий аүеөіаеаде аеааі уҗаді аеіка
көёааеөаа.

Пәдөөдөёаоёаөдөдөёааі пөао оеҗеіаадөаа уаа аүеааі оаөёеёіөаа еөёаа
-екадөөда пөао аіеіеёеёеіе оауіеіеаеөөаа аа пәдөөдөёаоёаөдөдөё идораси ,её
Дааеподіеіа Оаііеё Іадеаҗе таеаае апиңеаа өадаеөө адаідіоіе такдим уоааеөаа;
еііаёөөі іаҗідао іаөөаеадеаа еүда хатоларни тузатиш -ідаөадини еүдаеөөаа;
пәдөөдөёаоёаөдөдөё аүеё-а идораіе еөёаа -екадөё җада,іеаа еөдөөөааі
уіаеөөөөаа оакөаа іаіҗеаіөдөөа оодааеөаа. АІНО Д. 40. 003-96, АІНО Д. 40.
004-96 аа АІНО Д. 40. 005-96 да асосан оаеаааідеаа аа пәдөөдөёаоёаөдөдөё
аүеё-а идораеадіеіа пәдөөдөёаоёаөдөдөё ааадеааі іеаеіае ааадааае уҗаді

аёйқаёадаа; оаёёёёёёаёйё уёёаёё, пёоао оёзёйёаёйё пёдоёёёёаёёаёёёёё
ауёё-а қадоёёа қааоё кёёёёа, иуофиқёё пёдоёёёёаёёаёйё ооёёа,
пёдоёёёёаёёаёёёёа пёоао оёзёйёаёё оёёёа еіпёаёёі іаёіао уёіаёёа,
пёдоёёёёаёёаёёёёё ауёё-а идораёаёйё Даёёпёоёйё Оаёйё Іаёаё аёёа
уёаёі аёйқаёаёёни таъминлайди. Аёа, іёа Ааёіа аа Оаёқаёі іп ёаёоа-ё кйёа
аа меърёадаа іпёаёёёёаа, ао уна Даёёпёо пёаіаадоёаёйё -ао уёаа оаі
іёёёёёаа аа ооіёіааё пёоао оёзёйёё аахйёа іаёёаёаёё оаі іёёёёё QSAR
халқаро тизимиға кўшилишиға шароитлар яратиш учун йўналтирилган.

Шу билан бирға Россия сифат тизимларини сертификатлаштириш
тизими барибир халқаро тизимдан фарқ қилади, чунки ўзига ишлаб
чиқаришлар сертификатлаштиришини олади. Бу эса кўпчилик маҳаллий
корхоналар тушиб қолган шароит билан тушунтирилади: уларда сифат
тизими мавжуд эмас аммо улар ишлаб чиқаришни баҳолаш жараёни билан
танишлар, чунки бир вақтлари давлатдаги ишлаб чиқариш жараёнларининг
аттестацияси уёёаёёа уаё. Пёоао оёзёйёаёйё пёдоёёёёаёёаёёёёё, ёёёа
-ёқаёёёа қадааіаа іоёаёааёйқ ауёаіёёё пёаааёё еідоіаёа аааё ёёаа
-ёқаёёёйё пёдоёёёёаёёаёёёёё аёёаі оооёёаёёёё хйёаёёёаа аа ойё пёоао
оёзёйёаёйё пёдоёёёёаёёаёёёёёдаги аёёё-ё аіпкё- ааа хёпйаёёёёёаё. Ооіёіа
о-оі Ёіпнёу кйёаёаёёа іаіоёк “ДААЕНОД” оёзёйё уёёаа ёёёё аіпкё-лё
пёдоёёёёаёёаёёёёё іаійёё уоааё, ао уна аақоёі-аёёё хйёёна хёпйаёіааё. Іп
оаёқаёі кйёаёадаа уіа ркйёё аадаааа іаіоёк ёаёоа-ё, пёоао оёзёйёаёйё
пёдоёёёёаёёаёёёёё ауёё-а идораёадаа аа оёаёйёа аёёдаёёаёёуё оадоёаёа
қаёёё оаёаёаа ааёаёёіа-ё, аааёао пёаіаадоёаёё ёёёа -ёкёёіқаа. Ао
ааааёаіаіо оаоёаёйё укёааі аа пёдоёёёёаёёаёёёёаі уёпёадоёа іааёоа
ауёёёё қадоё ауёааі, пёдоёёёёаёёаёёёёё ауёё-а идоралар ёіпёаоаіоёуёёа
оааёёё.

Пёоао оёзёйёаёйё пёдоёёёёаёёаёёёёё идораси пёоаёёа аёёдаёёолаш
аауаі кёёоа-ё оаёёёёіо, уіаё пёаіаадо ауёё-а -ао уёаа уёёё іауёоі ауёёёё ёадаё,
пёоао оёзёйёаёйё аахйёаёё хёаёаёёаёёёёааі амалларға уаа ауёёёё ёадаё.

Иёёаа -ёқаёёёни пёдоёёёёаёёаёёёёё ооааё оо аёёдаёёолашйёа ідора
томонидан уёёазёлади, аііі о іахпёёіоға мувофиқлик пёдоёёёёаёйё ааёёа
ооқоқ іёйаёё, -оіёё аоіёіа о-оі аёёдаёёолашйёіа аіқка пйаёёё қадоё.

Аёёдаёёолаш пйаёёёё уоаіёёё іахпёёіо ооёёа қадаа, уіап ааёёё іахпёёіо
аа оёйаоёаёйё ёёёаа -ёқаёёё ауёё-а ёкёёпйаёё оаіёёуоёаёё ооёаёё Ёіпнёу
ёёапёёёёаоіоёаа ёёдааі ёуіаёёёаа ауёё-а ёуёёааё. Ао хёаёао 39 ёуіаёёёё
аіёкёаёё аа -ао уё ёёапёёёёаоіоёаа іпёаёёёёёаа, Аёёдаёёолаш пйаёёёё
ёаіааёёёёё, оаёёёёіо аёёдааіоёаіааі пйаёёаа іаадоақёуолё оаіёёуоини
ёпайёлаган тақдирдагина мумкин.

Аауёё хйёадаа еідоіаёадаа пёоао оёзёйёаёйё пёдоёёёёаёёаёёёёё
Даёёпёоёйё Оаёйё Іаёаё уёпёадоёаё уёёааёёаа. Аііі қаоуёуі аада, іда
сертификатлаштириш ДО Давпёаіаадоё оіііёааі “Сёоао оёзёйёаёё Даёёпёоё”
оёзёйё кйёааёаёё ауёё-а аёёдааіоланган идоралар ёіііаіоаіциясёаёё.
Пёдоёёёёаёёаёёёёё ауёё-а идора ооіёёёуёё еідоіааа пёоао оёзёйёаёйё
пёдоёёёёаёёаёёёёё уёёаёё, пёдоёёёёаёёаёёёёё дастурларини ёёёаа
-ёқаёёё, пёдоёёёёаёёаёёёёё оёёоаёаёйё ёёёаа -ёкёё, пёдоёёёёаёёаёёёёё

еӊеаа ÷екареш аа педоао оеӊеӊеаде ондеааи еипӊаеӊеиӊ иаӊидоао уӊидеӊеааи еаидоао. Аада, ини аӊаеаа иӊеде, оааи уӊипӊадоӊеаӊ оаекади пӊаӊаадо ENI 10011-2 “Неоао оеӊеӊеадеиӊ оаеӊедеӊ аӊе÷а аӊокадоа еуӊпӊаӊидеаде”, 2 еӊни, “Сеоао оеӊеӊеадеиӊ оаеӊедеӊ аӊе÷а уӊипӊадо аоаеӊидеаӊ о÷оӊ иаеаеаӊоӊедеааи иаӊидеаӊ” аа оӊидеааӊ пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊ теӊеӊе буйича АИНО Д. уӊипӊадо-аоаеӊидеадеаа куйиладиган оаеааеадоаа иӊп еаеӊеӊе ӊадоӊ ва улар уӊипӊадо-аоаеӊидеаӊ Аааеаӊ оааӊепӊодеаа еӊдеӊеӊеааи аӊеӊеӊе ӊадоӊ.

Неоао оеӊеӊеӊе пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе аада, иӊ о÷ аӊпӊе÷аа уӊааӊ:

- Неоао оеӊеӊеӊе педоааи аахӊеаӊ;
- Неоао оеӊеӊеӊе уӊеӊеӊе оаеӊедеӊаӊ аа аахӊеаӊе;
- Пӊадоӊеӊеаӊ аӊаӊ кӊеӊеӊе иӊааӊиде пӊаӊидеаа пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе аа педоао оеӊеӊеаа еипӊаеӊеиӊ иаӊидоао иӊеа аидеӊ.

Неоао оеӊеӊеӊе педоааи аахӊеаӊ – уӊипӊадо талабгор еӊдоӊидеаа пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе пӊаӊидеаӊ еӊипӊеуӊеӊе мавжудлигини ӊӊааа ÷екадеӊе аа еаеӊиде еӊеадеӊе иӊеа аидеӊ иаӊпӊааа иӊаӊидеӊеӊеӊе тасдиклаши иӊидеӊ аӊеааеааи аапӊоӊаӊе аахӊеаӊеӊе. Ао аӊпӊе÷аа оаеааӊид педоао оеӊеӊеӊе пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе аӊе÷а идорааа кӊеӊеааӊидеӊе такдим уӊааӊ:

- оаеааӊиде;
- педоао оеӊеӊе аӊе÷а хӊаӊаӊ;
- педоао аӊе÷а кӊеӊеаӊиде;
- пӊаӊидеӊ аӊидеаӊпӊе ааӊидеаде аеӊаӊ.

Аааӊ ао иаӊидеаӊеаӊ тахӊили еӊидеӊ иаӊидеаӊааа уаа аӊепӊа, пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе аӊе÷а идора, оаеааӊид аеӊаӊ уӊеӊеӊе оаеӊедеӊаӊе уӊеаӊеӊе учун оадоӊиде оӊӊаӊ: шунга асосан педоаӊиде аӊокадеӊ аӊе÷а еӊдоӊиде оаӊеуӊе оӊиде аа хӊеаӊе; еӊеаа ÷екадеӊ оеӊеӊе хӊеаӊе; еӊеаа ÷екадеӊеаӊеаӊ иахӊиде педоаӊиде аӊе÷а оаеӊедеӊа. Неоао аӊокадоаӊ аӊе÷а оаӊеуӊе, еӊдоӊидеаа иааӊоа аӊеааи оаеаа кӊеӊеӊеаӊ оаекади ENI 9000 пӊадеуӊе пӊаӊидеӊлар оаеааеадеаа ,еӊ уӊоаӊ Дипӊеу аааеаӊ пӊаӊидеӊеаа иӊпӊеаӊ оаеӊедеӊеаӊе.

Оаеӊедеӊаӊ иаӊидеаӊпӊеаа кӊеӊеааӊе уӊеӊидеӊ чикариш иӊидеӊ:

- Оеӊеӊ кӊеӊеааи оаеааеадоаа оӊеӊеӊеаӊ÷а ааӊиде аадаӊе;
- Оеӊеӊ умумий хӊлда оаеааеадоаа иӊп еаеаӊе, аӊиде пӊаӊидеӊааи иӊеа четлашиӊеаӊ мавжуд;
- Оеӊеӊ кӊеӊеааи оаеааеадоаа иӊп еаӊидеаӊе.

Аедеӊ÷е хӊеаа пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе аӊе÷а идора еӊдоӊидеаа Аааеаӊ оаепӊодеаа оӊеӊаӊаа иӊеӊидеааи пӊуӊиде педоао оеӊеӊеаа пӊадоӊеӊеаӊ оӊидеаӊе. Еӊеӊиде хӊеаа еӊдоӊидеаа аниӊланган четлашишларни еӊкӊидеӊ о÷оӊ ааӊидеаӊе, оӊиде еаӊеӊиде оӊиде оаеааӊидеаа аӊидеаа пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе ааӊиде уӊотирилаӊе, аӊиде пӊаааеаӊоӊедеӊеааи пӊаӊиде аӊе÷а. Еӊидеӊ иаӊидеаӊаа еӊдоӊиде сифат тизимига пӊадоӊеӊеаӊ иӊеаӊе. Аааӊ оаеӊедеӊаӊ иаӊидеаӊпӊе пӊаӊиде аӊепӊа, еӊдоӊиде аӊидеӊ аӊидеӊ аӊе÷а кӊеӊеааи пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе уӊеаӊеӊеаа имконияти аӊиде.

Пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊеааи педоао оеӊеӊе ондеааи еипӊаеӊеиӊ иаӊидоао еӊеӊе оаеӊеаа иӊеа аидеӊеаӊе: оаӊа аӊе÷а (еӊеӊеаа аеӊ иадоӊаааи кӊп уӊиде) аа оаӊаааи оаӊкаде. Оаӊаааи оаӊкаде иаӊидоааа аӊидеаӊ: иаӊидеӊидеаӊиде пӊадоӊеӊеадоӊеӊедеӊе идорасиде еӊдоӊиде иаӊидеӊидеӊ педоаӊидеаа эӊтирозли маӊлумотлар еаӊеаӊ

[illegible]

Ἀόνααί ὁαῶκαδὲ, ἀαύζε Δῖννευ εἰδῶϊαεᾶδὲ αἰῶκα εἰεῖνευοεᾶδδαν χαῖ
 φοιδаланишади: ἀαῖπνεοα ὁαεᾶαῖμαεᾶδ ἀεεᾶί αοοοί αοί, ἀα οαί ἰεεῖααί Ὁρῶ-Ναδῶ,
 Εἰεῖα Δααεῖνοδὲ εᾶαε παδδὲοδῆαοεᾶαῶδὲδὲδὲ αὔεε÷α ὁεδῖαεᾶδᾶα ἰοδῖαο ὑοααεᾶδ.

А́о кʏə́ӣа̄ е́ӣдʊ́ӣӣа̄ӣе́ӣа̄ і̄а̄кп̄а̄а̄е̄ о̄а̄ӣе̄ӯо̄ е̄ӯд̄п̄а̄о̄о̄а̄÷е̄ о̄е̄ç̄е̄ӣе̄ а̄а̄х̄ӣе̄а̄о̄ а̄а̄
п̄а̄д̄о̄е̄о̄е̄а̄о̄е̄а̄о̄е̄д̄е̄о̄а̄е̄ӣа̄ ӯӣа̄п̄, а̄а̄е̄е̄ D̄īn̄n̄ēӯ е́ӣдʊ́ӣӣа̄е̄а̄д̄е̄а̄ п̄е̄о̄а̄о̄нӣ о̄а̄ӣл̄е̄ӣе̄а̄о̄
о̄е̄ç̄е̄ӣа̄д̄е̄ӣе̄ ӯд̄ӣа̄д̄е̄ōāа̄ е̄ӯӣа̄ēēāōēō х̄а̄ӣа̄ēd̄. А̄о̄ӣе̄ӣа̄ о̄÷о̄ӣ кʏə́ӣа̄ е́ӣдʊ́ӣӣа̄ о̄ӣӣӣēāī
о̄о̄ç̄ēēāī 15 ӯк̄о̄а̄-е́ӣп̄о̄е̄ӯд̄а̄т̄ӣв̄ і̄а̄д̄ēāç̄ēād̄ē о̄а̄ӣе̄ӯо̄ к̄ӯрс̄а̄т̄м̄о̄к̄д̄а̄.

[illegible]

12.1- жадвал

N	АӀӀкѐ÷ мӀѐаӀѐѐ	Қисқача Мазмуни	АӀӀѐаӀѐа÷ѐ
1	ЕӀѐаӀ ÷ѐқаӀѐѐӀѐ ӀӀаӀѐѐѐѐаӀ- ѐаӀѐѐѐѐѐаӀ ѐӀѐаӀӀӀӀӀѐ бириш	ОӀѐаӀӀӀӀӀѐ ѐӀӀӀѐѐѐаӀѐѐѐѐ аӀ уѐӀӀѐѐ ӀӀаӀѐаѐѐаӀѐѐ ѐӀѐ, ѐѐаӀ	ОӀѐаӀӀӀ ѐӀѐѐӀӀӀӀӀ
2	ӀѐӀѐӀӀӀ аӀӀӀѐаӀ	ӀѐӀӀѐѐ ӀӀаӀѐаѐѐаӀ уѐӀӀӀаӀѐѐӀӀѐ, ӀӀѐѐѐ, ѐӀӀӀ ӀӀӀӀӀѐӀӀ ѐѐѐаӀѐ ѐӀӀѐаӀѐ аӀӀӀӀӀӀѐ ѐѐѐѐ аӀ ӀӀѐӀѐаӀѐ кѐѐѐ, ѐӀѐѐӀӀѐ аӀӀкѐ÷ѐаӀѐѐ уѐѐӀӀѐѐѐѐ ӀӀӀӀӀӀӀӀ ӀӀӀӀѐкѐѐѐӀѐѐ аӀӀӀѐаӀ.	ЕӀѐаӀ ÷ѐқаӀѐѐӀѐ ӀӀаӀѐѐѐѐаӀѐаӀѐѐѐ- ѐѐѐѐ уѐѐӀӀаӀ÷ѐ идора.
3	ЕӀѐаӀ ÷ѐқаӀѐѐӀѐ ӀӀаӀѐѐѐѐаӀ-	ЕӀѐаӀ ÷ѐқаӀѐѐ ѐаӀѐ, ӀѐаӀѐ аӀ ӀӀӀӀѐѐѐаӀѐѐѐ аӀ қаӀӀӀ қаӀӀѐ кѐѐѐѐ	ӀӀаӀѐѐѐѐаӀѐаӀѐѐѐѐ ѐѐѐ уѐѐӀӀаӀ÷ѐ

	ĕāøøēðēø дастурини. òóçēø.	ķīēāāēāðēīē ðāāēāīāīòāā nīlēø (,ēē āīāēāāāē īāòīāēēāīē āāxīēāø).	идора.
4	Ēøēāā ÷ēķāðēøīē ðāēøēðēø	Yēñīāðøēāð āóðóχēīē (ēñīēññēy) òóçēø, ñāðøēðēēāðēāøøēðēø īāòīāēēāñēāā ēøēāā ÷ēķāðēøīē īñ ēāēēøēīē ðāēøēðēø, ðāēøēðēø īāðēæāēāðē χāķēāā χēñīāīò āā баённомаēāðīē ðóçēø.	Ñāðøēðēēāðēāøøēðēø øīē yòēāçóā÷ē идора.
5	Ēøēāā ÷ēķāðēøāā īyøfīķīķī ñāðøēðēēāðē-īē топшириш	Ēøēāā ÷ēķāðēøāā īyøfīķīķī ñāðøēðēēāðēīē ðāñīēēēāø-ðēðēø, óīē Āāāēāð ðāāēñøðēāā ēēðāēçēø, ñāðøēðēēāðēīē ēīðøīīāāā āāðēø.	Ñāðøēðēēāðēāøøēðēø øīē yòēāçóā÷ē идора.
6	Ñāðøēðēēāð- ēāøøēðēēāāī æāðā,ī ðñøēāāī ēīñīāēøēīī īāçīðāð óðīāðēø	Ñāðøēðēēāðēāøøēðēøīē īāòīāēēāñēāā īñ ēāēāāī xīēāā īāχñøēīðøñī ðāē,ðēāø ñēðāðē āīēīēēēēāē æāðā,īēīē назорати	Ñāðøēðēēāðēāø- ðēðēøīē yòēāçóā÷ē идора

Махñøēīðēīē ĀĪNØ Ð. ðēçēīē āyēē÷ā īāæāóðēē ñāðøēðēēāðēāøøēðēøāā (,ēē
ĀĪNØ Ð. āā ēēðóā÷ē āīøķā ðēçēī āyēē÷ā) 5 ñøāīā ðāīēāīñā, īāðñøēīðøñī īyøfīķīķī
ñāðøēðēēāðēīē īēēø ó÷óī āó īāχñøēīðēīē āēēðāāñøēāīāāī ñēīāø īāðēāçēāā
(ēāāīðāðīðēyāā) ñēīøv yòēāçēñīøñī çāpyp. Øóīē ðāúēēāēāā yòēø ēāðāēēē, 5 ñøāīā
ēøēāā ÷ēķāðēø ðāðīñēīāēyñē ðāøķē īīēlēāð ðāúñēðēāā ñāçāēðēēāēāā ķyēēāīēēāāē
(yúīē āñāīāñīçēēē, ðāāēīyēāēøðīēēā, īçēķ-īāķāt ñāīīāðē); ēīðøīīāāā ðāāðñēçēēēēā
þķīðē ðāēāāēāð ķyēēēāāī (ñðøēīā÷ē īīāāāēāð, øāðñēē χēīñy āñēðāēāðē, ðāðīñīððø
āñēðāēāðē ēøēāā ÷ēķāðēø) бӯлса; ēñøāúñēē ó÷óī āīāē īāāāāðē ēē÷ēē āyēāāī
īāχñøēīðēāð (ðāç áóçñēóā÷ē īçēķ-īāķāð īāχñøēīðēāðē); ēīðøīīā ķyøēī÷ā īāχñøēīðēīē
ķyøññāçā ðāññā ñīāēðēēāðēyēāēāē (ēēēēī-ēā÷āē, īāāāē āā āīøķāēāð).

Ēøēāā ÷ēķāðēøñī ñāðøēðēēāðēāøøēðēøīē īāðñøñ āēēðāāñøēāīāāī идора
yòēāçēøīē ēyçāā ðóðāāī, āīñ xīçēðāē ēóīāā óēāð ēāī÷ēēēē āā ó ,ēē áó ēøēāā
÷ēķāðēø ó÷óī ñāðøēðēēāðēāøøēðēø āyēē÷ā идора īāāæóā āyēīāāāīāā óīēīā
ðóīēðēyñēīē ĀĪEEN āāēēēēē идора ñēðāðēāā āāæāðāāē.

Назорат саволлари

1. Сертификатлаштириш буйича қандай минтақавий ва халқаро ташкилотларни биласиз?
2. Сифатни бошқариш тизимлари қандай сертификатлаштирилади?
3. Сифат тизимини сертификатлаштиришнинг қандай босқичлари мавжуд?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: У'збекистон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Авакян П.Г., Алимов М.Н. Гольцов В.Ф., Мирагзамов М.М., Сабиров М.З., Садыков А.Б. Основы стандартизации, сертификации, метрологии и управления качеством продукции. Учебное пособие. – Ташкент: Издательство ТГТУ, 2002.

3. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

12-Мавзу: ЭКСПЕРТ-АУДИТОРЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Режа:

12.1. Эксперт-аудиторларнинг вазифалари

12.2. Эксперт-аудиторларга қўйиладиган талаблар

12.3. Маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторга тавсия этиладиган талаблар

12.4. Сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторга тавсия этиладиган талаблар

12.5. Синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича эксперт-аудитор учун тавсия этиладиган талаблар

12.6. Эксперт-аудиторлар тайёрлаш

12.1. Эксперт-аудиторларнинг вазифалари

Сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган фаолиятда фаол қатнашувчи шахс бу эксперт - аудитордир. У одатда Сифат тизимларини, ишлаб чиқаришни ва маҳсулотни сертификатлаштиришда, синов лабораторияларини аккредитлашда ва бошқа ишларда қатнашиши мумкин.

Эксперт - аудитор деб, сертификатлаштириш соҳасида муассаса ва корхоналар фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган аттестатланган шахсга айтилади.

Эксперт-аудитор сифатида ўз-стандарт агентлиги томонидан белгиланган тартибда аттестатланган фан, саноат, маиший хизмат, институтлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳамда белгиланган ҳужжатлар билан ишлашда етарли чуқур билимга эга бўлган хусусий шахс ҳам бўлиши мумкин.

Эксперт-аудитор қуйидаги вазифаларни бажаради:

– маҳсулот, жараён, хизматларни, Сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш;

– сертификатлаштирилган маҳсулот, жараён ва хизматларнинг тавсифларини ҳамда сертификатлаштирилган Сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришнинг турғунлигини назорат қилиш;

– сертификатлаштириш бўйича аккредитлаш идоралари, синов лабораторияларини (марказларини) ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш;

– сертификатлаштиришда тавсиялар бериш.

Эксперт-аудитор ўз фаолиятини сертификатлаштириш миллий идораси, бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш идоралари, Сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш доирасида амалга оширади.

12.2. Эксперт-аудиторларга қўйиладиган талаблар

Эксперт-аудиторлик катта масъулият, объективлик билан олиб бориладиган фаолият ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам эксперт-аудиторлар даврий равишда аттестациядан ўтказилиб туриладилар. Табиийки, бунда уларга нисбатан муайян талаблар қўйилади.

Эксперт-аудитор қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- тулиқ олий маълумотли ва сертификатлаштириш соҳасида етарли билимга эга бўлиб, фаолияти сертификатлаштиришнинг маълум тури бўйича аттестатланган бўлиши керак;

- олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг камида 5 йиллик амалий стажга эга бўлиши, шундан камида 3 йили стандартлаштириш, метрология, синовлар, сифатни бошқариш ва таъминлаш соҳаларида ишлаган бўлиши керак.

Эксперт-аудитор чуқур билимли, тadbиркор бўлмоғи лозим. У қуйидаги соҳалар бўйича билимларни мукамал эгаллаган бўлиши шарт:

- Республика сертификатлаштириш миллий тизимининг қоида ва тартиблар;

- сертификатлаштириш ўтказиш бўйича билимлар ва меъёрий ҳужжатларни тушуниш;

- сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича асосий ишлар мазмуни;

- сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича иқтисодий ва ҳуқуқий асослари;

- мамлакат ичидаги ва чет эллардаги сертификатлаштириш ва аккредитлаш тажрибаси;

- стандартлаштириш, метрология ва Сифат тизимларининг асослари;

- текширув ўтказиш ва сифатни бошқаришнинг статистик ҳисоблаш усуллари;

Эксперт-аудитор таҳлил қилиш, мантикий асослаш, ўзининг фикрини қаттиқ ва асосланган ҳолда ҳимоя қилишлик; ижодий қобилиятга ва мураккаб вазиятда тўғри қарор қабул қилиш хусусиятларига эга бўлиши; ҳаққоний, масъулиятли, принципиал равишда ҳайрихоҳ, ҳушмуомалали, одобли ва ўзини тутабилишлик каби шахсий сифатларга эга бўлиши керак. Эксперт-аудитор текширилаётган объектнинг ходимлари билан алоқада

бўлиш ва керакли ҳужжатлар билан танишиш; маълумот учун ҳар қандай қўшимча маълумотлар талаб қилиш (сертификатлаштириш мақсадлари учун); тизимда амалдаги меъёрий-услубий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича ўз таклифини бериш; сертификатлаштирилувчи маҳсулот, жараён, хизматлар, Сифат тизими ва ишлаб чиқариш бўйича режаларни тузатиш юзасидан ўз мулоҳазаларини киритиш ҳуқуқига эгадир.

12.3. Маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторга тавсия этиладиган талаблар

Маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторлар қуйидаги масалалар бўйича билимга эга бўлишлари керак:

- маҳсулотни сертификатлаштиришнинг асосий қонун-қоидалари, тартиблари;
- сертификатлаштирилувчи маҳсулотнинг хоссалари, унинг конструкциялари, ишлаб чиқариш технологияси, бирикма ва материаллар;
- сертификатлаштирилувчи маҳсулотнинг техникавий тавсифлари, ўлчанувчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш усуллари (ўлчаш ва назорат), даставвал қўлланилган стандартлардаги белгиланган ва техникавий шартлар;
- аниқ синовлар ва уларнинг хиллари;
- ишланма, аттестатлаш, синов ва ўлчаш услубларини қўлланиши;
- синов ва ўлчаш натижаларини қайта ишлаш, синовлар натижаларини таҳлил қилиш, уларнинг аниқлилигини ва ҳаққонийлигини баҳолаш усуллари;
- мустаҳкамлик, сифат даражаси, пишиқлик, ишлатишдаги тавсифларини таҳлил қилиш, талабларни рад қилиш ва бузилганлигини аниқлаш;
- сифатни статистик назорати, уни баҳолаш усуллари;
- синов ва ўлчаш ускуналари, уларни аттестатлаш, метрологик таъминланиши;
- ишлаб чиқариш технологияси, технологик имкониятлар ва жиҳозланишда ишлаш хусусиятлари ва воситалари;
- маҳсулотни ўраш ва жойлаштириш, белгилаш, сақлаш, етказиб бериш ва техникавий хизматга бўлган талаблар.

12.4. Сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторга тавсия этиладиган талаблар

Сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш бўйича эксперт-аудиторлар қуйидаги масалалар бўйича билимларга эга бўлишлари керак:

- Сифат тизимлари, шу жумладан, Сифат тизимларига оид стандартлар;

- маҳсулот сифатини ва мустаҳкамликни баҳолаш усуллари, ҳисоблаш, тажриба-статистика, натижаларни қайд этиш ва экспертлаш;
- тайёр маҳсулот сифатининг назорати, асосий усулларнинг турларини ва техникавий воситаларни ҳамда статистик назорат усуллари;
- маркетинг бўйича ишларни ташкил этиш;
- лойиҳалаш бўйича ишларни ташкил қилиш ва уларга талаблар;
- материал-техника таъминоти бўйича ишларни ташкил қилиш;
- ҳом-ашёнинг, материалларнинг ва комплект этувчи буюмларнинг киритишдаги назоратини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш технологияси, ишлаш хусусиятлари ва технологик жиҳозланиш воситалари;
- технологик ускунани техникавий хизмати ва таъмирлаш;
- ишлаб чиқаришни метрологик таъминоти бўйича ишларни ташкил қилиш;
- текшириш ва синовлар ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш;
- юклаш, ортиш-тушириш, транспорт ва омбор билан боғлиқ бўлган ишларни ўтказиш ва уларга бўлган талаблар;
- маҳсулотни ўраш ва жойлаштириш, белгилаш, сақлаш, етказиб бериш ва техникавий хизматига бўлган талаблар;
- Сифат тизимларини иқтисодий томондан баҳолаш;
- Сифат тизимларида самарали қатнашуви техникавий ходимларни иштирокини ташкил қилиш ва тайёрлаш.

12.5. Синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича эксперт-аудитор учун тавсия этиладиган талаблар

Синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича эксперт-аудитор қуйидаги масалалар бўйича билимларни пухта эгаллаган бўлиши керак:

- синалувчи маҳсулотнинг хоссалари, уларнинг консрукциялари, технологияси, ишлаб чиқарилиши, бирикма ва материаллар таркиби;
- аниқ синовлар ва уларнинг хиллари;
- ишланма, аттестатлаш, синов ва ўлчаш услубларини қўллаш;
- синов ва ўлчаш ускуналари, унинг ишлатиш ва техникавий хизмати, аттестатлаш, ўлчаш усуллари;
- синовларнинг метрологик таъминланиши, қўлланиладиган ўлчаш воситаларини қиёслаш (калибрлаш);
- синов ва ўлчаш натижаларини қайта ишлаш, уларнинг аниқлик ва ишончлилигини баҳолаш усуллари ҳамда олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- мустаҳкамликка, сифат даражасига бўладиган талабларни аниқлаш усуллари, сифатни статистик назорати, сифатни, мустаҳкамликни баҳолаш усуллари, ишлатилишдаги тавсифлари, рад этиш ва шикастланганлигининг таҳлили;

- синов лабораториясининг малакали ходимларига нисбатан талаблар;
- синов натижаларини расмийлаштириш қоидалари;
- синов лабораториясининг хоналарига ва ундаги шароитларга талаблар;
- чет эллардаги ўхшаш синовларнинг даражаси.

12.6. Эксперт-аудиторларни тайёрлаш

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, уларнинг ташқи бозордаги харидорбоблигини оширишда эксперт-аудиторларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Сертификатлаштириш фаолиятига қадам қўяётган корхоналар жамоалари ичида сертификатлаштириш фаолиятида ишлай оладиган, ўз касбини севадиган ходимлар талайгина топилади. Лекин бу соҳада уларни ўқитиш маълум бир ўзига хос хусусиятларга эга. Юқорида айтилган талабларга жавоб берадиган ходимларни танлаб олиш ва уларни сертификатлаштириш ва лабораторияни аккредитлашга ишларига тайёрлаш катта маъсулият талаб қилади.

Корхоналарда сертификатлаштириш соҳасидаги ишларни инobatга олиб, сертификатлаштириш миллий идораси ўз-стандарт агентлиги томонидан эксперт-аудиторлар тайёрлаш махсус курслари ташкил этилиб, бу соҳадаги ўқишнинг ташкилий томонлари СМСИТИнинг асосий фаолиятларидан бири деб қаралмоқда. Эксперт-аудиторларни тайёрлаш одатда икки босқичда олиб борилади: назарий билимларни олиш ва аттестатлаш натижасида уларга тегишли расмий ҳужжатлар топшириш.

Назарий билимларни олишда малакали ўқитувчилар халқаро сертификатлаштириш соҳасидаги маълумотлар билан, сертификатлаштиришга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар билан сертификатлаштиришда қатнашувчи томонлар ва уларнинг вазифалари ҳамда бурчлари билан, лабораторияларни аккредитлашга боғлиқ билимлар билан, сертификатлаштириш фаолиятида метрологик таъминот маълумотлари билан, сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий меъёрлари ва уларга риоя қилишликдаги маълумотлар билан, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар билан кенг ва ҳар тарафлама таништиради.

Талабаларнинг назарий билимларини ўз-стандарт агентлиги томонидан тузилган махсус комиссия баҳолайди. Баҳолашни натижалари етарли даражада бўлса, уларга сертификатлаштириш миллий тизимининг эксперт-аудитори деган гувоҳномаси берилади (агар аттестатлашдан ўтмаса рад этилади).

Эксперт-аудиторлар уларга юклатилган вазифалари бўйича муайян бурч ва маъсулиятларга эгадирлар.

Эксперт-аудиторлар текширув режаси белгиланган доирада фаолият юритмоқлик; ҳолислик ва текширув натижаларини ҳаққоний баҳолаш;

текширишга керакли хужжатларнинг кетма-кетлигини ва сақланишини таъминлаш ва бошқа шу каби бурчларга эгадирлар.

Эксперт-аудиторлар ўз бурчларини виждонан бажармаслиги, хизмат вазифаларини суистеъмол қилиш, шахсий манфаати йўлида фойдаланиш, сўровчини камситиш ёки унинг тижорат сирларини очиб ташлаш каби хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавобгардирлар.

Назорат саволлари

1. Эксперт-аудиторлар деганда кимлар тушунилади?
2. Эксперт-аудиторлар қандай вазифаларни бажаради?
3. Эксперт-аудиторлар қайси соҳалар бўйича фаолиятлар олби борди?
4. Эксперт-аудиторлар қандай тайёрланади ва улар қандай талабларни бажариши лозим?

Адабётлар

1. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: У'збекистон, 2001. -360 б.

2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.

3. Исматуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш фанидан маърузалар матни: Ўқув қўлланма: (520000, 540000, 850000, 140000 бакалвр йўналиши учун. ТДТУ, "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" каф.. -Т.: ТДТУ, 2007. -234 б.

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни 28.12.1993 й.
2. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -360 б.
3. Абдувалиев А.А., Авакян П.Г., Алимов М.Н. Гольцов В.Ф., Мирагзамов М.М., Сабилов М.З., Садыков А.Б. Основы стандартизации, сертификации, метрологии и управления качеством продукции. Учебное пособие. – Ташкент: Издательство ТГТУ, 2002.
4. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н. Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Сабилов М.З. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2005.
5. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. – Ташкент: НИИСМС, 2007.
6. Исматуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш фанидан маърузалар матни: Ўқув қўлланма: (520000, 540000, 850000, 140000 бакалвр йўналиши учун. ТДТУ, "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" каф.. -Т.: ТДТУ, 2007. -234 б.
7. Исматуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Тураев Ш.А. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш асослари. 5521600 - "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" ва 5524300 - "Маҳсулот сифати менежменти (маҳсулот турлари бўйича)" йўналишлари бакалаврият талабалари учун ўқув қўлланма. ТДТУ. -Т., 2007. -233 б.
8. Абдувалиев А.А., Бойко С.Р. От сертификации продукции к подтверждению соответствия товаров// Standart. 2004. №1.
9. Алимов М.Н. Государственные научно-технические программы – важнейший фактор науно-технического прогресса// Standart. 2004. №1.
10. Бойко С.Р. Системы качества и переход к международным стандартам ИСО 900 версии 2000 г.// Standart. 2001. №3.
11. Буриев Р.А. Основы направления государственной системы стандартизации Узбекистана в текущем году и преспективе // Standart. 2002. №2.
12. Гличиев А.В. основы управления качеством продукции. – М.: РИА «Стандарты и качество». 2001.
13. Сергеев А.Г., Латышев М.В. Сертификация. Москва, ЛОГОС-2000 г. 246 с.
14. Сафров К. Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш асослари. Тошкент ТДИУ. 2005 й. 89 бет.
15. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги қонуни;

16. Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни;

17. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни;

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №318 –сонли қарори;

19. 2000 йил 26 февралда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №901 - сонли Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ва четга чиқарилаётган товарлар, уларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

20. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари. №59 –сонли 2005 йил 25 февралда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 18 мартда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1458;

21. «Маҳсулот мувофиқлиги талаблари ва унинг хавфсизлиги декларация қилиш тўғрисида»ги низом. №83 –сонли 2005 йил 4 мартда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1465;

22. Сертификатлаштирилган маҳсулот ва хизматлар устидан инспекцион назоратини ўтказиш қоидалари. №24-П сонли «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1464;

23. «Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари, синов (ўлчаш) лаборатория (марказ)лари ва сертификатлаштириш соҳаси бўйича назорат идоралирини аккредитлаштириш қоидалари» 2006 йил 17 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1596;

24. Аккредитланган сертификатлаштириш идоралари ва синаш лабораториялари (марказлар) фаолиятини инспекцион назорат ўтказиш қоидалари. 2005 йил 20 апрелда Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №1472;